


Саид Назар

ЯШИД БОЙЛИК

РОМАН



ЎЗСР ДАВЛАТ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ - 1960

На узбекском языке

САИД НАЗАР
ЗЕЛЕНОЎ БОГАТСТВО

Роман

Гослитиздат УЗССР — 1960 — Ташкент

Редактор *Ж. Насриддинова*

Рассом *Б. С. Жуков*

Рассом редактор *Г. Бедарев*

Тех. редактор *Т. Скиба*

Корректорлар *М. Мансурова, Х. Рустамбекова*

* * *

Босмахонага берилди 1/IV-60. Босишга рухсат
этилди 12/V-1961 й. Формати 84×108^{1/2}.
босма л. 7,625, шартли босма л. 12,51. Нашр
л. 13,26. Тиражи 30000. Индекс 6/а.
ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Договор № 242-59.

* * *

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавизда-
тининг 1-босмахонаси, Тошкент 1960.
Заказ 170. Баҳоси 5 с. 50 т.



БИРИНЧИ ҚИСМ.

1

Ҳаво очиқ. Кўм-кўк баргларга бурканган дарахтлар-ни тебратиб, салқин шабада эсади. Кафтдек текис катта майдонда звено аъзолари гоҳ қўл, гоҳ кетмон билан янги ниш уриб чиқаётган ғўзаларнинг томоғини юмшатмоқдалар...

Кўкка аста-аста қорамтир булут тўплана бошлади. Ёмғирнинг шитирлаши эшитилмаса ҳам, кўзга кўринмас зарра бўлиб ерга нам тушаётгани тупроқ ва ўсимликлар рангидан сезиларди. Қатор орасида кетмон ураётган чиройли, кичик юзли Қумри кўкка тикилди:

— Ёғади, аттанг!..

Қумридан бир неча қатор нарида кетмон ураётган, қадди-қомати келишган Бўстон, худди бир нарсадан сесканиб кетгандай, қайрилиб унга қаради:

— Ёғса ёғаверсин, кўклам ёмғири шовиллаб ўтади-кетди, аттанг билан вақт ўтказма!

Бу сўзлар Қумрининг ғашини келтирди. У хўмрайиб, ингичка қора қошларини чимирди:

— Қатқалоқ бўладиган ерлар ҳам бор, ўртоқ.

Бўстон қаддини тиклаб, шўхлик билан қўлларини кўкка чўзди:

— Эй булут! Ҳўл этагингни сиқма, ёмғирда қатқалоқ бўладиган ерлар ҳам бор... Нарироқ жўна, нам кутиб сарғайган майсалар устига бориб ёғ!..

Қизлар кулишди. Қумри ҳам кулди-ю, кейин бирдан жиддийлашди:

— Нега кишини мазах қиласан?

— Ахир, ўзинг ҳам қизиқсан, ёлвориб табиатни ром қилиб бўладими? Қатқалоқ бўлса «аттанг» билан эмас, чопиқ ва ўғит билан тузалади.

Қумри унинг сўзига жавоб тополмай изза бўлди шекилли, юзи қизариб кетди. У тез-тез кетмон урди. Гўё кетмоннинг зарбалари юрагида пайдо бўлган ёқимсиз ҳисни йўқ қилишга ёрдам этадигандай, терлаб-пишиб ишлади.

Бирдан шамол кучайди. Унинг дарахтларга тегиб шовиллаши баланддан пастга шиддат билан қўйилаётган кучли селобни эслатарди. Дам ўтмай ғарбдан шарққа гулдираб момақалди роқ югурди. Чақмоқ қиличи уфққача ярқираб чўзилди-ю сўнди. Ёмғир қўйди, ҳар томчиси тангадай эди. Бир оздан кейин кучли шамол булутларни яна суриб, парчалаб юборди. Кўк денгизда (наҳанг) балиқдай сузаётган булутлар орасидан қуёш гоҳ чиқиб, гоҳ яширинди. Ёмғир тинди, аммо жўякларда сув ҳали ҳам шилдирамоқда эди. Қўйлаклари ҳўл бўлиб танларига ёпишган қизлар дала шийпонида этакларини сиқмоқда эдилар. Шу пайт катта йўлдан келаётган Ботир Мавлонов кўринди. У оқ китель, брезент этик ва кўк шим кийган эди.

— Вой ўлмасам, Ботиржон акам келяптилар.

Қумри шийпон тўридаги уйчага югурди. Бошқалар ҳам унинг кетидан шошилиб уйга кирдилар. «Энди нима қиламиз?» деди новча бўйли Чиннихон ҳўл кўйлагини товлаб сиқаётган Бўстонга қараб. Бўстон: «Ҳозир-ҳозир...» деди-ю, деворга осиб қўйилган телефон ёнига келиб, уйига хабар қилди. Ойисидан кийим келтиришни, йўлакай Чиннихон, Қумрихонларнинг уйига ҳам кириб ўтишини сўради. Шу вақт қомати расо, хушқийёфа йигит салмоқли қадамлар билан шийпонга яқинлашди.

Қизлар дераза олдига тўпланишиб қараб турарди-

лар. Улар ўз ҳамқишлоқлари бўлган бу йигитни кўпдан кўрмаган эдилар. Шундай бўлса ҳам унинг Москвадаги Тимирязев номли Қишлоқ хўжалик академиясини тугатиб, ўша ерда ишда қолганлигини, кейин эса, илмий ишни ишлаб чиқаришда давом қилдириш, колхозларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда бевосита қатнашиш истаги билан ариза бериб, қишлоққа келганини билардилар. Шунинг учун ҳам қизлар унга қизиқиб қарадилар.

«Ўсмирлигида серғайрат, кишиларга меҳр-оқибатли бўлган йигит энди қандай бўлиб келди экан» деб ўйласа бири, иккинчиси: «Москвада ўқидим» деб гердайиб кетмаганмикин?» деган фикрни кўнглидан ўтказди. Қизларнинг кўпчилиги Ботирдаги кўркам сифатларнинг яна камол топганига шубҳаланмас эди. Лекин шундай бўлса ҳам улар буни суҳбатда, ишда яна кўриб билишни хоҳлардилар.

У шийпонга кираркан, қизлар салмоқлашиб сўраша кетдилар. Ботир уларнинг турли-туман сўроқларига жавоб бергач, ҳазиллашди:

— Ҳали ҳам кишидан қочадиган одатларинг бор экан-да?!

— Ёмғир қурғур ҳамма ёғимизни ҳўл қилиб юборди, қочишга улгуролмай қолдик, ҳозир кийим келади, кийиниб чиқамиз,— деди Қумри.

Чиннихон қовоқларини солиб, Қумрига қаради:

— Эсингни едингми, янги келган одамга ҳадеб гапираверасанми?

— Янги бўлса ҳам — бегона эмас,— деди Қумри Чиннихонга ўгирилиб.— Ботиржон акам-ку.

Бўстон Чиннихонни туртди:

— Майли, гапга солсин, индаманг.

Ботир шийпоннинг бир чеккасига қўйилган стулга ўтириб, «Огонёк» журналинини варақлаб, расмларини томоша қиларқан, сўради:

— Бу йил қанча ваъда қилдиларинг?

— Кечирасиз,— деди Қумри кулиб,— фақат биттаси билан ваъдалашганмиз.

Ботир ҳам, қизлар ҳам хохолаб кулишди.

— Қанча центнерга, гектаридан қанча центнерга деяпман? — деди қизариб Ботир.

Бўстон жавоб берди:

— Ҳар гектардан етмиш центнердан пахта берамиз.

Чиннихон Қумрини уйнинг бурчагига тортиб «Жим, шўхлик қилма, бас!» деб чимчилаб олмоқда эди. Шу вақт Ботир билан Бўстон орасида суҳбат қуюқлаша бошлади:

— Чигит текис униб чиқяптими?

— Ҳа, кўпчилигини ундириб олдик, ана, далага қаранг.

Ботир ўгирилиб қаради, жўякларнинг бир бошидан нариги бошигача чўзилиб кетган кўм-кўк чизиқларга кўзи тушди. Булар патирлаб чиқаётган ғўза ниҳоллари эди.

— Лекин анча ерда чигит ҳали униб чиққанича йўқ,— деди Қумри.

— Униси ҳам албатта униб чиқади,— деб Қумрига тикилди Бўстон.

Ботир дастлаб Бўстоннинг сўзини қувватлаб: «Шубҳасиз униб чиқади» демоқчи эди, лекин бугунги ёмғир эсига тушди-ю:

— Агар қумоқ, юмшоқ ер бўлса, униб чиқишига шубҳа йўқ,— деб қўйди.

— Бўлмаса-чи?

— Қатқалоқ бўлиб униб чиқмаслиги ҳам мумкин.

Бўстон ўзига хос кескинлик билан жавоб қилди:

— Қулоғидан тортиб чиқазамиз, хотиржам бўлинг. Ундаги дадиллик, қатъият Ботирга ёқди.

— Сизларга ишонса бўлади.— Ботир табассум қилди.

— Хўш, ишни бошлаб юбордингизми?

— Ҳа. Лекин сизлар жиддий ёрдам беришингиз керак.

Бўстон стулни деразага яқин тортиб ўтирди, унинг майда қизил гулли кўйлаги ҳўллигидан ҳали ҳам кўкрагига ёпишиб турарди. У қўлини деразадан чиқариб гапирди:

— Ишонинг, Ботиржон ака, бутун кучимиз билан кўмаклашамиз, қанча орзу-ю истагингиз бўлса эришасиз.

Бўстоннинг гапи унга хуш ёқиб, «рахмат» деди.

Ботир хайрлашиб ўрнидан турди. Шу пайт қизларнинг кийимини кўтариб Саодат опа келиб қолди. У, Ботирни кўриб, соғлик-омонлик сўради-ю, сўнгра уйга кириб келтирган нарсаларини эгаларига берди. Қизлар

апир-шупир ҳўл кийимларини ечиб ташлаб, янгисини кия бошладилар.

Ботир секин-аста юриб, ғўза пайкаллари оралаб кетди. Ҳаммадан олдин кийиниб ташқарига чиққан Қумри унинг орқасидан қичқирди.

— Келиб-кетиб тўринг, Ботиржон ака.

Ботир чап қўлини баланд кўтарди-да, бурилиб «есть» деб жавоб берди. У хаёл суриб борарди: «Қандай кўркам, қандай дилбар бу ғайратли қизлар. Булар билан ишлаган одам чарчашни билмас». Шу вақт Бўстоннинг қошларини чимириб: «Ишонинг, Ботиржон ака, бутун кучимиз билан ёрдам берамиз» деб турган пайти кўз олдига келди.

2

Ботир йигирма олти ёшда бўлса ҳам унинг кенг ярқироқ пешонаси, ўткир қора кўзлари, нақш олмадек тиниқ юзлари, бутун қиёфасига қараб, уни яна ҳам ёшроқ деб ўйлаш мумкин эди. Лекин пухта сўзларига, салмоқли ҳаракатларига, одамлар билан муомалаларига қараб унинг ёшини анча ошйқ тахмин қилардилар. Унинг қўл ва кўкрак мускуллари бўртиб чиққани билиниб турарди. Умуман, Ботир юлдузи иссиқ, бақувват йигит эди. У қаерга борса тўғрилиқ, ҳаракатда изчиллик, ғайрат ва камтарлик билан тез обрў топиб кетарди.

Ботир фалсафани, фан аҳллари ва сиёсий арбобларнинг образлари тасвирланган бадий асарларни севади. У шошилмай, равон гапирар, сўзларни тўла, аниқ талаффуз этарди.

Ботирда боққа ва боғбонликка меҳр болалик вақтидаёқ уйғонди. Отаси Мавлон ака уни ҳамиша ўзи билан бирга олиб юрар, ўз касбини унга ўргатишга ҳаракат қиларди. У, кўчат ўтқазиш, пайванд қилиш, бутани ва бошқа ишларни жуда ёшлигидаёқ ўрганиб олган эди.

Ботир уч кундан буён кўп киши билан учрашди. Ҳамма ерда самимий муҳаббат билан кутиб олинди. Умумий йиғилишда колхозга яқдиллик билан аъзо қилиб қабул этилди. Одамлардаги меҳр-муҳаббат ва дўстлик ҳислари уни завқлантирди. Кишилардаги бу

7

ҳурмат, эътибор, қариндошлик, ёр-дўстлик, ҳамқишлоқлик учунгина эмас, шу билан бирга фан вакили — агрономлиги учун ҳам эканлигини равшан сезди.

Ботир энди икки қулоқ бўлган ғўзалар орасидан борар эди. Ер намлиги ва қуёш ҳарорати билан патирлаб чиққан, лекин ҳали аксарияти ягана қилинмаган ғўзалар кенг майдонларда кўз илғамас узоқларга чўзилиб кетган. Тўғрида узоқдан юксак тоғнинг кема сингари чўққиси кўринади. Дарҳақиқат, худди катта бир кема осмонда учиб келиб, тоғнинг энг юксак чўққисига қўнгандек аниқ кўриниб турибди. «Ажойиб чўққи» деб ўйлади Ботир. Ешлигида ўша чўққига чиқиш учун қанча урингани эсига келиб, «болалик» деб қўйди. «Худди унда ҳеч қандай, ўзгариш йўқдек, ўша-ўша туриши-я. Ҳолбуки қанча йил ўтди». Бу ўтган йиллар табиат учун қисқа муддат бўлса ҳам, Ботирнинг ҳаётида муҳим бир давр эди. У бу даврда қайнаб тошган пойтахт ҳаёти ичида яшади, олий ўқув юртини тугатди. Ботир кетганида қишлоқ боғи янги ўтқазилган қаламча ва ёш ниҳоллардан иборат эди. Мана энди, ўрмондек шовиллаб кетибди. Унинг атрофида яп-янги кўк, оқ бинолар боғнинг ҳуснига ҳусн қўшган. Одамларнинг ҳаракатлари, сўзлари, кийиниш, юриш-туриш ва муомалаларида ҳам бу ўзгариш равшан кўзга ташланади. Ботир эса бу даврда ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан етилди. Ўз орзу-истакларини рўёбга чиқариш учун фан билан қуролланиб келди. Фан билан қуролланиб бебаҳо йиғитлик кучига суяниб, олижаноб мақсадларини бажаришга киришаётган кишиларнинг руҳи қандай баланд бўлса, Ботирнинг ҳам руҳи ҳозир шундай баланд эди.

Хусусан, қизлар билан суҳбатлашгандан кейин, ундаги бу кўтаринкилик яна ҳам ортди. Уларда ўз юрагига ҳамоҳанг юракни, Ватанимиз учун ҳеч қандай фидокорликлардан қайтмайдиган қатъият ва иродани кўрди.

Ўз раҳбарлигида бошланадиган катта муҳим ишда уларнинг актив ёрдам беришга истак билдирганликлари уни айниқса қувонтирди.

У ҳаёл суриб бораётганидан манзилига етиб келганини сезмай қолди.

3

Деворлари эскириб, нураб тушган мевазор боғ икки гектардан кўпроқ келарди. Ўриклар куртак оча бошла-

ганда, совуқ уриб кетгани учун уларда гул кўринмас, лекин, олча, шафтоли шигил гуллаган эди. Ботир дарахтларга диққат билан қараб, яна илгари юрди. У, кекса боғбонни изларди. «Абдужаббор ота!» деб икки марта товушини баланд қўйиб қичқирди. Сал ўтмай қорачадан келган, ориқ, новча киши Ботирга яқин келди. У этаклари тиззасига тушадиган узун оқ сурп кўйлак кийган эди.

Абдужаббор ота:

— Келинг, келинг, Ботиржон,— деб меҳнатда пишиб кетган катта қўлларини чўзиб, Ботир билан кўришди. Улар дарахт оралаб ёнма-ён юрдилар. Кекса боғбон мева дарахтларини қандай парвариш қилаётгани ҳақида гапириб борди. Янги кўчатлар ўтқазиб, пайванд ишлари билан таништирди. Ўзи ҳосилга киритган яхши навлар ҳақида ҳикоя қилди. Унинг сўзларида мақтаниш оҳанги ҳам йўқ эмас эди. Ботир: «Дуруст-дуруст» деб борди. Ҳақиқатан ҳам чолнинг меҳнат қилаётгани кўриниб турарди. У битта шафтоли дарахти ёнига келгач, тўхтади:

— Жуда яхши ҳосил беради. Сариф мағиз, сершира ўзим ўтқазганман,— деди.

— Бу йил қанча кўчат ўтқаздингиз?— сўради Ботир.

— Ўрик, олма, шафтоли, ҳаммаси бўлиб юз эллик тупдан ортиқроқ, ҳаммаси яхши навлардан, ўзим танлаганман.

Ботир кекса боғбонга томон бурилди:

— Бу ишларингиз жуда яхши, лекин боғдорчилигимиз ҳозирги талаблардан жуда орқада қоляпти. Уни тезлик билан ривожлантириш, ҳар хил меваларни мўл-кўл қилиб юбориш керак. Қани энди айтинг, мана шундай бўлак-бўлак эски боғлар, ёки ҳар йили юз, икки юз кўчат ўтқазиб билан бу вазифани ҳал этиб бўладими?

— Йўқ, албатта янги боғлар яратиш керак.

— Хабарингиз бордир, шу колхозда саноат аҳамиятига эга бўлган саксон, юз гектарлик илмий асосда яхлит янги боғ яратиш фикри қўзғалапти. Бунга сиз қандай қарайсиз?— Ботир кўз тагидан унга разм солди.

Кекса боғбон ўйланиб қолди. Бундай катта ҳажмдаги ишларга кўникмаган, умри кичик боғларда ўтган чол бу гапни ҳазм қила олмади. Бир оз туриб:

— Мен қарши эмасман, лекин қуруқ гап бўлса керак...— деб қўйди.

— Йўқ, ҳақиқат, ота,— деди Ботир ишонч билан,— ҳозир колхознинг илғор кишилари шу ҳақда ўйлаяптилар.

Ботир кекса боғбонга далда бериш ва мевачилик илми олдида турган вазифалар билан уни таништириш ниятида кутилмаган бир сўроқ берди:

— Аэропланни биринчи марта кўргашингизни эслай оласизми?

Абдужаббор ота: «Бу нимага керак бўлди экан?» деб ўсиқ қошларини чимириб, қуш боқиш қилиб, кекса олма дарахтининг учига қараб туриб ўйланди, сўнгра Ботирга тикилиб:

— Ҳа, эслайман,— деди.

— Қандай таъсир этган эди?

— Ёқамни ушлаб ҳайратда қолган эдим.

— Сиз ҳали мўл ҳосилли навлар ўтқазганлигингизни айтдингиз. Бу дуруст. Халқимиз кўп асрлардан бери мевачилик билан шуғулланиб, яхши навлар яратган. Энди биз шундай аъло сифатли, мўл ҳосилли янги навлар вужудга келтиришимиз керакки, самолётни биринчи марта кўрганда киши қандай ҳайратда қолса, биз яратган янги навларни кўрганда ҳам шундай ҳайратда қолсин. Ҳозиргача дунёда кўрилмаган ажойиб навларни яратамиз.

Кекса боғбон бу гаплардан худди самолётни биринчи кўрганидагидек ҳайратланди. Ботир гўё унинг қўлидан ушлаб, жуда юксак тоғ чўққисига тортаётгандек ҳадиксиради.

«Мавлоннинг ўгли нималар деяпти? Дунёда бўлмаган мевани қандай яратади? Уқиган илмни юрагига сиғдиролмай ҳовлиқяпти» деб ўйлади.

Ота гапирмади. Ботир унга маҳмадоналик қилаётгандек кўринди. Унинг сўзларига қандай қарашини аниқ айтиш учун хўп мулоҳаза юритиш, бундан кейин бўладиган амалий фаолияти билан бу сўзларни таққослаб кўрмоқ зарур эди. Шунинг учун у: «хўп, омон бўлсак кўрамиз» деб қўйди.

Ботир ҳам чолнинг кўнглидан кечган фикрни сезди, шунинг учун гапни бошқа томонга бурди. Чол билан мева дарахтларининг парваришини кўчайтириш ҳақида маслаҳатлаша бошлади.

Ботир кечқурунгача Абдужаббор ота ёнида бўлди. Унга ёрдамлашди, қўлига кетмон олиб, анча ишлади.

Боғнинг кам-кўстларини аниқлади. Қош қорайгандан кейингина жўнади.

У уйга кирганда, электр чироғлари ёнган эди. Нор хола гулзор бўйида қутлуғ бўлсинга келган қўшни хотин-қизларга, ўғлини ўқишга олиб боргани ва Москвадан олган таассуротлари ҳақида завқ билан ҳикоя қилмоқда эди.

Ботир меҳмонлар билан саломлашиб сўрашгач, айвон тўридаги уйга ўтди. Нор хола унинг кетидан чинни товоққа сузилган ош олиб борди. Уни столга қўйиб: «Совумасдан тезроқ егин, болам!» деб меҳмонлар олди-га чиқиб кетди.

Ботир овқатланаркан, бугун кўрган-билганлари ҳаёлидан бир-бир ўтди. Кекса боғбон, қизлар, хусусан Бўстон билан суҳбатини эслаб, мароқланди.

4

Ҳаво сокин. Барглар худди суратдагидек қимирламас, жим эди. Эрта ёғиб ўтган ёмғир чанг ва ғуборни юшиб кетган, дарахтларнинг япроқлари тиниқ ва тоза эди. Ботир боғда скамейкада ўтириб, қалин муқовали китобни белгилаб қўйган еридан ўқий бошлади. Ўқишга берилиб кетганидан ўзининг қаерда ўтирганини ҳам унутди. Ўқиётган бети тугаб, янги варақ очаётгандагина китобдан кўзини олиб, уфққа қараб қўярди. Лекин шунда ҳам у атрофдаги манзарани эмас, китобда тасвир этилган нарсаларнигина кўрарди. Асар уни тобора ўзига тортмоқда эди. Ўқиркан, унинг юзи гоҳ жиддий, гоҳ табассумга мойилроқ бўлиб кўринарди...

Ботир келиб қолган жойига бармоғини қўйиб, китобни бекитди-ю, туриб атрофига қаради. Яқин орада ҳеч ким кўринмасди. У, узоққа — қор дўппили тоғ устига қараб хаёл сурди. Наҳотки, шу осмони кенг жойда янги боғ қилиш учун ер топилмаса?!

Колхозда янги ер очиш, катта боғ қилиш устида анча вақтлардан буён гап юрар эди. Баъзилар бу ишни тезлатишни талаб қилсалар, баъзилар очиладиган қулай ер йўқ, ер бўлса ҳам сув келтириш қийин, куч бўлинади, пахта ҳосилига зарар етади, ҳали вақти эмас, дердилар. Колхоз раиси Бердиқуловнинг янги ер очиш ва катта боғ қилишга майли бўлса ҳам, лекин бу

иш ҳақида ўз фикрини аниқ, кескин айтишга ботинолмай юарди.

Ботир яна ўқий бошлади. Бир вақт қулоғига: «Ботиржон, юринг кетдик!» деган товуш эшитилди. Ботир китобдан кўзини олиб қаради. Рўпарасида Бердиқулов турар эди.

— Хўп-хўп, бирпас ўтиринг, мана бунни эшитинг,— деди раисга жой кўрсатиб у.

Бердиқулов ўтириб, китобга энгашиброқ қаради:

— Хўш-хўш, нима экан?

Ботир аста, лекин дона-дона қилиб боғдорчилик ҳақидаги бобни ўқиди. Бердиқулов унга яқин келиб, китоб бетига қараб туриб тинглади. Воқиа охирига етгач, Ботир китобдан кўзини олиб, раисга қаради. Раис ҳам унга тикилди:

— Давом этинг.

— Тамом бўлди.

— Йўғ-э...

— Ҳа...

— Дуруст ёзибди. Мевачилик ҳақида яхши гапирибди.

Бердиқулов китобни унинг қўлидан олди, айлантириб синчиклаб қаради.

— Энди бу китобни бизга берасиз...

— Ўқиб чиқай, кейин албатта бераман.

— Китоб магазинларида йўқмикан?

— Ҳозирча йўқ. Мен бунни Москвадан келтирдим.

Кеча салқинида боғни айланишга чиққан Нур бобо буларни кўриб, секин юриб кела бошлади. У яқинлашгач, Бердиқулов билан Ботир ўринларидан туриб, жой кўрсатдилар. Бобо саломлашгач, орқаси билан скамейкага суяниб ўтирди. Дамини ростлагач, Ботир тарафга сал бурилиб:

— Бизникига эрта кечга марҳамат қиласиз. Салим аканг, Бўстон сўраб юбордилар,— деди.

Ботир майин товуш билан «хўп, ота» деди.

— Бугун бизникига юрасизлар. Эртага, албатта сизникига борамиз,— деди раис ўрнидан туриб.

5

Улар тўрт бурчагига тўртта қайрағоч ўтқазилган ҳовуз лабида, супада ўтирдилар. Қайрағочлар ёш бўлишига қарамай, боғчага бошқача ҳусн бериб туради. Ҳо-

вuzнинг нариги ёғида, боғчанинг тўрида ишком қилиб кўтарилган тоқлар кўринарди. Бердиқуловнинг онаси, юзлари буришган Ойниса хола дастурхон олиб чиқди. У, столга яқинлашаркан, Ботирни кўриб қолди, бир оз тикилиб тургач: «Ботиржонмисан, ўргилиб кетай, қандай шамол учирди. Қаёқларда қолдинг, ўқиш дегани ҳам шунча узоқ бўладими? Соғ-саломат келдингми?»— деб дастурхонни столга қўйиб, Ботирнинг пешонасидан ўпди. Сўнгра: «Онанг ўргилсин, кап-катта йигит бўлиб қолибсан, тез-тез уйга келиб тур» деб қўйди.

Ботир кампирнинг кетма-кет бераётган сўроқларига, эркалалашларига ўрнидан туриб табассум билан бош қимирлатиб жавоб берди. Ниҳоят кампир гапира-гапира чой ва овқат олиб кириш учун ташқарига чиқиб кетди. Бердиқулов дастурхонни ёзиб, нонни майдалаб қўя бошлади.

— Худди ўз вақтида келдингиз Ботиржон, жуда хурсанд бўлдик. Қолхозда мутахассислар қанча кўпайса, ишимиз шунча олдин кетади. Биз асосий ишларнинг ҳаммасига олий маълумотли мутахассисларни қўяётирмиз. Илмли кишиларнинг умри иккита дейишади: бири — ўқиш, ўрганиш, маълумот тўплаш; иккинчиси — илмни амалда синаб кўриш ва ишга солиш. Мана энди илмни ишга соласиз, бизда ҳамма шароит бор...

Бердиқулов очиқ чеҳра билан гапирар, унинг хурсандлиги сўзидан ҳам, ҳаракатидан ҳам сезилиб турарди. Ботир ўзига унинг катта умид ва ишонч билан қараётганини ҳис этди. Ҳар бир сўзнинг мағизини чақиб, аниқ хулоса чиқарадиган бу ақлли одамга муносиб жавоб қайтариш ва ўз орзуларини унга билдиришни ўйлади. Ботирдаги бу совуққонлик, осойишталик эҳтирос билан гапирган Бердиқуловни аввал бир оз таажжублантирди. Кейин унинг муҳим бир нарса айтишга тайёрланганини пайқаб, қовоғлари кенг, қисқроқ қора кўзлари билан унга тикилди.

— Эскини ямаб эсинг кетар, деган гап бор,— деди Ботир аста Бердиқуловга сал бурилиб,— бўлак-сўлак, тартибсиз ўтқазилган эски боғлар ҳар қанча ҳаракат қилинса ҳам ҳозирги талабни қондиrolмайди. Улар механизациядан фойдаланишга, юқори ҳосил олишга, аъло сифатли янги навлар яратишга халал беради. Ҳозирги мева дарахтларининг кўпи сифати паст, ҳосили кам, қариган эски навлар. Менимча, эски боғларнинг

ҳосилини мумкин қадар ошириш тадбирларини кўриш билан бирга, вақтни ўтказмай, илмий асосда саноат аҳамиятига эга бўлган янги боғ яратиш ҳақида ҳам ўйлаш зарур. Бу ҳақда активлар орасида аллақачон гап қўзғалган экан. Энди, гапни ишга айлантириш учун ҳаракат қилинса бўлмасмикан?

Ботир Бердиқуловга кўз остидан қаради. Бердиқулов жиддийлашди. Буғдой ранг кенг пешонасида ажинлар чуқурлашди. У рўпарасида диди баланд, ўз идеясига қаттиқ ишонган ва уни дадил ҳимоя қиладиган йигит ўтирганини ҳис этди.

— Сиз айтгандек бизга янгича боғ керак. Ахир, икки минг гектарлик ғўза майдонига эга бўлган колхозга юз гектарлик янги боғ кўпми? Албатта йўқ. Тўғриси айтганда, мевачилик бизда хўжалигимизнинг бошқа тармоқларидан орқада қолиб келаётир. Ҳолбуки, бизда бу тармоқни ривожлантириш учун аллақачон иш бошлаш зарур эди. Аммо осонроқ сув чиқадиган ер йўқ, ана шуниси ишнинг белига тепади.

Бердиқулов тиззасига уриб, «Аттанг!» деб қўйди. Орага бирпас жимлик чўкди. Раис колхоз доирасини хаёлан айлана бошлади. Ҳамма бурчакларга назар ташлади. У бутун колхоз ерини кафтдек биларди. Суғориладиган ва осонлик билан сув чиқадиган ерларнинг ҳаммаси аллақачон ишга солинган, муҳим экинлар билан банд. Кейинчалик икки-уч йил ичида катта ариқ лаблари, қарталарнинг чеккаларида ҳам бир қарич ер қолдирилмай қимтиб олинган. Энди у ажриқ босиб ётган пастлик ерлар, ёмғирдан бошқа нам кўрмайдиган тепаликлар, тоғ этакларини бир-бир кўз ўнгидан ўтқаза бошлади. Ниҳоят, ўзи бир нарса айтишдан аввал, Нур бобонинг фикрини билиш учун унга сўроқ берди:

— Сиз нима дейсиз, ота?

Катта гавдали, оппоқ соқоли кўкрагига тушиб турган чол Бердиқуловга қаради.

— Ер бору, сув йўқ, сув. Ҳу тоққа яқин тепалик ерлар,— чол кун чиқар томонга ишора қилди,— сув бўлса яшнаб кетади, косов суқса ҳам кўкартиради.

— Мен ҳам биламан у ерларни,— деди Бердиқулов чолга қараб,— уларни суғориш учун икки хил фикр бор: бири — тоғ ичидаги сувни ташқари чиқариш, иккинчиси — насос станцияси қуриб, пастдан сув олиш. Шу

вақтгача бу ишларни бажаришга ботинмай келдик. Колхоз йириклашди, куч-қувватимиз кўпайди. Энди бошлайверсак бўлар, Ботиржон, шу масалани ўрганайлик. Балки, яқин орада буни правлениеда кўрармиз.

Ботир розилик билдирди. Раис мевачиликка ҳавас билан қарарди. Унинг бу ҳаваси асосли эди. Чунки колхоз катта саноат маркази бўлган шаҳарга яқин ва йўли яхши, мевачиликдан катта даромад олиши аниқ эди. Лекин бу ҳавас шу вақтгача ҳаваслигича қолиб, амалий ишга айланганича йўқ эди. КПСС Марказий Комитети Сентябрь пленуми қарорларини ўқигач, Бердиқулов бу ишга жиддий қарай бошлади. Ўз ёнида қўлидан кўп иш келадиган мутахассиснинг бўлиши уни дадиллаштирди. Бироқ, иш ҳажмининг катталиги, имкониятлар пухта аниқланмаганлиги ва бу, ўзи ёлғиз қила оладиган масала бўлмагани учун қатъий қилиб гапирмади. Бердиқуловнинг аниқ қилиб гапирмаганига Ботир бир оз хижил бўлиб, ярқироқ пешонасини сал тириштира ҳам, лекин янги боғ яратиш тўғрисидаги фикрни қўллаб-қувватлашига ишонди.

Ботир зиёфатдан қайтишда колхоз парки ичидан келди. Ҳаво очиқ, саноқсиз электр чироғлари порлар, боғ равшан эди. Хилма-хил гуллар шуъла ичида аниқ кўриниб турарди. Ботир кино ва қироатхонадан қайтаётган колхозчилар билан суҳбатлашиб борди. Идора тўғрисига келганда буларга Бўстон ҳам қўшилди. Аския қилишиб, кулишиб келаётган йигитлар тортиниbroқ, ўйлаbroқ гапира бошладилар. Суҳбат жиддий бир изга тушди. Йигитлар мевачилик ва боғ мавзуида гаплашиб бордилар. Бўстон Ботирга томон сал бурилиб:

— Ишлар юришиб кетай деяптими?— деб сўради.

Унинг сўзларидаги самимий оҳангда иш ҳақида маълумот олиш истагидан ташқари қандайдир меҳрибонлик ҳислари ҳам бор эди.

— Раҳмат, ҳали унчалик эмас,— деб жавоб қилди Ботир паст товуш билан.

— Юришиб кетади, Ботиржон,— деди йигитлардан бири ўзини катта олиб.— Юришмаганига қўямизми!

Бўстон ҳовлисига яқин келиб қолди ва хайрлашаркан, Ботирга томон сал бурилиб сўради:

— Нур бобом сизни кўрдиларми?

— Ҳа... кўрдилар, албатта эртага келаман.

Бўстон секин юриб кетди, унинг узун ва йўғон кокиллари тўлғаниб борар, ҳаммаининг кўзи шунда эди. Ботир ҳам унинг кетидан кўзини узмай борарди: «Нақадар ёқимли қиз-а? Ҳар сўзи кишининг юрагига нафис қўшиқдек таъсир этади. Ҳаммага ҳам шундай илиқ муомала қилармикан, фақат менгами?» Ботир шу хаёл ичида кетаётганда, йигитлардан бири Бўстон тарафга ишора қилиб йўлдошига: «Қани, шоир, бир нима айтгин» — деди.

Мўйловлари энди сабза урган нозик йигит — колхоз правлениесининг секретари Қодирқул: «Эшитса хафа бўлмасмикан?» деб қўйди. У эски ва ҳозирги замон поэзиясидан ўзига ёққан мисраларни блокнотига ёзиб юрар, ўзи ҳам баъзан шеър машқ қилар эди. У, йигитларнинг қистови билан ўн тўрт мисра шеър ўқиди:

«Дилбарларнинг ҳар бир сифатин
Ўхшатмишлар бир гўзал гулга,
Таққос қилиб лолага лабин,
Сочларини эса сунбулга.
Аммо, шунча гўзалсан Бўстон,
Яхши сифатларинг шунча кўп.
Лола, наргис, бинафша, райҳон,
Ҳаммасини агар қилсам тўп.
Дунёдаги барча гул агар,
Йигиб келтирилса бир жойга,
Товланиши ўхшаса ойга,
Боқилинганга эмас баравар.
Яшнаб турган чаман, Бўстонсан
Жозибали гўзал инсонсан».

Ботир: «дуруст, дуруст...» деб қўйди.

Сал ўтмай Бўстон кўздан ғойиб бўлди. Аммо йигитлар унинг ҳақидаги сўзни давом этдирдилар...

Бўстон ўрта бўйли, қадди-басти келишган қиз эди. Унинг ўткир шахло кўзлари ҳамиша кулиб турарди. Ёшлигида негадир иягининг таги озгина тилиниб, операция қилинган, шундан кичик бир из қолганди. Кулганида қизил юзлари олмага ўхшаб қалқиб кўтарилади, юпқа лаблари орасида оппоқ, текис тишлари ярқирайди. У келишган қоматини тик тутиб юради. Биринчи қарашда мағрурдек кўринса ҳам, лекин суҳбатлашган сари ундаги латофат кишининг диққатини

Ўзига торта бошлайди. Кўп ўтмай худди эски дўстлардек юракка яқин, сирдош бўлиб қолади.

Йигитлар йўл-йўлакай суҳбатлашиб келиб Ботирни ҳовлисига кузатиб қўйдилар.

6

Нор хола ўғлини кутарди. У даладан чарчаб келган бўлса ҳам ухламади. Узоқ йиллардан буён ўқишда бўлган ўғлини кўриб, қувонган онанинг кўзларига уйқу келармиди? У Ботирга атаб тикаётган беқасам тўнни эрмак қилиб ўтираркан, ўйлар эди: «Ўғлимга қайси қизни олиб берсам экан. Қайси қиз ёқар экан унга?» У, қишлоқдаги қизларни бир-бир кўз ўнгидан кечирди. Унинг кўзига қишлоқдаги қизларнинг ҳаммаси бир-биридан ёқимлироқ, чиройлироқ бўлиб кўринди: «Хадича ўқимишли, Саида қилиғи иссиқ, Бўстон чиройли, тетик, Кумри юмшоқ — хуллас, ҳаммаси меҳнатсевар, ёқимли қизлар... Ботирга қайси бири маъқул тушар экан?»

Эшикдан салмоқли қадам билан Ботир кириб келди. Она ўғлини кўриб қувонди. Қўлидаги ишини ташлаб, ўрнидан туриб уни қучоқлаб ўпгиси келди.

— Нега шу вақтгача ухламай ўтирибсиз, ойи?— деди Ботир шапкасини қўлига оларкан.

— Сенга тўн тикияпман. Кўчада бўлмаса ҳам, ҳовли ичида кийиб юрарсан. Нима қилай, қўлимдан келгани шу,— деди она майин товуш билан.— Бунча кечикдинг?

— Раисникида эдик, Нур бобом ҳам келдилар, анча суҳбатлашиб қолдик.

Нор хола диванда ўғли билан ёнма-ён ўтирди ва меҳрибон кўзларини унга тикиб гапирди:

— Болам, уч кун бўлди, сенга бир нарсани айтай дейман, сира қулай пайт тополмайман.

— Хўш, нима эди,— деди Ботир бир нимани сезгандай кулимсираб.

— Ҳамма нарсам тахт, фақат сенинг келишингни кутиб турган эдим. Даданг ҳам келин кўриб орзулари ушалсин...

Ботир кулди.

— Ҳали шошилманг,— деди у,— ишларимиз юришиб кетсин.

— Кута-кута шу ергача келдим, энди тоқатим йўқ. Менинг ҳам тўй қилгим, келин кўргим келади. Яхши ишни кечиктириш дуруст эмас, ўғлим.

— Майли, шошилманг, ўзим айтаман.

Она Ботирга маъноли қаради. Унинг юзи жиддий тус олди. У ўғли тарафга сал энгашиб, пастроқ товуш билан сўради:

— Ёки... Москвада ваъдалашиб келганинг борми? Тортинма, сенга ёққан келин, менга ҳам ёқади.

— Ҳеч ким билан ваъдалашганим йўқ,— деди Ботир кулиб.

— Бўлмаса тезлаштир, дадангнинг раъйилари шу.

— Хўп бўлади,— Ботир ўрнидан турди.

— Чой-пой ичасанми?

Ботир чой ичмаслигини айтиб, бўлмасига кириб ечинди ва кроватга чўзилди, лекин анча вақтгача ухлай олмай, хаёл суриб ётди. Унинг кўз олдидан раис, Қодирқул, Бўстон ва паркда кўрган йигитлари бир-бир ўтди. Қодирқулнинг шеъри эсига келди. «Бўстон чинакам уддабуро, гўзал қиз» деб қўйди. Сўнгра боғ ҳақида ўйлаб-ўйлаб, кўзи уйқуга кетди.

Анчадан кейин Нор хола оёқ учи билан кириб кроват устида очилиб ётган китобни столга олиб қўйди ва электр чирогини ўчириб чиқди.

7

Шарқий уфқ аввал кўкимтир, кейин оқиш тусга кирди. Мавж уриб оқаётган Зарафшон бўйларида тонг қуши оппоқ қанотларини ёзди, тоғ этакларидаги токзорлар, дарё лабидаги чакалакзорларни оралаб эрталабки салқин шамол югуриб ўтди. Қушлар дарахтдан-дарахтга, чамандан-чаманга дув-дув учишди, шовиллаб турган мевазорларда сайрай бошлашди. Колхоз подаси кенг қишлоқ йўлини тўлдириб ўтлоққа жўнади.

Ботир боғ қилинадиган ерни ва унга сув чиқариш йўлларини ўз кўзи билан кўриб фикр юритиш учун Қодирқул билан бирга тоққа жўнади. Улар дарё бўйидаги чакалакзор орасидан юриб бордилар. Осмон шишадай тиниқ, фақат тошбақага ўхшаш тоғ чўққиси устида бир парча булут илашиб қолгандай соябон бўлиб турарди. Дарёда баҳор тошқини, лойқаланган селоб товланиб, мавжланиб, маст туядай кўпик сочиб, пишқириб оқарди. Узоқдан чигит экаётган тракторларнинг

гуриллаши эшитилар, сигирларни соғиб, подага қўшиб юбориб, ишга жўнаётган хотин-қизлар кўринарди.

Кўп вақт шаҳарда турган Ботирга табиат манзаралари жуда хуш кўринди. У завқланиб, тўрт тарафга қараб борарди. Қаршисида оқ чўққили баланд тоғлар, чапда эса, қуёшнинг илиқ шуълалари билан ўйнашаётган Зарафшон. Атрофида кўм-кўк кўкатлар, ҳисобсиз байроқчалардек қизариб турган лолақизғалдоқлар кўзни тортарди. Салқин дарё шабадаси гуллар ва кўчатлар орасидан эсиб димоққа аллақандай ёқимли ҳид келтирарди.

— Қани шоир,— деди Ботир ўзи билан ёнма-ён кетаётган Қодирқулга,— шу манзараларга қараб бир ни-ма айтгин.

— У, сўзини тамом қилмай чакалак орасида бир булбул сайраб юборди. Ундан нарироқдагилари дарров унга қўшилишди. Ботир:

— Ана, сендан аввал табиатнинг ўз шоирлари шеър ўқиётир,— деди.

Қодирқул илжайди:

— Мен унчалик тайёр жавоб эмасман!

— Қани бўлмаса, Бўстон ҳақидаги шеърларингдан ўқиб бер-чи?

Қодирқул бир оз қизарди, ўнғайсизланиб: «Эсимда йўқ» деди.

— Чинакам севмас экансан-да?..

Қодирқул «севаман» деб даъво қилишни ҳам, Ботирнинг сўзига рози бўлишни ҳам билмай қолди. Унинг назарида «севаман» деб рўйи рост айтиш учун қиз бу муҳаббатни қабул қилган бўлиши шарт эди. Ҳозир баъзи белгилар умид тутишга имкон берса ҳам, лекин бу қизнинг севгини эътироф қилганини кўрсатмас эди. Ботир уни қийнамаслик учун бошқа гапирмади.

Улар чакалакзорлардан ўтиб, яна катта йўлга чиқдилар. Анча юргач, бир катта тол тагига келиб тўхтадилар. Қодирқул 14-бригада бошлигининг мотоциклини келтирди. Анча юргач, тоғ этагига яқинлашдилар. Сўнгра мотоциклини қўйиб, қатлам-қатлам бўлиб юксалган кўк мраммарни ёқалаб кетдилар.

Улар юз қадамча боргач, катта бир ёриққа дуч келдилар ва катта-катта харсанглар устидан сакраб-сакраб баландликка кўтарила бошладилар. Тоғ оралиғи аста-аста торайиб бора берди. Ниҳоят, икки квадрат

метрча келадиган майдонча кўринди. Унга кўтарилгач, қаердандир шовиллаб оқаётган сув товуши эшитилди. Ботир қувониб «ана сув» деди ва шу тарафга қараб тез-тез юра бошлади. Энди тоғ оралиғи баланд кўтарилмай, текис чўзилиб кетарди. Эллик метрча юргач, кўм-кўк сув кўринди. Ботир болалардай қувониб, сакраб-сакраб сув ёнига борди. У қушдай талпинар, нима қилишини билмасди, Қодирқул ҳам етиб келди. Улар биллурдек тиниқ сувга қўл-юзларини ювдилар, ҳовучлаб-ҳовучлаб сув ичдилар. Қодирқул чанқоғи босилгач, «муздай, асалдай экан» деб қўйди. У тоғ оралиқларига, ғорларга тикилиб-тикилиб қарар эди. Ботир сувни бу ердан олиб чиқиш устида ўйлади. Қодирқул эса бир чеккага бориб ёнбошлаб ётди, Ботир баландга кўтарилиб, атрофни текшира бошлади.

— Ҳа, Ботиржон, нега бунча безовта бўлаётирсан?— деб сўради Қодирқул. Ботир унга жавоб бермай, баланддан майдонгача тушди-ю, уни қўлтиқлаб келган йўлидан орқага қайтди ва «тез-тез юр» деб шошилиб пастга туша кетди. Ҳеч нарсага тушунмаган Қодирқул тошдан-тошга сакраб унинг кетидан эргашди.

Улар тоғ ораларидан чиққач, яна баланд кўтарилиб атрофга синчиклаб қарадилар.

— Хўш, нима гап, Ботиржон?

— Ўша сувдан фойдаланишни ўйлаяман.

— Эй... бунча ҳовлиқмай, ўша ерда айтмайсанми? Омон бўл, бу сув аввалдан ҳаммага маълум. Лекин уни тоғ ичидан чиқариб бўлармиди? Шу вақтгача кўп кишилар ундан фойдаланишни хаёл қилган, аммо ҳеч ким бир томчисини ҳам чўлга чиқара олмаган. Юз йиллардан буён пишмаган хом хаёлни энди сенинг калланг пиширармиди? Бекорга бош қотириб овора бўлма.

Ботир кулди ва Қодирқулнинг елкасига узун бармоқли қўлини ташлаб гапирди:

— Кўп хаёллар бизнинг давримизда пишди. Бу ҳам пишса ажаб эмас. Мана шу тоғ оралиғидаги сувни олиб келсак,— у қўли билан ишора қилиб кўрсатди,— мана бундай тоғ этаги билан ариқ тортиб, ҳу тепалик ерларга олиб борсак...

Чуст дўпписини пешонасига тушириб, қўлларини белига тираб узоқларга тикилиб турган Қодирқул жонланди:

— Ана шу ерда яхлит, янгича, ажойиб боғ қилиш мумкин. Лекин ҳеч ақлимга сиғмаяпти. Ахир у, тоғ-а, эҳтимол, мрамор бағридан канал тортса ҳам бўлар, аммо бу иш колхознинг қўлидан келмайди.

— Албатта, мен енгил иш демайман. Насос станцияси қуриб, пастдан сув чиқаргандан кўра, бу фойдалироқ бўлса керак.

— Бекорга кучанма, дўстим, белинг оғрийди.

— Ҳозирча бу, айтганингдек, хом хаёл. Аммо бунинг устида ўйлаш, фикрлаш, ишлаш керак. Аввал пухта ўрганиб, кейин аниқ қарорга келамиз.

— Ўрганишнинг ҳожати йўқ, кўриниб турибди. Колхозни майиб қиладиган катта иш. Бир-икки йил сабр қилсак бўларди.

— Ваҳима қилма, қирқ ўлчаб бир кесамиз. Ҳали буни мутахассислар текшириб, тоза аниқлайдилар. Ундан кейин натижа чиқади.

Улар ҳамма ёқни кўргач, яна мотоцикл билан қишлоққа жўнадилар.

8

Улар катта йўлга бурилганларида қўшни — «Оқ олтин» колхозида илмий-тажриба ишларини олиб бораётган аспирант Раҳматжонга дуч келдилар. Думалоқ, лўппи юзли бу йигит Ботирнинг эски таниши эди. У енги шимарилган қўлини кўтариб, «Ботиржон!» деб қичқирди. Ботир мотоциклни тўхтатиб, келиб Раҳматжон билан кўришди, пиёда кетишини билдириб, Қодирқулга жавоб бериб юборди. Икки дўст ёнма-ён бордилар. Раҳматжон шу вақтгача кўришга боролмаганини айтиб, ундан узр сўради, у тез-тез гапирарди:

— Жалилов билан ҳеч иш илгари силжимаётир. Улгудек жонимга тегди. Соғлигингни билай ва маслаҳатлашай, деб чақирдим.

— Хўш, нима гап? — қизиқсиниб сўради Ботир.

— Биз профессор билан чигитни тор-қўш қаторлаб экиш системасини ишлаб чиқдик. Бултур тажриба учун шу колхозда уч гектар ерга чигит экилди. Гўза қийғос очилгач, машина билан тердирмоқчи эдим, бир кун институтга кетсам, Жалилов келиб: «Теринг, менга графикни бажариш керак» деб буюрибди ва тердириб, ҳосилни звено пахтасига қўшиб топширтириб юбориб-

ди. Фигоним чиқди. Бир йиллик меҳнатим куйди, кўпроқ МТС меҳнатига ачиндим. Уртоқ Васильев шу уч гектар ер учун машиналарни ҳам мослаб берган эди. Айтсам, «Колхоз тажриба станцияси эмас, бизни кўп гаранг қилманг, бир грамм пахтагизни ҳам нобуд қилмадик, биздан ўтгани шу бўлдики, «Ҳосилини алоҳида ўлчанг» деб айтмабмиз. Шунга ҳам ота гўри, қозихонами?» деди. Жалиловнинг ҳар сўзи худди бошимга мушт билан ургандек туюлди. Шундай тутақиб кетдимки, юрагини тешиб юборадиган сўзларни аямай хўп айтдим, сўз қиличи билан тилка-тилка қилиб ташладим деб қарасам, афтимга бақрайиб туриб: «Нима дедингиз? Хаёл суриб яхши эшитолмай қолибман» деди. Аввалгидан ҳам бадтар титраб кетдим.

Ботир кулди:

— Ҳақиқатан қизиқ одам экан.

— Ўлгудек бепарво, фақат «катталар» сўзига қулоқ солади.

— Ҳосил қандай бўлган эди?

— Бошқа ерларга нисбатан қарийб бир ярим марта ортди. Очилган кўсақларни санаб чиққан эдим... Аммо топширилган пахта ҳақида аниқ ҳужжат бўлмагач, нимани исбот қиласан... Жалиловни райкомда қаттиқ огоҳлаштирдилар. У хатосини бўйнига олди. Энди бу йил дуруст бўлар десам, қайта бадтар... Бир бало қилиб чигит экдирган эдим, совуқ урди, энди қайта экишни кечиктираётир, биласан-ку шу пайт бир кунликдан қолдинг, бир йилликдан қолдинг, афтидан у, райкомда койиш эшитгани учун мендан ўч олмоқчи.

Унинг сўзларини диққат билан тинглаб бораётган Ботир ғазабланди, пешонасига ажин тушди, қовоғлари қалин қора кўзлари билан Раҳматжонга тикилди. Бу қарашда ҳайратланиш ва ачиниш ҳислари акс этарди.

— Ҳай... ҳай... Ахир бу нодонлик-ку!

Раҳматжон соч босган тор пешонасининг терини артиб, қизишиб жавоб берди:

— Нодонлик, фанни ҳақорат қилиш.

— Бу усулнинг хусусиятларини менга кенгроқ тушунтириб бер, қани?

Раҳматжон эҳтирос билан гапириб кетди. У янги схеманинг афзалликларини аниқ рақамлар билан ҳисоблаб берди. Далиллар аниқ ва кучли эди. Ботир хурсанд бўлди.

— Агар шу айтганларнинг рост бўлса, буни ҳосилни ортдиришда олдинга қараб сакраш деб баҳолаш мумкин.

— Хўш, ўша тажрибани бошқа колхозда, масалан, бизнинг колхозда ўтказса бўлмайдими?

— Бўлади, лекин, то бунга руҳсат олиб, машиналарни кўчиргунча камида бир-икки кун ўтади. Ҳозир ҳар соат ғанимат. Бир кун бир йилни тўйдиради дейдилар.

Ботир ўйланиб қолди, бирпас уфққа қараб хаёл сурди.

— Хўш, энди нима қилмоқчисан?

— Тўғри райкомга — ўртоқ Камолов ҳузурига борсам дейман.

Овқатланиб кейин жўнайсан.

— Йўқ, масалани ҳал қилмагунча томоғимдан бир томчи сув ҳам ўтмайди. Сени кўрдим, бўлди. Ҳозир жўнайман. Балки кечқурун келарман.

Ботир жуда зарур иши борлигини айтиб, кечаси албатта келишини сўради. Улар районга борадиган йўл бошида хайрлашдилар. Раҳматжон ўткинчи машиналардан бирида жўнади.

9

Раҳматжон Камоловни райком эшиги олдида, машинага минаётган вақтида учратди. Камолов ўзига томон шошилиб келаётган йигитни кўриб тўхтади.

— Хўш, тинчликми, Раҳматжон?

— Ҳали ҳам бузиб қайта экканим йўқ, ўртоқ Камолов.

Раҳматжон секретарга салом бериб, кўришди.

Камолов жиддий вазият олди. Ёш агрономнинг қўлтиғидан ушлаб кабинетига қараб юрди.

— Янги усулнинг моҳиятини ўртоқ Жалиловга пухта тушунтирмабсиз-да...

— Қачон шу ҳақда гап очсам, кўзи менда-ю, хаёли ўзга ерда бўлади.

— Унга янги усулнинг афзалликларини тушунтириш зарур. Раисда рағбат уйғотилмаса, ишингиз юришмайди.

— Хўп, яна уриниб кўраман. У менинг ишимни бекорчиликдан қилинаётган бир эрмак, деб ўйласа керак.

— Яхши тушунтирилмагани ана шундан маълум...

Камолов кабинетига кириб, телефонда Жалилов билан гапиришди.

Шофер Раҳматжонни «Оқ олтин» колхози идораси олдига тушириб, дарров жўнади. Райком машинасини ўз кабинети деразасидан кўриб қолган Жалилов шошилиб ташқари чиқди.

— Қани ўртоқ Камолов?!

— «Октябрь» колхозида қолди,— деди Раҳматжон.

Жалиловнинг турқи ўзгарди.

— Райкомга борган экансиз-да, ука, ўртоқ Камолов айтмасалар ҳам бажарардик.

— Бажармадингиз-ку?!

— Кўриб турибсиз, иш кўп. Уч юз эллик гектар ғўзани бузиб қайта экдик. Энди сизники билан эллик гектар ер қолди. Мен бригадирга айтдим. Шу кун чигит экишни тамомлайди.

Раҳматжон шошилиб ўз участкасига жўнади. Жалилов қовоғларини солиб, унинг кетидан қараб турди-ю, «худди елимдек ёпишиб олди» деб қўйди.

Кейин тез-тез юриб кабинетига кириб кетди.

10

Бердиқулов Мавлон ака билан катта қарта ўртасида ўтириб, сеялка ўтган ерни бармоқлари билан кавлаб, чигитнинг қандай тушаётганини текширмоқда эди. Ботир уларга яқинлашди.

— Келинг, Ботиржон,— деб қорамтир катта бармоқли қўлларининг чангини қоқиб, ўрнидан турди. Бердиқулов.— Бориб кўрдингизми?

— Кўрдим. Бу сувдан фойдаланиш масаласини мутахассислар орқали аниқлаш зарур. Ҳозир бошқа бир янгилик ҳақида сиз билан гапиришмоқчи эдим.

Бердиқулов қизиқсинди.

— Қани, Мавлон ака, юринг, янгиликни эшитайлик.

Улар бригада шийпонига келиб, ариқча лабига қўйилган сўрига ўтирдилар. Шийпондаги столда газеталарни кўздан кечираётган Тошлўлатов ҳам булар ёнига келди. Ботир сўрига яқин қўйилган стулда ўтириб, Раҳматжоннинг «Оқ олтин» колхозида ўтказаётган тажрибаси ҳақида гапирди. Унинг бутун тарихини шошилмай ҳикоя қилиб берди.

— Чигитни қўш тор қаторлаб экканда қаторлар ораси 60, қўш қаторлар ораси 20 сантиметр бўлади, ғўза

тупи одатдагига нисбатан 40—50 процент ошади. Ҳосил ҳам шу миқдорда кўпаяди.

Унинг сўзини диққат билан тинглаётган Мавлон ака мош-гуруч соқолини тутамлаб, қошларини чимириб, бир ўйлаб олди-да, секин гапира бошлади:

— Ғўза тупи кўп бўлса, тез етиладиган кўсак ҳам кўп бўлади. Лекин культивацияда ғўзага зарар етмас-микан?

— Йўқ, зарар етмайди. Бу аниқлаб чиқилган,— деди Ботир.— Яна бу усулнинг шу афзаллиги борки, кўнданлангига ҳам культивация қилиш мумкин. Шунда ҳам эскича экилганига нисбатан ғўза тупи кўп қолади.

Ботир буни аниқ ҳисоблаб берди. Далиллар ўткир зеҳнли тажрибакорнинг кўнглига ўрнашди. У кутилмаганда бебаҳо нарса топиб олгандек қувонди. Кўзларини бир-икки юмиб очди-ю:

— Ана буниси қизиқ бўлди. Кетмонга ҳам эҳтиёж камаяр экан-да. Ажабо, нега шу вақтгача бу гап ҳеч кимнинг ақлига келмабди?— деди.

Ботир яна сўзини давом этдирди:

— Биз ҳам шу методни ўзимизда тажриба қилиб кўрсак...

Бердиқулов тоза қирилган бошидан чувт дўпписини олиб, Ботирга бир оз тикилиб турди:

— Майли, уч-тўрт гектар ерда синаб кўрайлик...

— Мен аспирантнинг ғўзасини кўрган эдим,— деди Тошпўлатов,— дуруст эди, лекин охирги натижани билломай қолдик. Ботиржоннинг сўзидан кейин бу ҳам равшан бўлди. Албатта, тажриба қилиб кўриш керак. Бу ишни фақат Жалиловга ташлаб қўйиш ярамайди.

Ошпаз кампир чой дамлаб келтирди. Мавлон ака чойни қайтарар экан, секин: «Бўш ер қолмади-ку!» деб қўйди. Бердиқулов ер топишдан аввал бу иш учун муносиб одам топиш муҳимроқ деб ўйларди. У дўпписини буклаб, қисик кўзларини баланд уфққа тикканча ўйланди, кейин Мавлон акага томон бурилди:

— Шу ишни сиз ўз устингизга олсангиз!

Мавлон ака худди аввалдан қарор қилиб қўйгандек, «хўп» деди.

— Бўстон звеносида ола чиққан беш гектар ер бор. Хатосини тўлдириш учун тувакча билан ниҳол ўтказаётир. Бузсак рози бўлармикан?

— Рози бўлади,— деди Тошпўлатов қатъий қилиб.— Ботиржон яхшилаб тушунтирсин.

Ҳамма бир фикрга келгач, вақтни ўтказмай тайёрлик кўриш учун Ботир ва Мавлон ака Бўстон бошлиқ звено участкасига жўнадилар. Ота ва ўғил ғўза қарталари оралаб, ёнма-ён юриб бордилар.

Кун пешиндан оққан, ҳаво мулойим, тоғ чўққиларидаги қор қуёш нурида ялтирайди. Осмон кўм-кўк, фақат тоғ силсиласининг бир қисми устида оқ пахтадек булут чўзилиб ётади. Ботир ўша булутларга қараб хаёл суриб борар, Бўстон билан гапни нимадан бошлаш ҳақида ўйлар, Бўстонни бу ишга кўндиришдан ташқари унда яхши таассурот қолдиришни ҳам истарди. Мавлон ака ғўза пайкаллари чеккасида усти лой билан шуваб қўйилган катта-кичик хирмонларга унинг диққатини тортиб, хаёлини бузди.

— Қадим замонда кимёгарларнинг тупроқдан олтин ясашлари ҳақида кўп афсоналар тўқилган. Аммо биз бу хирмонларни чинакам оқ олтинга айлантирамиз. Ҳамма биладиган бир ҳақиқат бор. Ердан олиш учун аввал унга бериш, уни тўйдириш, кучайтириш керак. Кўп киши бунга ҳақиқатни билса ҳам, амал қилмайди. Биз эса амал қиламиз. Қишда хирмон қилиб, шуваб қўйилган гўнг, яхши чириб, кучаяди. Минерал ўғитга аралаштириб ерга соламиз. Ана ундан кейин ғўзанинг авжини кўраве-расиз.

Мавлон ака завқ-шавқ билан гапириб борди. Ботир унинг кўзга ташланиб турадиган тоза, қизил, ажинли юзига, қовоғлари устига озгина тушиб турган ўсиқ қошларига, меҳрибон кўзларига, қуйиб қўйгандек гавдасига қараб-қараб қўяр, ҳамма жиҳатдан у кўркам, ёқимли кўринарди. Шу пайт Ботирнинг эшига Қодирқулнинг: «Мавлон акамнинг соқоли оқу қора; ишлари ҳаммиша сара» деган сўзи тушиб, юраги фахрланиш ҳислари билан тўлди. Ҳақиқатан ҳам олтмиш ёшлардаги тетик бу чол нозик ақлли, ҳар нарсага синчиклаб қарайдиган, пухта, ғайратли одам эди. У, ҳисоб-китобсиз иш қилмас, ҳамма вақт унинг кичкина чўти шийпон тўридаги миҳга осиб қўйилган бўларди. Мавлон ака ўз бригадасига тегишли карталарни номерлаб қозиқ қоқиб чиққан. Уларнинг қачон ҳайдалганини, қанча ўғит солинганини, қачон чигит экилганини, чигит қайси кун ниш уриб чиққанини аниқ билар, ҳатто ғўзанинг ҳар куни қанча ўсишини ҳам

айта оларди. У 1930 йилларда СБ, ЧС курсларида саводини чиқарганди.

Улар борганда звено аъзолари чигит унмай қолган жойларга тувакча билан ниҳол ўтқазаётган эдилар. Мавлон ака қарта чеккасида туриб, Бўстонни чақирди. Бўстон қайрилиб қаради-ю, қўлининг чангини қоқиб ўрнидан турди. Ботирни кўриб, бир оз қизаргандай бўлди. Майда гулли чит кўйлагининг шимарилган енгини тушириб, улар томон тез-тез юрди.

— Қизим, бир янгилик билан келдик,— деди Мавлон ака, у яқинлашгач.— Мана Ботиржон аканг тушунтириб беради, астойдил қулоқ сол!— У, Ботирга томон бурилди.— Сен ҳам Ботиржон, эринмай пухта тушунтир, айтиб қўяй, қайсар қиз. Кўнглига тоза ўрнамаган ишни қилмайди.

Бўстон шахло кўзларини пирпиратиб, табассум билан Ботирга қаради.

— Қани, айтинг, эшитайлик.

Мавлон ака трико камзулининг қўлтиқ чўнтагидан қопқоқсиз катта кумуш соатни олиб қаради. Ўттиз йилдан буён тутилаётган бу соатни у жуда яхши кўрарди. Мавлон ака камзулини ечиб, тут шохлари орасига буклаб қўйди, ёқаси очиқ оқ сурп кўйлагининг енгини шимарди. Қетмонини елкасига қўйиб жўнаркан, бир қарорга келгач менга хабар қилинг, деди. Мавлон ака жўнагач, Ботир билан Бўстон тут тагига бориб ўтирдилар.

— Сиздан ёрдамни аямаймиз деганингиз эсингиздами?— деди Ботир очиқ чеҳра билан унга тикилиб.

Бўстон бодом қовоғлари устидаги қора қошларини чимириб, Ботирга қаради:

— Эсимда!

Ботирга бу жавоб қўл келди. У воқияни бир-бир тушунтирди. Ҳисоб-китоб қилиб берди.

— Ваъдангиз эсингизда бўлса,— деди хулосалаб,— мана ёрдам қиладиган пайтингиз келди.

Бўстон унинг сўзларини зўр иштиёқ билан тинглади. Далиллар равшан ва ишонарли эди. У, Ботирнинг сўзларига эътироз билдириш у ёқда турсин, ўз тажрибаси, ўз ишидан у сўзларнинг тўғрилигини таъкидлайдиган янги далиллар ҳам топди. Юрагига севинч шуълалари ёйил-

гандек чехраси очилиб кетди. Лекин шундай бўлса ҳам ўз фикрини дарров очиқ айтмади.

— Ахир, бу сизнинг ишингизга кирмайди-ку!..

Ботир табассум қилди. Бундан Бўстон пухта ўйламай гапирганини сизди шекилли, қизарди.

— Пахтага менинг ишим эмас деб бўладими? Яна шуниси борки, боғдорчиликнинг истиқболи бу янги усулнинг амалга оширилишига бевосита боғлиқ.

— Энди кечикмаймизми?

— Бузиб қайта экиш шу кун тугади-ку! Яна беш гектар эксак, унчалик зарар қилмаса керак.

— Хўп, лекин шу шарт билан, ҳамма ишда ўзингиз кўз-қулоқ бўлиб турасиз, бошқага ишонмайман.

— Жоним билан,— Ботир бу сўзни майин бир оҳанг билан айтди. Кейин паст товуш билан яна қўшиб қўйди.— Унчалик ўжар эмассиз-ку, Бўстонхон?!

Бўстон кулди.

— Тўғри гапга тан бериш керак, ахир.

Ботир бу жозибали қиз билан суҳбатни давом қилдиришни истар, лекин сўз охирига етган эди. Муносиб янги тема топа олмади, бирон нарса ҳақида зўр-зўраки гап очиб, уни зериктиришдан қўрқди. Бунга нариги қаторда қулоч ёзиб кетмон ураётган Мавлон аканинг вақт-вақт қараб қўйиши ҳам сабаб бўлгандир.

— Бўлмаса, бригадирга фикримизни айтайлик,— деди Ботир.

— Аввал звено аъзоларининг розилигини олиш керак.

Улар звено аъзолари ишлаб турган ерга бордилар. Бўстон уларга янгиликни тушунтириб берди. Ботир унинг сўзига фақат бир-иккита қўшимча қилди. Звено аъзолари ҳам бу усулни маъқулладилар.

— Биз Бўстон билан Мавлон акамга ишонамиз. Майли, тажриба қилиб кўрамиз,— деди Қумри.

Ботир ҳазил аралаш «менга-чи?» деб сўради.

— Ўзи яхши гап экану, лекин Бўстонни кўп тутиб, анча ишдан қолдирдингиз...

Ҳамма кулди. Бўстон қовоғларини солиб, бармоғини пастки лаби тагига босиб, «жим, Қумри!» деди.

Звено аъзоларининг розилигини олгач, Ботир Мавлон ака тарафга қараб юрди. Бўстон уни пайкал чеккасиغا-ча узатиб бориб хайрлашди.

— Бу янгиликни дастлаб бизга келтирганингиз учун раҳмат, Ботиржон ака!

Ботир табассум билан:

— Сизга ҳам раҳмат!— деди.

Эртасига Раҳматжон янги усулга мослаштирилган машиналар билан келди. Тажриба участкасига чигит экила бошланди.

II

Шундай одамлар борки, бирон тасодиф натижасида кутилмаган бирор антиқа иш қилиб қўйсалар, шу билан мағрурланиб юрадилар. Колхозчи Мамарасул ҳам худди шундай йигитлардан эди. Унинг акаси Райижромком райси эди. Баъзан Мамарасул акасининг ов милтигини эрмак қилиб овга чиқар, дарё бўйларидаги чакалакзорларни айланар, лекин отган ўқи сира нишонга тегмас эди. Бир куни у, колхоз шийпонида ов милтигини эрмак қилиб ўтирарди. Шу вақт чанқаб чўлдан дарёга қараб учган ғозлар тор уч бурчак бўлиб, шаффоф кўкдан тизилиб ўта берди. Йигитлардан бири: «От, Мамарасул!» деди. Мамарасул милтиқни тўғрилагунча ғозлар йироқлашиб кетди. «Аттанг, аттанг!» деди яна бир йигит. Карим полвон ҳазиллашди:

— Кетидан от миниб чоп!

Мамарасул унинг сўзини чин билиб, жабдуқ билан қантарилиб қўйилган бригадирнинг отини миниб ғозлар кетидан чопдириб кетди. Ҳамма унинг кетидан кулиб қолди. Дарё узоқ эмас эди. У дарё лабида отни ўтга қўйиб юбориб, ўзи паналаб ётди. Чўлда чанқаган ғозлар сувга қараб пастлашиб, қуйилиб кела бошлади. Улар жуда яқинлашганда Мамарасул бир неча ўқ узди. Тўртта ғоз сочма ўқ тегиб йиқилди. Мамарасул ўз кўзларига ишонмай, юраги ёрилгудай қувонди, тўртта семиз ғозни отга юклаб қайтди. Йигитлар ҳайратда қолиб, офарин дедилар.

— Мана мерган бунақа бўлади, чумчуқни кўзидан уради,— деди Карим полвон.

Мамарасул бири кичик, бири сал катта қўй кўзларини кулдириб, мағрур кулиб қўйди.

— Ҳунар, омад-да, ака.

Мамарасул ғозлардан биттасини уйига олиб кетди, учтаси кечқурун бригадада ош қилинди. Шу воқияда

кейин Мамарасулнинг оғзидан ов сўзи, қўлидан милтиқ тушмади. Авваллари ҳам ишга меҳри йўқ эди, энди эса хаёли ҳамма вақт ов билан банд бўлди. Қўл учи билан ишлайдиган бўлиб қолди. Тўртта одам йиғилган ерда албатта овдан, ўша ғозлардан гап очар, эзмалик қилиб ҳамманинг жонига тегарди. Хусусан у гапирса, Қодирқулнинг энсаси қотар, аччиғи келарди.

12

Қодирқул «Ҳосил учун!» деворий газетасининг ред-коллегия аъзолари — Вера Павловна билан Бўстонга Мамарасул ҳақидаги ҳажвий шеърини ўқиб бераётир:

Кўклам сурдим кайфимни,
Ҳеч ким билмас айбимни.
Қўлга кетмон олмайман,
Ҳақ олишдан қолмайман.
Ғумайга душман элим,
Кўрсам оғрийди белим.
Сув тутсам ер қўл бўлар,
Еввойи ўт мўл бўлар,
Юз-юзаки чопаман,
Семиз ўтдан қочаман.
Қўш оғиз милтиқ қўлда,
Кўзим ҳаминиша йўлда.
Бригадир амаким,
Ишда йўқдир дарагим.
Тулки каби айёрман,
Ош вақтида тайёрман.

— Қуюқ кўланкали тол тагида,— деди Қодирқул, Мамарасулнинг ёнбошлаб ётгани карикатурада кўрсатилди. Дўпни яримта-ю, чеккасида гул, дарахт шохида бедана қафаси ва ов милтиқ осилган.

Бўстон қувониб кетиб: «Жуда яхши, жуда яхши, босамиз» деди. Вера Павловнага шеър маъқул бўлди. Лекин у жиддий тузатишлар киритди.

— Менимча,— деди у,— Мамарасул иш вақтида беданани дарахт шохига осиб, чаккасига гул тақиб, сояда ётгани йўқ. Буни ўзингиздан қўшибсиз.

— Бўлмаса, яхши ишлаётир демоқчимисиз?— Қодирқул сал қизишиб сўради.

30

Бўстон ёнида у, ўзининг оз бўлса ҳам камчилиги кўрсатилишига тоқат қилолмас эди.

— Йўқ, ҳозирги дангасалар «жуда яхши ишлар эдику, лекин у... бу» деб баҳона кўрсатишадилар. Хусусан «касаллик» ҳақида кўп гапирадилар. Шеърингизда шунга мувофиқ келадиган яхши мисралар бор. Қарикатурани шундан чиқариш керак. Биринчи суратда Мамарасул ғўза даласида ғумайни кўради-ю, «вой белим» деб туриб қолади.

— Жуда тўғри, жуда қизиқ бўлади,— деди Бўстон.— Иккинчи суратда,— Вера Павловна сўзида давом этди:— семиз ўтнинг ҳужум қилаётгани, Мамарасулнинг эса «вой дод» деб қочаётгани, бошидан дўпписи тушиб қолгани кўрсатилади.

— Буниси ундан ҳам қизиқ,— деди хохолаб кулиб Бўстон. Қодирқул ҳам суратни кўз олдига келтириб, қотиб-қотиб кулди.

Вера Павловна карикатурани ишлай бошлади. У ўн икки йилдан буён қишлоқ ўрта мактабида рус тили ва адабиётдан дарс беради. Ўзбек тилини ҳам яхши ўрганган. Қадди-қомати келишган, ёқимтой, ўтгиз беш ёшлардаги бу аёл қишлоқда ҳаммага таниш эди. Вера Павловна ўз ишига ниҳоят даражада масъулият ва муҳаббат билан қарайдиган, тиришқоқ, камтар, очиқ кўнгил, шу билан бирга қаттиққул устоз эди. Унинг қўлидан чиққан ўқувчилар Иттифоқнинг қайси олий ўқув юртига кирмасин, рус тилидан қийналмас эди. Ботир ҳам, Бўстон ҳам унинг шогирдлари эди. Вера Павловнанинг эри Улуғ Ватан урушидан бурун колхозда бухгалтер эди. Фронтида ҳалок бўлди. Вера Павловна икки ўғли билан қолди. У қишлоққа жуда ўрганиб кетган, янги жой солиб, томорқасини боғ қилган.

Мактаб партия ташкилоти унга агитация-пропаганда ишида колхозга ёрдам бериш вазифасини юклаган. У колхозчилар орасида лекциялар ўқир, агитаторларга консультация берар, шийпонларни безатар, клуб-қироатхона ишларига қарар, хуллас партия ташкилотининг ўнг қўли эди.

Тайёр материалларни машинкада босишга киришилди. Унга Бўстон қоғоз ўлчаб, қийиб бериб турди. Деворий газетанинг бу сонидан пахтадан ташқари чорвачилик масалаларига ҳам катта ўрин берилди. Газета

кеч соат ўн иккига бориб тайёр бўлди. Вера Павловна уни эртага дам олиш вақтида Мамарасул аъзо бўлган 12-бригадага бориб ўқиб беришни Бўстон билан Қодирқулга топширди. Кейин бошқа бригадаларга олиб бориладиган бўлинди.

Улар клубдан чиққанларида кўча сутдек ойдин эди. Шундай бўлса ҳам Вера Павловнани уйигача узатиб бордилар. У билан хайрлашгач, Қодирқул Бўстонни узатиб борди. Кўча тинч. Фақат парк ўртасида баланд устунга ўрнатилган катта радио карнайидан музыка товуши эшитилади. Бўстон билан Қодирқул ёнма-ён кетдилар. Қодирқул ниманидир айтишни мўлжаллаб, йўталиб-йўталиб қўярди, ниҳоят у, Бўстонга бир оз бурилиб, паст товуш билан:

— Шеърларни ўқидингизми?— деди.

— Ўқидим, фикримни ёзиб бераман. Айтгандай, Ботиржон акамни кўрдингизми? Қаёқдалар, кўпдан бери кўринмайдилар...

— Ҳозир унинг фикри хаёли янги боғ яратишда. Утган кун раисдан рухсат олиб, мени бирга олиб кетди. Янги очиладиган ер, сув йўлларини кўздан кечирдик.

— Бўладиган ишми?— сўради Бўстон синамоқчи бўлиб.

— Жуда қийин иш, хом хаёл. Пахтани йиғиштириб қўйиб, фақат боғ десак... балки бир гап бўлар.

— Сиз ҳам тоза ваҳима қилдингиз.

— Рост, ишонинг Бўстон.

— Ишонмайман,— деди кулиб Бўстон. Қодирқул билан хайрлашаркан, бир гап эсига тушиб жонланиб кетди.

— Лекин Ботиржон акам ажойиб бир иш қилдилар. Беш гектар ерга янги усулда чигит эктирдилар, жуда яхши янгилик.

— Эшитдим,— деди бир оз қизариб Қодирқул.

Бўстон Ботирнинг боғ ҳақидаги ташаббусига ҳам хайрихоҳлик билан қарарди. Лекин бу масалани ҳали пухта ўрганиб чиқмагани учун Қодирқул билан баҳслашмади. У уйига киргач, Қодирқул кетига бурилди ва хаёл суриб кетди. Бўстоннинг «Ботиржон акам, Ботиржон акам» деб гапириши унга бир оз ғалатиноқ туюлди. У келиб кроватга чўзилгач ҳам, кўп вақтгача хаёл суриб ухлай олмади.

Колхозчилар дам олиш учун шийпонга йигилишган. Қуёш тик кўтарилган. Ҳаво дим. Одамлар ташналикни босиш учун аччиқ-аччиқ кўк чой ичмоқдалар. Мамарасул ҳам қаттиқ чарчаган кишидек пешона терини тез-тез артиб, кўк чойдан иссиқ-иссиқ хўпламоқда.

— Тоза қиздирди, қирқдан ошди шекилли,— деди дўпписи билан кўкрагини елпир экан, Қарим полвон.

Бир оёғини шилдираб оқаётган ариқчага солиб ўтирган Мамарасул унга қаради.

— Қишда мушук бўлсанг, ёзда балиқ...— деди.

— Омон бўл, бу нима деганинг.— Қарим полвон бошқаларга ҳам унинг сўзини аниқ эшиттириш учун жўрттага сўради.

— Мушук қишда энг иссиқ жойни топиб ётади, балиқ эса ҳамиша сувда...

Қарим полвон тиззасига уриб хохолаб кулди, бошқалар ҳам кулдилар. Шу вақт Бўстон билан Қодирқул деворий газетани келтириб, шийпон устунига осиб қўйдилар. Ҳамма уни кўришга шошилди. Кексалар билан суҳбатлашаётган бир неча йигит ўрнидан қўзғалмай ўтирган еридан диққат қилди. Нор хола яқин бориб, Мамарасулнинг номини эгилиб ўқиғач, бошини қимирлатиб, елкасини қисди.

— Суратга қара, худди ўзи. Қўли дард кўрмасин, тоза ўхшатиб чизибди.

Ориқ, чўққи соқол Риза бобо ҳам яқин келиб тикилди, тикилди-ю «ҳай-ҳай-ҳай» деб қўлларини соқолига олиб борди, бошини тебратиб, «ҳайф сумбат, ақл қиммат» деди.

Новча Ойниса хола одамларнинг бошлари устидан бўйнини чўзиб қаради:

— Ғумайни кўриб, белига оғриқ ёпишибди-я, қургурнинг.

Одамлар кулишди.

Саодат опа ҳам кўриб, беихтиёр кулди ва Бўстонга қараб:

— Тоза шарманда қилибсизлар бечорани, шунчалик бўладими? Ҳар иш меъёрида яхши,— деди.

— Сиз билмайсиз, у ўтакетган дангаса, кейинги беш кунликда нормасини бир марта ҳам бажармади.

Қумри Мамарасулнинг семиз ўтдан қочаётган суратини кўриб:

— Жуфтак отиб қоч-а! Дўппини ол!— деб шўхлик қилиб қичқирди. Ҳамма хохолаб юборди.

— Тавба, нимага бунча кулишади, бир гап бўлганми?— деб ўрнидан турди Мамарасул. У қора мўйловини бир-икки бураб, қўлини орқасига қилиб, аста-аста юриб, газетага яқинлашди. Газета олдида тўпланиб турган кишилар икки ёққа бўлиниб, унга йўл бердилар. Мамарасул одамларнинг бу мурувватидан ҳайрон бўлиб, икки тарафга ҳам аланглаб қаради-да, бориб газетага тикилди. Ҳамма жим. Қимдир ўзини тутолмай, «пиқ» этиб кулиб, яна оғзини қўли билан беркитди, Мамарасул ялт этиб унга бурилиб қаради.

— Нимага куласан, маймун ўйнатаётибманми?— деди.

Одамлар бир-бирларига «жим, жим», дейишардилар.

Мамарасулнинг биринчи суратга кўзи тушди, ўз-ўзидан ўрганган рассомнинг сурати Мамарасулга унчалик ўхшамас эди. Шунинг учун қараб туриб, «э...» деди-ю, хохолаб кулиб юборди. Одамлар жим. Унинг кўзи иккинчи суратга — семизўтдан қочиш тўғрисидаги манзарага тушди. «Э... бунисига қара, ҳа... ту!» деб қичқириб, тиззасига уриб қўйди. Одамлар ўзларини зўрға тутиб турдилар, ахир у суратлар тагидаги хатни кўриб қолди-да, бирдан тутақиб кетди.

Мамарасул муштини тугиб, газетага чиранган эди, ёнида турган кишилар уни тутиб қолдилар. У, акам рай-ижроком раиси, дангасалигим ошкор бўлмайди, деб ўйларди. Ҳақиқатан ҳам уни кўп киши юз-хотир қиларди. Кўпдан яшириниб келиб, бирданига қаттиқ фош бўлганига дастлаб ишонгиси келмади, ишонгач эса, чидай олмади. Икки муштини тугиб, баланд кўтариб, «туҳмат» деб қичқирди. Ҳамма хохолаб кулди. У, «районга бораман, арз қиламан» деб гур-гур ёнди, куйди. Ниҳоят, Риза бобо уни бир чеккага олиб кетиб, икки пиёла чой бериб, насиҳат қилди. Мамарасул Риза бобонинг гапларидан совуб, ҳовридан тушди. Шунда ҳам узоқдан суратга кўзи тушса, чўғдек қизариб кетарди.

Йигитлар танқиднинг давомини олиб кетдилар. Гулзор чеккасида ўтириб, чой ичаётган Карим полвон Қодирқулга кўзини қисиб илжайди:

— Ҳар ким бир нарсага уста бўлади-да. Мамарасулнинг ишда мазаси бўлмаса ҳам, овда дуруст.

— Бекор гап, ишдан қочиб чакалак орасида қанча дайдиб юрса ҳам бирон нарса уриб келганини кўрмадим.

— Ҳоз-чи?..

— Уни бошқа овчидан сотиб олиб келган.

— Мамарасул ҳақиқатан уста мерган,— деди йигитлардан бири. Ҳамма унга қаради.— Кеча йўнғичқа даласи чеккасидан келаётсам, битта думсиз тулки чопонини елкасига солиб кетяпти. «Ҳа, қаёққа?» дедим.

— Медпунктга, кейин қишлоқ советига...— деди тумшуғини кўтариб.

— Хўш, нима бўлди?

— Мамарасул тинчлик бермаётир. Уямизни тўзғитиб юборди. Кеча менга қараб бир ўқ узди, думдан ажрадим,— деди.

Ҳамма кулди. Мамарасулнинг кўзлари чақнаб, сариқ юзлари қизариб кетди. У муштини тугиб, ўрнидан бир неча марта қўзғалмоқчи бўлди, лекин Риза бобо йўл қўймади.

Кулги тингач, Бўстон газетанинг бошқа материаллари билан бригада аъзоларини таништира бошлади. У суҳбатини тамомлагач, овқат сузилди. Овқатланиш, чой ичиш пайтларида ҳам ҳамма газета ҳақида гапирди. Занг урилгач, Бўстон билан Қодирқул ўз муваффақиятларидан хурсанд бўлиб, ишга жўнадилар.

Кечқурун редакция аъзолари яна клубга тўпландилар. Бўстон қайси мақоланинг колхозчиларга қандай таъсир қилганини гапириб берди. Вера Павловна унинг сўзларини диққат билан эшитди, кейин навбатдаги соннинг плани тузилди. Материаллар тайёрлаш учун редколлегия аъзоларига темалар бўлинди. Янги агроном Ботиржон Мавлоновдан: «Боғдорчиликни ривожлантирайлик!» мавзуида мақола ёздириб олиш Бўстонга топширилди. Улар клубдан чиққанларида битта кўк «Победа» ғир этиб эшик олдига келиб тўхтади. Ундан «Оқ олтин» колхозининг раиси Жалилов чиқиб, Бўстон ва бошқалар билан кўришди. Кейин Бўстонга яқинлашиб, очиқ чеҳра билан:

— Сизни сўраб ҳовлига келган эдим, клубга кетди дейишдилар. Жуда зарур иш чиқиб қолди,— деди.

У «Победа»нинг эшигини очиб: «Марҳамат» деди.

— Қаёққа?

— Холангиз ёнига, Жуда зарур иш бор экан. Йўл устида олиб келинг деб сўради.

Бўстон ҳайратланиб, иккиланиб турди-ю, эҳтимол холамнинг касали оғирлашган бўлса, деб машинага минди. «Победа»ни Жалиловнинг ўзи ҳайдаб кетди.

Бу воқиа Вера Павловнани унчалик ҳайратлантirmаса ҳам, аммо Қодирқулнинг ҳуши бошидан учай деб қолди.

— Бу нима гап!..

Вера Павловна елкасини қисиб кулди.

Қодирқулнинг кўзи хонасидан чиқиб кетаёзди. Шу пайт у Ботиржон билан дардлашишни истарди. Вера Павловна билан хайрлашиб, оёғи куйган товукдай жўнади.

14

Жалилов ўттиз икки ёшлар чамасидаги серҳаракат, ихчам йигит. У одамларнинг юрагидагини билиб олишга ҳаракат қилаётгандай, кишига қаттиқ тикилиб қарарди. Шундай пайтларда баъзи кишилар унинг ўтқир кўзларидан назарларини олиб қочардилар. У ҳамма вақт ёқимли табассум қилар, думалоқ юзида майда чечак излари бўлса ҳам, хунук кўринмас эди. Сўзни юракдан чиқариб гапиришга ҳаракат қилар ва тез-тез қасамёд қилиб турарди. Ҳамма вақт тоза кийиниб юрарди, умуман олифталикни севарди...

Бўстон машина анча юргач, Жалиловга ишонмай, «Омон ака, қаёққа?» деб сўради. Жалилов машинани бир оз секинлатиб, кўз қири билан қараб илжайди:

— Энди қанотимга мингазиб олдим, қаёққа учуриб кетсам кетавераман.

Бўстон жиддийлашди. Жалилов жуда муҳим бир нарсани айтадигандек унга томон бир оз бурилди:

— Самарқандга Хоразм артистлари келган. Фир этиб бориб томоша қилиб келамиз. Дарров кийиниб чиқинг.

— Нега алдайсиз? Энди ҳеч гапингизга ишонмайман, бормайман.

— Бир соатлик йўл, наҳотки боролмасангиз?

Жалилов у ёғини айтмасдан, Бўстон жавоб берди.

— Гап битта, бормайман дедим, бормайман.

— Майли,— деди ялингансимон мулойим товуш билан Жалилов.— Ихтиёр ўзингизда, зорим бор, зўрим йўқ. Сизга заррача озор бергим келмайди.

Бўстон, ҳовлиси тўғрисида келганда машинадан тушди. У эшикдан кириб кетаркан Жалилов: «Хайр, соғ бўлинг» деб машинани ҳайдади. Бўстон эшитилар-эшитилмас «хайр» деди. У уйга кириши билан Саодат опа «Машинада келдингми?» деб сўради. Бўстон «Ҳа... Омон акам йўл-йўлакай ташлаб ўтдилар» деди. Саодат опа қовоғини солди, Салим ака табассум қилиб ерга қаради.

15

Ботир билан Нор хола кечки овқатдан кейин гулзор лабига қўйилган катта ёғоч сўрида чой ичиб ўтирган эдилар, шошилганича Қодирқул кириб келди. Нор хола унинг афтига қараб, бир оз кўнгилсиз ҳодиса юз берган бўлса керак, деб гумонсиради. У Қодирқулга жой кўрсатаркан, «Тинчликми, болам, нега мунча шошиб юрибсан?» деб сўради.

— Тинчлик қайси гўрда, юрак куяётир, бир пиёла совуқ сув беринг.

Нор хола «хўп» деб ўрнидан турди:

— Яхши ният қил, болам, нима бўлди, тўғрисини айт.

— Сўраманг, бу кампирларга тегишли иш эмас. Ботиржон билан маслаҳатлашишга келдим.

Нор хола илжайди, катта косада муздек тиниқ сув келтириб бераркан: «Ҳамма вақт шунақа ваҳима қилиб, одамнинг кўнглини хира қиласан. Ахир тузукроқ ўйлаб иш қилсанг бўлмайдимми?» деди.

— Э... Ўргилиб кетай кампир, танқид мажлисда дуруст, уйда ҳам ҳадеб танқид қилаверасизми?

— Ҳа, камчилигингни тузатмасанг, танқид қилавераман.

Қодирқул илжайди.

— У... кампири тушкур, майли сиз ҳам қулоқ солинг. Сиздан ҳам ақлли гап чиқадиганга ўхшайди.

Нор хола:

— Тавба, энди билдингми?— деди ва ўрнидан турди.— Гапингнинг кераги йўқ, эшитмаганим бўлсин...

Қодирқул:

— Кечирасиз, кечирасиз, танқидингиз тўғри, баъзан ўйламай гапириб пушаймон бўладиган одатим бор. Утиринг, ўтиринг, бу ҳаёт-мамот масаласи, сиз ҳаммамизнинг онамиз, сиздан яширадиган сирим йўқ. Маслаҳат беринг,— деб Нор холани икки қўлидан тутиб, сўрига ўтқизди.

Ботир Қодирқулнинг гапига қизиқаётган бўлса ҳам чидам билан кутди. Нор хола билан унинг орасидаги суҳбатни бўлмади. Нор хола аччиғидан тушиб, мулойим оҳангда гапирди:

— Хайр, майли, болам, ҳазил қилдим, хафа бўлма, нима гапинг бўлса айтавер, қулоғим сенда.

Қодирқул ҳайратда қоладиган бир нарсани айтмоқчи бўлгандай, жиддий вазият олди:

— Кеча Вера Павловна, Бўстон ва мен клубдан чиқаётган пайтимизда ғир этиб битта «Победа» яқинлашиб келди, ундан ўша олифта Жалилов чиқди-ю, «Марҳамат, марҳамат» деб Бўстонни машинага таклиф этди. У ҳам худди сеҳрлангандай «хўп» деб, дарров машинага чиқиб ўтирди. Жалилов бўлса хурсандлигидан оғзи қулоғига етиб, «Победа»ни қушдай учуриб кетди. Бўлган гап ана шу.

Бу воқияни эшитгач, Ботирнинг юраги «жиз» этиб кетган бўлса ҳам ўзини бепарволикка солиб: «Хўш, нима бўлибди?»— деб елкасини қисиб, қорамтир юмшоқ сочини бир-икки марта тараб қўйди.

Қодирқулнинг аччиғи келди:

— Ана холос! Гапни тоза одамига айтган эканманда. Мен, яқин жўрам деб дардимни сенга ёрсам, сенинг парвойинг фалак.

Ботир кулди:

— Хўп, Бўстон Жалилов машинасида кетибди, энди нима қилиш керак?

— Э, қизиқмисан, уни сен танимайсан, у Бўстонни йўлдан уриши мумкин. Лекин унга лойиқ одам эмас. Шунинг учун Бўстонни бу йўлдан қайтариш керак. Сен унга маслаҳат берсанг, қулоқ солади.

Нор хола ҳам Қодирқулнинг гапига қўшилди:

— Вақт борида ҳаракат қилиш керак. Бўстон доно қиз бўлса ҳам, ёшлик — ўт-олов, пухта ўйламай бир иш қилиб қўяр-у, кейинги пушмон фойдасиз...

— Ҳа... ўлманг,— деди Қодирқул,— ойм ҳақ гапни айтдилар. Вера Павловна Бўстонга сендан деворий га-

зетанинг навбатдаги сони учун мақола ёздириб олишни топширди. Эртага ёнингга келади. Ушанда гаплаш.

— Аниқ ваъда қилолмайман. Тўғри келиб қолса айтаман. Унинг шахсий ишига аралашсам, аччиғи келиши мумкин.

Нор хола билан Ботирнинг «ўтир» деб сўрашларига қарамай, Қодирқул: «Жон жўра, мен учун, Бўстон учун бир ҳаракат қилиб кўр»— деб жўнади.

16

Саодат опа сигирини соғиб, сутни пиширишга энди ўт ёққан эди, Бўстон ташқаридан қувониб югуриб келди ва уни қучоқлаб, ўпиб-ўпиб олди. Саодат опа ҳайратланиб: «Қаёқдан қуёш чиқди, нима гап?»— деди.

— Янги кўйлагим битибди, тикувчи ҳозир келтирар экан.

— Э худоё тавба, шунга шунчами, умрингда янги кўйлак кўрмаганмисан?

— Буниси бошқача, янгича фасонда тикилган, бирам чиройли ҳали келса кўрасиз...

— Янги фасонинг энгсиз, тиззадан калта, шунақами? Худо олсин унақа фасонни.

— Йўқ, ойи, ҳеч унақа эмас.— Бўстон чираниб гапирарди.

— Узунлиги бўйим билан барабар, ёпиқ ёқа, энги манжет-бурма, қўлтиқдан тирсагигача кенг, бели ингичка, белбоғи йўқ, белидан пастроқда ҳам бурмалари бор.

Шу вақт бўйи пастроқ семиз бир хотин оқ докага ўралган кўйлакни қўлида осилтириб кўтариб кириб келди...

Бўстон кўйлакни олиб, ичкарида кийиб чиқди. Фасони ҳаммага маъқул тушди. Саодат опага ҳам ёқди, у кўйлакнинг тикилишидан кўра матосига қизиқди.

— Қандай яхши нарса, худди чамандек яшнаб турибди,— деди.

Тикувчи хотин кулди.

— Чаман билан Бўстон қўшилди, денг.

— Ҳа... ҳа... худди шундай, ярашиб кетди. Помбархат шойиларнинг энг асили, бебаҳоси экан, ҳали эсимда, болалигимда бир хил янги сатинлар чиққанди, отини «Киймасам ўлай», «Келини кийсин, қайнанаси куйсин»

дейишарди. Рамазон ҳайитига бир ой қолганда дадамга йиғлаб ёлвора бошладим, то арафагача, бечора дадам раҳматли чидай олмай, қарз қилиб бир кўйлақлик сатин олиб келдилар. Фасон қайси гўрда, аям халтага ўхшатиб дарров тикиб кийгиздилар, бошим осмонга етгандай қувондим. Бунинг ёнида улар сатин эмас, бўз, бўздан ҳам бадтар,— у сўзини тугатгач, Бўстон ичкарига кириб ойнага қаради. Олд, ён, ва ҳатто орқасига ҳам қайрилиб-қайрилиб назар ташлади. Кўйлақ унинг ҳуснига ҳусн қўшиб, эғнида барқ уриб кулиб турарди. Бўстон ўз гўзаллигидан ўзи уялгандай қизариб кетди. Ўзидаги чирой ва жозибани кўриб, «Ростдан ҳам гўзалсан, Бўстон» деди. Кейин «Майли...» дегандай секин кулиб, кўзини қисиб қўйди.

У, Ботиржон ёнига бормоқчи эди, кўйлақни кийгач, ўйланиб, иккиланиб қолди: «Жўрттага ясаниб келибди», демасмикин, наҳотки, шундай деса... Шу вақт Ботиржон унга ёқимли табассум билан ўткир кўзларини тикиб, «ў... ажойиб» дегандай бўлди. Бўстон уялганидан ерга қаради ва хаёлидан уни чиқариш учун яна ойна олдига борди. Кўйлақни ечиб, кейин Ботир ҳузурга бормоқчи бўлди. Лекин кўнгли бўлмади, секин бурилди-да, аста юриб айвонга чиқди. Шу вақт Вера Павловна кириб келди. У Бўстонни кўраркан, кулиб баланд овоз билан: «Муборак, муборак! Жудаям қаддиқоматингга ярашибди, устасига раҳмат!» деди ва Бўстонга яқинлашиб, кўйлақни ҳар тарафдан қараб кўздан кечирди:

— Жуда яхши, жуда соз, қутлуғ бўлсин!

Вера Павловна тикувчига томон бурилиб, у билан сўрашгач, яна Бўстонга қаради:

— Ҳўш, ўтган кунги иш нима бўлди?

— Ҳозир Ботиржон акам ёнига бормоқчи бўлиб турган эдим.

Вера Павловна бу тарафду ва ясанишнинг сирини билгандай илжайди. Бўстонда Ботирга нисбатан қандайдир иссиқ меҳр уйғонаётганини сезгандай қувонди: «Улар бир-бирига чинакам муносиб, турмуш қурсалар қандай яхши бўларди»,— деб ўйлади.

— Майли бўлмаса, бор, мақола қачон тайёр бўлади? Аниғини билиб кел.

Бўстон Вера Павловнанинг илжайиш сирини сезган эди. Шунинг учун сал ўнғайсизланиб қолди. Унга томон

бурилиб: «Хайр, мен кўйлагимни алмаштириб чиқай, ҳозир жўнайман»,— деди.

Вера Павловна бирдан қизишди.

— Тўхта-тўхта, нега? Янги кўйлак билан борсанг, айб бўладими?

Бўстон Вера Павловнанинг қистовига қарамай, «уяламан» деб кўйлагини алмаштириб чиқди. Шу вақт қайси уйдадир, ивирсиб юрган Саодат опа чиқиб келди:

— Вой ўргилиб кетай, Вера Павловна келибдиларми? Нега бунча кўринмай кетдингиз? Ахир ўз уйингиз, Бўстон ўз қизингиз, унга мендан кўра сизнинг кўпроқ меҳнатингиз сингган. Битта бўп-бўшанг қизимни лочиндек ўткир қилиб бердингиз, кечалар келиб, эринмай ўқитиб ўргатганларингиз эсимга тушса, бағримга босиб, ўпгим келади. Сизга ҳар қанча ҳурмат, ҳар қанча миннатдорчилик қилсам ҳам оз. Уйимнинг тўрига ярашадиган меҳрибоним сиз.

— Самимий сўзларингиз учун раҳмат!

Саодат опа Вера Павловнага жой кўрсатиб, дастурхон келтиришга шошилаётган эди, у зарур иши борлигини айтиб, бошқа вақт келишга ваъда берди ва хайрлашиб Бўстон билан бирга чиқиб кетди.

Улар узоқлашмай чўққи соқол, эллик беш ёшлардаги бир одам ҳовли олдига келиб, эшакдан тушди. Бўстон тўхтаб сўради:

— Кимга ишингиз бор, бобо?

У ҳийлакор кўзлари билан қараб илжайди:

— Ҳа... бўйингдан бобонг ўргилсин, ўзинг ким бўласан?

— Салим аканинг қизлари бўламан.

— Бўлмаса мен меҳмон бўлиб келдим, қизим.

Бўстон ичкари кириб онасига хабар қилди. У чиқди, меҳмонни кутиб олди.

Вера Павловна билан Бўстон катта хиёбондан кетдилар. Икки тарафда ҳам қатор тизилиб кетган оқ тераклар шовиллаб турарди. Электр чироғлари ёниб, боғ равшан бўлган. Бир оз юргач, Вера Павловна норози қиёфада:

— Кеча нега бормадинг, борган бўлсанг, бугун балки мақола тайёр бўларди,— деди.

— Эсим қурсин, эсимдан чиқибди, кечиринг, Вера Павловна.

Жалилов характери билан Вера Павловнага ёқмас эди. Унинг Бўстонга яқинлашиб юриши эса гашига тегарди. Ана шу таассурот билан бўлса керак, у мулозим товуш билан Бўстонга қаттиқроқ пичинг қилди.

— Майли, ахир «Победа»га мингандан кейин, кишида эс-хуш қоладими?!

— Кечирасиз, Вера Павловна, қачон сўзингизни қайтардим. Мендан хафа бўлманг, ҳозир у билан гаплашиб мақолани ёздириб оламан.

Вера Павловна юриб бораркан, кулиб уни қучоқлаб қўлтиғига қисди:

— Чиндан ҳам чиройли, қилиғи иссиқ қизсан, тенгинг топилсин. Энди битта гап сўрайман, тўғрисини айтасанми?

— Ҳа... Наҳот сизга ёлгон сўзласам.

— Шахсий ишингга аралашганим учун кечир, нима қилай, меҳнатим сингган, яхши кўраман, бахтиёр бўлишингни истайман, кўнглим сира тинчимаётир.

— Сиздан яширадиган қитдай сирим бўлса тил тортмай ўлай, айтинг.

— Нега қасам ичасан,— Вера Павловна аччиғланиб, қовоғини солди,— шундай гапирсанг ҳам ишонаман. Бўлмаса жавоб бер. Жалиловни чиндан севасанми?

Бўстон ялт этиб Вера Павловнага қаради, унинг меҳрибон кўзларига кўзи дуч келгач, секин ерга боқди ва паст товуш билан гапирди:

— Тўғрисини айтсам, гўдакликдан унашиб қўйишган.

Омон Жалиловнинг отаси Салим акага бир туғишган қариндош эди. Бўстон туғилган куниде, уни Омонжонга берамиз, деб ният этилган, ҳатто эски одат бўйича Жалиловга унинг қулоғини ҳам тишлатиб қўйган эдилар. Шундан буён икки тараф борди-келди қилар, байрам кунларида «Келинга, куёвга» деб икки оила бир-бирларига совға-салом юборишар эди, лекин икки ёш бошқа-бошқа шароитда, характерда ўсди. Юзаки қараганда, улар бир-биринга яқиндай кўринсалар ҳам, аслда бундай эмас эди. Улар орасидаги яқинлик эскидан давом этиб келаётганидан, уни бузишга ҳали кучли эҳтиёж сезилмагандай эди.

Бўстон ўрта мактабни тугатгандан кейин, «тўй» сўзи тез-тез такрорланадиган бўлиб қолди. Аммо у бунга то сўнгги пайтларгача жиддий эътибор бермади.

— Жавобинг равшан эмас,— деди бир оз ўйланиб, Вера Павловна,— лекин ҳушёр бўл, Жалилов ҳақида хунук-хунук гаплар эшитаётирман. Шошилма, пухта текшириб кўр, иккиланиб-иккиланиб юриб, ахир кучли муҳаббат бўлмаса ҳам, ота-онасининг қистови билан «Хайр» деб юборадиган бўшанг, бу ишга енгилтаклик билан қарайдиган иродаси заиф қизлар ҳам бўлади. Кечирасан, сени ундай деб ўйламайман. Ҳаммадан бурун шуни эсингда тутки, институтда ўқимоқчисан, комсомолкасан, ҳамма гапим шу. Юрагингга қўл урганим учун кечир.

Бўстон индамай, ерга қараб, сўзга қулоқ солиб борди. Улар хиёбон охирида хайрлашдилар.

17

Саодат опа меҳмонни кутиб олиб, гулзор ёқасидаги катта ёғоч сўрига ўтқазди. Дастурхон ёзди, қатиқ, қаймоқ, майиз, ёнғоқ қўйди, пишган сутини олиб, қозонга бошқатдан ўт ҳам ёқа бошлади. Меҳмон «Ажойиб насиба» деб ишга тушди, унинг соқоли тебраниб, қўли оғзига тинмай бориб-келиб турди. Иши жуда шошилишч кишидек патир билан қаймоқдан шунча тез едики, яхши чайналмаган нонлар томоғига тиқилиб қолди. Пиёлага қўйилиб қўйилган чой совиб қолган бўлишига қарамай, қатиқдан ҳўплади. Товоқни ерга қўяркан, сичқоннинг думидек нозик, ингичка мўйловларини ялаб:

— Бай-бай, зап бамаза қатиқ, бамаза қаймоқ экан... Ҳўш, Салим акам, Нур бобом қачон келадилар?— деб сўради.

Саодат опа унга қарамай, жавоб қилди:

— Келиб қолсалар керак, вақт бўлди.

— Уйда одамшаванда кампиринг бўлгандан кейин эркак бори йўғи билинмайди, баракалла-баракалла, Салим ака ўн йилларча бизнинг падари бузруквор қўлида хизмат қилганлар, яъни ота қадрдонимиз.

— Эй... ҳали сиз мулла Нусратмисиз, эсим қурсин, қарамабман ҳам?— Саодат опанинг юраги муздек бўлди. Ўтмиш эсига тушиб, жирканиб кетди.

— Ҳа... ўша мулла Нусратингиз бўламан. Йигирма йил оз вақт эмас, қишлоқни танимай қолдим. Бу янги иморатни Салим аканинг ўзлари солдиларми?

— Ҳа... ўтган йили битди.

— Олло зиёд қилсин, кўп яхши иморат бўпти, насиб қилсин.

Кетмонни елкасига ташлаб Нур бобо келиб қолди. Мулла Нусрат ўрнидан туриб кўришди.

— Хўш келинг, мулла Нусрат, қандай шамол учирди.

— Меҳр-муҳаббат, қадрдонлик шамоли... Кўпдан келиб соғ-саломатликларини билай деб юрардим, бу орзу фақат шу кунгина ушалди. Қани бардам, бақувватмисиз, фарзандлар омонми? Болаларнинг давлатида гулзор лабида чўзилиб ётмайсизми? Сизга нима кам?

— Меҳнатга ўрганган киши бекор туropolмас экан. Шу йил сув пича камчил, болаларга ишонмай, гўзани ўзим суғораётирман. Хўш, қани, ўзингиз қалайсиз?

— Сиздан яширадиган сир йўқ. Имомгарчиликни ташлаганимга расо йигирма йил бўлди, қилмаган касбикорим қолмади. Биттасида ҳам ноним икки бўлмади, бошим балодан чиқмади. Шоир айтганидек:

«Ҳар балойнки з осмон ояд,
Ба замин норасида мегўяд.
Хонайи Анвари кужо бошад.»

Мазмуни: «Осмондан келаётган ҳар бало, ерга етмасдан туриб, Анварийнинг уйи қаерда?» деб сўрайди.

Бу замонда осмондан тушаётган ҳар бало ерга етмай туриб «мулла Нусратларнинг уйи қаерда» деб сўрайдиган бўлган. Бир вақт бахтиёр бўлиб, Қўшрободнинг бир узоқ қишлоғида магазинчилик қилдим. Энди оғзимга ош етганда: «тош-тарозудан урдинг» деб, қамаб ўборишди. Қамоқни битқазиб келиб, Шоҳизинда мақбарасида қоровул бўлдим, кўп ўтмай ундан ҳам, «тош сотдинг» деб ҳайдашди.

— Қанақа тош?— Нур бобо қизиқиб сўради.

— Табаррук тошдан келганларга пича-пича қоғозга ўраб бериб турардим...

— Ўзингиз ҳам, мулла Нусрат, кўришган кишининг бармоғидаги узугини олишга ҳаракат қиласиз-да...

— Гап унда эмас, пешонада. Ахир бол тутган бармоғини ялайди, аммо, иш қайтиш бўлгандан кейин туянинг устида ҳам одамни ит қопади. Шоҳизиндада дурустгина ишлаётган эдим, ҳали бир ой ҳам тўлгани йўқ эди, бир куни Карим полвон исмли колхозчи келди, кўзлари сал бежо кўринди. Назир сўрамай дедим, лекин ўрганган кўнгил қўймади. Ана шунда иш расво бўлди.

— Хўш, хўш?— бобо қизиқди.

— Ҳамма ёқни саёҳат қилдиргач, охирги мақбара олдига олиб келдим. Хотиримдан фаромуш қилмаган бўлсам исми шарифингиз Қарим полвон бўлса керак, дедим. Тасдиқ ишорасини олгандан сўнг, «ука, бузрукворлар кечанинг ўзида бундан хабар берган эдилар, иншоолло ҳожатингиз раво, нимани кўнглингиздан чиқарган бўлсангиз, улуғ қадамгоҳга келишда нимаики ният этган бўлсангиз, озми-кўпми фарқи йўқ, тортиниб турманг» дедим. Шу гапдан кейин унинг авзойи бузилди.

Дарҳақиқат, Нусратнинг пасткашлиги Қарим полвоннинг ғашига теккан эди. «Бунчалик тамагарлик қилади-я, инсофсиз» деб ўйлади у ва кетиш учун бурилди. Лекин мулла «бирпас тўхтанг, ука» деб унинг қўлтигидан тутиб мақбара эшиги олдига олиб келди:

— Сизга табаррук тошдан андаккина... бу тош турган уй ҳамиша равшан ва бало-қазодан омон бўлади.

Мулла чўнтагидан бир парча қоғоз чиқариб, мақбара эшигининг ўнг тарафида қуёш нури билан ўйнашиб турган нақшли тошни артди. Қарим полвон кошиннинг хусусиятлари ҳақида бир нима айтмоқчи, шекилли, деб энгашиб диққат билан қаради. Мулла яктаги тагидан белбоғининг орқасига қистириб қўйган болғачани олиб, «бисмиллоҳу раҳмону раҳим» деб ҳалиги артилган тош устига урди. Қарим полвон «ҳайт» деб унинг қўлини тутди. Нусрат қаҳқаҳа уриб кулди:

— Қўрқманг, табаррук деб ёдгорлик учун олганда авлиёлар ғазабланмайдилар, билъакс хурсанд бўладилар.

— Нимага шундай гўзал ва тузук нарсани бузасиз?

Мулла болғача зарби билан ерга ўпирилиб тушган кошинни эгилиб олиб, қоғозга ўради ва Қарим полвонга узатди.

— Полвон ука бунинг учун кўнглингиз ранжимасин, юз минг кишига олиб берганда ҳам бо яна қолади, тамом бўлмайди. Буни уйда баланд бир ерга, қибла томонга қўясиз, хосиятини кейин биласиз.

Қарим полвон зарда билан мулланинг қўлидан тошни тортиб олиб, ҳеч нима бермай бурилиб жўнади. Нусрат ҳаяжонга тушиб, нағалли кавушини шалоплатаиб судраб унинг кетидан келди:

— Ука Каримжон, Карим полвон ука, ҳеч нимангиз керак эмас, шундай холисалилло дуо қиламиз, уни нима қилмоқчисиз?

Карим полвон тез-тез кетаркан: «табаррук, эсдалик дедингиз-ку»,— деб қўйди.

— Хўб-хўб...

Карим полвон унинг сўзига жавоб бермай, зинадан тушиб эшик олдига келди. Мулла ҳаллослаб югуриб уста Даврон билан кетаётган Карим полвон кетидан чиқди. «Хайр, саломат... тез-тез келиб туринглар», деб қичқирди. Карим полвон жавоб бермади, шу воқиядан кейин мулла Нусрат қамалди. У терговда зўр бериб ўзини оқлашга уринди.

— Инқилобдан бурун шайхлар шаҳзодалар устига қўйилган ёзувли мармар тошни сотиб юбордилар; ҳеч ким ҳеч нарса демади. Темур мақбарасига кираверишдаги ўймакорлик билан ишланган тарихий эшикни сотиб юбордилар, ҳеч ким ҳеч нарса демади. Мен чумчуқнинг кўзидек тошни синдирганимга шунчалик ғазаб қиласизларми?— деб вайсади. Унга:— Ёдгорликлар халқ мулки, ким қўл чўзса, қўлини синдириб ташлаймиз. Эски вақт ўтиб кетди,— деб жавоб қилдилар.

Нур бобо гапни қисқа қилиш учун ундан нима мақсадда келганини сўради. Мулла Нусрат хийлакор кўзлари билан унга бир тикилиб олди:

— Биз ҳозир ўртоқ Жалилов раис бўлган «Оқ олтин» колхозида тегиримончимиз.

— У ерда ҳам ўша ҳунарларингизни ишлатаётирсизми?

— Йўқ-йўқ. Қасамёд қилдик, ҳеч нарса ҳалоли-покизаликка етмас экан. Ярим нон—роҳати жон. Бутун нон—балойи жон, дейдилар. Қаноатда баракат.

— Хўш, энди Салим акам келмадилар. Мажлис-пажлисда қолдиларми? Гапимни сизга айтиб кетаман, ўзингиз у кишига тўла-тўкис еткизасиз. Мени ўртоқ Жалилов юбордилар. Тўйни тезлатишни сўрадилар. У кишининг пиятлари бир ойдан кечикмай ўтказиб юбориш, бунинг учун ҳар нима керак бўлса, рўйхат тузиб юборилса, хизматга тайёرمىз. Қисқа калом ана шу. Сизни бадавлат бообрў куёв билан қутлайман. Тўй устига тўй бўлсин. Ҳамма нарса мўл бўлсин.

Мулла «омин» деб қўл учини қошига олиб борди-ю, ўрнидан турди. У кетгач, Нур бобонинг кўнгли хирала-

ниб қолди. Шунақа одамларга хизмат буюргани учун Жалиловдан хафа бўлди.

18

Ботир ёш мажнунтол тагида скамейкада ўтирарди. Қўлида кўк муқовали қалин китоб, тол устида порлаб турган лампочкадан ерга ола-була ёруғлик тушарди. Шундай бўлса ҳам бемалол хат ўқиш мумкин эди. Ботир китобга назар ташлар, лекин уч-тўрт хат ўқимасдан яна йўлга қарар эди. Баъзан туриб хиёбонга ҳам кўз югуртирар, Бўстон кўринмагач, яна қайтиб жойига бориб ўтирарди. Шундай пайтда — кутиш ҳам нашъали, ҳам оғир...

Баҳор етилган, иш қизғин, колхозчилар даладан кеч қайтадилар. Сигирларини соғиб, овқатларини пишириб егунча талай вақт ўтади. Шу сабабдан ҳозир парк тинч ва хилват эди.

Ботир китобга қарамоқда. Баъзан хаёл бошқа ёққа олиб кетганидан ўқиган жойининг маъносига тушунмай, ўша жойга қайта-қайта кўз югуртиради. Келган жойини йўқотмаслик учун бармоқларини варақлар орасига тиқиб, атрофга қарарди. «Келиб қолса эди» — деган фикр кўнглидан ўтарди. Ботир гоҳ йўлга, гоҳ гулзорга, гоҳо чиройли яшил деразалардан электр шуълалари сочилаётган биноларга қарарди. Қишлоқнинг бошқа кўчаларини ҳисобга олмаганда шу ернинг ўзи битта кичкина шаҳарчага ўхшар... Ун гектар ернинг атрофи колхознинг жамоат бинолари: идора, клуб, мактаб, радиоузел, болалар боғчаси, медпункт, қизил чойхона, ҳаммом ва бошқалар билан ўраб олинган...

Паркка Мавлон ака қарашади. У коллективлаштиришдан аввал Ҳаким оқсоқол деган бойникида боғбонлик қилган. Бригада ишидан сал қўли бўшаган пайтларда ёки кечки овқатдан кейин вақтини шу ерда ўтказди. Гулга ишқибоз, қирмизий, жигарий, лимоний, ҳафт ранг, атлас гул, кичик Мавлонбойи, қордек оппоқ бўлиб очиладиган қоғоз гул, илон оғзидек аждардахан гул, барглари ниҳоятда кичик-кичик, ола-була бўлиб очиладиган чит гул, худди беҳи дарахтига ўхшаш катта Мавлонбойи гули, ҳар бири худди бир букетдек қизил бўлиб очиладиган воиш гул, хуллас, бу паркда Мавлон аканинг иқрори бўйича юз йигирма хил гул бор.

47

Мавлон аканинг планига қараганда, келгуси йил бундан ҳам кўпроқ гул бўлади. Ҳали бу атрофда кўрилмаган гулларнинг уруғини у Москва, Киев, Тошкент ва бошқа шаҳарлардан олдиради. Мавлон ака колхозга бошқа шаҳарлардан келган меҳмонларнинг биронтасига ҳам гулзорни кўрсатмасдан қўймайди. Одатда меҳмон ҳамма тарафни айланиб кўриб, «раҳмат, раҳмат, ота» деб хайрлашаётганда у, икки бармоғини олтин юлдуз тўқали қайишдан ўтказиб, иягини сал кўтариб, меҳмонга табассум билан қарайди. Оқ оралаган мўйлови, кулиб турган кичик юзлари ва ҳамма вақт тоза қирилган соқоли билан ёқимли кўринади. У, меҳмонга охириги сўроқни беради:

— Хўш, сиз билган гуллардан қайси бири шу ерда йўқ?

Шу пайт меҳмон ўйлаб кетади, ниҳоят, биронтаси эсига келса, ҳа-ҳа: фалон гул дейди. Мавлон амаки дарров қўлини кўкрагига келтириб илтимос қилади: «Агар бемалол бўлса, ўша гулнинг уруғидан бир оз юборсангиз», сўнгра, «Бир минут» деб югуриб гулзорга киради-ю, ранг-баранг гуллардан катта гулдаста тайёрлаб унга узатади. «Кичкина тухфамизни қабул қилсалар»,— дейди. Меҳмон хурсанд бўлиб отанинг қўлини қаттиқ сиқиб, ҳайрлашади.

Гулда киши табиятини очадиган ажойиб бир хусусият бор. Бунинг устига ширин сўз билан тақдим қилинса, яна ҳам яхшироқ таъсир қилади. Шу пайт бу ер айниқса гўзал. Гулзорнинг энг қуюқ, энг кўркам жойига, марказига ажойиб абажурга қўйилган катта лампочка сутга ўхшаш шуъла сепмоқда. Ёш гуллар нурлар ичида юз хил ранг билан товланади.

Ботир китобдан кўзини олиб, ўша томонга қарайди. Нақшли қанотларини пирпиратиб, ҳар қадамда бир қўниб, кичкина капалак учиб юради. У баланд кўтарилади, лекин электр шуълаларига тоқат қилолмай, яна бирдан ўзини пастга уради. Ана у қоғоз гул устига қўнди. Кўп ўтмай яна қанот қоқиб кўтарилди. Ботир унга қараб тураркан, сўроқ бергиси келди. «Кундузи билан кезиб, гуллар ҳуснига тўймадингми?!» Ўз сўроғига яна жавоб берди: «Гўзалликка тўйиб бўладими?» Ботирнинг ўша тарафга боргиси келди, аммо, ўрнидан турай деганда хиёбон тарафдан оёқ товуши эшитилди. Юраги дук-дук уриб, ўша томонга қайрилиб қаради.

Бўстон келаётир, у хаёл суриб келар эди. Эгнида янги модада тикилган кўйлак, оёғида баланд пошнаги туфли, бошида чуст дўппи, қулоғида қизил гул япроғи шаклида кичкина тилла ҳалқа. Бўстон кўриниши билан Ботир унинг истиқболига чиқди. Улар бир-бирларига қараб юрдилар. Яқинлашгач, Бўстон «салом, кўп кутдингизми?» деб қўл берди. Ботир унинг қўлини олиб кўришаркан, «йўқ»деб қўйди.

— Қани эшитайлик-чи...— деди табассум билан Бўстон.

Ботир бу қиз билан учинчи марта суҳбатлашаётган эди. Ҳали етарли сирдош бўлмаганидан тили гапга қовушмай турди.

— Хўп, бунчаям шошилтирманг, бу, айтиб дарров тинчланадиган янгилик эмас. Сўнгра тушунтириш, изоҳ бериш учун вақт талаб қилади.

Бўстон кулди: «Бўлмаса бошланг, қулоғим сизда»— деди.

Улар ёнма-ён секин юриб, гулзорнинг қуюқ, гўзал ерига қараб кетдилар. Қиз кичкина ариқча устига қурилган кўк кўприкчадан ўтар экан: «Хўш, нега жим бўлиб қолдингиз!»— деди.

— Гапни қаердан бошлашни билмай турибман.

— Иш қаердан бошланган бўлса, гапни ҳам шу ердан бошлай беринг.

Ботир воқияни ҳикоя қила бошлади:

— Баҳор пайти, гуллаб яшнаган боғни кўз олдингизга келтиринг. Қандай гўзал...

— Мана кўз олдимизда турибди. Гапингиз ҳақиқат,— деди Бўстон. Ботир кулиб қўйди-ю, сўзида давом этди:

— Мен мевазор боғлар ҳақида гапиряпман. Боғ қанча кўп бўлса, ҳаёт ҳам шунча чиройли, қувноқ, бой ва фаровон бўлади. Меванинг сонинигина эмас, хилини ҳам кўпайтириш, сифатини яхшилаш, ҳосилини ҳам ошириш зарур. «Бу иш — киши ҳаётини безайдиган, яна ҳам яхшилайдиган янги ўсимлик навларини яратиш фақат биргина «кекса Мичурин» ва унинг таълимотини давом қилдирувчилар ишигина эмас, бу социалистик Ватанинг фаровонлиги учун меҳнат қилаётган ҳамма кишиларнинг жонажон ишидир». Устоз Мичурин ана шундай деган.

Клуб устига қўйилган кучли радио карнайи суҳбатга халал бера бошлади. Улар аста-секин юриб карнайдан узоқлашдилар. Паркнинг тўрига кетдилар. Бу хиёбонда икки чеккадаги ариқ лабига ўтқазилган тоқлар ишком қилиб кўтарилган эди. Ботир сўзида давом этди:

— Бу ерда мева дарахтлари устида иш олиб бориш қийин, негаки, яхлит эмас, парча-парча бўлиб, бутун колхоз доирасига тарқалиб кетган. Тоқлар ҳам худди шундай. Яхлит, катта боғ яратишга фурсат келган эмас-микан?

— Келган, аллақачон келган,— деди Бўстон жиддий тусда,— шунга ҳаракат ҳам қилинаётир, аммо сувли ер йўқ, ана шуниси яхши ниятларни тез амалга оширишга халал бераётир.

— Сув бўлмаса келтирамиз, Нур бобо, ўртоқ Бердиқулов билан маслаҳат қилиб бир ерни белгиладик. Аммо унга тоғдан сув чиқариш, етти-саккиз километрлик канал қазииш керак. Сиздан илтимос шуки, колхоз катталари «хўп» деб бошқа ишлар билан шуғулланиб кетаверишлари мумкин. Ана шундай вақтда сиз ёрдам бера-сиз, комсомол комитетининг секретарисиз.

— Жуда яхши фикр, қандай яхши бўларди. Бутун юрагим билан сизга тарафдорман. Хўш, энди ишни нимадан бошлайсиз?

— Аввал колхоз активларига битта-битта тушунтириб, улардан маслаҳат олиш керак. Қани улар нима дейди. Ҳовлиқиб кетмаслик, ишни пухта бажариш учун бунга қарши кишиларнинг фикрлари билан ҳам танишиш лозим. Ҳамма тарафини билиб, яхши ўргангач, комсомол ташкилоти орқали партком олдига янги боғ ишини тезлатиш ҳақида махсус масала қўямиз. Бу правлениенинг тезроқ тебранишига ёрдам этади.

— Жуда яхши, мен бюро аъзоларига эртадан бошлаб тушунтираман. Улар бу ажойиб ишни жон-дил билан қувватлайдилар. Сиз боғдорчилик ҳақида деворий га-зетамизга битта мақола ёзиб беринг.

— Хўп, мен «Янги катта боғ яратайлик» деб ёзаман.

Ботир бугунги учрашувдан кутган мақсадига етди. Ғайратли, эътиборли ёрдамчига эга бўлди. Бўстонни у, болалик чоғларида кўрган-билган бўлса ҳам, сўнгги ўн йил ичида у билан учрашгани йўқ эди. Бўстон унга ҳар нарсага фикри етадиган, ақли ҳуснига ярашган бир қиз сифатида кўринди.

Кичкина қўл соатига қараб, Бўстон: «Энди менга рухсат этинг, зарур ишим бор, кетаман»,— деди. Ботир ўйланиб қолди. Бўстонни яна бир оз тутиб қолишга баҳона қидирди. Лекин эсига маъқулроқ бир нарса келмади. Шу вақт Бўстон ўрnidан туриб хайрлашди.

— Қанақа зарур иш, бунча шошиласиз?

— Синовга тайёрланаётирман. Институтга кирмоқчиман.

— Мен ёрдам берсам қандай бўлар экан?

— Қани шундай қилсангиз, жуда яхши бўларди.

— Хўп, албатта ёрдам бераман.

Бўстон яна учрашишни ваъдалашиб, миннатдорчилик билдириб, жўнади.

19

Бўстон бу кеча соат ўн бирларда уйига келди. Қозонтовоқ юваётган Саодат опа: «Нега бунча кечикдинг»,— деб сўраган эди, «Мажлис чўзилди» деди.

— Мажлиссиз туришолмайди... Овқатинг бобонг ёнида.

— Маслаҳат қилишади-да, кенгашли тўн қисқа келмас,— деди оппоқ соқолли, катта гавдали етмиш ёшлар чамасидаги Нур бобо.— Кел қизим, тез-тез егин, совимасин.

— Сен ҳам ваъзхонликни ўрганияпсанми?— деб сўради кичик жуссали, ориқ, чўққи соқол Риза бобо:

— Бўлмасам-чи,— деб жавоб қилди Бўстон.

Бўстон қўлларини ювиб, баланд тут дарахти тагида шилдираб оқаётган ариқча лабига қўйилган катта сўрига — Нур бобо ёнига чиқди-да, дастурхонни очиб, овқатлана бошлади. Икки чол ҳам кўрпача устида ёстиққа ёнбошлаб ётарди.

— Бугун мажлисда нима гаплар бўлди?— деб сўради Риза бобо.

— Жуда қизиқ гаплар.

— Қани, хўш?— деди чол жонланиб.

Бўстон «ҳозир, ҳозир» деб овқатни еб, дастурхонни йиғиштириб, товоқни онасига олиб бориб берди ва уйдан қалам-қоғоз олиб чиқиб бобо ёнига ўтирди. Икки чол Бўстон ёзиб қўйган қалин сарғиш қоғозга энгашиб қарадилар. Бўстон қалам учи билан ҳар хил чизиқларни

кўрсатиб, маъносини тушунтирди. «Мана бу ердан тоғ этаклари бўйлаб то мана бу тепалик ерларгача канал тортиб келамиз. Шу вақтгача ишланмаган юз гектар ерни обод қиламиз...»

Чоллар бир-бирига қарашди. Нур бобо соқолининг учини тутамлаб фикрлаб кетди. Кейин бошини тиклаб, Риза бобога қаради:

— Дарвоқе бу гап раиснинг уйида ҳам айтилган эди. Тоғ орасидан сув олиб чиқилса, ҳў... катта йўлнинг чап тарафидаги қадимдан қўриқ ётган ерларнинг обод бўлиши турган гап. Лекин бу гап кўп марта тилга олинди-ю, натижа чиқмади. Сув ҳамон тоғ ичида қолиб кетди. Ҳеч ким бу мушкулни ечолмади. Аммо бу сафар жадалроқ киришмоқдалар шекилли.

— Яна буним ким қўзғади?— деб сўради Риза бобо.

— Мавлон амакининг ўғли Ботиржон.

— Ҳар гап илмдан... Илм ўсди, билимдонлар кўпайди, колхоз ҳам қувватланди. Ажаб эмас, энди бу иш ҳам ўрин топса,— деди Нур бобо.

Риза бобо чуқур ўйга толди. Бўстон эса, очиқ чеҳра билан сўзида давом этди:

— Мана бу ер тоқзор, мана бундан бунгача ўрик, гилос ва бошқа мевалар... Мана бу ўрталикдаги доира ҳовуз. Атрофи гулзор бўлади. Саксон гектарлик катта боғ қиламиз. Энг аъло сифатли мевалар ўтқа-замиз.

Қоғозга энгашиб чуқур сукутга кетган Риза бобо қаддини тиклаб кулди:

— Эй ўлма, қизим, жиловсиз хаёл дайди шамолдек ҳад-худудни билмайди. Агар бу айтганларинг ҳақ бўлса, жаннат деб бошқа тарафга овора бўлмасак ҳам бўлади.

— Ҳа, яна уч йилдан сўнг кўрасиз.

— Тоғни ёриб, тош қазиб, шунча ерга сув келтирман, дейсан-а?! Бу -- хом хаёл. Ботир билан сеники бўлса, тагига ўн йил ўт ёқилса ҳам пишмаса керак. Ешлигимизда: «шу тоғ орасида бир булоқ бор, худонинг амри билан тоғ ёрилиб, у ташқари чиқса, қишлоқда очлик, қашшоқлик битади, ҳамма ёқ жаннатдек яшнаб кетади» дердилар. Лекин шу вақтгача ҳеч ким уни тоғ бағридан ташқари олиб чиқишга уринмади, бу ҳақда кўп киши хаёл сурди-ю, аммо амал қилишга ботинолмади. Чунки бу амримаҳол иш. Осон бўлса, аллақачон

бажарардилар. Ҳалво деган билан оғиз ширин бўлмайди, қизим.

— Буюк Фарғона каналини қазиб, мингларча гектар ерни обод қилдик. Фарҳод ГЭС қуриб, оламни равшан этдик, наҳотки, шу ариқчага кучимиз етмаса...

— Катта кетманг,— деди чол чўққи соқолини тутамлаб. Катта Фарғона каналига ҳукумат мадад берди, халқ қурди.

— Биз ҳам ўша халқдан, бизга ҳам ҳукуматимиз мадад беради.

— Булар билан баҳслашма Риза, ўз тенгингни топ,— деди Нур бобо.

Риза бобо кулди.

— Дарҳақиқат тўғри, ёшлик ҳар хаёлга бошлайди. Улмасак кўрамиз.

— Хўп, сизни уч йилдан кейин қўлингиздан етаклаб, узум ишқомлари тагидан олиб ўтаман...— деди Бўстон.

Бобо илжайди. «Яхши ният, ярим давлат, мақсадиннга ет, қизим. Лекин кўп ҳам катта гапирма, оғир юк бел синдиради».

— Биз учун бу оғир эмас. Айниқса, ҳозир колхозимиз йириклашган, кучига-куч қўшилган. Комсомоллар қарор қилиб парткомдан сўрадилар, боғ бўлади.

Бобо жим қолди. Бўстон туриб ойиси ёнига ўтди. Супа устида ўтириб, кўк чой ичаётган Саодат опа, воқияни ундан суриштира бошлади.

— Қулоғимга қизиқ-қизиқ сўзларинг кирди. Боғ-роғ, канал дедингми? Аниқроқ айт-чи, ўзи нима гап?

— Тоғни ёриб канал қазиб, ҳув... катта йўл ёқасидаги тепалик ерларга сув чиқарамиз, катта боғ қиламиз.

— Хонтахт тепасигами?

— Ҳа, ўша ерларга.

— Жуда яхши, қани тоғ ёрилиб, суви ташқари чиқарилса-ю, ҳамма ер боғ-бўстон бўлиб кетса...

Баҳор кечаси. Юлдузлар қора бахмалга қадалган беҳисоб гавҳарлардек йилтирамоқда. Ботир билан Бўстон катта қишлоқ кўчасидан ёнма-ён юриб келардилар. Уларнинг тез қадам олишларидан айланиш учун чиқмаганлари, балки муҳим иш билан бораётганликлари-

сезиларди. Дарҳақиқат, улар тўппа-тўғри партком идорасига қараб кетдилар. Правлениеда ҳам, парткомда ҳам кундузлари одам кам бўлар, бухгалтерияда уч-тўрт киши, правлениеда фақат секретарь ўтирарди. Кўпчилик кечқурун ишларди. Ботир билан Бўстоннинг орқасидан кўриб қолган Карим полвон ёнида бораётган Қодирқулни туртди:

— Ўзи сўнг келса ҳам, иши ўнг кўринади...

— Кимнинг?

— Ана қара,— у ёнма-ён гапиришиб бораётган Ботир билан Бўстонни кўрсатди.

— У... Бўстонми? Тегирмондан бутун чиқади. Юзта йигитга дарс беради.

— Барибир ахир биттасига тегеди-да!

— Кўнглига ёқиш жуда қийин, унга атаб қанча-қанча шеърлар ёздим.

— Ўзига ҳам берганмисан?

— Қанча марта...

— Ўқиб кўрадимми? Ёки йиртиб ташлайдимми?

— Диққат билан ўқиб чиқади ва маслаҳат беради.

— Сўздан, ҳаракатидан, бирон ишора сезмадингми?

— Нима десам экан, аниқ сезолмадим.

— Севмас экан-да...

— Севмаслигининг ҳозирча зарари йўқ. «Келгусида шу йигитни эҳтимол севиб қоларман»,— деб ўйласа ҳам майли эди. Секин-секин қалбига яқинлашардим.

Улар хиёбон охирига келиб, ўнгга бурилдилар ва суҳбатлашиб юришда давом этдилар.

Ботир билан Бўстон кабинетга киришлари билан деворга осилган катта соат ўнга жом урди. Тошпўлатов стол календарини варақлаб, ниманидир ахтараётган эди. У бошини тиклаб: «Марҳамат, марҳамат» деди ва диванни кўрсатди. Улар бориб ўтирдилар. Тошпўлатов календарь варағига икки қалам урди-ю, Ботирга қаради:

— Хўш, Ботиржон, келинг!

— Комсомоллар йиғилишининг қарори билан келдим.

— Мен ҳам шу ҳақда ўйлаётган эдим. Қани очик гапиришайлик, нима хулосага келдинглар?

Бўстон Ботирга бир қаради-ю, чўнтагидан икки варақ қоғозни олиб Тошпўлатовга узатди. Бу комсомол-

лар йиғилишининг қарори эди. Тошпўлатов қарорни диққат билан ўқий бошлади, унинг юзи гоҳ жиддий, гоҳ табассумга мойилроқ тус олиб турди. Хатнинг охирига етгач, Бўстон тарафга қараб, «Здорово» деб қўйди ва ўрнидан туриб, қўлини орқасига қилиб, у ёқ-бу ёққа юра бошлади. Уйланиб бир-икки марта бориб келгач, стулини Ботир билан Бўстон яқинига қўйиб ўтирди.

— Жуда яхши ташаббус, лекин колхоз учун жуда катта оғир иш. Комсомоллар канал қазишга ажратилган кишиларнинг чопиқ нормаларини бажаришни бўйинларига олибдилар, яхши гап, яна эллик комсомол даладан қайтгач, кечқурун бир неча соат каналда ишлайдиган бўлибди, бу ҳам яхши. Лекин шошилмаслик керак. Иш ҳажмини, тартибини аниқлайлик. Активлар, хусусан мутахассислар билан маслаҳатлашайлик, пахтага зарар етказмай, бу ишни эплай оламизми йўқми?

— Эплаймиз,— деди Бўстон Тошпўлатов тарафга сал бурилиб. Унинг кўнгли бир оз ранжигандай бўлди. Бундай сўроқнинг қўйилиши Бўстонга тамоман ўринсиздек кўринди.

— Ўз кучимиз, ўз қурооларимиз билан бу ишни бажара олмасак керак. Маслаҳат билан тикилган тўн қисқа келмайди. Шошилманг!

Бошқа гапга ўрин қолмаган эди. Улар рухсат олиб, ташқари чиқдилар. Анча вақтгача жим кетдилар. Ботир ерга қараб ўйланиб борарди. Бўстон қўлларини кастюмн чўнтагига тиқиб, иссиқхона (теплица) дан чиқарилиб ўтқазилган гулларга қараб, хаёл суриб қадам босди. Унга Тошпўлатовнинг иккинчи марта «шошилманг» дейиши қаттиқ тегди. Ниҳоят Ботирга қараб:

— Турсун акам сусткашлик қилаётирлар,— деди.

Ботирнинг назарида бу иш дарров ҳал қилинадиган ишлардан эмас эди. Шу сабабдан ҳам у, бу сафарги учрашувда Тошпўлатовдан узил-кесил жавоб кутмаганди. Комсомолларнинг қарорига эса, масалани қўзғаб юбориш учун бир туртки, деб қарар эди.

— Майли, шошилмаймиз. Лекин унинг кетидан қолмаймиз ҳам,— деди Ботир Бўстонга бошдан-оёқ бир қараб чиққач.

Бўстон индамади, унинг табиати аниқликни севарди. Зўр иштиёқ билан бошланган ташаббуснинг тез муваф-

фақият топиб, ривожланиб кетмаганидан юраги анча хира эди. Ботир янги боғ идеясининг, албатта, амалга ошиши ҳақида кўп далиллар келтирди. Лекин барибир қизнинг чиройи очилмади, қора қошлари орасидаги ажини ёзилмади. Ботир бошқа бир жиддий масала устида маслаҳатлашмоқчи эди. Шунинг учун унинг кайфини жойига келтиришни истарди. У қизиқ воқиалардан гапира бошлади. Ўзга пайтда тиниқ товуш билан қаҳқаҳлаб куладиган Бўстон бу гал ҳикоянинг энг қизиқ кулги пайтида ҳам табассум қилибгина қўйди.

— Бўстонхон,— деди Ботир унга томон сал бурилиб, қиз ялт этиб қаради. Ботир сўзида давом этди.— Бехос тушган совуқ тоқларнинг ёш новдаларини нобуд қилди. Энди янги новдаларни тез ривожлантириб, ҳосилга киритиш тадбирларини кўриш керак. Ҳамма ғўза майдонида қатқалоққа қарши кураш билан банд. Боғ учун ажратилган ишчи кучи эса ҳашаротларга қарши олиб борилаётган ишларга ҳам етмайди. Шу пайтда нима қилишимни билмаяпман. Қўшимча одам сўрашга кўнглим бўлмаяпти. Бу ишни кечиктирсак, ҳосилга катта зарар етади.

Ботир шу пайт Бўстоннинг бу масалага жиддий диққат қилишига, ижобий натижага эришиш учун амалий маслаҳат беришига унчалик ишонқирамай гапирди. Аммо Бўстон бу гапни эшитгач, бирданига жонланиб кетди, унинг табиатидаги сустлик йўқолди, тетикланди.

— Кечалари ойдин-ку...

— Одамлар ишдан чарчаб қайтадилар-да.

— Комсомоллар овқатланиб, бир чойнак кўк чой ичсалар, ҳордиқлари чиқади. Бизда энг ғайратли комсомоллардан зарбдор бригада тузилган. Табиий офатларга қарши кураш ва бошқа шундай ишлар чиқиб қолганда бу бригада сафарбар қилинади. Комитет секретари — бригадир. Қанча одам керак?

— Қирқта.

— Бўпти, эртага кечаси соат тўққизда комитетга келинг, ҳал қиламиз.

Ботир қувониб кетди. Юраги тошиб, беихтиёр «раҳмат» деди. Бўстон табассум қилди. Тошпўлатовнинг сўзини эслаб, киноя билан гапирди:

— Шошилманг, раҳматни иш бажарилгач айтасиз.

Ойдин кеча. Токзор жимжит. Қайси дарахтдадир ўтирган ҳаққуш баъзан ҳақ-ҳақ деб қўяди. Шу сукунатни бузиб иккита машина токзорга яқин келиб тўхтади. Кетмон ва белкураклар билан қуролланган йигитлар, қизлар машиналардан сакраб тушиб, токзорга қараб юрдилар. Вазифа аниқ эди: совуқ урган ёш новдалар ўрнига ён куртаклардан янги новдачалар ўсиб чиқиб, тез ривожланишига ёрдам этиш; бунинг учун эса токлар атрофини чуқур чопиш, ўғитлаш, қишда суғорилмаган токларни суғориш зарур эди. Токлар эскича ўтқазилганидан, кўп иш қўл кучи билан бажарилар эди.

Ҳар кишига бир қатор ток берилди. Ҳамма енг шимариб ишга тушди. Ботир билан Абдужаббор ота гоҳ у, гоҳ бу кетмончига яқинлашиб ўргатиб турдилар. Ҳаво анча салқин бўлса ҳам қулоч ёзиб кетмон ураётган кишиларнинг чеккаларидан тер қўйилиб кела бошлади. Комсомолларга қизиқиб Карим полвон, Қодирқул каби коммунистлар ҳам ишга чиққан эдилар. Қодирқул қаторлар орасини от билан культивация қилди. Карим полвон ер чопди. У ошдан кейин зўрға бир пиёла чой ичиб, шошилганича машинага тушган эди. Зўр меҳнат билан қизишиб кўп ўтмай, танглайи қуриб қолди. Жуда ҳам чанқадди, қулоч ёзиб кетмон ураркан: «Қани энди бир пиёла лиммо-лим яхна кўк чой бўлса...»— деб ўйлади. Шу вақт қатор бошида катта мис чойнак кўтарган Қумри кўринди. Карим полвоннинг кўзи унга тушиб, чеҳраси очилиб кетди:

— Ўргилиб кетай, қани тезроқ юринг — деб чақирди. Қумри яқинда ишлаётган йигитга бир пиёла тўлдириб узатаркан: «Навбат кутинг» деди. Карим полвон кетмонга суяниб пешона терини артаркан, «Тоқатим тоқ, тезроқ келмасангиз юрак пажар бўлади» деб қичқирди.

Ҳамма кулди. Шу пайт азот, фосфор ва гўнг аралашмаси солинган ғалтакнинг икки дастаси орасида тўлғаниб бораётган Бўстон қайрилиб Қумрига қаради:

— Карим акамга тезроқ олиб бор, жуда чанқаган кўринадилар...

Қумри жўрттага бепарво жавоб берди:

— У киши ҳазиллашяптилар, ичмайдилар.

— Э, ҳазил эмас, танглайим қуриб, юрак куйиб кетди, тезроқ келмасангиз йиқиламани.

Қумри тез бориб пиёлани тўлдириб унга узатди. Қарим полвон бирин-кетин уч пиёла ичгач, ташналиги босилиб илжайди;

— Раҳмат, Қумрихон, агар сал келмасангиз, юрак алангаланиб, оғзимдан яшил тутун чиқарди, энди хизматингиз эвазига мана шу токнинг узумидан зиёфат қиламан.

Қумри кулиб, кетмон ураётган нариги йигитга яқинлашди, бирон киши ҳам унинг қўлини қайтармади.

Беш кеча қизғин иш давом этди. Токларга яхши ишлов берилди. Белгиланган тадбирларнинг ҳаммаси тўла амалга оширилди. Сўнгги кеча иш охирида Ботир билан Абдужаббор ота Бўстонга ва барча комсомолларга ташаккур билдирдилар. Катта ток ёнида оёқлари юмшоқ, нам тупроққа ботиб турган Бўстон очиқ чеҳра билан Ботирга қаради:

— Раҳмат. Бу иш яхши бўлдику-я, лекин, зачетга тайёрланишдан анча қолиб кетдим.

— Мен ёрдам бераман дедим-ку...

— Қачон?

— Қачон десангиз.

— Бўлмаса эртага кечқурун келинг.

— Ҳўп бўлади.

Абдужаббор ота дарахт шохига буклаб қўйилган чопонини кийишга кетди. Бўстон билан Ботир машинага қараб юрдилар. Чуқур ағдарилган нам тупроқ ҳиди димоққа уради, ҳар иккисининг ҳам кўнгли равшан, кайфи чоғ эди. Бўстон шимарилган енгларини тушираркан:

— Ботиржон ака, энди янги боғ иши ҳам юришиб кетса эди, яхши бўларди,— деди.

— Юришади, активларга бу идеяни алоҳида-алоҳида тушунтириб, уларни бирин-кетин ўзимизга қаратиб оламиз.

Соат ўн икки. Осмон ёруғ ва милтиллаб турган юлдузлар билан тўла. Сутдек ойдинда дарахтлар, мевазорлар аниқ кўринади. Косомоллар иккита ЗИС машинада жўнадилар.

Ботир янги катта боғ яратиш идеясини илмий асосда активларга алоҳида-алоҳида тушунтириб уларни ўзимиз-

га бирин-кетин қаратиб оламиз деди-ю, Бўстоннинг кўнглига жиддий ташвиш солиб қўйди. Шу гапни эшитиш билан унинг кўз олдига ўз отаси — колхоз ҳосилот советининг раиси Салим ака келди.

Салим ака пахтачилик соҳасида кўп тажриба ортдириб, шуҳрат қозонган. Юқори ҳосил етиштиришда қилган хизматлари учун кўп марта мукофотланган одам. У пахтадан бошқа экинга ўғай кўз билан қарар, ғоят эҳтиётлик билан ҳаракат қилар, «Синамаган отнинг сиртидан ўтма» деган мақолни ҳаминша такрорлаб юрарди. Бирон янгилик эшитса, дарров унинг кўз олдига қандайдир ташвиш пайдо бўлар, кўнгли ҳар хил шубҳалар билан тўларди.

Бўстон отаси ҳақида ўйларкан, унга яқин активлар бирон янгилик айтса, худди тикан киргандек чўчиб тушадиган Риза бобо, ҳар бир тадбирни дарров тийинга ўлчаб кўрадиган бухгалтер Равшанов ва бошқалар эсига келди. Бунинг устига Тошпўлатов ҳам унинг назарида бу ишни қизгин қўллаб-қувватламаётгандек кўринарди. Бўлажак тўсқинликларни кўз олдига келтириш Бўстонни чекинишга эмас, яна ҳам дадилроқ ҳаракат қилиш фикрига келтирди. У боғ ҳақида ўйлаганида, гоҳ мева дарахтларининг баҳорги гуллаш пайти, гоҳо кузги тўкин пишган даври ҳаёлида доим жилваланиб турарди. Кўп вақт чолларнинг «мана шу дарахтни фалон йили ўз қўлим билан ўтқизганман» деб фахрланишлари эсига тушарди. «Улар битта-иккита дарахт ўтқизганликлари учун шунча фахрланадилар. Биз эса гигант боғ яратамиз» деб ўйларди.

Бўстон ўз отасига таъсир қилишга уриниб кўрмоқчи бўлди. У ишдан қайтганда Салим ака супа устида пар ёстиққа ёнбошлаб, Равшанов билан суҳбатлашиб чой ичаётган эди. Салим ака эшикдан кириб келаётган Бўстонга қараб: «Кел қизим, овқатинг совиб қолмасин, тезроқ егин» деди.

Бўстон ювиниб келиб супага чиқди. Саодат опа қизил чинни товоққа шавла сузиб, унинг олдига келтириб қўйди. Бўстон овқатдан оларкан, отасига тикилиб:

— Янги боғ ҳақида комсомоллар қарор қилишди. Эшитдингизми, дада?— деб сўради.

Очиқ чеҳра билан суҳбатлашиб ўтирган Салим ака бирдан жиддийлашди.

— Сен ақлли қиз эдинг-ку! Нега бунақа бұлмағур ишларга аралашаётирсан?

Бўстон, бу сўроқ англашилмагандек, отасига тикилиб қаради:

— Қанақа иш?

— Қанақа бўларди, ўша Ботир топиб юрган иш-да.

— Янги ер очиш, сув чиқариш, боғ-роғ қилиш бұлмағур ишми?

— Ҳа!

— Нега, ахир?— Бўстон чўғдек қизариб кетди.

— Ҳолва деган билан оғиз ширин бўлмайди. «Ўйламай қилинган иш, бошга келтирар ташвиш». Шунча ерга сув чиқариш, беш эмас, ўн эмас, юз гектарлик боғ қилиш ҳазил гапми?

— Маблағ исроф бўлмаса гўрга,— деди катта қора кўзларини Бўстонга тикиб Равшанов.— Боғ ўзи бўлмайди. Маблағ билан, меҳнат билан яратилади. Бу янги агроном келиши билан даромаддан эмас, харажатдан иш бошлади. Охири нима бўлар экан? Уни даромад ҳақида ўйлашга мажбур қилиш керак. Нияти дуруст бўлса ҳам, лекин сарф-харжга жуда эҳтиётсиз кўринади. Ҳа, қизим, «санамай саккиз» деб қарор чиқаравериш тўғри эмас. Билиб қўйки, қонунсиз бир тийин ҳам берилмайди:

Бўстон ҳозир булар билан мунозара бошлаб юбориш яхши натижага олиб келмаслигини сезиб, гапни қисқа қилмоқчи бўлди. Уларнинг шаштини қайтарадиган кескин жавоб топиш учун ерга қараб ўйланди. «Боғ бўлади, бунга шубҳа йўқ» демоқчи эди. Аммо бу отасига нисбатан дағаллик туюлди. Қатъиятлик ва аниқликни сақлаган ҳолда юмшатиброқ айтишни истади:

— Боғ бўлади, дада, бунга шубҳаланманг.

Бу сўз Салим акага қаттиқ тегди. Шундай бўлса ҳам ўзини анча босиб олиб, Бўстонга сўроқ берди:

— Хўш, ўртоқ Тошпўлатов нима деди?

— Шошилманглар, пухта ўйлаб иш қилиш керак,— ледилар.

Салим ака Тошпўлатовнинг дарров иш бошлаш ҳақида гапирмай, шошилманглар, деганига ишора қилиб, Равшановга қараб кулиб қўйди. Бўстон бу кулгининг маъносига тушунса ҳам, жавоб қайтаришни лозим кўрмади. У, кетиш учун бурилаётган эди, Салим ака паст, лекин жиддий товуш билан гапирди:

— Аслида Ботирдан узоқроқ юрсанг бўларди, у бўш хаёллар билан бошингни айлантириб, пахтадан мўл ҳосил олишингга халал беради.

Бўстон отасига жавоб қайтаришга тайёрланаётган эди, эшик тақиллади. «Кириг, марҳамат», деб Бўстон шу тарафга бир неча қадам қўйди. Эшик очилиб, Ботир кўринди, у дадил қадам билан тўғри келиб Равшанов ва Салим ака билан саломлашди ва Бўстоннинг таклифига мувофиқ ичкари уйга ўтди. Салим ака ҳайрат билан елкасини қисиб, Равшановга қаради:

— Бузоқни тилга олсанг, ипини узиб келади. Тавба, нима қилар экан бу ерда?..

— Бўстонда иши бўлса керак.

— Иши бўлса идорасига борсин.

Салим ака қизишиб кетаётган эди Равшанов: «Жим... яхши эмас, меҳмон отангдан улуғ»,— деди.

— Меҳмон эмас, душман.

— Салим ака, нима бўлди? Ўзингизни босиб олинг.— Равшанов ўрнидан қўзғалди ва «хайр» деб ашула айтиб ташқари томон юрди:

«...Ким бу гавго охири бир можарога айланур».

Ботир чиқавермаганидан кейин Салим ака безовта бўла бошлади. Саодат опани чақириб, «қулоқ сол, қани нима қилишяпти?— деди. У бориб эшикдан қулоқ солиб келди». Ўзлари гапиришаётибди» деди.

— Нима дейишяпти?

— Билмасам...

— Эҳ... гўл хотин.

Салим аканинг ўзи оёқ учи билан бориб эшик орқасидан диққат қилди. Ботир китобдан парча ўқиб тушунтирар, баъзан эса, Бўстон билан сўроқ-жавоб қилар, гоҳ баланд, гоҳ паст товуш билан гапирарди. У пастроқ товуш билан гапирганда, Салим ака бутун вужудини қулоқ қилиб диққат этар, ҳеч нимани тушунмай, юрагини аллақандай шубҳалар тирнар эди. Ботир нимагадир ўрнидан қўзғалди. Салим ака дарров чиқиб, супада ўтирган Саодат опа ёнига келди:

— Қизингга ҳушёр бўл, яна куёвидан айниб юзимизни ерга қаратмасин.

— Хотиржам бўлинг, Ботиржон сиз ўйлаган енгилтак йигитлардан эмас.

— Бас қил, гўлсан.

Саодат опа Бўстоннинг уйига чой дамлаб кирди. Улар чой ичаркан боғ ҳақида суҳбатлаша бошладилар.

— Дадамга, Равшановга боғ ҳақида гапирдим.

— Хўш, хўш, нима дейишди?— Ботир қизиқиб сўради.

— Нима дейишарди?.. «Бўлмағур иш» деб тоза аравани олиб қочишди.

— Барибир биз энгиб чиқамиз. Сиз қулай пайт келганда эринмай тушунтираверинг.

— Хўп,— деди Бўстон чой қуйиб узатаркан.

Ботир икки пиёла чой билан бир оз олма мураббо егач, кетгнш учун ўрнидан турди.

— Пича ўтиринг, мана булардан ҳам олинг, нега ҳеч нима емайсиз?— дастурхонга ишора қилди Бўстон.

Ботирнинг яна ўтириб суҳбатлашгиси келса ҳам вақт кеч бўлиб қолгани, унинг ухлаб дам олиши зарурлигини назарда тутуб узр айтди. Бўстон гина қилгандек «ҳали эрта-ку, ахир мунча шошиласиз?» деб уни бирга узатиб чиқди. Хайрлашаркан:

— Ёрдамингиз учун раҳмат, шунақа келиб-келиб туринг, Ботиржон ака. Хайр соғ бўлинг!— деди.

Ўтиролма ташқари чиқиб кетган ва юраж ҳовурини босиш учун қоронғида айланаётган Салим аканинг қулоғига бу гаплар аниқ эшитилди. У алангасига куйиб, уйига қараб юрди.

23

Вақт кеч бўлиб қолгани ва икки ёшни пойлаймиз, деб ноқулай аҳволга тушганлари учун ота-она Бўстон билан ҳозир эмас, эртага гапиришадиган бўлдилар. Саодат опа Бўстон ёнида ётиб қолди, анчагача жим хаёл сурди. Ботир унга ёқиб қолди. Унинг ҳақида кўп ўйлади. «Яхши йигит, гапи, сўзи, юриш-туриши, қадди-қомати — ҳаммаси бир-бирига муносиб, Москвада ўқиган... Келганига сал ўтмай ҳамманинг кўзига иссиқ кўриниб қолди. Аттанг, аттанг, қизимнинг лойиғи шу эди-ю, тақдир қуриб кетсин, бошқани пешонамга битди»— деди ўзи-га-ўзи.

Эрта билан Салим ака қизини чақириб, насиҳат қилди.

— Эрта-индин тўй бўладиган қизнинг бегона йигитлар билан яқин юриши тўғри эмас. Куёв хафа бўлиши, эл орасида гап-сўз чиқиши мумкин,— деди.

Отасининг сўзларини ерга қараб, тинглаб турган Бўстон секин бошини тиклаб унга қаради:

— Зарур ишим бўлса, йигитлар билан гапиришаман. Кеча Ботиржон акам менга анча нарса ўргатдилар. Бир неча нодон одамлар гап-сўз қилади деб фойдали ишдан қўл тортсам, яхши бўлармиди!

Салим ака қизига нима жавоб айтишини билмай, ўйланди. Ниҳоят жиддият билан тикилиб:

— Маҳмадоналик қилма, кўзингга қараб юр, деб насиҳат қилаётирман,— деди ва қизишиб ўрнидан турди. Лекин жўнаб кетолмай, яна кетига бурилди.— Нима учун мендан сўрамай, тажриба учун чигит экишга рози бўлдинг?

— Сиз Самарқандда эдингиз, ундан кейин бу жуда яхши метод, Ботиржон акам фойдасини тушунтирди. Қолхоз раҳбарлари ҳам маъқуллаган.

Кейинги кунларда Ботирнинг ҳамма ерда тилга олина бошлагани Салим акага ёқинқирамай қолди. Унинг пахта ишига ҳам аралашаётганини эшитгач, фиғони чўқди. Бунинг устига, Бўстоннинг «Ботиржон акам» деб гапириши тозаям ғашига тегди.

— Ботиржон акангизга айтинг,— деди у заҳарли пичинг билан,— ювилмаган қошиқдай ҳар ишга суқилавермасин. Боғбонлигини қилсин, билмаган ишга аралашмасин!

— Нега билмас эканлар, гўза ичида ўсганлар-ку!

— Усса ўсибди, гўза ичида ажриқ, гўмай ҳам ўсади...

Бўстон титраб кетди. Тилини тишлаб қолишга, юрагига тушган чўғ алангаланиб кетмаслиги учун ўзини қанча босишга ҳаракат қилса ҳам бўлмади. Юрагидан чиққан бир товуш билан:

— Дада!— деди.

Салим ака ғазаб билан унга қаради:

— Нима?..

— Бировни ўринсиз ҳақорат қилманг. Агар Ботиржон акамнинг қандай йигит эканини билсангиз эди, бу гапингиздан минг пушаймон қилардингиз.

— Биламан, аммо пушаймон қилмайман. У сенинг кўзинггагина яхши кўриниб қолган; ўз қизингдан шундай гапни эшитгунча, ер ёрилса ерга кирганинг маъқул. Бизнинг авлодимизда қочиб эрга теккан қиз бўлган эмас. Ҳой қиз, жувонмарг бўласан!

Салим ака пешини қоқиб чиқиб кетди. Бўстон турган ерида ҳайкалдек қотиб қолди. У «жувонмарг» сўзини яхши кўрган отасидан биринчи марта эшитаётган эди.

Унинг бу аҳволини кўриб, Саодат опанинг юраги увишиб кетди. У, Бўстон орқасидан келиб:

— Дадангнинг феълини биласан, хафа бўлма, юр,— деди.

Бўстон қайрилиб, меҳрибон онасига қаради ва кўзи жиққа ёшга тўлди. Унинг кўксига бош қўйиб, алами зўридан ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Хафа бўлма, қизим, хафа бўлма!— деб унинг сочларини силаётган Саодат опанинг ҳам кўзларига ёш келди.

Бўстон бирпасдан кейин бошини кўтариб, кўз ёшларини артди ва жиддий тус олиб, онасига қаради:

— Мен институтни тамомламагунча тўйга рози бўлмайман, шуни дадамга аниқ қилиб айтинг.

Саодат опа қизининг кўзига бирпас тикилиб турди, кейин:

— Хўп, болам, хўп,— деди.

Баҳор кечаси, тунги ёмғир нами ҳали майсалар устидан кўтарилганича йўқ. «Победа»нинг ойнаси очиб қўйилган, ғир-ғир эсаётган шабада кўкатлар ҳидини олиб келади. Узоқдан ит ҳуригани, араванинг тақиллаб кетаётгани эшитилади. Камолов машина деразасидан қараб хаёл суриб бораётир. Шу вақт чўзиқроқ юзли, паҳлавон гавдали Бердиқулов унинг кўз олдига келди. Унинг юзида табассумга мойилроқ бир ўзгариш кўринди. Юрагига ёқимли ва юмшоқ ҳис ёйилди. «Яхши йигит, кўнгли очиқ, эл оғаси»— деди ўз кўнглида.

Машина колхоз паркига кирди. Хилма-хил мева дарахтлари, ораста ишланган катта гулзор электр шуъаларида жилваланди. Камоловнинг кўнгли очилиб кетди. Бу ерни кўп кўрган бўлса ҳам, яна завқ билан атрофга кўз югуртирди. Паркнинг ўртасида эни беш, узунаси йигирма метр келадиган баланд шийпон, тахталари кўк, қизил ва яшил ранглар билан нақш қилинган, шийпон тўридаги столда «Урал» приёмниги орқали концерт эшиттириляётир.

Камолов машинани узоқда қолдириб, пиёда жўнади. Келаркан, хром этигини, каламенкадан тикилган галифе шимини қоқди. Бошидан шапкасини олиб, сочларини тараб тузатиб қўйди. Тошпўлатов, Бердиқулов ва Риза бобо уни кутиб олдилар. Камолов улар билан саломлашиб, кўришиб юришида давом этди.

Улар бориб гулзор бўйига қўйилган сўрига ўтирдилар. Дастурхон, чой келди. Суҳбат қизий бошлади. Камоловнинг келганини эшитиб, активлар тўплана бошладилар, ҳар ерда ўтириб суҳбатга қулоқ солдилар. Камолов бир бурда нон еб, чойдан хўплар экан, Ботирга қараб:

— Қани, колхоз новатори, нима янгиликлар бор, ишлар юришиб кетдимиз?— деб сўради.

— Комсомол ташкилоти маъқуллаб қарор чиқарди: янги боғ ишини тезлатиш ҳақида партком бюроси олди-га масала қўйди,— деди Ботир.

— Қанча километрлик канал қазиш керак?

— Кўп эмас, саккиз километрлик.

— Шийпон устунига суяниб ўтирган Салим ака тинч-сизланди. Гапнинг размидан Ботирнинг фикрини райком секретари ҳам қувватлаётгандек кўринди. Шу сабабдан унинг олдини олиш учун ҳаракат қилиб кўрмоқчи бўлди:

— Ука, қаттиқ гапирсак, янги келган одамсан, гапир-масак, бизни тоза гаранг қиладиганга ўхшайсан. Ахир, тош ичидан саккиз километрга ким канал тортибди? Бу ердагиларнинг бошқа иши йўқ деб ўйлайсанми! Сен мевани ўқибсан, боғбон-агроном экансан, ахир, пахта деган экин бор, экинларнинг энг каттаси ўша. Бу ёғини ўйлаш керак.

— Канал сиз айтгандай ваҳимали эмас,— деди Ботир жиддий тус олиб,— тошлик жойи икки-уч юз метрдан кўп эмас. Пахтага зарар бермай қазиш мумкин.

Бўстон сўзлаш учун ўрнидан тураётган эди, Камолов қўлидаги пиёлани эрмак қилиб, секин гап бошлади:

— Салим ака,— деди у ўзидан беш қадам нарида ўтирган ҳосилот совети раисига тикилиб,— сиз Ботир-жонга жуда қаттиқ тегдингиз. Яхши ният билан колхозга келган мутахассисга, янглишганида ҳам бу хилда гапириш тўғри эмас. Хўжаликнинг ҳамма тармоқларини бирдек ривожлантирган колхозгина чинакам илғор ҳисобланади. Сизда эса мевачилик о қада қолиб келаётир. Эски боғлар бадавлат фаровон ҳаёт талабларига

жавоб беролмаётир. Бизда узум, анжир, олма, анор мўл-кўл бўлиши лозим. Бунинг учун, Ботиржон айтганидек янги катта боғлар яратиш, мева дарахтларининг ҳосилини тинмай ошириш, аёло сифатли янги навлар вужудга келтириш керак. Устоз Мичурин таълимоти билан қуролланган боғбонларимиз буни қиладилар. Биз ёрдам беришимиз керак. Бизга металл, ғалла, пахта бойлиги сингари, яшил бойлик — боғ-роғ ҳам зарур.

Камоловнинг сўзларини ерга қараб тинглаётган Салим ака бошини кўтариб, унга боқди:

— Мен боғ қилишга қарши эмасман, ўзим ҳам боғбонман, ҳовлимдаги беш туп узумдан ҳаммадан кўпроқ ҳосил оламан. Лекин тоғни ёриб сув чиқариш колхознинг бутун кучини еб қўяди, чунки жуда оғир иш. Бизда яна бир касаллик борки, бир янги иш бошланса, раис ҳам, бригадир ҳам — ҳамма ўша ёққа уриб кетади. Пахтачиликка зарар етмаса деб қўрқаман. Яхшиси, яна пича сабр қилсак бўларди, ўртоқ Камолов.

— Сиз, Салим ака, имкониятларнинг ҳаммасини ҳисобга олмай гапиряпсиз,— деди очиқ чеҳра билан Камолов,— биз ҳозир игна билан қудуқ қазимаймиз. Техникамиз бор, шуни унутманг. Рудникларга айтамыз. Машина билан ғириллаб келадилар-у, икки кунда тоғингизни портлатиб берадилар, тошларни бир чеккага олиб ташлаб, сувга йўл очишгина қолади. Яна шуни ҳам ҳисобга олингки, ободлик ғояси ўзи билан бирга янги куч, ғайрат ва илҳом олиб келади. Кишиларни руҳлантириб юборади. Менингча, комсомолларни, колхоз новаторларини қувватлаш керак. Боғ уч йилда ҳосилга киради. Уч йилдан кейин қишлоқ хуш ҳаво ва кўркам бўлади. Колхоз ёшлари устоз Мичурин васиятларини амалга оширадилар.

Камолов бурилиб Ботирга қаради:

— Дадиллик билан ишни давом қилдиринг, партия ташкилоти, колхоз активи сизни қувватлайди!

Ботир билан Бўстон бир-бирларига қарашдилар. Уларнинг юраклари тўлқинланиб кетди. Улар худди тоққа суянгандек маҳкам, дадил турардилар. Нур бобо оппоқ катта соқолини тутиб:

— Баракалла, ўғлим, баракалла, одам юрагини тўлдириб юборадиган гап бўлди,— деди.

Эшикдан шошилганича Салим ака кириб келди.

— Овқатни тезлаштир, келаётирлар,— деди Саодат опага қараб.— Бўстон, дастурхонни чиқариб тахт қилиб қўй,— деб ўчоқ бошига ўтди. Қозоннинг қопқоғини очиб кўриб:— Овқатнинг тузуккинами?— деб сўради у.

Картошка билан гўшт қовураётган Саодат опа эрига мулойим товуш билан:

— Кўряпсиз-ку,— деди.

— Ёмон эмас, ош қилиш керак эди-ю, лекин фурсатлари йўқ экан.

Меҳмонлар келдилар. Олдинда Нур бобо, унга ёнмаён Камолов, орқада Тошпўлатов, Бердиқулов ва Ботир. Бобо меҳмонларни столга таклиф қилди. Камолов атрофга кўз югуртирди:

— Яхши бино бўлган, мана бунинг маданий уй деса бўлади!

Камоловга яқин ўтирган Нур бобо соқолини силаб:

— Ҳа, ўғлим,— деб бош қимирлатди,— аввало Совет ҳукумати, қолаверса, колхозимиз давлати соясида шундай қўш деразали, кунгай уйларга эга бўлдик. Замонамиз ободлик замони. Кимнинг кўнглига қўл солиб кўрсангиз, яхши ният топасиз: ё иморат солиш, ё канал қазिश, ёки янги ер очиш устида ўйлаб юрган бўлади.

— Сизча, бунинг сабаби нима экан?— сўради Камолов.

— Сабаби равшан, ўғлим. Ҳукуратимиз ҳамма вақт канал, электростанция, янги ер очиш — хуллас, юрт ободлиги, халқ фаровонлиги ҳақида ўйлайди. Қани энди ўзингиз айтинг, халқ кимга эргашади?

— Ҳукуратимизга, партиямизга,— деди Бердиқулов равшан гапириб.

— Ўлманг,— деди бобо бошини кўтариб,— одамларнинг қалбига покиза, яхши ниятларни солган ҳам ҳукуратимиз. Фарғона канални эшитиб ҳайратда қолган эдик. Мана энди Волга-Дон канали қазилди. Фарғона канали ариқ бўлса, бу катта дарё. Ўз қудратидан мағрур маст бўлиб қирғоқларни кемириб оққан дарёга, «Янги изга кўч!» деб буйруқ берилди. У ўргатилган шердек буйруқни бажарди. Дарёни янги изга кўчириш... инқилобдан аввал бу гап айтилса, ҳайратдан одамларнинг кўзлари хонасидан чиқиб кетарди. Дарҳақиқат, ўйлаб

қаранг, бу қандай иш! Эҳе... қанча чўлу, қанча даштлар обод бўлади, қуш учса қаноти, қулун юрса туёғи куюдиган қум ва чўлларда шаҳар ва қишлоқлар вужудга келади. Айтишларига қараганда, Волга, Днепр дарёларида ҳам ана шундай ишлар бўлаётган экан. Буларни эсга келтириб бир ўйлаб кўрсанг, қалбингга худди қуёш киргандай, бутун вужудинг ёруғланиб кетади. Давлатимизнинг ҳиммати дарёдек мавж ураётир.

— Раҳмат, ота, жуда ҳақ, жуда доно гапирдингиз,— деди завқ билан Нур бобонинг сўзларини тинглаб турган Камолов,— бу улуғ ишлар совет кишиларинигина эмас, балки дунёдаги ҳамма соф дил кишиларни ҳам қувонтириб юборди.

— Жуда ҳақ гап,— деди Нур бобо.

— Америкада Вильям Фогт деган одам чиқибди,— деди Тошпўлатов,— у «Нажот йўли» деган китоб ёзибди. Бу китобда ер юзида одамлар жудаям кўпайиб кетган... одамлар ва ҳайвонлар сонини қисқартиш керак,— дебди.

— Вой лаънати-ей,— деб кулди бобо,— «Нажот йўли» деб тоза ўлим йўлини кўрсатибди-ку! Мана бизнинг ҳукуматимизнинг қарори билан қанча миллион гектар янги ер очилди ва очилаётир, унинг ҳосили билан миллион-миллион одамларни боқиш мумкин.

Шў вақтгача гапирмай, жим қулоқ солиб ўтирган Мавлон амаки беихтиёр сўзга аралашди:

— Вильям дедингизми? Мунча ҳам нафаси совуқ одам экан. Бойларга хушомадгўйлик қиламан деб, бутун одамзодга қарши гапиряпти-я! Беюз, яна олим эмиш!.. Садқаи илм!..

— Устоз Мичурин эса бундай дейдилар,— Ботир табассум билан гапирди,— «Халқ орзулари, менинг орзуларим ушалмоқда. Ватанимизнинг келажагини гул ичида кўряпман, майли, бизнинг совет еримиз гуллаб турган улуғ боққа айлансин, инсоният ҳаётини безасин!»

— Жуда қизиқ,— деди Камолов кулиб,— кўз олдимизда иккита олам турибди: бири ўлим бўлса, бири мангу ҳаёт; бири чириб бораётган империализм бўлса, бири гуркираб келаётган социализм. Улар орасидаги фарқ ер билан осмонча.

Салим ака овқатни келтирди. Ҳаммалари иштаҳа билан ея бошладилар. Камолов ҳам эртадан буён ҳеч нима егани йўқ эди, овқат унга бениҳоя лаззатли туюлди.

Бердиқулов овқатга қарамади, суяк кемириб эрмак қилиб ўтирди.

Бўстон электрплиткада вақирлаб қайнаётган чойнакдан чой дамлади. Шу пайтда нариги супада ўтирганлар орасида боғ ҳақида қизгин суҳбат кетмоқда эди. Ҳамма бу боғнинг қишлоқдаги бошқа боғларга ўхшамаслиги, — тамоман янги тартибда қурилиши, мевалари ҳам антиқа бўлиши ҳақида ўйларди. Камолов ҳам худди шу мазмунда гапирди. У колхоз боғи олдида иккита вазифа бор дер эди: «Биринчи — мева ҳосилини кўтариш, шу йўл билан колхоз иқтисодини мустаҳкамлашга ёрдам этиш, иккинчиси эса — аъло сифатли янги навлар яратиш устида иш олиб бориш». У Ботирга қараб гапирди:

— Устоз Мичурин халқ селекциясига катта эътибор берарди. Кузгача ҳамма ёққа кўз-қулоқ бўлинг, қаерда энг яхши мева нави учраса, қандай қилиб бўлса ҳам кўчат олинг. Шу атрофгагина эмас, йироқ-йироқларга ҳам боринг, мева хиллаш станцияси, узумшунослик институти билан яқин алоқада бўлинг.

Ботир маслаҳатларни диққат билан тинглади. Уларни бажариш йўллари йўлаб қўйди.

Камолов овқатдан сўнг икки пиёла чой ичиб жўнади. Сўнгра Тошпўлатов ҳам кетиш учун қўзғалди ва хайрлашиб жўнади.

26

Ботир, колхознинг умумий йиғилишида боғ ҳақида ҳеч қандай тортишув бўлмас, ҳамма бир оғиздан янги боғ қуришни маъқуллар деб ўйлади. Мавлон ота ҳам худди шундай фикр юритди. У, «иш ёқмас баъзи активлар ҳам катталарни риюя қилиб, йиғилишда индамаслар» деб ўйлади. Лекин уларнинг тахмини тўғри чиқмади.

Бердиқулов йиғилишни очиб, кун тартибини тасдиқлашиб олгач, Ботирга сўз берди. У колхозда янги усулда катта боғ яратиш ўз вақтида кўтарилганини, шуни эшитиб, хурсанд бўлиб, шу ерда ишлашга келганини айтди. Боғ яратишнинг аҳамияти ва колхоз хўжалигида ўйнайдиган роли ҳақида муфассал гапирди. Нутқининг охирида ҳамманинг яқдиллик билан бу фикрни қувватлашига ишонганини айтди.

Бердиқулов «Саволлар борми?» деган эди, Риза бобо тикланди. У чўққи соқолини сал баланд кўтариб, бошини тебратиб гап бошлади:

— Боғ кўп яхши нарса, кимнинг олма, анор егиси келмайди, аммо бу иш учун қанча одам керак бўлади?

— Янги канал қазилш учун қирқ-элликта...

— Ҳа... ўлманг,— деди Риза бобо ва эшитдингизми дегандай, кўзларини олайтириб халққа қараб қўйди,— хўш, шу одамларни ким бериши керак, шу ерда ўтирган бригадаларми, ёки ўзга ердан келадими?

— Шу ердаги бригадирлар.

Риза бобо бригадирларга қараб сўради:

— Қани бекор одамларнинг борми? Шунча одам бера оласизларми?

— Бера олмаймиз, қанча одам бўлса ўзимизга керак,— деган товушлар эшитилди.

Риза бобо бошини тиклаб халққа қаради:

— Қанча куч бўлса ҳам пахтадан ортмайди. Қанча кўп одам ишласа, пахта ҳосили шунча ошади... Ундан яхши экин йўқ. Икки кеманинг бошини ушлаган фарқ бўлади. Сўзим тамом.

Риза бобо мағрур бир вазиятда ўтирди. У ёқ-бу ёқдан «тўғри-тўғри» деган товушлар эшитилди. Ботир билан Бўстонҗалт этиб ўша томонга қарадилар.

Салим ака сўз олиб ўртага чиқди. У сарғиш соқолини тутамлаб ерга қаради:

— Аввал бу гапни ўртоқ Тошпўлатов, ўртоқ Бердиқуловлардан эшитиб, ҳазил-ҳазил деб юрардим. Мавлон аканинг ўғиллари Ботир келди-ю, иш тезлашиб, чинлиги сезилиб қолди. Мен дангал айтаман, биз юқори ҳосилли колхозмиз. Район, ҳатто областда ҳам ўрнимиз маълум, обрўимиз жойида, ҳар йил қанча қўшимча даромад, устама мукофот олаётирмиз. Булар ҳаммаси нимадан? Шу ерда ўтирган кишиларнинг меҳнатидан. Мен шу жамоатнинг меҳнатини ҳурматлаб айтаманки, икки кеманинг бошини тутмайлик. Канал қазилш, саксон гектар ерни боғ қилиш, дарахтни парвариш қилиш, ҳосилини йиғиштириб саранжомлаш ҳазилми? Ахир ўйлаб кўринг, беш-ўн эмас, бирданига саксон гектар-а? Кучимиз бўлинади, ҳосил пасаяди, даромад озаяди, обрўдан ажраламиз. Мен буни ҳатто, ўртоқ Камоловнинг олдидарида ҳам айтдим.

Бошига оқ рўмол ташлаб ўтирган колхозчи аёллардан бири қўлини кўтариб:

— Боғ керак эмас, мева арзон, етмаса сотиб оламиз.— деди.

Ўғли учун ачиниб, ундан кўзини олмай ўтирган Нор холанинг аччиғи келди. Ўрнидан туриб, секин ўртага чиқди:

— Қайси шаҳар, қайси қишлоққа мева излаб борамиз. Пахта ҳосили камайса ҳам майли, боғ қиламиз, деб айтаётганлари йўқ, унақа номард бу колхоздан топилмайди. Икки қулоғинг билан ҳам эшит, Салим, пахтага қитдек зарар етказмаймиз, мўл пахта ҳам, мўл мева ҳам етиштирамиз деяптилар...

— Нимага таяниб?

— Ҳа, мустаҳкам таянчимиз бор, Нор хола,— деб ўрнидан турди Тошпўлатов.— Мамлакатимиз гуллаб турган боққа айлансин, ҳар хил мева мўл-кўл бўлсин, деди партиямиз. Партия ва ҳукумат қўйган ана шу вазифани бажариш учун колхозчиларимиздаги интилиш бир таянчимиз; район партия комитети тоғни ёриш, канал қозишда техника билан ёрдам қиладиган бўлди. Бу — иккинчи таянчимиз. Агар биз шуларга таяниб иш қилсак, шубҳасиз, ишимиз ўнгидан келади, нима дейсизлар?

— Тўғри, тўғри,— деди кўп киши.

Тошпўлатов давом этди:

— Яна шуни ҳам назарда тутиш керакки, бу йил тажриба учун беш гектарга тор қаторлаб чигит экдик. Уни кўндалангига ҳам культивация қиламиз. Бу, шубҳасиз яхши натижа беради. Келгуси йил ғўза майдонининг ярмига, балки ҳаммасига шу усулда чигит экамиз. Қетмонга эҳтиёж камаяди, катта боғ яратишдан қўрқиш ўринсиз. Мустахассислар ҳаммасини ўлчаб, аниқлаб чиқди. Колхоз йириклашди, энди бу катта кучни пинҳон тутиш — жиноят. Шу кучга лойиқ катта ишлар қилишимиз керак. Қўрқоқлик бизга ярашмайди. Пахта ҳосилини ҳам оширамиз, боғ ҳам яратамиз.

Бир қанча киши сўзга чиқиб, Тошпўлатовни қувватлади. Катта янги боғ яратиш таклифи кўпчилик овоз билан қабул қилинди.

Ботир билан Бўстон қувонч билан бир-бирларини қутладилар.

Камолов соат кечки бешларда «Оқ олтин» колхозига келди. Жалиловнинг ўзи билан бирга пиёда олиб юриб ғўза майдонларини кўздан кечира бошлади. Ғўзага қўшимча ўғит солиш, суғориш ва культивация қилиш ишларини суриштирди. Анча юргач, катта тол тагига келиб сояда тўхтади ва рўмолчасини олиб, пешона терини артди. Шу пайт кўзи суғорилаётган қартага тушди. Сув чим орқали қуйилаётган бўлса ҳам, лекин жўякка жилдираб эмас, шилдираб оқмоқда эди. Камолов узун бўйли сувчи чолни чақириб гапирди:

— Чимни тез-тез янгилаб туриш керак, мана қаранг, сув чимни ювиб юборибди, шилдираб оқяпти. Яхшиси, дарё яқин, ғаров келтиринг, най билан суғоришни ташкил қилинг. Уни сув ювиб кетолмайди. Ҳамма вақт бир хилда жилдираб оқади. Кўпроқ тунда суғориш керак.

Жалилов ҳам, сувчи ҳам «хўп бўлади» дейишдилар.

Улар яна илгари юрдилар. Қирғоғига қатор жийда экилган ариқчадан ҳатлаб ўтиб, катта қартага чиқдилар. Унга яқин хотин-қиз кетмон урмоқда эди.

Камолов семизгина бир аёлнинг иш сифатини текширди. У икки-уч сантиметр чуқурликда чопиб, тупроқни ниҳол тагига тортиб уйиб кетмоқда эди. Ғўза таги эса чопилмай қолмоқда эди.

Камолов:

— Кетмонни ботириброқ уринг, ниҳол таги қолиб кетмасин,— деди.

Кўп ўтмай бригада шийпонига келдилар. Шийпонга икки-уч плакат ва иккита портрет осилган эди. Камолов табелчини чақиртириб, ишнинг қандай ҳисобга олинганини суриштирди. Дўппининг устидан катта кўк рўмол билан бошини танғиб олган Нусрат қўлтиғида қалин дафтар билан келиб Камолов билан кўришди. Камолов унинг дафтарига қизиқди. У мактаб дафтарлари бир-бирига қўшилиб тикилишидан ҳосил бўлган, беш юз варақча келар эди. Муқоваси қалин ва ярим йиртилган, сиёҳ тўкилиши, қўл кирининг юқиши, гижимланиши ва келган-кетганларнинг зериккан вақтларида тортган турли расм ва чизиқлари билан ола-була тусга кирган бу дафтарнинг асли ранги қанақа эканини ажратиш қийин эди. У ҳамма вақт шийпонда стол устида ётар эди. Бугун табелчи тасодифий равишда уни қўлига олган эди.

Камолов дафтарни варақлаб кўра бошлади. Ундан уч-тўрт қадам нарида шийпон устун тўғрисида Мулла Нусрат қўл қовуштириб турар эди. У, биринчидан ўзини жуда мулойим, мискин, беозор одам қилиб кўрсатишга уринар, иккинчидан эса райком секретари билан ҳамсуҳбат бўлаётганини одамларга кўз-кўз қилишни истар эди. Шу пайт у Камолов кетгандан кейин бу учрашувни одамларга қандай ҳикоя қилиш тўғрисида ўйлар эди. «Ўртоқ Камолов бундай дедилар. Мен эса бундай дедим.» Хаёлидан ўтаётган фикрлар таъсирида у баъзан калласини, баъзан қўлларини силкитиб қўяр эди.

Камолов дафтарни варақлаб қарай-қарай, ҳеч нарса тушунмади, қоқ чаккалари, кичкина бурнининг усти бир оз қизарди. Нозикроқ сарғимтир қошларини чимириб, мулла Нусратга тикилди. У эса Камоловнинг катта, ўткир кўзларидан ўзини олиб қочиб, ерга қаради.

— Бу нима?

Мулла Нусрат илжайиб дафтарни икки қўллаб Камоловдан олиб, варақлади.

— Бу колхоз... йўқ, йўқ, астаъфирулло, бригада ойнаси... Кимнинг қачон, нима иш қилгани тарихи билан қайд қилинган. Уч ойми, беш ойми, бир йилми, хуллас қайси вақтнинг ҳисобини сўрасангиз тайёр. Масалан: ўн бешинчи апрелда СМ, СМ. Хайр... хим... (Ўқиёлмади.) Масалан Б. ўн сўтик ер чопган.

— Бу гапларни қўйинг, кеча ким қанча сўтик ер чопди?— сўради Камолов.

Мулла Нусрат дафтарини тез-тез варақлади. Кейин Камоловга қараб илжайди.

— Кечирасиз, биздан хатолик ўтибди. Ҳаммасининг эмас, фақат ўн тўрт кишининг ишини ёзибмиз. Қўл тегмади. Тегирмончилик ҳам қиламиз-да, кечқурун бригадирдан сўраб ёзамиз. У киши жуда ёддан биладиган одам.

Жалилов мулланинг кўзини учратиш учун қанча ҳаракат қилса ҳам мумкин бўлмади, у, жавраб гапирмоқда эди. Камолов «бўлди, бўлди» деб тесқари қаради. Нусрат сувга тушган товуқдай дафтарини қўлтиқлаб жўнади. Тегирмонда ўзини кутиб турган кишиларга:

— Кечирасизлар, ўртоқ Камолов билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдик, юбормадилар. Ажойиб йигит эканлар: ширин сухан, хушмуомала, назокатли, «ота, ота» деб

гапирадилар. «Лаббай ўғлим, лаббай ўғлим» деб турдим,— деди.

Камоловнинг кайфи бузилди, индамай машинаси турган томонга қараб юрди. Ҳамма нарса равшан эди. Жалилов овқатланиб кетиш ҳақида қанча сўраса ҳам кўнмади.

— Ишларингизни тузатинг, ортиқ тоқат қилолмай-миз. Нусратни эса йўқотинг,— деди.

— Хотиржам бўлинг, сал бепарволикка йўл қўйилган экан, тузатамиз, шу кундан бошлаб менда уйқу йўқ,— деди Жалилов.

Камолов унинг сўзини эшитмади ҳам.

— Кейинги кунларда бадий асарлардан нималарни ўқдингиз?— сўраб қолди Камолов кетаётиб.

Тўсатдан берилган сўроқдан Жалилов бир оз саросималаниб турди. Кейин жиянининг янги китоб олиб келгани эсига тушди. Китобнинг ўзини кўрмаган бўлса ҳам, отини эшитган эди. Аввалги учрашувда китоб ўқи-магани учун секретарь уни танқид қилган эди. Шунинг учун ўқимадим деб айтишга ҳеч тили бормади. Ахир, жияни келтирган китобнинг номини айтди. «Бу ҳафта «мурғизийрак» деган китобни ўқиб чиқдим, жуда ҳам қизиқ экан»,— деди.

Камолов ҳайрон бўлди. «Бу қандай китоб экан?»— деб ўйлади. Уйга бориши билан уни топдириб ўқи-моқчи бўлди.

— Автори ким экан?— сўради у.

— Аттанг,— шунга диққат этмабман-да...

— Яхши эмас, ўқиган китобнинг авторини билиш керак,— деди Камолов ва жўнади.

28

Камолов ярим кечада уйига қайтди. Кўчада ҳеч ким йўқ, жимжит, фақат район марказидаги клуб устига қўйилган кучли радио карнайининг товуши узоқдан эшитилмоқда эди. Уй эшиги олдига келиб, чўнтагидан катта калитини чиқарди. Камолов эшикни очиб, ичкари кирди-ю, яна қулфлади. Оёқ учи билан юриб кабинетига кириб, рудникларни телефонга чақирди:

— Ким, Алексеевми? Бзовта қилганим учун кечир. Муҳим ва қизиқ иш чиқиб қолди. Ёрдам бермасанг битмайди. Тоғ ичидаги сувни ташқари чиқармоқчимиз. Катта, янги боғ яратамиз, ҳа-ҳа, «Октябрь» колхозида

узум, анжир, олманинг энг аъло сифатли навларини ўтқазамиз. Бундан ташқари яна икки юз гектар ғўзани ҳам бемалол суғорса бўлади. Мен бугун бориб кўрдим, энди иш сенга қараб қолди. Асосий ишинга запар етказмай, тоғнинг бир-иккита ерини портлатиб берасан. Бердиқулов тузук йигит, сенга ёрдам қилади. Сабзавот ва мева дўкони? «Хўп-хўп, айтамиз. Очади». Машиналарни тўппа-тўғри «Октябрь» колхозига юборавер. Хайр, соғ бўл!

Камолов телефон трубкасини қўйиб, ташқари чиқди. Уст-бошларини қоқиб, гулзор ёнига борди. Гулзор устида лампочка ёниб турарди, райҳонларни қўли билан қўзғатиб юборди, ҳиди келиб димоққа урилди. Сўнгра кичкина цемент ҳовуз лабига қўйилган кровать ёнига ўтиб ечинди. Баҳор кечаси, ҳаво анчагина салқин эди. Раҳимахон ичкарида ётарди. У уйғониб, ҳовли саҳнига чиқиб ювинди. Урта бўйли, қора кўз, қора қош, ўттиз ёшлардаги бу аёл ўн йилдан буён Камолов билан бирга туриб жуда қадрдон бўлиб қолган эди. У аста юриб келиб, эрининг ёнига ўтирди:

— Овқатга қалайсиз, чой ичасизми?— деб сўради.

— Ичмасам ҳам бўлади, анча чарчаганман,— деди Камолов.

— Қайнаб турибди...

— Майли.

Раҳима опа кичкина столни кровать ёнига келтириб қўйди. Ичкарида кроватда ухлаб ётган иккита ўғилчасини уйғотиб юбормаслик учун оёқ учи билан юриб, ичкаридан дастурхон ва мураббо олиб чиқди, чой ҳам дамлаб келди. Бу вақт Камолов ювинаётган эди. Раҳима опа сочиқни олиб бориб берди, у артиниб келиб ўтирди. Раҳима опа чой қўйди.

— Нур бобом соғ-саломат, тетикмилар?

— Тетик бўлганда қандай? Отдек. Янги ер очиб қовун экмoқчи. Қўймай уйига олиб кетди. Анча суҳбатлашдик, доно одам.

— Чолни хурсанд қилибсиз-да, бўпти. Кампирни ҳам хурсанд қилинг.

— Қайси кампирни?

— Онангизни.

— Қандай?

— Бориб кўрасиз, анчадан бери сизни соғинган бўлсалар керак. Машина юборсангиз.

— Келолмасалар керак, тоби қочган кўринади.

Камолов ташвишланиб сўради:

— Нима, касали оғирмикан?

— Оғир бўлмаса керак, лекин бориш зарур. Одам келиб кетди.

Камоловнинг онаси олтмиш ёшларга кирган ақлли ва меҳрибон аёллардан эди. У кўпинча ўғлининг ёнида, шаҳарда турар эди. Рўзгорни тажрибасиз ёш келинга ташлаб чиқолмас, нон ёпиш, кир ювиш, меҳмон кутиш — ҳаммасини ўзи бошида туриб бажарар эди. Бир кун бу оиладан кетса дарров сезилар, уйдаги тартиб-қондага шикаст етар эди. Раҳима опа эса катта келин, кампирнинг ҳамма ҳунарини эгаллаб олган, гарчи район марказидаги кутубхонада ишласа ҳам, уй ишларини ҳам ўз вақтида бажаришга улгурарди. Меҳмон келиб қолган вақтлардагина синглиси Ёқутхон келиб унга ёрдамлашар эди.

Камолов ўйланиб қолди. Эртага қилинадиган ишлар планини қайтадан тузиш керак эди. Шаҳарга бориш бир соат, қайтиш бир соат. Онаси билан суҳбатлашиб ўтирса бир соат — уч соат вақт керак. Ишнинг тиқилинч вақтида бундай заруриятнинг пайдо бўлиши уни анча қийнаб қўйди, лекин бормай илож йўқ эди. У бир қошиқча мураббо еб, устидан чой ҳўплагач хотинига айтди:

— Майли бўлмаса, совға-салом тайёрлай бер, эртага гириллаб бориб келамиз.

— Албатта бораман.

— Совға-саломни аллақачон тайёрлаб қўйибман.

Камолов ётиш учун қўзгалди, Раҳима опа дастурхонни йиғиштираркан, сўради:

— Китобларни кутубхонага топшираверайми?

— Қайси китобларни?

— Мичуринга оид.

— Йўқ, ўлар билан чуқурроқ танишмоқчиман.

— Бўлмаса Мичурин асарларини ёздирайлик. Кутубхонанинг китобини узоқ тутиб бўлмайди.

— Тўғри. Шаҳарга тушганингда китоб магазинларини ҳам айланиб чиқ, янги асарлар бўлса олиб кел! Раҳима опа «хўп!» деди.

Бир нима тасодифан эсига келгандек Камолов:

— Ҳа, айтгандек, «Мурғизийрак» деган китобни кўрганмисан? — деб сўради.

— Йўқ, қанақа китоб экан?

— Жуда қизиқ китоб дейишади. Кутубхонада бор-микан?

— Бир қарай-чи, балки топилиб қолар...

— Сиз чарчаб қолдингиз, ўзим топиб келаман.

Раҳимахон чиқиб кетди. У қидира-қидира, кутубхонанинг бир бурчидан «Мурғизийрак»ни топди. Топди-ю ҳайратда қолди. Унинг номи аниқ ёзилган бўлса-да, Камоловнинг сўрагани ҳақиқатан ҳам шу китоб эканига ишонмади, ҳайрон бўлиб, китобнинг олди-орқасига қаради. Чунки иккита товуқнинг сурати босилган, йирик ҳарфлар билан тўртта сўз ёзилган икки варақ қалин, яшил қоғоз эди. «Хўш бу нимага керак бўлди экан?» — деб ўйлади. Камолов кроватда ўтириб кутмоқда эди.

— Топилдими?

— Ҳа, қиммат баҳо китобингиз топилди. Мен қанақа китоб экан, деб қизиққан эдим.

Раҳимахон «мана» деб «Мурғизийрак»ни Камоловга узатди. Камолов қўлига олиб кўрди-ю, хохолаб кулиб юборди. Кейин қоғоғларини солиб, аста у ёқ-бу ёққа юра бошлади. Эрига диққат билан қараб турган Раҳимахон қизиқиб сўради:

— Кимга керак бўлди экан бу?

— Жалилов «Мурғизийрак» деган роман ўқидим деган эди, шунга қизиқдим.

Раҳимахон ҳам хохолаб кулди.

29

Жалилов соат ўнлар чамаси «Октябрь» колхозининг паркидаги скамейкага келиб ўтирди, ҳаво очиқ, кўкда юлдузлар чарақларди. Фир-фир шабада эсмоқда, анчагина салқин. Жалиловнинг эғнида оқ шоҳи китель, сариқ коверкот шим, оёғида кавказча этик, бошида тус дўппи эди. Бугун Камолов олдида хижолатда қолганидан таъби хира бўлиб, анчагина ичиб олган, думалоқ қора кўзлари қизариб кетган эди. Камолов билан ғўза майдонларини кўздан кечириб узоқ пиёда юрганидан қаттиқ чарчаган эди. Шунинг учун ҳам скамейкага бир ёққа қийшайиб ўтирди-да бош бармоғи билан скамейканинг панжарасини чертиб, ғинғиллаб ашула айта бошлади. Камоловга «Мурғизийрак» ҳақида гапиргани эсига тушиб, усталик қилдим, дегандек кулиб қўйди. Шун-

да ҳам унинг қанақа китоб экани ҳақида ўйламади. Сўнгра Бўстон эсига тушди. Утадиган вақти яқинлашди шекилли деб соатига қаради. Уйқу босаётган думалоқ кўзларини катта очиб, йўлга тикилди. Ҳеч ким кўринмагач яна кўзларини юмди. Ухлаб қолмаслик учун қўллари билан кўзларини уқалаб, теракларга қараб ўтирди. Узоқдан тушган электр ёруғида дарахтлар ора-лаб ўйнаётган япроқларга тикилди. Аммо кўзлари тобора қисилиб-қисилиб, ахир юмилди. Ичкилик билан заҳарланган аъзоларини уйқу юки босганди. У хуррак ота бошлади.

Бўстон йиғилишдан чиққач, тез-тез юра бошлади. Хиёбондан бурилиши билан узоқдан Жалиловни кўрди ва юраги аллақандай бўлиб, юзи қизариб кетди. Яқинлашиб қараса, маст, ухламоқда. «Колхоз раиси-я, уят!» деб ўйлади. Жалилов худди от пишқиргандек қаттиқ хуррак отарди. Бўстон «Омон ака, Омон ака» деб туртиб кўрди. Уйғониш қаёқда! Шу пайт у қулоғи тагида замбарак отилса ҳам сезмас эди. Бўстон жуда яқин келиб, «Омон ака, Омон ака» деб туртди. У бир кўз-ғалди-ю, хуррак отиб узун нафас олди, оғзидан ароқ ҳиди анқиб кетди. Бўстоннинг кўнгли айниди, аччиғи билан тескари ўгирилди-ю, тез-тез кетди. Лекин ёлғиз қолдириб кетаётгани учун бир оз ташвишланди. Аммо кетига қайтмади.

Жалилов устига тонг шудринги тушиб совқотгач, уйғонди. Скамейка ёғочлари чаккаларига ботиб, зирқиратиб юборган эди. Кўзини уқалаб очиб, бир керишди-ю, эснади, тўрт тарафга аланглаб қараб, елкасини қисиб қўйди. Сўнгра тегирмон тарафга қараб юрди. Мулла Нусратнинг жуда эрта туришини биларди. Дарҳақиқат, Жалилов келганда у тегирмон ариғи бўйидаги супада кўк чой ичиб ўтирарди. Жалиловни кўриши билан дарров ўрнидан туриб, жой кўрсатди. Жалилов ариқда ювиниб, кўрпача устига ўтди. Нусрат бир пиёла чой қуйиб унга узатаркан: «Хўжайин, бу кунлар саҳар-хез бўлиб қолибдиларми»— деди.

Жалилов бошидан ўтганларни унга бир-бир ҳикоя қилиб берди.

Мулла Нусрат кичкина бошини тўлғаб, «Афсус, афсус!» Шундай қилиб тунда у ой парчаси билан суҳбатлашолмай қолибсиз-да, аттанг! Сиз бу кеча ошиқи

шайдо булбулга ўхшасиз. Булбул гунча очилишини кўриш ишқиди илк саҳардан фиғон қила-қила тонг ёришганда, айна гунча очиладиган пайтда ухлаб қолар экан. Ҳар тонгда шу ҳол такрорланар экан. Лекин сиз такрорланманг, тўйни тезлаштинг, агар бўшлиқ қила-версангиз, лочин панжали бир олғир йигит пайдо бўлади-ю, тенги йўқ гўзални қўлингиздан учуриб олиб кетди. Сиз қўлтигидан тарвузи тушиб ёрилган кишидек оғзингизни очиб қолаверасиз.

— Олиб бўпти, қанотини қайириб ташлайман,— деди Жалилов мағрур бир оҳангда.— Чап ёғим билан турган эканман шекилли, кундузи ўртоқ Камолов олдида, кечаси Бўстонхон олдида хижолат тортдим.

— Эҳтиёт бўлинг, хўжайин, муҳаббат — ўт-олов, парвонадек куйиб кетишингиз мумкин...

30

Ботир бу кеча кинодан Бўстонни узатиб келди. Улар икки томонига тут дарахтлари ўтқазилган хиёбондан юриб бордилар. Ботир, гулзорни бир айланиб кетишни таклиф этди. Бўстон рози бўлмади. Уйда зарур юмишлари борлигини баҳона қилди. Саодат опа, кечаси салқин бўлади, деб унга костюм кийгизиб юборган эди. Костюм тагидан гулли крепдешин кўйлаги кўриниб турарди. Оёғида пахтакорлар қурултойига борганда Тошкентдан олган этик эди. Кийимлар ўзига ўлчаниб тикилганидан жуссасига ниҳоятда ярашиб тушган эди.

Бўстон гоҳ гулзорга, гоҳ электр шуълаларида хаёлий бир кўриниш касб этган дарахтларга қараб борди. Бу кеча ҳам уйда дарс тайёрламоқчи эди. Шунинг учун ҳам Ботирнинг илтимосини қабул қилмади. Йўқса, у билан гулзорни айланишни жонидилидан истарди.

Ботир билан бирга юрса суҳбатлашиб кўнгли очилар, ором оларди. Баъзан ўз-ўзига «Бу йигитнинг юлдузи мунча иссиқ-а?» деб сўроқ беради. Бунинг сабаби муҳаббат қўйганидан эмас, Ботирнинг олижаноблигидан, юраги покизалигидан, билимдонлигидан деб биларди.

Бўстон «ҳаво яхши бирпас ором олай» деб аста-аста қадам босиб борди. Улардан анча узоқда Қодирқул билан Қарим полвон ёнма-ён суҳбатлашиб келмоқда

эди. Карим полвон Қодирқулнинг рашкини қўзгамоқ учун, унинг қитиғига тегадиган сўроқлар бера бошлади.

— Жалилов ҳам, сен ҳам бир чеккада қолиб кетдинглар. Сенинг шеърларингдан Ботирнинг оддий сўзлари кучли чиқди шекилли.

— У қандай сеҳрли сўзлар билан яқинлашиб қолди экан-а?! Агар ўша сўзларни билиб олсам, шулардан шеър тўқир эдим, лекин ҳали ҳам ўзига қаратиб олганига ишонмайман.

— Ҳозир олмаган бўлса, кейинроқ ўзига қаратиб олади-да, ўзи ҳам ажойиб қизку-я, ақлига, ишига, ҳуснига, қадди-қоматига қара, беғубор асл йигитнинг бахти. Қани шоир бўлсанг, шу юришига қараб бир нима айтгинчи?

— Мен унақа тайёр жавоб шоирлардан эмасман, бугун заказ қилсанг, эртага тайёр бўлади. Лекин шу ҳақда бир тожик шоирининг шеъри бор.

— Қани, қани? — деди Карим полвон.

Қодирқул бир оз ўйлаб туриб, икки мисра шеър ўқиди:

«— Рафташ ба чи монанд?

— Баҳрамидани товус,

— Баргашта нигоҳ карданаш-чи?

— Оҳуий рамида».*

Қодирқул, «қалай?» дегандек Карим полвонга қаради. У «билмасам» дегандек елкасини қисиб қўйди.

Ботир билан Бўстон аста-аста юриб, тобора узоқлашдилар. Ботир кам гапириб, кўпроқ ўйлаб борарди. Бўстон рўмолини тортиброқ қўйиб, тепага қаради. Электр лампочкаси атрофида катта ари зинғиллаб айланарди.

— Гапиринг, нега жим бўлиб қолдингиз? — деди Бўстон.

— Хаёл олиб қочди...

— Қаёққа?

— Ажойиб шинам боққа?

— Кетиб борини нимага ўхшайди?

— Товус юришига.

— Қайрилиб қарашин-чи?

— Ҳуркак кийинка».

— Хайрият, орзу қилган жойингиз экан, мен узоққамн деб ташвишланган эдим.

— Мен учун-а?

— Ҳа, сиз учун,— деди Бўстон жиддий.

— Нега?

— Нега бўларди, колхозимизнинг бир аъзосидан, хусусан катта ишларга бел боғлаган йигитдан ажраб қолиш ҳазил гапми?

— Раҳмат, раҳмат,— деди Ботир.

Бўстон уйига яқин келиб хайрлашаркан:

— Эртага кеч соат ўнга бюро чақирганмиз, кечқурун каналда ишлайдиган комсомолларни ажратамиз, келинг,— деди.

Ботир «албатта келаман» деб ваъда берди. Бўстон уйига кираркан қайрилиб қаради ва «хайр, соғ бўлинг, раҳмат» деди.

Ботир секин орқасига бурилиб жўнади. Келган йўлдан эмас, бошқа хиёбондан тўғри уйига кесиб чиқмоқчи бўлди. У хаёл суриб борарди. «Энди иш бошланди, тобора қизишиб кетаверади. Афтидан, комсомоллар дуруст ёрдам берадиган кўринади.— Бўстон бало, ташкил қилади» — деб ўйлади.

Бўстон ҳар қанча иссиқ, оташин сўҳбат қилса ҳам, «ишқ-севги мавзуи»га ўтмас эди, Ботир ҳам журъат этолмас эди. Унинг кўнглига қаттиқ тегишдан қўрқар, эҳтиёт ва одоб билан муомала қиларди. Ана шу эҳтиётлик билан қилинган муомала уни қиз қалбига кундан-кун яқинлаштирамоқда эди...

Қодирқул билан Карим полвон Ботирни кутавериб зерикишди. Карим полвон «юр, кетамиз» деб, бир неча марта ўрнидан қўзғалса ҳам, Қодирқул қўзғалмади. Карим полвон эснаб бармоқларини қисирлатди. Ниҳоят, «кетмасанг, ўзим кетаман» деб ўрнидан турди. Қодирқул ҳам ноилож унинг кетидан борди.

— Шоир тоза табиатинг хира бўлди-да, дунёнинг ишлари шундай... Сен юрагингдан севасан. Аммо тўсатдан битта бургут йигит пайдо бўлади-ю, қўлингдан тортиб олиб, бахт осмонига парвоз қилади. Сен ерда оғзингни очиб қолверасан.

— Бундай бўлиши мумкин эмас,— деди чуқур нафас олиб Қодирқул,— унга менинг меҳрим сингиб кетган, Ботирга у иш юзасидан яқин, менга эса юракдан, муҳаббат вазидан...

— Қаёқдан биласан?

— Кўнгилнинг кўнгилга йўли бор. Мен севар эканман, демак у ҳам севади, фақат очиқ айта олмаяпмиз. Орага Жалиловга ўхшашлар тушиб, халал бераётир,— деди, лекин айтган гапига ўзи ҳам ишонмас эди.

— Ботир келгандан бери у сен билан бирга юрдими?

— Ҳа, икки марта... Худди шундай мажлисдан кейин уйига узатиб қўйганман.

Карим полвон қўлининг орқасини оғзига олиб бориб, яна эснади. «Хайр, кўрамыз, охири нима бўлар экан» деди уйқусираган овоз билан. Қодирқулнинг эса юраги тез-тез урар, уйқуси қочган, дамба-дам Бўстон кетган тарафга қараб қўярди. Карим полвон ҳовлиси тўғрисиغا келгач, хайрлашиб бурилди. Қодирқул аста кетаверди. «Ботир, эҳтимол, бошқа хиёбондан уйига қайтган бўлса керак деб ўйлади. Аввал Жалилов эди, энди Ботир ҳам йўлимга ғов бўлди», деди ўз-ўзига.

Вақт ўтмасдан муҳаббатини Бўстонга очиқ айтиб, ундан узил-кесил жавоб олмоқчи бўлди.

31

Мавлон ака тол шохидан ҳар бири бир метрлик қилиб кесилган бир қучоқ калтакни кўтариб, тонг ёриши билан Бўстонлар звеносига келди. Бунга ҳамма қизиқсинди.

«Булар нима?!» Мавлон ака жиддий вазиятини бузмай, звено аъзоларига таёқлардан битта-битта олишни буюрди. Қизлар кулишиб, бир-бирларини туртишиб, таёқларни ола бошладилар. Қумри калтакни кўтариб Чиннихонга ҳазиллашиб ўқталди, кейин кулиб Мавлон ака ёнига борди:

— Амаки, буни нима қиламиз, калтакбозлик қиламизми?

— Сабр қил, бунча шошиласан.

Совуқ урган ғўзалар ўрнига экилган чигит биринкетин униб чиқа бошлади. Яганалаш пайти келди. Мавлон ака гектарда ғўза туплари қанча бўлишини таъминлаш ниятида звено аъзоларига ўлчакметр қилиб берди. Уларни олдига чақириб, ягана қилганда ҳар метрда қанча туп ниҳол қолдириш зарурлигини айтди. Бу тадбир қизларга маъқул тушди.

— Буни қандай ўйлаб топдингиз? — деди кулиб Чиннихон.

— Мўл ҳосил учун қўл билан ишлашгина кифоя қилмайди, бошни ҳам ишлатиш керак!

Қизлар кулишиб, жўяклар орасига кириб ишга тушдилар. Шу пайт Салим ака келиб қолди. У тез юриб келганидан чакка соқоли орасидан тер оқар эди. Мавлон ака шийпондан тушиб, у билан кўришди. Салим ака уни қўлидан ушлаб шийпонга олиб чиқди:

— Сен ўғлим хафа бўлмасин деб, нима деса қила-верасанми?

— Нега ундай дейсан, Салим? Фақат фойдали сўзига қулоқ соламан,— деди унга жиддий тикилиб Мавлон ака.

Салим ака пешонасини тириштириб бошини тебратиб гапирди:

— Менинг йўқлигимдан фойдаланиб, тор қаторлаб чигит экдирибсан, бу ҳам гўрга. Нега Бўстоннинг ерини танладинг? Обрўини тўкиш учунми?

— Ҳай-ҳай, Салим ўзингни бос. Нега обрўси тўкилар экан?

— Тор қаторга қуёш яхши тушмайди, шамол яхши ораламайди, ғўза дуруст шохлаб ўсмайди. Культивация қилганда томирига зарар етади. Буни пухта ўйладим.

— Ҳисобинг хом. Уни аниқ ҳисоб-китоб қилган кишилар бор, хавотир бўлма, яхши ҳосил етишад!

— Шунча йилдан бери адашмаган калла энди адашадими? Ўғлинг яна бир янгилик топибди, эшитдингми? Ўша қартани кўндалангига кесиб культивация қиламиз деяпти экан, мен розилик бермадим. Эртага бирор чатоқлик чиқса, ҳаммадан бурун мен жавобгар бўламан. Ўғлинг тўғрисини айтсам, жуда ҳам сурбет чиқди. Каттани ҳам, кичикни ҳам билмай, ўз гапини маъқуллагани-маъқуллаган.

Мавлон ака ўзини босиб олиб, секин гапирди:

— Менга Ботиржон билан Раҳматжон кеча ётиғи билан тушунтиришди. Кўндалангига кесганда ҳам одатдагидан ниҳол кўп қолади. Икки тарафлама культивация қилиниб, кетмон меҳнати кам бўлади. Ботиржон ҳақидаги гапингга ҳам қўшилолмайман. Ботиржон менинг ўғлим бўлса, сенинг ҳам фарзандинг. Бўстон менинг ҳам қизим.

Салим ака унинг «фарзандинг», «қизим» ибораларини «куёвинг», «келиним» маъносида тушуниб, табиати жуда хира бўлди.

— Қизимни тилга олаверма, туғилган кунида қулогини тишлаган куёви бор, ўғлинг келиб куёв билан орамиз бузилай деб қолди. Бўстонни айнитяпти. Келаси ҳафта тўйни бошлаб юбормоқчи эдик, розилик бермади. Қирқ йилдан буён дўст бўлиб, сендан кутганим шуми?!

Салим ака рўмолининг учи билан кўз ёшини артди:

— Тавба-тавба, менинг бундан хабарим йўқ. Лекин Ботиржоннинг одобсизлик қилишига ишонмайман. Шундай бўлса ҳам гаплашаман. Хотиржам бўл!

— Қўнғиз ҳам ўз боласини оппоғим дейди. Яхшироқ текшириб кўр, жиловини тортиб қўй.

Шу пайт универсални гуриллатиб Фозил Иванович келиб қолди. Уни кўриб, Салим аканинг юраги «шув» этиб кетди. Мавлон акага ҳам қарамай қўлларини орқасига қилиб, пешонасини тириштириб, универсал кетидан борди. Универсал бурилиб ишга тушгунча қарта чеккасида сариқ соқолининг учини лабига олиб бориб, ўйланиб турди. Фозил Иванович рулни тўғрилаб, қартани кўндалангига ҳайдаб кетди. Ғўза ниҳоллари кўпорилиб жўяк пайдо бўла бошлади. Буни кўриб, Салим аканинг жони чиқаёзди. «Ноинсоф, тўхтат?» деб қичқирди. У ғириллаб бориб универсалнинг олдига ўтиб ўтириб олди.

— Номард, қўлингдан келса ҳайда!

Фозил Иванович тракторни тўхтатди. Мавлон ака Бердиқуловга киши юборди. У келгач кўплашиб зўрга Салим акани қарта чеккасига чиқардилар. У ловиллаб ёнар, «Мен жавобгар эмас, жавобгар эмас, ишламайман, ҳосилотликни ҳам Ботир қилсин» дерди. Аммо, универсалнинг гулдираши унинг овозини босиб кетмоқда эди.

32

Тиниқ осмонда юлдузлар чарақлар, аммо ой кўринмасди. Қоронғи дала жимжит. Фақат ҳашаротларнинг чириллаши, сувнинг шилдир-шилдир оқиши эшитиларди, баъзан узоқдан ашула айтаётган йигитнинг товуши келади.

Камолов қўлида электр фонарь билан ҳали сув кирмаган жўякдан юриб борди. Фонарь ёруғида қаршисидаги жўякда сувнинг оқишини кўздан кечирди. Ўзича «дуруст, дуруст» деб қўйди. Сув йиғилиб қол-

ган бир жўякнинг олдини оёғи билан очиб юборди. Сўнгра «Утапбой» деб чақирди. Паҳлавон гавдали бир йигит кетмонини елкасига солиб етиб келди.

— Сув кўп ерда кўллаб қолаётир,— деди Камолов унга қараб.— Афтидан ер текис эмас. Ўз вақтида бу нуқсон тузатилмаган, энди суғоришнинг сифатини бузаётир. Хусусан шу пайкалда паст-баладлик кўп экан. Бунинг яхши суғориш учун жуда ҳам ҳушёрлик, усталик керак. Фонуснинг яхшиси йўқми эди? Бунинг ёруғи ўзидан бошқа ерга тушмайди-ку!

— Яхши фонарь йўқ-да, ўртоқ Камолов.

— Топиш керак. Жуда бўлмаса бундай пайкалларни кундуз кунини суғориш керак.

Камолов бир неча бригаданинг гўза майдонини кўздан кечириб колхоз идорасига келди, кўрган камчиликларни ва қилиниши лозим бўлган ишларни агроном дафтарига қисқа ёзиб қўйди.

Камолов машинада жўнади. У, раисни сўраб ҳам ўтирмади. «Албатта ухлаган бўлса керак» — деб ўйлади. Машина эгри-бугри йўллардан гўза оралаб кетмоқда. У атрофга қулоқ солиб борарди. Сув тутувчиларнинг товуши келса, кўнгли очилиб, қоронғи бўлса ҳам шу тарафга бир қараб қўярди.

Бирпасдан кейин ҳовлиқиб раис келиб қолди. «Қани, қани, ўртоқ Камолов» деб сўради. «Кетдилар» жавобини эшитгач, кечикибман-да, деб қўйди. Сўнгра чўнтагидан папирос олиб чекди. Сувчидан «Нима дедилар, койидиларми» деб сўради. Сувчиларни яхшироқ фонус билан таъминлаш зарур деб айтдилар, деб жавоб берди у. Жалилов агроном дафтари эсига тушиб, идора томон жўнади. У идорага келгач, Камолов ёзиб кетган хатни бир-икки марта ўқиб чиқди, бюрога чақирса керак, деб ўйлади. Кейин шошилганича ҳосилот совети раисининг уйига қараб кетди. Уни уйғотиб, колхознинг бир томон даласига юборди. Ўзи эса иккинчи томонга суғоришни текшириш учун жўнади.

Камолов яна бир колхоз даласини кўздан кечиргач, «Октябрь» колхозини томонга жўнади. Ўша ерда тунамоқчи бўлди. Машина пахтазор оралаб учиб бормоқда. Баъзан йўлнинг икки четигаги дарахтларнинг бутоқлари, баъзан тикани балад ёввойи ўтлар машина чеккаларига урилиб кетарди. У, қишлоққа киргач, Тошпўла-

товнинг ҳовлисига қараб кетди. Камолов бу кеча шу сзда ётиб, эрта билан тоғни портлатишни кўрмоқчи бўлди. Рудниклардан бугун машиналар келиб етган. Портлатиладиган ерлар текшириб кўрилган эди.

Эрта билан соат бешлар чамаси эшик тиқиллади. Тошпўлатов эшикни очиб, «марҳамат, марҳамат» деб — Бердиқуловни ичкарига олиб кирди. У болаларни уйғотмаслик учун оёқ учи билан қадам босиб даҳлиздан ичкари уйга кирди. Бу кичкина уйнинг тўрида катта ёзув столи бўлиб, устида кўк муқовали бир китоб, унинг яқинида ёзиб чизилган битта дафтар турарди. Дераза боққа қараб очилган. Эрталабки шабада ипак пардаларни вақт-вақт ўйнатиб қўярди.

Тошпўлатов Бердиқуловга стул қўйиб, ўзи стол орқасига ўтди. У, уй кийимида эди. Пешонаси дўнгроқ, катта қора кўзли, қирқ ёшлардаги бу одам биринчи қарашда қўполроқ туюлса ҳам, аслда муомаласи силлиқ, ҳар кимнинг ўзига мос сўзни топиб гапирадиган, пухта ўйлаб, шошилмай ҳаракат қиладиган бир киши эди. У ёшлигида ота-онасидан етим қолган, Исмоил Эшак деган бойнинг қўйини боққан. 1927 йилгача унинг оладиган ҳақи, хизмат вақти аниқ эмасди. Бойваччанинг эски кийимларини кийиб, кўпинча унинг сарқити билан овқатланарди. Кейин батрачком (батраklar комитети) ундан хабар топиб, бой билан шартнома туздирди, иш ҳақи ва хизмат вақти аниқланди. Унга ўсмирлар мактабида ўқиш учун ҳам имконият туғдирди. У, 1929 йилнинг охирларигача шу йўсинда ишлади. Кейин бир ўқитувчининг ёрдами билан Самарқандга келиб, аввал батраklar курсига, кейин рабфакка ўқишга кирди. Рабфакни тамом қилгач, 1934 йилда партия уни колхозларни мустаҳкамлаш учун қишлоққа юборди.

— Ташқарида ўртоқ Камоловнинг машинаси кўринади, ўзлари қаердалар?— деб сўради Бердиқулов.

— Ичкарида ухляптилар,— деди Тошпўлатов.

Бердиқулов кулдонга, чекиб ташлаган папиросларга қараб Тошпўлатовнинг анчадан буён ишлаётганини фарз қилди.

— Нима қиляпсиз, Турсун ака?

— Назарий конференцияга тайёрланаётирман.

— Жуда эрта турганга ўхшайсиз.

— Ҳа... Эрта туришнинг хосияти кўп. Лев Никола-

евич Толстой ўз асарларини кўпинча эрта билан ёзарди. Энг яхши фикрлар эрта билан эсга келади. Мия уйқуга тўйиб турганидан кейин, огир ақлий ишларга қобилиятли бўлади,— дер эди.

— Ҳақиқатан тўғри гап,— деди Бердиқулов.

Тошпўлатов унга улуғ ёзувчининг ҳаётидан бир-икки қизиқ эпизод айтиб берди. Шунинг устига нариги хонадан Камолов чиқиб келди.

— Эй, нега бунча тез турдингиз?— деди Тошпўлатов. Камолов соатига қараб:

— Беш соат ухлабман, бас-да,— деди ва ювиниш учун коридорга ўтди. Ювиниб келгач, Турсун аканинг хотини Чиннихон нонушта қилиш учун нариги хонага таклиф этди. Ҳаммалари бориб, стол атрофидан жой олдилар. Камолов кечаги саёҳат ҳақида қисқача гапириб берди. Сўнгра колхозда бўладиган назарий конференцияга тайёрликни суриштирди.

— Хўш, сизнинг темангиз нима бўлди?— деб сўради Бердиқуловдан.

— Одамлар олдига чиқиб гапириш учун пухтароқ тайёрланиш яхши, лекин вақт ниҳоятда зиқ. Шу тема бошқа бировга берилса, ёки конференция бир оз кечиктирилса қандай бўлар экан?— Бердиқулов аввал Камоловга, кейин Тошпўлатовга қаради.

— Сизни деб бюро қарорини ўзгартира олмаймиз,— деди Тошпўлатов.— Конференция белгиланган кунда бўлади. Вақт топиб тайёрланинг!

— Қаердан топай, ишнинг қистов пайтида?

Камолов истеҳзо билан кулди. У, гўё бунга эътибор қилмай тамоман бошқа нарса ҳақида гапирмоқчи бўлгандай, бир пиёла чойни эрмак қилиб, сўзларини бир-бир териб гапирди:

— Гражданлар урушининг энг қизғин даврида,— деди у,— Алексей Максимович Горький бир куни Владимир Ильичнинг кабинетига киради. Қараса, стол устида Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» деган романи турибди. Ҳайрон бўлади. Очлик, вайронлик, гражданлар уруши, мамлакат олов ичида. Горький столга яқинлашиб:

— Владимир Ильич, шу кунларда ҳам роман ўқишга фурсат топасизми?— деб сўрайди.

Ленин бу сўроққа жавоб бермай, бошқа масаладан

гап очади. У, Толстойнинг улуғлиги, маҳорати ҳақида сўзлаб; «Европада шунга тенг келадиган бошқа бирон ёзувчи борми?»— деб сўрайди ва яна ўзи жавоб беради:

— Йўқ... йўқ...

Алексей Максимович ўз эсдалигида: «Владимир Ильичнинг жавоб бермаганидан сўроғим ўринсиз эканлигини билдим»— деб ёзади.

Ҳақиқатан ҳам Камолов баъзи ходимлар ишлатадиган «китоб ўқишга вақтим йўқ» деган гапнинг нақадар сохта эканини ёрқин мисол билан очиб ташлаган эди.

— Гап жуда жойига тушди,— деди Бердиқулов.— Ильич вақт топган-у... лекин бизнинг ишимиз... бу ёғига тилим бормади... Уртоқ Камолов ростдан ҳам кам ўқиймиз. Тўғриси айтсам, темани анча тайёрлаганман-у, ҳали пухта, ишониб минбарга чиққудай эмас. Сўроққа тутсалар, шошилиб қолишим мумкин. Қолхозчилар билан ҳазиллашиб бўлмайди, ҳаммаси тайёрланиб келади. Ораларида «Раисни қизартирамиз» деб махсус шу темадан сўроқлар ўйлаб келадиганлари ҳам бўлади.

Бердиқуловнинг сўзига диққат билан қулоқ солаётган Камолов жиддий қилиб айтди:

— Бюронинг қарорини ўзгартишга одатланманг, назарий конференция белгиланган кунда бўлсин. Беш кун қолибди, жиддий тайёрланинг.

Бердиқулов: «Хўп, шундай қилмасак бўлмайдиганга ўхшайди»,— деди.

— Вақт бўлди, энди чиқсак ҳам бўлади, кутиб қолишади,— деб ўрнидан турди Камолов.

Улар биргалашиб ташқари чиқдилар. Машинада канал тортиладиган ва янги ер очиладиган тарафга қараб жўнадилар. Йўл янги, ҳали тош ётқизилган эмас эди. Шу сабабдан машина орқасида тумандек чанг қолдириб борарди, кўчанинг икки ёнида эндигина битган чайла ва янги бошланган иморатлар кўринади.

— Бу кўча қишлоқнинг энг обод ва чиройли кўчаларидан,— деди Бердиқулов.

— Ҳа, айтгандек, ёғоч материаллар нима бўлди? Усталар бўш қолаётирлар-ку,— деб сўради Тошпўлатов.

— Шу икки кун ичида беш вагон ёғоч оламиз, ишимиз яна авж олиб кетади. Тўғриси айтганда, Турсун

ака, бизнинг янги қишлоқ «Қизил байроқ»никидан ҳам чиройлироқ бўлади.

Дарҳақиқат, янги қишлоқ проекти умумий йиғилишда муҳокама қилинганида колхозчилар томорқаларининг катта бир қисмини қишлоқдан ташқарига чиқаришга қарор қилдилар. Ҳовли саҳнида боғча қилиш учунгина маълум миқдорда ер қолдирилди, бу ҳол ҳовлиларнинг яқин, зич бўлишини таъмин этади. Электрлаштириш, радиолаштириш ва бошқа ишларда қулайлик туғдиради.

33

Тонг ёриши билан азамат йигитлардан ўнтаси Ботир бошчилигида бел, кетмон, метин ғалтак ва бошқа асбоблар олиб, тоққа жўнади. Осмон шишадек тиниқ. Далада эрталабки оромбахш шамол эсарди. Димоққа кўкатлар ҳиди уради. Тунда дув ўтган ёмғир майсаларни ҳам, дарахтларни ҳам ювиб кетган. Ҳамма ёқ ям-яшил, йигитлар ўзаро гаплашиб бэрардилар. Уларнинг чеҳраси очиқ, қандай гўзал мақсад билан кетаётганликларини ҳар бири аниқ билади. Улар олижаноб ишга бел боғлаганларини тўла қаноат билан ҳис қиладилар.

Ботир янги сув чиқариш ишида ташаббускор бўлмаса ҳам, лекин бошланган иш у келгач, қизиб кетди. Бунинг учун у фахрланарди. Илҳом билан ишлашида, юмшоқ муомаласида бу нарса аниқ кўринарди. Одатда, юраги хурсандлик ва фахрланиш ҳислари билан тўлган одамнинг тили ширин бўлади. Ботир ўзидаги шу руҳий ҳолатни бошқаларга ҳам ўтказишга, ҳаммани бу ажойиб ишга руҳлантириб юборишга уринарди.

— Янгидан яратиш — жуда ажойиб завқли иш, — Ботир гапириб берарди. — Янтоқ ҳам кўкармайдиган чўл ерда ям-яшил боғ пайдо бўлса, нақадар ажойиб ва ёқимли!..

— Шунинг учун, — деди кетмонини елкасига қўйиб бораётган Қодирқул, — қўлингдан ҳеч иш келмаса, яхши ният билан бир жуфт кўчат ўтқаз, деганлар.

— Ўз меҳнатининг самарасини кўриб қувонишдан ҳам яхши нарса борми? — деди юзи қип-қизил Карим полвон.

Улар манзилга бориб етдилар ва кетмонларини ерга қўйиб, бирлас маслаҳатлашиб олдилар.

— Менимча, сув тушиб кетаётган ёриқ олдиға банд тортилса,— деди Ботир,— сув йиғилиб-йиғилиб, биз келган йўлдан пастга қараб оқа бошлайди. Фақат уч-тўрт жойда катта баландлик бор, ана шуни олиб ташлаш керак.

— Тўғри,— деди Қарим,— ҳозир мана бу баландликдан тош-тупроқни олиб, чашма олдидаги ҳовузчага ўхшаб қолган чуқурга солиш ва ёриқ олдиға банд тортиш зарур.

— Маъқул гап,— деди Ботир.— Қани, бошладик.

Ҳамма қуролланиб ишга тушди. Қарим ва Мардон метин билан баландликни уриб, тошларни майдалай бошладилар, икки киши майда тош ва тупроқни ғалтак билан бир чеккага олиб чиқиб тўкишга киришди. Яна тўрт йигит харсангларни юмалатиб келиб, сув оқаётган ёриқ олдиға тера бошлади. Иш қизиб кетди. Метинларнинг тарақа-туруқи, харсанг юмалатувчиларнинг ҳа-ҳалари сув шовқинига қўшилиб, далани ларзага келтирди.

Метинчиларнинг иши ниҳоятда оғир. Қарим полвон шердек кучи билан қулоч ёзиб метин урмоқда. Ҳар сафар тошдан учқун сачраб кетади. Аммо, ўпирилиб тушган тош парчаси эса жуда кичкина эди. Ботир ҳам терлаб-пишиб ишламоқда. Вақт-вақт улар бир-бирларига кўз тағидан қараб қўйишар ва тош бошига шиддат билан зарб устиға зарб қўндирардилар. Аммо иш унуми ниҳоят паст эди. Икки ғалтакчи кўп кутиб бекор туришга мажбур бўлади, ниҳоят бири тоқат қилолмай, метинни олиб ишга тушиб кетади. Харсанг юмалатиш ҳам қизир эди. Яқин орадаги қулай харсанглар тез тамом бўлди. Анча узоқдан оғир харсангларни олиб келишга тўғри келди.

Кенг кўкракли Қарим полвон тошга кўкрак бериб, жимгина ишласа, қамиш оёқ Мардон «у ёғидан ол, бу ёғидан тут» деб маслаҳат бериб ишларди. Бир вақт катта бир харсанг баланддан юмалаб сувнинг чуқурроқ ерига тушиб кетди, тўрт забардаст йигит қанча зўр берсалар ҳам ўрнидан қўзғата олмадилар. Ниҳоят, Қарим кўйлагини ечиб, сувга кириб итарди, бошқалар ҳам яланғочланиб ишга киришдилар. Ахийри катта кўк тошни ҳа-ҳалаб юмалатиб, ёриқ олдиға олиб бориб қўйишга муваффақ бўлдилар.

Қуёш тик кўтарилди, меҳнат оловида қизишган танларга ҳароратли нурини сахийлик билан тўка бошлади. Одамларнинг чаккаларидан тер қуйилиб келарди.

Аммо иш бир зайлда давом қилди. Кун қоқ пешин бўлганда қозони билан палов кўтартириб Бердиқулов билан Салим ака келди. Бердиқулов яқинлашиши билан «Баракалла азаматлар, ҳорманглар!» деб қичқирди. Ҳамма бараварига «Бор бўлинг, раис» деди.

— Қани бўлмаса, ош совимасин, бирпас дам олиб, овқатланинглар!

Йигитлар қўл-юзларини ювиб, Бердиқулов турган жойга кела бошладилар. Салим ака қозоннинг қопқоғини кўтариб, иккита катта товоққа ош сузди ва ўртага олиб келиб қўйди, ҳамма иштаҳа билан қўл чўзди.

— Қани, ўзларинг ҳам олинглар! Раис бобо, Салим ака!— деди Ботир.

Бердиқулов «баҳузур-баҳузур, биз овқатланганмиз» деб жавоб қилди.

— Ошпаз жуда ҳам моҳир экан, гуручлари чўзилиб кетибди,— деди Қодирқул.

— Донадор ош бўбди. Нур бобо пиширган бўлсалар керак?— деди Карим полвон қошиқни оғзига олиб бораркан.

—Топдинг. Ош мазали бўлса ҳам, ишнинг мазаси йўққа ўхшайди,— Салим ака илжайди.— Эртадан бери ўн кишининг ишлагани шуми? Ҳеч ишонгим келмайди.

— Бу тайёр гўшт-ёққа палов пишириш эмас. Асбобни олиб бир-икки зарб уриб кўринг-чи?

— Мана шунинг учун айтган эдим-да, шошилманглар деб. Сизлар ширин хаёлга маст бўлиб, дарров чўлда боғ қилмоқчи бўлдингиз. Ҳали олдингизда катта баландликлар турибди. Оғир меҳнат билан аччиқ тер тўкиб, кейин ҳушингизга келасиз, Салим аканинг сўзи ҳақ экан деб тан берасиз.

— Нима-нима?— деди ўрнидан қўзғалиб Карим полвон,— бошлаган ишни охирига етказмаган номард, тоғни толқон қиламиз!

— Хўп, хўп,— деб қизишди Салим ака,— кўрамиз, кўп ҳам катта кетманг.

Ботир Салим ака билан муомалада оғир бўлишга, одоб сақлашга уринарди ва қачон уни кўрса Бўстон эсига тушарди. Гап қезишгунча жим ўтирди, лекин Салим аканинг дағал жавобларидан кейин:

— Асл одам ўзини ҳақиқатда кўрсатади. Булар шунақа йигитлар, камситманг, Салим ака,— деди.

— Сизлар билан баҳслашиб бўлмайди.— Салим ака чап мўйловини бураб эрмак қилди.— Сўзга ҳамманг чечан, маҳкамдонасиз, аммо иш қалай бўлар экан, ўлмасак кўрамиз... Раис бобо, энди менга жавоб беринг! Тураверсам, булар билан тоза олишадиганга ўхшайман.

— Бирпас тулинг, ўртоқ Камолов келади,— деди Бердиқулов.— Мен йўлда тушиб қолдим, улар дала айланиб қайтишади.

Салим ака қоладиган бўлди ва тоғ атрофини кўздан кечириш учун туриб кетди...

— Тавба, қизиқ одам,— деди Қодирқул.

— Одамлар Бўстонни ҳурмат қиладилар. Бўлмас...— деди Карим полвон йўталиб.— Шундай отадан бундай гўзал қиз туғилганига ҳайрон қолади киши,— деди қўлини ювиб, рўмолга артар экан.

— Тўғри, тўғри. Бўстон гулу, бу тикан... аммо сабр ва чидам билан тарбиялашимиз керак. Аъзомиз, кўплашиб-кўмаклашиб тузатамиз,— деди Бердиқулов.

— Тузатиб бўлибсиз!— Карим полвон чираниб қаради унга.— Бу тузаладиганидан эмас.

— Хар қандай қайсар бўлса ҳам, пахтани яхши биледи. Ундан фойдаланиш керак...

Бердиқулов харсанг устида ўтирганича ўйланиб қолди. Ишнинг оғирлиги ва унумсизлиги унинг аввалги тахминларини ўзгартириб юборди. Салим аканинг сўзлари бежиз эмаслигига иқрор бўлди: «Бундай ишларни фақат техника енгади»— деди ўз-ўзига. Яхшиям техникамиз бор. Рудниклар ёрдамга келдилар, деб ўзига тасалли бериб соатига қаради. Шу вақт пастдан мотор овози келди. Урнидан сапчиб туриб йўлга қаради, ҳеч ким кўринмади. Мотор овози эса бир хилда келиб турди. Бердиқулов аста ўша тэмонга қараб юрди. Лекин ҳеч ким йўлиқмади. Ниҳоят, бир текисда урилатган кучли зарб товуши эшитилди. «Нима экан бу»— деб ўйлади. Тез-тез қадам ташлади. Бирдан баланд мачта устун кўринди. Яқинлаша, тоғни портлатиш учун қудуқ қазийдиган машина, ўрмалайдиган тракторга ўхшайди. Камолов, Тошпўлатов ва яна шахтёр формасидаги кичик жуссали бир киши машинага узоқдан қараб турардилар. Бердиқулов ҳам бориб улар қаторида турди.

Машина оғир исканани юқорига кўтарди-да, сўнгра зўр шиддат билан уни пастга ташлаб юборди, у тошни зарб билан ўйиб, ичкари кириб кетмоқда эди. Натижада чуқурлиги ўн икки метр, эни ўн беш метр келадиган қудуқ пайдо бўлди. Шундай тешиқлардан бир неча қазилгач, машина узоққа олиб кетилди, тешиқларга эса портловчи моддалар билан бирга пистонлик патрон қўйилди. Патронга усти ёпиқ сим ўралган бўлиб, портлатиш учун бу симдан электр токи юборилади.

Ҳамма нарса тайёр бўлгач, ҳамма аввалдан белги-ланган жойга бориб хушёр бўлиб турди. Одамлар бармоқларини қулоқларига тиқиб олди.

Ниҳоят ток юборилди, дастлаб патрон, сўнгра бошқа моддалар даҳшатли овоз билан портлади. Худди зилзила бўлгандек ер қимирлаб кетди. Осмонни чанг қоплаб олди, портлатилган жойда тош уюмлари тоғ-тоғ бўлиб қолди. Ботир қувонганидан: «Биз ўзимизга шундай қилиб йўл очамиз» дерди. Йигитлар замбил ва ғалтаклар билан, экскаватор катта хайбатли панжалари билан тошларни бир чеккага олиб ташлаб, машинага йўл тозалай бошлади:

Камолов: «Ишларинг энди юришиб кетди, суръатни бўшаштирманглар»,— деб ҳамма билан хайрлашди, сўнгра Ботирга қараб:

— Аҳволдан тез-тез хабар қилиб туринг, камчиликларни тортинмай айтинг,— деди.

Ботир унинг қўлини қаттиқ сиқиб миннатдорчилик билдирди. Тошпўлатов, Бердиқулов ва Ботир Камоловни катта йўлгача узатиб бордилар.

Одамлар зўр ғайрат билан ишлаганларидан, анча ер тош уюмларидан тозаланди. Енглари шимарилган йигит машинани келтиришга ишора қилди. Ҳайдовчи уни янги очилган йўл томонга қараб суриб кетди. Оғир искана яна баланд кўтарилиб, даҳшатли куч билан пастга туша бошлади.

Ишнинг юришиб кетганини кўрган Салим ака ҳам тоғдан тезда сув олиб чиқилишига шубҳаланмай қолди. Лекин Ботирнинг бу ишга ташаббускор бўлиши унинг ғашига тегарди.

Портлаш овози қишлоққа севинчли хабар етказди. Ҳамма ерда хурсандлик, дув-дув гап бошланди. Бўстон қувонганидан сакраб бориб Қумрини қучоқлади ва ўпиб олди.

Бўстон звеносига тез юриб кетаётган эди, кетидан машина товуши эшитилди. Қайрилиб қараса, Жалилов келаётгир. Бўстонга чанг юқтирмаслик учун машинадан тушиб, унинг кетидан юрди. Бўстон жўрттага билмасликка солиб бораверди. Иккита йўгон узун сочи орқасида тўлганиб борарди. Жалилов қадамини тезлатиб, сездирмай, унга ёнма-ён келди-ю, йўлни кишидан ҳоли кўргач, астагина Бўстоннинг сочидан силади. Бўстон ялт этиб унга қаради:

— Бу нима қилиқ?!

— Сизни бир чўчитмоқчи эдим,— Жалилов илжайди.

Бўстон қошларини чимириб йўлида давом этди. Жалилов унга яқинлашиб, суйканиб бораверди.

— Бўстон, бугун кайфингиз жойида эмасдек кўринади. Мен сиз билан бир муҳим иш ҳақида гаплашмоқчиман. Қачон вақтингиз бўлар экан?

Бўстон жавоб бермай кетаверди, Жалилов ялиниб, паст товуш билан: «Бўстонхон, Бўстон...» деди. Ниҳоят, Бўстон унга кўз қирини ташлади-ю, жиддий тусда:

— Ҳозир ҳеч нима дея олмайман,— деди.

Жалилов, гапни давом этдириш ҳозир фойдасиз эканини, ҳатто Бўстон бундан ҳам бадтар аччиғланиб қолиши мумкинлигини ўйлаб, қадамини сусайтирди ва бир зайлда кетаётган Бўстонга қараб:

— Хайр, Бўстон, бугун кайфингиз жойида эмас, шекилли, бошқа вақт гаплашамиз,— деди.

Бўстон чопиқчиларни совуқдан зарарланган қартага ўтказди. Қумри ҳам, Чиннихон ҳам, звенонинг бошқа аъзолари ҳам зарарнинг ўрнини қоплаш учун аввалгидан кўпроқ меҳнат қилиш зарурлигини билар эдилар. Бўстон ишдан кейин далада кичкина кенгаш ўтказди ва унда белгиланган ҳосилни олиш тадбирлари муҳокама қилинди.

— Ҳар кунгидан бир соат олдин ишга чиқиб, бир соат кейин кетиш керак,— деди қора қошларини чимириб Чиннихон.

— Чопиқни жудаям сифатли қилиб ўтказиш зарур,— деб сўз бошлади анордек қип-қизил юзлӣ Қумри.— Эрта билан дуруст чопиқ қилсак ҳам, кечга бориб юзаки қилиб юбораётгирмиз.

— Тўғри,— деб уларнинг сўзини тасдиқлади Бўстон.

Улар ҳар куни икки соат ортиқ ишлаш, чопиқ сифатига қаттиқ эътибор қилиш, ҳосилот халталари билан ҳар куни далага бир пуддан маҳаллий ўғит олиб чиқишга қарор қилдилар.

Эртасига Саодат опа Бўстонни одатдагидан бир соат олдин уйғотди, у тонг ғира-ширалигида далага жўнади. Звенонинг бошқа аъзолари ҳам белгиланган вақтда ишга тушдилар. Звено аъзолари қарорни яқдиллик билан бажарганлари учун Бўстон хурсанд эди. У тонгги салқинда ғайрат билан кетмон урар, баъзан ниманидир куйлаб ҳам кўярди. Қумри бу кайфиятдан фойдаланиб, кетмонига суяниб, Бўстонга қаради. У ўзини кўпдан безовта қилган нарсани билиб олмоқчи эди.

— Қайси бирини севасан: Жалиловними, Ботиржон акамними, Қодирқулними? Қайси бири кўнглингга яқин?

— Ҳозирча сир,— деди кулиб Бўстон.

35

Правление, совуқдан зарарланган авжи паст ғўзаларга кўшимча ишлов бериш ташаббусини ҳамма бригада ва звеноларга ёйишга қарор қилди. Қолхознинг идора ходимларигача ҳамма дала ишларига сафарбар этилди. Салим аканинг таклифи билан канал қазишга ажратилганлар ҳам ғўзага олинди.

Салим ака пайтдан фойдаланиб:

— Канал деган гаплар одамларнинг қўли бўш вақтда бўлаверади, ҳозир ҳамма нарса пахтага!— деди.

У Ботирни боғ вазидан ҳам, Бўстон вазидан ҳам ёқтирмасди. Шунинг учун ҳам Ботир бошчилигида давом этаётган ишнинг аҳамиятини пасайтириб кўрсатишга уринди. Бердиқулов эса унинг нутқига бепарвороқ қаради. Фақат «Ҳамма нарса пахтага» деган асосий фикрини илиб олди. Унинг нотўғри интилишларига зарба бермади, ҳамма жиҳатдан Салим акани ёқлагандек бўлиб кўринди. Бунга Ботирнинг аччиғи келди, буни Бўстон сизди. У Бердиқулов ва Салим акаларга эътироз билдириш учун, пухта далиллар топа олмади. Мажлис кўп давом этмади, тезда ёпилди.

Ботир уйига келиб, гулзор лабидаги ёғоч сўрига ўтирди, бошидан шапкасини олиб, рўмолчаси билан пешона терини артди.

Нор хола ўғлини ҳеч вақт бундай ғамгин ҳолда кўрмаган эди. У Ботирнинг ёнига келиб:

— Нима бўлди, тобинг қочдимиз?— деб пешонасини кўли билан ушлаб кўрди.

— Правлениеда Салим ака бир оз ғашимга тегди,— деди.

Кампир воқияни дарров тушунди.

— Биламан, у сариф тулкини! Раисга қизини бериб, давлат, обрў ортдирмоқчи, Бўстон сенга яқин юргани учун қизини йўлдан урмасин деб кўрқади. Бир оғиз «хўп» десанг, «мана ман» деганини олиб бераман. Ҳамма «агроном-агроном» деб иззат қилганини кўролма-япти.

Ботир онасини тинчйтишга ҳаракат қилди, лекин у тинчланмади. Салим аканинг гапини ўзи мажлисга солмоқчи бўлди.

Ботир ёстиққа ёнбошлаб кўк чой ичаркан, хаёл сурди, ўз-ўзига тасалли бериш, ўзини юпатиш учун кўнгли қаноатланадиган далил тополмади. Шу пайтда ҳамма кучни пахтага сафарбар қилиш жуда зарур эканини тушунар эди. Ўзи ҳам бир бригадага ёрдам қилишни устига олди. Лекин Салим аканинг пайтдан фойдаланиб, қилган ҳужуми — янги, катта боғ қилиш ишини обрў-сизлайтиришга, менсимасликка уриниши уни ранжитди. Бўстоннинг отаси томонидан содир бўлаётгани кўнглини бадтар хира қиларди. Ўз идеяларини Салим акага пухта тушунтирмаганидан хафа эди...

Ў6

Бир куни Нур бобо йўлда мулла Нусратни учратиб, «Хўжайинингга айтмайсанми, ахир кўзига қараб юрсин, кўп ҳам маст бўлавермасин, оёғига суяк киради» деган эди. Нусратнинг оғзи очилиб қолди.

— Хотиржам бўлинг,— деди у,— сизнинг олижаноб, олиҳиммат куёвингиз ейдилар ҳам, едирадилар ҳам, дастурхонлари ҳамма вақт очиқ. Бундай кишиларнинг қўллаб-қувватлайдиган ёр-дўстлари ҳам кўп бўлади. Мана ҳозир тўртта жўжани сўйиб олиб бораётирман, терговчини йўл усти меҳмон қилиб юбормоқчилар, иши шошилинчроқ экан...

У жўнади. Мулла Нусратнинг сўзини эшитиб, Нур бобонинг ҳуши бошидан учди. «А... ҳе... шундай паст

одамга боғланиб қолибмизми? Йўлдошни мулла Нусрат бўлса, ўзи нима бўларди?» деб ўйлади.

Жалилов бозордан қайтишда терговчи Абдуллаевни кўриб қолди. У оқ полотно шойидан китель шим ва шапка кийган, семизлигидан юзларининг гўштлири осилиб кетган қирқ ёшлардаги киши эди. Худди ғоз сингари лапанглаб юрарди. Жалилов уни уйига таклиф қилди. У уэр сўради, вақти йўқлигини айтди. Шундан сўнг Жалилов уни қўймай шу ерда зиёфат қиладиган бўлди. Худди шу автобус остановкасининг рўпарасида яқинда вафот этган қишлоқ совети раисининг ҳовлиси бор эди. Жалилов мулла Нусратни товуққа юбориб, меҳмонни ўша ерга олиб кирди.

— Кечирасиз янга,— деди у қишлоқ совети раисининг хотини Шамсияга.— Меҳмоннинг ишлари шошилинчроқ экан, шу ерда овқатлантириб юборадиган бўлди. Ҳозир Нусрат товуқ келтиради, дарров қовуриб юборасиз...

Шамсия «Оқ олтин» колхозида боғча мудираси бўлиб ишлайди, қаршилиқ кўрсатмади. Овқат тайёр бўлгач, ичкилик келтирилди, Жалилов меҳмон билан икки рюмка ичгач, Шамсияни ҳам ичишга таклиф қилди. У рад этди. Аммо Жалилов юз хил ҳийла ўқий бошлади. Собиқ қишлоқ совети раиси Қаримовни эслаб, кўз ёши қилди. «Озгина ичинг, бедард қилади, китобда ҳам ёзилган» деди.

Шамсия ичмади, ташқарига чиқиб кетди. Унинг кетганидан фойдаланиб, Жалилов Абдуллаевга дардларини очди:

— Қўшни «Октябрь» колхозига боғ бригадири қилиб янги келган бир болани тайин этишибди, оти Ботир, ўзи агроном эмиш. Ҳали ўзим кўрганам йўқ. Лекин жудаям бемаза бола дейишади.

Жалилов ўзини безовта қилган бир гапни айтмоқчи эди, лекин тилини тишлаб қолди. Бердиқулов ўрнига Ботирни, Жалилов ўрнига Бердиқуловни раисликка тавсия этиш керак, деб кимдир Камоловга маслаҳат берган эмиш, деб эшитган эди. Терговчига бунга айтса, катталарга ҳам маълум одам экан, деб Ботирдан ҳадиксираши ва у ҳақда қилиниши кўзда тутилган баъзи ишларга журъат этмаслиги мумкин деб ўйлади. Шу сабабдан гапни бошқа ёққа бурди.

- Ҳатто, Бўстонга ҳам кўз олайтириб юрган эмиш...
 Абдуллаев товуқнинг оёғини кемираркан, сўради.
 — Сизнинг қаллиғингизга-я?!
 — Ҳа... ҳа...— деди Жалилов, тасдиқлаб.
 — Дарҳақиқат, бемаза бола экан.
 — Ахир, шундай бўлмаса, янги боғ деб эски боғлар-
 ни қаровсиз қолдириб, хароб қилиб юборадими? Тергов
 идоралари ҳам бундақалардан ҳеч хабар олмайди.
 Абдуллаев «тушундим» дегандек кўз тагидан қараб,
 кулиб қўйди.
 — Текшириб кўрамиз...

37

Автобус район марказига келиб тўхтади. Райком биноси жойлашган кўча асфальт қилинаётганлигидан шағал ва қум уюмлари билан тўла эди. Димоққа янги тўкилган иссиқ мум ҳиди урарди. Ботир аста юриб борди. Кўчанинг чап томонида пишиқ ғиштдан солинаётган катта бинонинг деворлари ердан энди икки метр кўтарилган бўлиб, атрофи тупроқ уюмлари билан қопланган эди. Ботир шу ердан ўтиб, элик ва кийимларини қоқиб, эллик қадамча юргач, район партия комитетига кирди. Соат кеч ўн бирлар бўлиб қолган эди.

Қабулхонада уч-тўрт киши ўтирар, уларнинг иккитаси колхоз раисига ўхшарди, бириси йўл идорасининг бошлиғи эди. Оппоқ юзли, семизгина аёл Ботир билан саломлашгач, кириб Камоловга хабар қилди. Камолов уни икки кишидан кейин чақирди.

Ботир салом бериб кирганда, у нималарнидир ёзар, хона иссиқлигидан оқ шойи кителининг ёқаларини ечиб қўйган, пешоналарида тер томчилари кўринарди. У столдан бошини кўтариб: «Келинг, Ботир Мавлонович» деди ва ўрнидан туриб у билан кўришди. Сўнгра Ботирнинг қўлтиғидан ушлаб диван ёнига келтирди-ю, у билан ёнма-ён ўтирди:

— Хўш, Мавлон ака, Нор хола қалай? Ўз ишларингиз қандай бораётир?

Ботир «дуруст-дуруст» деб қисқа жавоб берди. У асл мақсадни қандай гапириш ҳақида фикр юрита бошлади. Бир оз ўнғайсизланди, буни сезган Камолов ёрдамга келди.

— Хўш, ҳозир нима хизмат билан келдингиз?

Ботир ерга қараб гапирди. Камолов эса ўткир, қора кўзлари билан унинг юзига тикилиб турарди.

— Канал қазишда фақат битта экскаватор қолди. Салим аканинг таклифи билан ҳамма одамни ғўзага олишди. Баъзи активлар шу баҳона билан боғ ишини обрўсизлантиришга уриндилар. Аҳвол шу хилда кета-верса, ишимиз тобора сусаядиган кўринади, шу сабабдан ёнингизга маслаҳат олишга келдим.

Камолов Ботирнинг сўзларини охиригача эшитгач, қўнғир сочларини қўли билан тараб, ўрнидан турди ва кабинетида ерга қараб у ёқ-бу ёққа юриб ўйланди. Папирос чекди, правление қарорини тўғри деб топди. Шу билан бирга зўр ғайрат билан ишга киришган ёш агрономга ҳам мадад бериш, уни яна ҳам рағбатлантириш йўлини излади.

Камолов зарарланган ғўзаларни бузиб, қайта чигит экиш ва парваришни кучайтириш соҳасида «Октябрь» колхозига берилган топшириқни ва уни бажариш имкониятларини бир-бир таъриф қилиб берди.

— Фақат уюшқоқлик ва эпчиллик билан ҳамма куч ва воситалардан фойдаланилсагина ҳосилни хавфдан сақлаб қолиш мумкин,— деди у.

Ботир ерга қараб жим ўтирди. «Секретарь ўз сўзини нима билан хулосалар экан?»— деб кутди.

Камолов сўзида давом этди. У ёш йигитнинг руҳини кўтариш, ишига жиддий ёрдам бериш зарур деб ўйлади.

— Аммо, канал қазиш ишларини ҳам сусайтирмаслик керак. Майли, Бердиқуловга тегманг, биз бошқача йўл топамиз. «Оқолтин» колхозида зовур қазиётган экскаватор эртага бўшайди, сизга берамиз. Бундан ташқари, сиз Бўстонни ишга солинг, кечаси чопиқ қилишмайди, азамат ёшлар бир-икки соат канал қазишга чиқсинлар. Лекин ҳар кеча икки-уч соатдан ошиқ ишлатманг!

Ботирнинг чеҳраси очилиб кетди. У «хўп ўртоқ Камолов, хўп» деб турди. Секретарнинг боғ ишига бўлган эътибор ва ғамхўрлиги уни руҳлантирди.

Камолов эсига яна муҳим бир нарса келгандек, Ботирга жиддий тикилди:

— Бўстон серғайрат, ақлли қиз. Уни комсомол ташкилотига секретарь қилиб сайлаб дуруст иш қилишган. Уни колхозга раис ўринбосарлиги вазифасига тавсия қилсак қандай бўлар экан?.. Сиз нима дейсиз?

— Менингча, яхши бўлади. Қўлидан келади.

Камолов «Жуда соз, жуда соз» деб ўрнидан турди. Ботир ҳам турди. Улар бир-бирларига юзма-юз қараб турдилар. Камолов хаёл ичида Ботирнинг ёқасини тўғрилаб қўяр экан:

— Бўлмаса, сиздан илтимос, Унга яқиндан ёрдам беринг. Қисқаси, сиз уни сиёсий жиҳатдан ўша вазифага тайёрланг! Бу ишда тажриба тўплаб, эплаб кетса, раисликка тавсия этамиз. Усадиган қиз.

— Хўп бўлади, ўртоқ Камолов, Ўзи ҳам сиртдан ўқимоқчи. Ердамни аямайман...

Камолов унга муваффақият тилаб хайрлашди. Ботир баланд руҳ ва тетик қадам билан жўнади.

38

Бўстон овқатлангач, шошилиб комсомол комитетига жўнади. У ерда йигирмага яқин комсомол йиғилган эди, яна кўпаяверди. Бўстон иш кийимида келган. У одамларга қараб:

— Нега қизлардан ҳеч ким йўқ?— деб сўради.

Шу он кўчада бир тўда қизлар кўринди.

— Ана улар ким?— ишора қилди Бўстон.

Катта кўчадан Қумри, Чиннихон, Норбиби ва бошқалар келаётган эдилар...

Кетмон, юм, кирка кўтарган йигит-қизлар ҳар ер-ҳар ерда тўда-тўда бўлишиб суҳбатлашмоқдалар. Баъзилар аския қилишар, баъзилар ашула айтарди. Ботир ҳар тўдага бориб, суҳбатга қўшилар, одамларнинг турли-туман сўроқларига жавоб берарди.

Сада қайрағоч тагига қўйилган сўрида ўтирган Карим полвон Ботирни чақириб, бир пиёла чой берди. Ботир унинг ёнида ўтириб, пиёладаги чойни айлантириб совутиб хўплаётган эди, ихчам кийинган Бўстон келиб қолди. Ботир беихтиёр ўрнидан турди.

Бўстон очиқ чеҳра билан гапирди:

— Рўйхатдаги эллик киши ўрнига олтмиш икки киши келган, жўнай берсак бўлар дейман.

— Ҳа... ҳа... жўнаймиз. Ҳар минут ганимат. Қани, Карим полвон, сен одамларга эълон қил, дарров машиналарга чиқишсин.

Карим сўри устига чиқиб, «Машиналарга марш» деди. Ўзи ҳам кетмонини олиб, катта тош йўлда турган

уч тонналик машинага чиқиб олди. Бўстон комсомол комитетидан қизил байроқ олиб чиқиб, унинг қўлига берди. Карим полвон уни машина устида тик кўтариб турди.

Қолхознинг уч машинаси қатор тизилиб, қишлоқ ўртасидан ўтадиган тош йўлдан ғириллаб кетди. Машина йўлга тушиш билан йигит-қизлар «Широка страна моя родная» ашуласини баланд овоз билан кўтардилар. Ботир билан Бўстон ҳам қўшилдилар. Қодирқул бор овози билан қичқирар, унинг кучли товуши кўпчиликнинг овози ичида ажралиб турарди.

Ҳамма шод эди. Хусусан Ботир билан Бўстоннинг севинчдан юраклари тўлқиланмоқда эди. Қишлоқ -аҳолиси уларни кўчага чиқиб, узатиб қолди.

Машиналар катта йўлга келиб тўхтади. Одамлар улардан тушиб, қизил байроқ кетидан яёв кетдилар.

Фозил Иванович сим тортиб, тоғ орасини кундуздай ёритиб юборган эди. Ҳар бири ўн кишидан иборат олти звено ҳаммаси ғайрат билан ишга тушди. Майда тошларни замбил ва ғалтак билан бир чеккага чиқариб ташлаётган, лом ва кирка билан ер кавлаётган, кетмон билан ер қазийётган одамларнинг сурони ҳамма ёқни ларзага келтирди.

Ҳамма ғайрат ва иштиёқ билан ишларди. Далада салқин шамол эсар, меҳнат ҳарорати билан қизиб кетаётган одамларнинг таналарига ором берарди. Карим полвон, Қодирқуллар катта-катта тошларни ўзлари «ҳа-ҳа»лаб кўтариб четга чиқариб ташлар, сув йўлини тозалардилар. Ботир гоҳ у, гоҳ бу звенога бориб ёрдамлашар, ўзини оғир ишларга уриб, намуна кўрсатар, кишиларни ғайратлантирарди. Тош юкланган замбилнинг ортки икки дастаси орасида тўлғаниб бораётганида, баъзан катта тошларни қучоқлаб кўтариб замбилга ортаётганида Бўстонга кўзи тушиб қолар эди. Шу вақт юрагида бир савол пайдо бўларди. «Хўш, бу ишлар ким учун қилинаётир?» Яна ўзи: «Албатта колхоз учун, халқ учун» деб жавоб берарди. Яна: «Шу меҳнат ҳароратига менга бўлган муҳаббати бир учқун бўлиб қўшилган бўлиши ажаб эмас»— деб қўярди.

Карим полвон кундуз зўр бериб ишлаганига қарамай, кечаси ҳам ҳеч кимдан қолишмади, жон куйдириб ишлади.

Орадан уч соат ўтди, йигитлар қизишиб кетиб ишни давом қилдиришни истадилар. Лекин Бўстон вақт битганлигини, эрта билан ғўза чопиғига чиқиш зарурлигини ўқдириб, ишни тўхтатишни сўради. Одамлар кетмон, лом ва бошқа асбобларни ноилож йиғиштириб, қишлоққа қараб жўнадилар.

39

Тўртта баландлик портлатилиб йўл очилгач, иш силжиб қолди. Бу баландликларни оддий метин киркалар билан олиб ташлаш қийин эди, фақат машинагина буни осон қилди. Ун етти кун деганда сув тоғ оралиғидан олиб чиқилди. Аммо ер кетмон юзини қайтарар даражада қаттиқ эди. Шунинг учун Карим полвон ломни қўлидан ташламади. Бир тарафи баланд, бир тарафи пасайиб кетган қирдан ариқча тортилар эди. Қазиб олинган тупроқ пастлик томонга солиниб, рош қилиниб қўйиларди. Иккинчи тарафи баланд бўлгани учун рош талаб қилмасди. Дастлабки кунда иш унуми ниҳоят даражада кам бўлди. Агар Ботир янги усулни эсга солмаганда, одамлар қийналиб қолардилар.

Қош қорайиб, биринчи смена тамом бўлаётганида, Ботирнинг миясига бир фикр келди. У катта харсанг устига ўтириб пешона терини артаркан, Карим полвон билан Қодирқулни чақирди ва эртага қазиладиган ерга бугун сув қўйиб кетишни айтди.

— Бундай қилганда,— деди у,— эртагача ер юмшаб туради.

— Маъқул,— деди Қодирқул.— Аммо иккинчи сменадагилар нима қиладилар?

— Бугунчалик биз суғорган ернинг нариги чеккасида иш бошлайдилар. Иш охирида улар ҳам эртага ишлайдиган ерни суғориб кетадилар.

Дарҳақиқат, бу усул қазини анча енгиллаштирди, иш унуми ортди, лекин барибир оғир ишни машина келиб қилиб берди. Экскаваторни ариқчанинг охиридан қўйиб юборишди. Бу кичкина экскаватор қизиқ конструкцияли, ажойиб ихчам машина эди. Карим полвоннинг Каттақўрғонда кўрган экскаваторларига ўхшамасди, чангаллари ғилдирак шаклида ишланган бўлиб, олд томонида жойлашган эди. Ғилдирак айланиши билан темир тирноқлар ерга ботиб кетар ва тупроқни ўпириб, орқа тарафга олиб ташлаб турарди.

Карим полвоъ унинг ишлашига бирпас қараб турди-да, «Офарин, хилма-хил қилиб чиқарган устангга қойилман» деди ва дўпписини пешонасига тушириб: «Бунинг ёнида кетмон билан ер қозиш, игна билан қудуқ қозишдек гап».

Қудратли машинанинг ёрдамга келиши одамларни руҳлантириб юборди. Ҳамма энди иш етмай қоладигандек, шошиб-пишиб ишлади.

Бир томондан машина, бир томондан одамлар чўлнинг қаттиқ бағрини ёриб бордилар. Соат сайин улар бир-бирига яқинлашар, улар яқинлашган сари қишлоқ аҳолисининг асрий орзуси ҳам яқинлашиб келарди.

Ниҳоят, гўзал кунларнинг бирида забардаст одам билан қудратли машина чўлнинг қоқ ўртасида учрашди, ариқ битди. Қишлоқда катта шодиёна бўлди.

40

Янги ариққа сув очиш маросими кечқурун ўтказилди. Қош қорайиши билан қишлоқ аҳолисининг ҳаммаси тоғ этагига қараб йўл олди. Одамлар тўда-тўда бўлишиб, ашула айтишиб келмоқдалар. Сурнай-карнай, доира овози далани ларзага келтирмоқда. Қодирқул гоҳ ашулага, гоҳ ўйинга қўшилади, гоҳ блокнотига нималарнидир қайд қилади. Карим полвон олдинда қизил байроқни кўтариб бормоқда. Унинг ўнг ва сўлида Саломова, Тошпўлатов, Бердиқулов, Власов, Ботир, Бўстон ва бошқалар бормоқдалар.

Еш-ялангларга етиб юролмаган Нур бобо, Риза бобо ва бошқа кексалар анча орқада ҳассаларини таяниб кетаётирлар.

Улар етиб келганда тоғ оралиғи олдида одамлар катта давра қурган. Соз ва қарсақ садолари остида Қумри, Норбиби, Қодирқул ва бошқалар ўйнамоқда эдилар. Аксарият қарсақ ва яллага қўшилган, қўшилмаганлар эса завқ билан ўйинни томоша қилмоқда эдилар. Елкасига сумка осган, кичик жуссали бир йигит — область газетасининг мухбири одамларни оралаб юриб, қўлида очиқ турган блокнотига нималарнидир қайд қилмоқда эди.

Ниҳоят у, Карим полвоннинг ёнига борди.

— Сизни энг кўп ишлаган, илғор дейишади, газетага ёзиб олсам, суратингизни ҳам босиб чиқарамиз,— деди.

Карим полвон унинг юзига бир тикилиб қаради-ю, бир неча қадам отиб, экскаватор ёнига бориб тўхтади ва қўли билан уни кўрсатиб: «Мана, энг кўп ишлаган полвон» деди.

Мухбир бирдан хохолаб кулиб юборди. Карим полвон унга қараб турарди. Мухбир кулги ёшларини рўмолчаси билан артиб: «Карим ака, мен сиздан машинани эмас, илғор одамни сўраган эдим»— деди. Карим полвон унга яқин келди: «Илғор одамми? Ушани ҳайдовчида. Нормасини ҳам муттасил ошириб бажарди».

Мухбир табассум билан:— Тўғри, ҳақ гапни гапирдингиз,— деди.

Улар экскаваторчини қидириб кетдилар.

Тошпўлатовнинг қисқача нутқидан кейин, қишлоқ советининг раиси Саломова биринчи бўлиб бандга кетмон урди. Йўл тополмай турган сув гумбурлаб янги ариққа оқиб кетди. Қарнай, сурнай, доира садоси билан осмон жаранглаб кетди. Одамлар «ура» деб қичқиришдилар. Қумри, Норбиби, Гулчеҳралар тез ўрмалаб оқаётган сув олдида ўйнаб келардилар. Йигитларнинг қарсагидан олов чиқарди. Ботир билан Бўстон қувонганидан нима қилишини билмас, гоҳ қарсак чалар, гоҳ яллага қўшиларди.

Сув боғ қилинадиган ерга етиб келгач, Ботир бошлиқ ўн йигит қўлида кетмон билан сув тутишди. Саксон гектарлик ер бир неча бўлакка бўлиб суғорилди. Бошқалар ярим кечада шод-хуррамлик билан қишлоққа қайтдилар.

41

Саодат опа эрта билан сигирини подага қўшиб юбориш учун кўчага олиб чиқаётганида Фозил Ивановичникига ўтиб бораётган Ботиржонга кўзи тушди.

— Ҳа, Ботиржон, соғ-омонмисан, уйдагилар тузукми?— деб сўради. Ботир унга қисқа-қисқа жавоб бериб, йўлида давом этди. Ботир Саодат опанинг илтимосларига «хўп, хўп» дебгина жавоб қайтарди. Аммо Саодат опа унинг бу жавобига қаноат этмади. «Биламан, ишинг кўп. Катта боғ қилаётирсан. Мевасидан ейиш насиб қилсин, лекин ора-сира келиб-кетиб тур!» деди.

Ботир Саодат опадан узоқлашса ҳам, хаёли ўшанда эди.

— Жуда ҳам меҳрибон хотин-да, Бўстон отасига эмас, онасига ўхшайди,— деб ўтказди кўнглидан.

Саодат онанинг ёқимли муомаласи уни журсанд қилди. Бу хонадонга бўлган муҳаббатини оширди. У «Бўстон кўриниб қолармикан?» деб орқасига қараб-қараб кетди. Аммо Бўстон уйдан чиқмади.

Саодат опа ичкарига кирганда, Салим ака билан Бўстон нонушта қилмоқда эди. Бўстон тез-тез овқатланиб ишга жўнаб кетди ва ояиси «Кечикма» деб огоҳлантирди. У кетгач, Саодат опа Ботирни кўриб кўнглига тугиб қўйган гапини эрига айтди.

— Дадаси, куёвингиз менга унчалик ёқмайди. Тўй деган сари кўнглим безовта бўляпти.

Ширчой ичаётган Салим ака қўй кўзларини катта очиб, унга қаради. Сўнгра мийиғида кулиб, личинг билан сўради:

— Сизнинг нозик кўнглингизга ким ёқади?

— Менга Ботиржон ёқади. Хўб яхши, одобли, ўқиган йигит. Лекин ҳали совчи юборганича йўқ. Аммо кўнгли бордек... Агар қиз томондан совчи юборадиган одат бўлганида, ўзим юборардим.

Салим ака хотини томонга бурилди, қошларини чимириб, сарғимтир мўйловини силаб қўйди ва бошларини чайқади.

— Ҳай-ҳай, эси паст хотин, мен айтай, ўзинг танла,— деди.— Бири — раис. Давлати, обрўси жойида, одамнинг қадрига етадиган ақлли киши. Иккинчиси — ҳеч нимаси йўқ, номаълум ёш агроном. Қайси маъқул?

— Агроном яхши.

— Нима дейсан!.. Ҳушинг жойидами ўзи? Якка-ёлғиз қизинг, одамшаванда тўй қилиш керак-да... Ботирнинг бисотида нимаси бор?

— Мен катта тўйни эмас, қизимнинг бахтли бўлишини истайман.

— Бадавлат, обрўли кишига тегса бахтли бўлади-да.

— Ботиржон обрў ҳам, давлат ҳам топадиган йигит. Ҳозир чўлни боғ қилаётир. Берсам, қизимни ўшанақа йигитга бераман. Биз қарияларнинг бу куни, ёшларнинг келажаги муҳим.

— Эси паст хотин, нақдни қўйиб, насияга югуради-я...

— Нима дедингиз? Айтган гапингизни ўйлаб кўрдингизми? Аёлларга: сочи узун, ақли қисқа, эси паст деб

муллалар, муштумзўрлар айтарди. Ақли расо бўлсангиз ўшаларнинг гапини айтасизми?

Шу он эшикдан Тошпўлатов кириб келди. Салим акани ўзи билан бирга олиб юриб, далани айланмоқчи эди. Салим ака боравермаганидан кейин, йўл усти уйига ўзи киришга мажбур бўлганди. У киргач, эр-хотин жим бўлиб қолди. Тошпўлатов ҳайратланиб:

— Нима гап, тинчликми?— деб сўради.

— Ўргилиб кетай, яхши келдингиз. Сиз айтинг, қайсимизнинг гапимиз тўғри?

У ҳар икки тарафнинг сўзини астойдил қулоқ солиб тинглагач, қошларини чимириб, аста, лекин кесиб-кесиб гапирди:

— Сизларнинг жанжалингиз беҳуда. Ҳамма гап Бўстоннинг хоҳишида. Кимни хоҳласа, шунга тегади. Бу унинг ўз иши. Ота-она қизига маслаҳат бериши мумкин, лекин унинг озод муҳаббатига сад бўлиши мумкин эмас. Юринг кетдик.

Тошпўлатов Салим аканинг қўлтиғидан ушлаб, ташқари қараб юрди.

Саодат опанинг чиройи очилиб, уларнинг кетидан гапириб қолди:

— Гап бундай бўлади. Умрингиз узун бўлсин!

42

Фозил Иванович шу атрофдаги ҳамма колхозларга таниш. Мавлон ака тили билан айтганда, ишга ҳалол, худди рус кишисидек очиқ кўнгил, тўғри, мард йигит. Трактори ҳам ўзига ўхшаш меҳнаткаш, инжиқликни билмайди. У ҳайдаган ерларда гўза бемалол томир ёйиб ўсади, на ғумай, на саломалайкўм битади.

Кўкрак ва қўл мускуллари бўртиб турган бу йигитни Ботир кўпдан билади. У ўн йилдан бери кузги шудгор, экиш, культивация планларини муттасил ошириб бажаради. Иш сифати аъло. Шунинг учун ҳам Ботир боғ бўладиган ерни унга ҳайдатмоқчи бўлди.

Ботир Фозил Ивановичнинг ҳовлисига келиб, тўғри ичкарига кирди. Катта айвон, ўртаси гулзор. Унинг атрофида ўн туп ток ишком қилиб баланд кўтарилган. Бундан ташқари етилган иккита ўрик, тўртта гилос дарахти ҳам бор эди. Ботир ишком тагидан юриб Фозил Иванович турадиган хонага борди. Эшикка яқинлаш-

ганида, ювиниш учун елкасига сочиқ ташлаб ичкаридан Фозил Иванович чиқди. Кўзи Ботирга тушгач, ёқимли табассум билан «марҳамат-марҳамат» деди ва «Зухра, Ботиржон келди» деб хотинини чақирди. Ичкаридан оппоқ, кулча юзли, йигирма беш ёшлардаги бир хотин чиқиб, Ботирни ичкарига таклиф этди. Ботир узун йўлакдан ўтиб, кенг ёруғ хонага кирди. Ўртадаги катта стол ёнига қўйилган стулга ўтириб шкаф, деворга осилган гилам, кровать, портретларга кўз югуртиб чиқди. «Фозил Ивановичнинг таржиман ҳоли муҳим воқиаларга бой» деб кўнглидан кечирди. Нега у Фозил Иванович деб аталар экан? Бу сўроқ Ботирнинг диққатини торта бошлади. Шу вақтга қадар бунга эътибор бермаганига таассуф қилди.

Фозил Иванович ювиниб келди. Ботир иккиси суҳбатлашиб, нонушта қилдилар.

— Ботиржон, — деди пиёладаги чойни бир хўплаб Фозил Иванович, — ажойиб иш бошлаб юбордингиз. Ҳамма хурсанд, катта боғ икки-уч йил ичида мевага кириб кетса, қишлоқдан бол оқади.

— Боғ учун яхши ер танладик — баландлик, тупроқ состави бой. Шарқдан, жанубдан келадиган совуқ шамолни баланд қирлар тўсади. Суви ўз устида. «Отанг мироб бўлгунча, еринг болооб бўлсин» деганлар. Лекин устоз Мичурин айтгандек, боғ яратиш осон эмас. Ҳали кўп иш қилиш керак бўлади. Ўртоқлар қўллаб-қувватламаса бажариш қийин.

— Мен ҳам ёрдам қиламан.

— Хўш, нима билан?

— Қўлимдан келганича.

— Жуда соз. Бўлмаса ерни ҳайдаб берасиз. Боғ қилинадиган ерни уста киши ҳайдаши керак, чуқур ҳайдаш керак. Москва мева-тажриба станцияси, Мичурин номли илмий-текшириш институти, академик Бушинский, Вильямск ва бошқаларнинг тажрибаси ер қанча чуқур ҳайдалса, мева дарахти шунча чуқур томир ёйишини кўрсатади. Совуққа ва бошқа офатларга чидамли бўлади ва кўп ҳосил беради.

— Ўттиз сантиметр чуқур ҳайдасак бўладими?

— Камлик қилади. Биз боғ қиладиган ер бундан ҳам чуқур ҳайдалиши керак.

— Масалан, қанча? — ҳайратланиб сўради Фозил Иванович.

- Етмиш сантиметр.
 - Йўғ-э!
 - Рост.
 - Плуг олмайди... Бундан чуқур бўлмайди.
 - Ғамини еб қўйганман. Боғдорчилик учун махсус плуг олдим. Плантаж плуги дейилади. Шу билан ҳайдайсиз. Ер ҳозир тобга кирай деб қолди. Ўзингиз бир чиқиб кўринг.
 - Ўғит солмайсизми?
 - Минерал ўғит ва гўнг чиқарилган. Ҳозир сепатирлар. МТС билан гаплашдим, иложи бўлса, эрта билан ишга тушсангиз.
 - Бўпти, саҳар билан бизни ўша ерда кўрасиз.
- Ботир қўзғалди. Фозил Иванович ўрнидан туриб хайрлашар экан, ўзининг хурсанд ва миннатдорчилигини билдириб, Ботирнинг қўлини маҳкам қисди. Ботир ҳам унга «раҳмат» деб жўнаб кетди.

43

Карим полвон қизиқ йигит. Яхши кишиларнинг хусусиятлари, ишлари ҳақида гапиришни севади. Ким қаерда ажойиброқ иш қилиб қўйса, дарров илиб олиб ҳикоя тўқийди. Шунинг учун одамлар уни жонли газета дейдилар. Клуб, чойхона, тўй — хуллас ҳамма ерда одамлар унинг атрофига давра қуриб, гапига қулоқ соладилар. У бор жойда хушчақчақлик авж олади.

Шундай қилиб, Карим полвон ҳаммага тегишадиган, ҳаммага ном қўядиган йигит.

Кейинги кунларда у кўпроқ Фозил Ивановични тилга оладиган бўлиб қолди. Унга «Мушкули осон» деб ном қўйди. Унинг ҳақида гапирса, ўзи ҳам яйраб кетади.

«Фозил Иванович ажойиб йигит, эпчил, ҳунарманд» дейди у ҳаммага.

Бригадамиз ўн олти гектар ерга чигит экди. Эртасига ёмғир ёғиб, ерни қотириб ташлади. Анча вақтгача битта чигит ҳам униб чиқмади. Мени ваҳима босди. Нима қилиш керак? Кетмон билан юшатса ҳам кўкармасачи? Қайта экай десанг, вақт ўтган. Шунда «Мушкули осон» ёнига бориб воқиани тушунтирдим. Келиб кўрди. «Культивация қиламан» деди.

— Нима, чиқмаган гўзани-я? — дедим мен, — ахир бу ҳеч ерда йўқ гап-ку?! «Майли, трактор билан орасидан

бир ўтсак, потирлаб кўкариб чиқади»,— деди у. Кейин ҳар ер-ҳар ердан уч-тўртта чигитни кавлаб, текшириб кўрди-ю, трактор билан қарта ичига кириб кетди. «Чигитларни кўпориб ташламаса» деб хавотирдаман. У худди қил устида юргандек эҳтиёт билан, биринчи скоростда ҳайдамоқда. Мен эса, трактор кетидан ерни текширяпман. Муни қарагки, битта ҳам чигитга зарар бермай, культивацияни тамомлади. Димиқиб ётган чигит уч кунга қолмай, бир текисда потирлаб кўкариб кетди. «Ўлма», «Мушқули осон» дедим.

Карим полвон қишлоқда ҳамма билан «сиз-биз» бўлса ҳам, Риза бобо билан моши бир қозонда пишмасди. Риза бобо йўқ жойда аввал воқияни, кейин далилни айтса, у бор жойда аввал далил, ҳужжатни тўлга олади, бўлмаса чол гапнинг белига тепади.

Озода, кўркам қизил чойхона, чиройли абажур ичидаги электр чироғлар ҳамма ёқни равшан қилиб юборган, одамлар давра куриб Карим полвоннинг гашини тингламоқдалар. Гап Фозил Иванович устида эди.

«Йигит деб ўшани айтса бўлади. Эртага боғ бўладиган тепаликни ҳайдай бошлайди. Яна қанча чуқурликда денг? Етмиш сантиметр...»

Шу вақт ҳассасини дўқиллатиб Риза бобо кириб келди:

— Ҳа, полвон,— истехзо билан деди у,— яна минг бир ёлғонни бошлаб юбордингизми? «Баракалла, баракалла...»

— Минг бир ростини гапиряпман,— деди Карим полвон.

Бобога жой кўрсатдилар. Йигитлардан бири ҳайрат билан Карим полвоннинг сўзини такрорлади:

— Етмиш сантиметр?!.

— Ҳа!..

— Бекор гап,— деди чўққи соқолини кўтариб бобо,— бундай гаплар билан ёшларни алдаш мумкин, ammo тажрибали кексаларга тишингиз ўтмайди. Энг яхши тракторчи ҳам йигирма беш-ўттиз сантиметр чуқурликда ҳайдайди. «Етмиш сантиметр», э омон бўлинг, полвон, ёлғон ҳам эви билан-да. Хусусан ўша тепаликни. Ости ажириқ томири билан саватдек тўқилиб кетган. Уни ўн беш сантиметр чуқурликда ҳайдаса ҳам қойилман. Етмиш сантиметр-а? Ёлғон!

— Ёлгон эмас, ҳақиқат,— деди Карим полвон қизишиб, ишонмасангиз кўрасиз.

Бобо хохолаб кулди...

Риза бобо эрта билан кенг қартанинг чеккасидан юриб борар эди. Узун ҳассаси гоҳ шудгорга кўмилиб кетар, гоҳ трактор тиши тегмаган қаттиқ ерга тиралиб қоларди. Кетидан Карим полвон келмоқда.

Фозил Иванович икки юз қадамча узоқда катта қартани электр трактор билан айланиб ҳайдамоқда эди. Риза бобо эллик қадамча юргач, бурилиб шудгор қилинган ернинг ичкарасига қараб қадам ташлади. Кўмилиб кетаётган оёқларини зўрға-зўрға тортиб олиб, ўн метрча юргач, чарчади. Пешона ва чеккаларидан тер қуйилди. Ҳассасига суяниб, шабада эсаётган тарафга қараб турди. Кўкрагини тўлдириб-тўлдириб нафас олди. У шудгорга кириш билан унинг одатдагидан чуқурроқ ҳайдалганини сезган эди. Лекин етмиш сантиметрга кўнгли сира ишонмас эди. Ҳассасини суқиб, шудгорнинг чуқурлигини ўлчаб кўрди. Кўзларига ишонмай, нарироқ бориб яна ўлчади. Ҳассанинг ерга ботган жойини белгилаб, Карим полвонга кўрсатди.

— Гапинг ҳақиқат, полвон. Офарин, Фозилжонга.

Бобо трактор тарафга қараб юрди. Фозил Иванович билан саломлашиб, плугга диққат қилди. Унинг одатдаги плуглардан бошқачароқ эканини кўрди. «Янги чиққани бўлса керак» деб ўйлади.

Бобо Карим полвон ёнига қайтиб келаркан, эгилиб ердан бир сиқим тупроқ олди. Ҳидлаб, сиқимлаб, ёзиб кўрди. «Бахмал парчасидек ер устлик билан суғорилган, моҳирлик билан ҳайдалган. Бу ерга косов суқсанг ҳам кўкаради»— деди.

Бобо ер бетига чиқиб қолган ҳар хил бегона ўтларнинг томирларини йиғиштириб, бир чеккага отиб ташлади. «Лаънати ғумай мол ичагидан ўтса ҳам, етти йил лайлак уясида ётса ҳам, барибир, ёнбоши ерга тегдими, дарров кўкаради, ҳаммасини ёндириб юбориш керак».

— Хотиржам бўлинг,— деди Карим полвон,— игнанинг учидек ҳас қолмайди.

Шу вақт Ботир ҳам келиб қолди-да, дарров бобонинг қўлини олиб сўрашди.

— Ишларимиз қалай?— деб сўради чолдан Ботир.

— Жуда яхши, раҳмат ўғлим, раҳмат!

Карим полвон маъноли илжайиб бобога қаради:

— Кечир, Карим полвон,— деди чол ҳассаси устига қўлини устма-уст ташлаб, чўққи соқолини сал кўтариб,— бундай катта ишларга кўникмаган кўзларимиз баъзан хато қилади. «Саксон гектарлиқ боғ» деганингда ишонгим келмади. Мана энди кўриб турибман.

Бобонинг юзида ёқимли бир табассум пайдо бўлди. У руҳан шодланиб деди:

— Ботиржон, ўғлим! Кўзимга кўм-кўк узум ишқомлари, гуллаб турган ўрик. шафтоли, олмазорлар кўри-наётир...

44

Бўстон ариқча лабидаги кекса толга орқа қилиб, оёқларини чўзиб ўтирди. Пешона терини сидириб ташлаб, ёзилиб кетган сочларини бошига чамбарак қилиб қўйди. Унинг енглари шимарилган, оёғи тўпигигача лой. Икки кечадан бери сув тутмоқда эди, бели зирқираб, оёғи толган, бир нафас ором олиш учун ғўза ичидан чиқди. Атроф жимжит, фақат сув тутаётган Қумрининг жўякдан-жўякка шопиллаб ўтиши, ҳашаротларнинг чирқиллаши ва кичкина ариқдаги сувнинг шилдир-шилдири эшитилади холос. Мусаффо осмонда юлдузлар чаман. Янги ой гўзаллар қошидек қайрилма. Бўстон кўкка назар ташлади. Ойга яқинроқ ерда порлаб турган бир ёруғ юлдуз диққатини тортди. Унга узоқ тикилиб қолди. Шу пайт кетмонини елкасига солиб Қумри ҳам келиб қолди. Икковлари ҳар ёқдан гаплашиб ўтирганларида, қоронғилик орасидан бировнинг товуши келди.

— Кимсиз?..— деди Бўстон қаттиқ товуш билан.— Нега қоронғи кечада тентираб юрибсиз?

— Янги ойни кўргали чиқдик.

Бўстон унга қайрилиб боққан эди, кўзига Ботир кўринди. «Келинг, Ботиржон ака» деб ўрнидан турди.

Қумри Ботир билан саломлашгач, Бўстонга маъноли, сирли бир қараб, кетмонини олиб, ғўза ичига кириб кетди.

— Ўзингиз суғоряпсизми, Бўстонхон?— сўради Ботир.

— Ҳа... ғўза шу тобда қониб сув ичмаса, ҳосил яхши бўлмайди. Хусусан тунда суғориш жуда ҳам фойдали.

— Жуда соз!

— Шуниси борки, туи қоронғисиди текис суғориш қийин. Бир ерда сув кўп, бир ерда оз тўхтаб қолади, ҳаммасини қоронғида кўриб бўлмайди. Шунинг учун суғориладиган қартани ёритиш ҳақида Фозил Иванович билан маслаҳатлашмоқчи эдим. Қарталар яхши ёритилса, иш бир неча марта сифатлироқ бўларди.

Ботир ўйланиб туриб, «мумкин» деди. Нега шу вақтгача шундай оддий, лекин жуда ҳам фойдали фикр эсига келмаганига ҳайрон бўлди.

— Биз боғ учун канал қазиганда далани ёритган эдик-ку. Қартанинг қоқ ўртасига битта хода тиқилди-ю, учига беш юз шамлик электр лампочка осилади, вассалом. Суғориладиган қартани айтинг, монтерга топширамиз, дарров тўғрилайди.

— Яхши, айтаман,— деди Бўстон кулиб.

Қумри ғўза орасидан чиқиб, тўпигигача лой бўлган оёқларини ерга қаттиқ-қаттиқ уриб Бўстон тарафга кела бошлади.

— Энди гапга қулоқ солинг,— деди Ботир. Бўстон унга ялт этиб қараган эди, Ботир:

— Менга учта одам керак,— деди.

— Нима хизматга?— сўради Қумри.

— Хизматга эмас, ўқишга... Боғбонлар курсига юборамиз.

— Кимларни танладингиз?— деб сўради Бўстон.

— Норбиби, Қарим полвон, Қумри — учовини юборсак, сиз нима дейсиз?

— Жуда соз,— деди Бўстон.— Қани, нима дейсиз Қумри? Қумри ўйланиб туриб, жавоб берди:

— Майли, бораман.

Бердиқулов бугун ҳам одатича тонг маҳалида турди. Ювиниб, сағриси ярқироқ қора ёбисини минди-да, звенома-звено ғўза майдонларини айлана бошлади. Тунги суғорилган ерларни кўздан кечирди.

Бердиқулов шу қишлоқлик, кам ерлик деҳқоннинг ўғли эди. Унинг отаси колхозга биринчи бўлиб кирган актив камбағаллардан. 1938 йили отаси икки ой касал этиб вафот этган.

Бердикулов қишлоқ ўн йиллик мактабини, кейин эса, уч ойлик ҳисобчилар курсини тамомлаб колхозда бухгалтер бўлиб ишлади. Сўнг раисликка кўтарилди.

Мама энди ўн йилдан бери «Октябрь» колхозига раислик қилади. Шу орада икки йиллик раислар курсини ҳам битириб келди. Унинг яхши хислатларидан бири — учетни севар, унга алоҳида эътибор берарди. В. И. Лениннинг «Коммунизм — ҳаммадан бурун учет демакдир» деган машҳур гапини такрорлаб юрарди. Экинлар ҳосили, меҳнат кунлари, колхознинг бошқа турли даромадларинигина эмас, шу билан бирга кишиларнинг юриш-туришлари, ҳар бир отган қадамларини ҳам ҳисобга оларди. У колхоз ерининг қайси парчаси қайси экиндан қанча ҳосил беришини аниқ билганидай, кимга қандай иш буюришни ҳам яхши биларди. Шу сабабдан унинг сўзлари кўпчиликка маъқул тушарди.

У кўп ерни айланиб Бўстон звеноси ерига келганда, уфқдан қуёш кўтарила бошлади. Ҳамма далада эди. Раис отдан тушаркан, баланд овоз билан: «Ҳорманглар!» деди. Кетмон ураётган колхозчилар: «Бор бўлинг раис бобо, келинг!» дейишди.

Бердикулов отнинг жиловини эгар бошига ташлаб, чопиқни текшира бошлади. «Дуруст, дуруст» деб келиб, Қумрининг қўлидан кетмонни олди.

— Мана бундай ботириброқ ур, ҳар сафар айтаман қолиб кетмасин деб. Қулоғингга ҳеч гап кирмайди, — деди. — Сўнгра Саодат опага қараб: — Нега бунга қарамайсиз, тушунтирмайсиз? — деди жиддий тусда.

— Қанча айтсам ҳам кор қилмайди, ҳар куни кўрсатаман...

Раис индамай кетмон ура бошлади. Қумри унинг қўлидан кетмонни олиш учун қанча уринса ҳам, Бердикулов бермади. Бирпасда анча ерни чопиб чиқди. Тез ҳаракат қилганидан пешонасини тер босди. Чўнтагидан рўмолчасини олиб терини артди-да, кетмонни Қумрининг қўлига берди. Бўстон қаддини тиклаб, «Раҳмат, раис бобо» деб қўйди. У «арзимайди» деди-ю, Қумрининг ишига диққат қила бошлади. «Ана шундай ишласа, ёмон чопмайди. Ҳамма бало шундаки, кўп вақт қўли кетмонда, кўзи осмонда бўлади», деди.

Бердикулов хайрлашиб отланди. У боғ бўладиган ерни ҳайдаётган тракторчилар томонга жўнади. Гарчи

бу ерни Фозил Ивановичнинг қисқа вақт ичида ҳайдаб бериши мумкин бўлса ҳам, Бердиқулов унга ёрдамчи қилиб тракторчи Сатторовни юборган эди. Сатторов баланд бўйли, қотма йигит бўлиб, ўз ишига бепарво қарар, тез-тез тасодифга йўлиқиб турар, трактори ҳадеб бузилиб қоларди.

Бердиқулов кўпдан уни қаттиқ уялтириш ниятида бўлгани учун бугун уни илғор тракторчига ёнма-ён қўйган эди. Бердиқулов гўзалар оралаб борар, қора йўрға мастлигидан пишқириб тўрт тарафга қаранарди.

Бердиқулов тракторчилар ишлаётган жойга келди. Фозил Иванович машинасини тириллатиб, эртадан буён анча ерни ҳайдаб қўйган эди. Сатторов, трактор тагида чўзилиб ётиб, қаеринидир тузатмоқда эди. Бердиқулов Фозил Иванович билан саломлашиб, Сатторов ёнига борди. Сатторов ўрнидан туриб, раисга салом бериб, илжайди. Унга тракторнинг бекор туриши одатдаги ҳолисадек туюлар, бунинг учун хижолат ҳам тортмасди.

— Хўш, ука,— деди пичинг аралаш Бердиқулов,— биздан нима камчилик ўтди?!

Сатторов раисга ҳайрон бўлиб қараб, унинг сўроғига тушунмагандек елкасини қисиб қўйди. Бердиқулов сўроғини изоҳат билан такрорлади:

— Озуқаларни вақтида оляпсизми?

— Ҳа,— деди Сатторов.

— Ёқилғи ва бошқа нарсалар ҳам ўз вақтида берилиб турибдими?

— Ҳа...— деди тракторчи.

Бердиқулов қошларини чимириб, унга жиддий тикилди:

— Хўш, нега бўлмаса иш қилмайсиз?

Трактор бузилиб қолди...

— Нега бузилади?

— Билмасам...

— Билмасангиз нега тракторни ҳам, бизни ҳам овра қиласиз? Сиздан на культивацияда, на ер ҳайдашда ҳузур кўрдик.

— Ахир, машина-да, гоҳ ундай, гоҳ бундай. Ҳамма вақт бир зайлда ишлаши қийин.

— Фозил Ивановичга қаранг, уники нега аниқ ишлайди?

Сатторов нима деб жавоб беришини билмади.

Бердиқулов тобора авжга чиқа бошлади:

— Сиз ўзингизни кўпроқ парвариш қилиб, машинани унутасиз, унинг учун жон куйдирмайсиз, юрмай қолсагина қарайсиз. Сиз билан эрмак қилиб ўтиришга вақтимиз йўқ!

Бердиқулов жўнади. Сатторов анқайиб кетидан қараб қолди. Бирпас шу ҳолда тургач, оғзидаги папиросини аччиғи билан бир тишлаб ерга урди-да, яна ишга бошлади.

Бердиқулов ўғит ташиш ва боғбонлар учун солинаётган иморат ишининг бориши билан танишди. У катта йўл ёқасидаги чинор тагида қўш ҳўкиз қўшилган бричкада янги боққа ўғит олиб бораётган Нур бобони учратди.

— Ҳа, Нур бобо, ҳорманг, ҳорманг!— деди очиқ юз билан.— Кечқурун правление йиғилиши бўлади, келинг!

Нур бобо жиловини тортиб, аравани бир оз секин ҳайдади-да, «хўп бўлади» деди. Кейин ҳўкизларга қамчи уриб, «ҳа, жониворлар» деб уларнинг юришини тезлатди. Бердиқулов от устида унинг кетидан қийшайиб қараб, «Қизиқ чол, айтганини қилади, қилганини айтади» деб қўйди.

У идорага кириб, правление йиғилишига тайёрлик кўра бошлади. Кечқурун мажлисда Жалилов раис бўлган мусобақадор «Оқ олтин» колхозига социалистик мусобақа шартларининг бажарилишини текшириш учун юбориладиган комиссия состави тасдиқланди. Комиссияга илғор бригадирлардан Мавлон ота бошлиқ, Бўстон билан Карим полвон аъзо қилиб киргизилди. Бўстоннинг бу комиссияга кириши Ботирга ёқмаса ҳам, лекин эътироз билдирмади.

46

Комиссия «Оқ олтин» колхозига тонг оқариши билан келиб етди. Жалилов Мавлон отани кўриб анчагина ҳавотирланди, «ўғли билан орамиз тузук эмас» деб ўйланди...

Жалилов меҳмонлар билан қуюқ кўришгач, уларни нонуштага таклиф қилди. Лекин Мавлон ота кун қизмасдан дала айланиш кераклигини айтди.

Қўёш энди уфқдан кўтарилаётир, дала салқин. Майсалар устида шудринг томчилари ярқирайди. Отларнинг

оёқлари сувга киргандек ҳўл бўлиб кетди. Мавлон ота икки қўлини эгарнинг қошига устма-уст қўйиб, атрофга қараниб борди. Тартиб билан эжилган кенг гўза майдонни бепоён денгизга ўхшайди. Нос тамакининг баргидек қорамтир япроқлар ернинг кучини кўрсатарди, Мавлон ота узоқ-узоқларга тикилиб, роҳатланиб нафас олди. Бўстон ҳам завқланиб қараб борарди. Қарим полвон «Оқ олтин» колхозини унчалик назарга илмасди. Аммо гўзасини кўриб, ўз-ўзига «Э... дуруст-ку!» деб қўйди. Мавлон ота отнинг жиловини эгар қошига ташлаб, чўнтагидан папирос олиб чекди. Ёқимли хаёлга шўнғиб бо- раётганидан раисга папирос тутишни ҳам эсидан чиқарди. Бўлиқ ҳосилга қараса Мавлон отани ҳамма вақт хаёл олиб қочади. Жалилов Бўстонга кўз қирини ташлаб, кейин Мавлон отага қаради:

— Бу йилги ишимиз қалай, Мавлон ота?

У «дуруст, баракалла-баракалла» деб қўйди.

Улар йўлга яқин колхозчиларга «Ҳорманглар, ҳорманглар» деб илгари силжидилар. Шу пайт пахтазор оралаб ўн саккиз яшар бир қиз чиқиб қолди. Мавлон ота унинг қўлидаги эгри таёқдан табелчи эканини билиб, ёнига чақирди. У маълумот олиш мақсадида қизга сўроқлар берди.

— Қайси бригаданинг табелчисисиз, қизим?

— 15 ва 16.

— Кеча неча киши нормасини икки баравар ошириб бажарди?

— ...

— Бир ярим норма бажарувчилари-чи?

— Унақалари бўлмади.

Мавлон ота ўйланиб қолди. Жалиловни хижолатда қолдирмаслик учун то ёқимлироқ жавоб олгунча гапни давом этдирмоқчи бўлди:

— Хайр, нормани сифатли қилиб бажарувчилар қанча?

— Йўқ...

Мавлон ота, тушунмади шекилли деб сўроқни яна такрорлади, лекин барибир ўша жавобни олди. Жалилов отига қамчи уриб, табелчига яқинлашди:

— Биронта ҳам бажармади? Елгон!

Қизга бу сўз ҳақоратдек туюлди. Уялиброқ турган табелчи раисга тўғри тикилиб қаради.

— Ошириб бажарди деса рост, бажармаганини айтса ёлгон бўладими? Энг яхши ишлагани 0,12 ўрнига 0,07 гектар ер чопди.

Бу хунук маълумотдан табиати хира бўлган Мавлон ота иссиқроқ жавоб олиш мақсадида, яна сўради:

— Бугун қандай?

— Яхши эмас, олти киши ишга чиқмади.

Жалиловнинг хижолатдан юзлари қизарди. У Бўстонга кўз тагидан қараб қўярди. У бундай ҳодиса гўё биринчи учраётгандек таассурот қолдириш учун қизишиб тутақиб кетди. Оёғини узангига тираб, от устида тик туриб қичқирди:

— Бригадир! Ҳо... бригадир!

Яқин орада ишлаб юрган бир колхозчи «Бугун кўринмадилар» деб жавоб қилди.

Унинг асаблари дир-дир титрай бошлади. Хусусан Бўстон олдида уялди.

— Дарров топиб идорага жўнат!

От устида бепарво қийшайиб мийиғида ашула айтиб келаётган Карим полвон жўрттага ҳаммага эшитарлик қилиб: «Уҳҳў, ишнинг пахтаси чиқди-ку!» деди. Жалилов унга кўзларини олайтириб, ялт этиб қараб қўйди, Мавлон ота эса аста кулди. Гўё гапнинг бир учи ўзига теккандек Бўстон қизариб ерга қаради. У Жалиловни ҳеч қачон бундай ҳолда учратмаган эди. Энди ундаги енгиллик, бачканаликни кўриб, ҳайратда қолди.

Жалилов аччиғи билан отига қамчи урди. Унинг тани қизишиб, қовоғлари пир-пир учмоқда эди. Мавлон ота катта йўлдан тор йўлга бурилди. Жалилов безовта бўлиб, унга яқинлашди:

— Хўш, Мавлон ота, тўғри кетаверсак бўлмайдими?

— Катта йўлдан узоқроқдаги ғўзаларни ҳам кўришимиз керак,— деб жавоб берди отининг жиловини буларкан, Карим полвон.

Жалилов индаёлмай қолди.

Бир оз юргач бўйи бир қарич, жуда сийрак ўсган ғўзалар кўрина бошлади. Карим полвон блокнотини чиқариб, уларнинг қайси бригада, қайси звенога қарашли эканини ёзди.

Мавлон ота отдан тушиб, анча ергача пиёда юрди.

— Мана бу қартангизда тўқсон минг туп ўрнига ўттиз минг туп ўсган. Уч баравар кам.

Ранс «дўл урди, қарадрин тушди» деб баҳона кўрса-таётган эди, Мавлон ота унинг сўзини бўлди:

— Ўтган ишга салават. Бу қартадан ҳосил оламан десангиз уч баравар кўпроқ меҳнат қилишингиз керак. Афсуски, кўп ерига тузукроқ кетмон тегмаган. Сувдан кейин чопилмай, қотиб ғўзани бўғиб қўйибди.

— Инсофсизлик бу!— деди баланд овоз билан Карим полвон.. Жалилов унга яна кўз олайтириб қўйди. Улар илгари юрдилар. Бўстон отига бир қамчи уриб, Карим полвонга яқинлашди.

— Карим ака, сиз дағал эмас эдингиз-ку?

— Сиз бу муросасозликни қаёқдан ўргандингиз? Ахир ғўза ниҳолининг учдан икки қисмини йўқотган, қолганига кетмон урмаган бўлса, нима демак керак?

Бўстон гапирганига пушаймон бўлиб, отининг жилловини тортиб, сал чеккароқдан кетди. Унинг кайфи бузуқ, юраги ғаш эди.

Жалилов меҳмонлар кўнглига тушган ғуборни ювиб юбориш учун бирон яхши сўз топишга уринди. Шу хаёл ичида кетаётганда, йўлнинг ўнг тарафида сув тутаётган чол салом бериб қолди. Узун оқ соқолли, кенг елкали бу чол чим усулида усталик билан сиздириб ғўза суғораётган, катта пайкалнинг ҳамма ери бир текис қониб, сув ичмоқда эди. Буни кўриб Мавлон отанинг баҳри очилди. Чолга қараб:— Баракалла-баракалла, иш мана бундай бўлади. Бошқарларга ҳам бу ҳунарингизни ўргатинг,— деди. Чол кетмонига суяниб, «Хўп бўлади» деб табассум қилиб турди. Юзига қон югурган Жалилов Мавлон отага қараб суғориш мавзуида гап бошлади:

— Бу йил сув камчилигидан бу ишга алоҳида эътибор бериб, тажрибали чолларни қўйдик.

Мавлон ота «Дуруст, дуруст» деди.

Яна илгари юрдилар. Кўп ўтмай, узоқдан ойнадек ярқираб турган бир парча ер кўринди. Жалилов бир парсадан чўчигандай отининг жилловини тортди. Буни сезган Карим полвон пичинг билан:

— Отингиз узоқдан сув кўрса қўрқадими? Ҳайданг!— деди.

Унинг сўзи Жалиловга тикандек ботди. У отига ноилож бир қамчи урди. Яқинлаб келдилар. Тошиб кетган сув ярим метрча ерни ўпириб йўлга оқмоқда эди. Йўлнинг чап тарафидаги чоракам бир гектарча ғўзани сув босиб кетган. Сувчидан дарак йўқ. Жалилов яна оёғини

узангига тираб тикланди. Баланд овоз билан «Ким бор?» деб қичқирди. Узоқда от билан культивация қилаётган бир бола югуриб келди. Жалилов койиб буйруқ берди:

— Сувни боғлаб, бригадирга хабар қил, дарров идорага борсин!

У зарда билан отига яна қамчи урди. Бўстонга унинг сўзлари, ҳаракатлари ёқмади.

Хушчақчақ, ширин сухан, уддабуро, ҳамма нарсага ақли етадиган, ўзини сипо тутиб гапирадиган Жалилов қаерда қолди?

Бўстон хаёл суриб борарди.

Карим полвон отини бир ниқтаб унга яқинлашди-да:

— Бўстонхон, Бўстонхон,— деди аста от устида эгилиб. Бўстон унга ялт этиб қаради.

— Сўз майдонида шери нар бўлган Жалиловингиз иш майдонида типирчилаб қолди-ку!..

Бу сўз Бўстонга қаттиқ тегди. Аччигидан қошларини чимирди. Хусусан «Жалиловингиз» деган сўз унга ёқин-қирамади.

Мавлон ота Жалилов билан гаплашиб анча олдин кетиб қолган эди. Бирнима эсига тушгандай, Карим полвон отининг жиловини тортиб, қамчи урди ва қатор кекса толлар тагига борганда уларга етди ва Жалиловга яқинлашиб:

— Бир нарса эсдан чиққан экан, кечирасиз...— деди.

— Хўш?— деди Жалилов.

— Шу катта нашвотингиздан тўртта қаламча берсангиз...

— Ўзингизгами?

— Йўқ, катта боққа.

— Қалламни кесганда ҳам бошқага бермайман. Лекин сизга майли... Бунақаси бўлак ҳеч кимда йўқ. Ука, сиздан ҳам битта илтимос... Жалилов орқасига қаранди. Бўстоннинг узоқдалигини кўргач, сўзида давом этди,— кечқурун йиғилишда, колхозчилар орасида дағал гапирмайсиз-да... Қаттиқ сўз — тош... Колхозчилар орасида обрў тушмасин.

— Хўп...— деб қўйди Карим полвон.

Улар анча ерни кўздан кечирдилар: қондириб суғорилмаган, кўллатилган, чопиқсиз қотиб кетган, ёки юзакчи чопилган, ўғитланмаган гўза майдонларини кўрдилар. Одамлар ишдан чиқадиган вақтда, кечқурунгина

идорага қайтдилар. Бўстон ғўза парваришинигина эмас, агитация-пропаганда ишларини, дала шийпонларини ҳам текширди.

Карим полвон келиб отини боғлаш билан кўздан ғойиб бўлди. У, ваъда қилинган нашвотидан дарров қаламча кесиб олиб, ариқчанинг бир чеккасига кўмиб қўйди. Йиғилишда аччиқ-чучук гап бўлса, ваъдасидан қайтиб ўтирмасин, деб эҳтиёт чорасини кўрди.

Кечқурун йиғилишда Мавлон ота колхозчиларга аҳволнинг ниҳоят даражада жиддийлигини тушунтирди. Агар фавқулодда чоралар кўрилмаса, ҳосилнинг хавф остида эканини равшан далиллар билан кўрсатди. Бўстон агитация ишлари устида гапирди. Карим полвон Жалиловни қаттиқ танқид қилиб, ҳаммани кулдирди. Мажлис охирида, аҳволни яхшилаш учун конкрет тадбирлар белгиланди.

Жалилов шу орада Бўстон билан учрашишга қанча ҳаракат қилса ҳам эриша олмади. Комиссия ишини битириб йўлга чиқди.

Бўстон қайтгач, Ботир уни комсомол комитетида учратди.

— Хўш, сафар хурсандчилик билан ўтдимиз?— сўради у.

Бўстон кулиб қаради.

— Жуда ҳам яхши ўтди, бўлсангиз кула-кула ичагингиз узиларди.

— Ғўзалари дурустми?

— Емон!..

Бўстон унга текширишнинг қандай ўтганини ва Жалиловнинг қилиқларини гапириб берди. Ботир кула-кула тинглади.

— Тузатиш учун аниқ маслаҳат бердингизларми?

— Ҳа, лекин гапимиз унга таъсир қилмайди шекилли «жўжани кузда санаймиз» деди. «Қозонда бўлса чўмичга чиқади-да!» Менингча, уни газетага ёзиш керак. Райондагилар ҳам билсин, контролликни кучайтиришсин, нима дейсиз?

— Жуда яхши фикр,— деди Ботир жонланиб,— сарлавҳасини ҳам, текширишда шарманда бўлганини назарда тутиб, «Хижолат» деб қўйиш керак.

— Йўқ, юмшоқ,— деди Бўстон,— менингча «Беғамлик ва масъулиятсизлик» деб қўйиш керак.

Икки кундан кейин Жалиловга район газетасининг ўша мақоли босилган сонини бухгалтер келтириб кўрсатди. У, тажанг бўлиб ўқиди-ю, ғазаб билан: «Ҳали шундайми? Кўрамиз!» деб қўйди.





ИККИНЧИ ҚИСМ

1

— Биласизми, бу боғ колхоз учун даромад манбан, сиз учун тажриба мактаби бўлади. Дадил бўлинг, қўлимиздан келганича ёрдам берамиз. Тортиниб турманг, нима зарур бўлса талаб қила беринг. Қилган ёрдамимиз учун колхозчилар давлатдан миннатдор бўлса бас. Боғ қанча кўпайса, биз вазифамизни шунча яхши ба- жарган бўламиз,— деди Давлат мевачилик селекция станциясининг бошлиғи Власов Ботирни самимий кутиб оларкан.

Андрей Кузьмич Власов эллик ёшларга кирган, ориқ, ўрта бўйли одам эди. Кенг пешонасига иккита ажин тушган. Катта кўзлари чарчагандек сузилиб турарди. Хатни эса ойнак билан ўқирди.

Ботир Власов сиймосида дўст, ғамхўр устозни топганига жуда хурсанд бўлди, руҳланди. Власов эса ғайратли, ақлли янги ҳамкасбини кўриши билан қувонди. Улар бир-бирларига ёқиб қолдилар.

— Вазифа равшан,— деди Власов янги боғбонга маслаҳат бераркан,— мева ҳосилини кўпайтириш, аъло, янги сортлар яратиш. Цитрус ўсимликларини шароитга мослаш устида илмий иш олиб бориш ва ҳоказо... Иван Владимирович Мичурин айтадики... «...қуруқ сўзга ишонманг, ҳар бир текширилган тажрибага ўз хусусий фикрларингизни, ташаббусингизни қўшинг, гипотезаларга (фараз, тахминларга) ишонманг, компилянт бўлманг, ўзингиз ишга киришинг, тажрибалар ўтказинг, ўзингиз кузатинг ва текширинг». «Ишонаманки, устозининг васиятларини бажарасиз деб. Хўш, ёрдамчилар танладингизми?»

— Ҳа... уч кишини боғбонлар курсига ҳам юбордим.

— Жуда соз! Ер пухта текширилдими?

— Текширилди, тупроқ состави яхши чиқди. Катта тош йўлнинг устида. Серсув.

— Яхши, яхши.

— Ҳайдалдими?

— Ҳа... текисланди, фосфор, азот ва гўнг солиб ҳайдалди. Плантажни плуг билан...

— Жуда соз, жуда соз!

— Ўтқазиладиган мева хилларини танладингизми?

Рўйхатини тузиб келдим, бир кўриб чиқсангиз?

— Қани?..

Власов рўйхатни олиб кўздан кечира бошлади: беҳи ва олмага келганда уларнинг тагини йўғон қизил қалам билан чизди.

— Ерингиз тепалик, баланд беҳи билан олма пастлик, намлик ерни яхши кўради!

— Гапингиз тўғри, Андрей Кузьмич, лекин бизда сув танқис эмас.

— Шундай бўлса ҳам булардан озроқ экишни, улар ўрнига кўпроқ нашвоти нок, олмурут кўчати ўтқазилгани маслаҳат берар эдим.

— Маъқул,— деди Ботир.

Андрей Кузьмич қарашда давом этди:

— Ўрикни кўп кўрсатибсиз, бу яхши. Лекин, совуққа чидамли навларини топиш керак.

— Андрей Кузьмич, бизнинг қишлоқда кейинги ўн-ўн беш йил ичида бир хил ол юзли, худди «руҳи жононга» ўхшаш ўрик етиштирилган. Совуққа чидамли, қуришига яхши, гўштдор. Ўшандан кўпроқ кўрсатилган.

— Бу ишингиз дуруст. Иван Владимирович халқ селекциясига кўпроқ эътибор беришни, ана шундай чидамли, ҳосили яхши навларни қидириб топиб кўпайтириш, ривожлантириш керак, дерди. Ҳали кўчат ўтқазилган вақт бор. Ҳамма ёққа кўз-қулоқ бўлиб юриш керак. Қаерда яхши нав кўринса, дарров қаламча, ёки кўчат олиш зарур.

Андрей Кузьмич рўйхатни диққат билан текшириб чиқди. Камчиликларини кўрсатди. Давлат мева хиллаш станциясида янги яратилган нодир сортларни ҳам унинг кетига қўшиб қўйди. Боғни планлаш, мева ўтқазилган участкаларни тайёрлаш ва бошқа ишларни бажаришда ёрдамлашиш учун битта тажрибали агроном юборадиган ёки ўзи борадиган бўлди.

Ботир кўзғалди. Андрей Кузьмич уни йўлаккача узатиб чиқди.

Бу суҳбатдан Ботир ғоятда хурсанд бўлди. Власовни жонкуяр муаллимгина деб эмас, кучли таянч ҳам деб сездди. Катта хиёбондан кетар экан, сиймоси кўз олдидан кетмасди...

Ботир бу боққа кўп келиб кетган бўлса ҳам, студентлар қатори кўпчилик билан келиб кетган. Андрей Кузьмич билан ҳеч суҳбатлашмаган эди. Уни кўпроқ, ташқи томондангина биларди. Бугунги суҳбат унинг кўнглига қаттиқ жо бўлиб қолди. Хаёл ичида мамнун қадам ташлаб келар экан, Бўстон ёдига тушиб, қадамини тезлаштирди ва боғ дарвозаси ёнига келиб қолганини ҳам билмай қолди. Қоровулдан мотоциклни олиб, гувиллаганича жўнаб кетди.

2

Бўстон кўп вақтдан бери Жалилов билан учрашгани йўқ, тўғриси, учрашишни ҳам истамас, уни кўрарга тоқати ҳам йўқ эди. Жалилов уни излаб юриб, ниҳоят, кечқурун комсомол комитетидан чиқиб кетаётганида,— йўлда учратди ва илжайиб бориб Бўстонга салом берди-да, атрофни ҳоли кўргач, арзи ҳол қила бошлади.

— Мен нима гуноҳ қилдим?..

— Гуноҳларингизни санаб ўтиришни ҳам истамайман.

— Ботир ёмонлаган бўлса керак. Ит бўлай, заррача гуноҳим бўлса.

— Қасамнинг ҳожати йўқ.— Бўстон совуққонлик билан гапирди.

— Агар ёқмай қолган бўлсам, кетишим мумкин...

Бўстон ўйлаб-нетмай, «майли» деди.

Жалилов «кечиринг» деди-ю, жўнаб қолди.

У тез-тез кетаётган бўлса ҳам қулоғи орқасида эди. Анча ергача «Кетимдан чақириб қолар...» деб борди. Бурилишга етгач, дарахт панасига ўтиб, мўралаб келган йўлига қаради. Бўстон аллақачон уйига етган эди.

Жалилов тарвузи қўлтигидан тушган кишидек хафа ҳолда тегирмонга келди. Чой ичиб ўтирган мулла Нусрат уни ўрнидан туриб қарши олди. Нусрат унга бир пиёла чой қуйиб узатаркан:

— Хўжайин, паришон кўринасиз?— деб сўради.

Жалилов Бўстон билан бўлган воқиани сирдошидан яширмади. Сўзининг охирида Бўстондан аразлаб жўнаб қолганини айтди. Нусрат ҳийлакор кўзларини унга тикиб:

— Шунда ҳам кўнгли сал юшмамадими?— деб сўради.

— Йўқ... — деди Жалилов аста.

Мулла Нусрат «ҳмм...» деб соқолининг учини оғзига олиб бориб, бирпас ўйланиб қолди. Кейин Жалиловга қараб илжайди:

«Булбул кўтарур-да ашёнин,

Гул дедики; «Хас кам-у, жаҳон пок...»

— У нима деганинг?— Жалилов хўмрайиб қаради.

— Кечирасиз, хўжайин, қофия келиб қолди.

Булбул гулдан аразлаб ўз уясини кўтариб кетаётган вақтда, гул: «Майли, битта хас кам-у, жаҳон пок» деган.

— Ҳазилни йиғиштир!.. деди аччиғланиб Жалилов.

Мулла Нусрат соқолини тутамлаб ўйлади:

— Масала равшан: Ботирни яхши кўриб қолган. Энди у маликани қўлга киритмоқ учун Ботирдан кўнглини совутмоқ керак.

— Қандай қилиб?— сўради Жалилов.

— Ўткир домудла ошнам бор, ўша қилиб беради. Ундан кейин Бўстон сизни аввалгидан ҳам қаттиқ севиб қолади.

Жалиловнинг кўнгли унча ишонмаса ҳам «Майли...» деб қўйди.

3

Янги боғ қуриш ишлари юришиб кетганидан кейин, Ботир илмий тажриба ишларини бошлаб юборишга ҳам имкон топди. Тажриба ишларини олиб бориш учун, Бўстон звеносига яқин, атрофи уч пахса девор билан ўраб олинган икки гектарлик боғни танлаб қўйган эди. Бу боғда тажриба ўтказиш учун зарур бўлган мева дарахтлари ҳам бор эди.

Ботирни кўпдан шафтоли устида ишлаш қизиқтирарди. Унинг сермағиз, сершира, совуққа чидамли, қуритиш ва консерва қилиш учун ярайдиган олийсифатли навларини яратиш боғдорчилигимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири деб қарарди.

Ботир бундан бир ярим ой бурун Арманистонга илмий командировкага жўнаган бир дўстидан Норинжи навли шафтоли қаламчаси келтиришни сўраган эди. Дўсти ваъдасига вафо қилиб, саккизта қаламча келтириб топширди. У қаламчаларнинг япроқларини узиб ташлаб, сув тўлдирилган кружкада Арманистондан Самарқандгача олиб келди. Лекин сувини тез-тез янгилаб турганди. Ботир дўстига кўп миннатдорлик билдириб, қаламчалар сўлимасдан пайванд қилишга шошилди.

Ботир белгилаб қўйган шафтоли дарахти тагига келиб қаламча солинган кружкани ерга қўйди. Сўнгра чўнтагидан пичоқчасини чиқариб, майда шохлардан биттасининг пўстлоғини ёнга ва узунасига аста тилди, кейин бир қаламчадан битта кўзни кесиб олди-да ҳалиги пўстлоқ орасига тиқиб, устидан нозик ип билан боғлаб қўйди. У учта шафтоли дарахтига шу усул билан куз пайванд қилди, қолганларини ерга ўтқазди. Шу куни мева хиллаш станциясига ҳам ғириллаб бориб, Эльберта номли америка навли шафтолидан ҳам қаламча келтирди ва ҳалигидек пайванд қила бошлади.

Дам олиш учун даладан қайтаётган Бўстон боғ дарвозасини очиқ кўриб, ичкарига кирди ва «ким бор-у?» деб қичқирди. Боғ тўридан Ботирнинг «Кела беринг» деган товуши эшитилди. Бўстон югуриб бориб

мева дарахтлари орасидан Ботирни топди. У, ҳавонинг иссиқлиги ва югурганидан терлаб, қизариб кетган кенг пешонасида майда тер томчилари кўринарди. Нафасини ростлаб:

— Нима қилаётирсиз?— деб сўради.

— Арманистондан келтирилган кечки Норинжи номли ва Америкадан келтирилган Эльберта номли шафтоли қаламчаларини ўз шафтолиларимизга пайванд қилаётирман,— деди.

— Мақсад?— деди Бўстон.

— Баҳорда гуллаш даврида ҳар иккисини чатиштираман, ҳар иккисининг ҳам сифатларини ўз ичига олган учинчи хил шафтоли яратаман.

— Ўзимиздагиларни чатиштирсангиз бўлмайдими?

— Узоқдан келтирилган яхши сифатли нав билан ўзимизники чатиштирилса, булардан туғилган дурагайда маҳаллий навнинг хусусиятлари кўпроқ, устунроқ бўлади, яъни маҳаллий шароитга ўрганган нав узоқдан келган навни ўзига қаратиб олади. Шунинг учун устоз Мичурин узоқдан келтирилган ва маҳаллий шароитга муносабати бир хил бўлган икки навни чатиштириш яхши натижа беришини айтган. Мен ҳам шундай қиламан. Арманистон ва узоқ жойдан келтирилган энг яхши навлар чатиштирилса, улардан маҳаллий шароитга кўниккан учинчи хил нав яратилади. Тушундингизми?

Тинглаб хаёл суриб турган Бўстон яна савол берди:

— Кейин нима бўлади?

— Кейин мазза қилиб еймиз, кўпайтирамиз ва бошқаларга берамиз,— деди Ботир унга.

Бўстон хаёл билан берган ўринсиз сўроғидан уялди ва кетиш учун орқасига буриларкан:

— Уртоқ боғбон, хайр. Ишингиз ўнгидан келсин,— деди.

Ботир пичоқчасини чўнтагига солди, келиб Бўстоннинг қўлидан ушлади, юзига тикилиб қараб бир ўпгиси келди-ю, лекин ботина олмади.

— Кечгача мен билан шу ерда бўласиз.

Бўстон жозибали қора кўзлари билан унга қия боқиб:

— Ғўзани ким чопиқ қилади?— деди.

— Ўзим бориб чопиқ қилиб бераман.

— Биз киши кучидан фойдаланмаймиз,

Бўстон «қўйиб юборинг, қўйиб юборинг, кеч бўлди, овқатланиб далага чиқиш керак» деб типирчилаб қўлини Ботирнинг қўлидан зўрға қутқазиб қочди. Кейин «Энди ҳеч ҳам ёнингизга келмайман», деди.

Ботир унинг кетидан бир неча қадам отиб:

— Сиз келмасангиз мен бораман, кечқурун паркка чиқишни унутманг,— деди.

Бўстон дарвозадан чиқар экан, Ботир тарафга қайрилиб қаради:

— Ишим бор. Газетанинг навбатдаги сонини чиқарамиз,— деб кўздан ғойиб бўлди.

Ботир дарвоза тарафга бирпас қараб қолди, кейин келиб ариқча лабидаги супага ўтирди. У Бўстоннинг кейинги гапидан ўйланиб қолди: Эсига Қодирқул ва унинг шериклари келган эди.

Колхоз секретари Қодирқул Бўстон ҳақида тез-тез шеър ёзиб турарди. Ҳар сафар ёзмоқчи бўлганида, албатта, бирон баҳона қидирарди: Бўстоннинг ўқиши, ғўзаларни биринчи чопиқдан чиқаргани, сув тутиш усули ва шу сингарилар муносабати билан шеър ёзиб ташлайверарди. Уларда «Мен сени севаман» деб очиқ айтилмаган бўлса ҳам, ўша мазмун шеърдаги ҳамма сўзларга сингдирилган бўларди.

Ботир дастлаб «менга нима, ёзса, ёза берсин» деб бепарво қарашга ҳаракат этди. Кейин-кейин эса, шеърларини эшитса, юраги жизиллаб кетадиган бўлди. Шу пайт бир неча мисра шеър эсига келди-да, эшитилар-эшитилмас товуш билан ўқиди:

«Ғўза баҳра олар қуёш тиғидан.

Аммо, меҳринг билан етилар шона.

Чигитга жон бердинг қалб иссиғидан

Элга муҳаббатдан шудир нишона».

Яна:

«Ваъда бажарилар бу менга аниқ,

Мўл ҳосил етилар ерингда албат.

Сен учун асрайман ойнадек тиниқ,

Мусаффо юракда сўнмас муҳаббат».

Қодирқул ширин сўзлар орқали унинг қалбига кираётир...

Ботир ўзида шоирлик таланти йўқлигига афсусланди. Ариқча лабида у ёқ-бу ёққа юрди. Ниҳоят, нима-

дир эсига тушиб, ўзига ўзи тасалли берди: «Хўш, сен шоир бўлмасанг ҳам, севгидан куйлаган шоирлар кўп ўтган-ку! Нега ўшалардан фойдаланмайсан?»

У ўз сўроғига ўзи жавоб берди ва кўнгли бир оз равшан бўлиб, яна дарахтлар орасига кириб кетди.

4

Жалилов колхоз партия ташкилотининг секретари Эргашев билан райондан «Победа»да қайтди. Иккаласи ҳам аразлашган кишидай машинанинг орқа томонида жим ўтирардилар. «Победа» гўза далалари оралаб учиб борарди. Районда бу йил янги суғориш системасига ўтилганидан майда-чуйда ариқлар, кераксиз йўллар, увотлар экиладиган ерга қўшиб юборилган қарталар кўз илғамас даражада кенг эди. Аммо бу икки йўловчининг кўзига ҳеч нима кўринмас, улар ўз хаёл ўйлари билан банд эдилар. Ниҳоят, Жалилов бу жимликни бузди:

— Агар уч-тўрт кеча уйқудан қолиб суғоришни бир оз жонлантирмаганимизда, тоза шарманда бўлар эканмиз,— деди йўлдошига қарамай.

Эргашев ҳам унга қарамай жавоб берди:

— Тасаллининг кераги йўқ! Суғориш бизда ҳозир ҳам орқада, иш бошидан бўш бўлди, ҳар хил хаёллар билан овора бўлдингиз!..

— Қанақа хаёллар?!

Жалилов секретарга қайрилиб қаради:

— Сиёсий-тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилмаганидан коммунистлар орасида майшатга берилиш майллари кўринади, дедилар. Нега шундай гап бўлди? Нега сизга виговор берилди?

Жалилов киноя билан жавоб берди:

— Виговор менга «китоб устида» берилди шекилли.

— Бўш хаёлларни иргитиб ташланг,— деди Эргашев.— Анави Нусратни ҳам ҳайдаб юборинг. Диққатни бир жойга йиғиб, ишга киришинг. Бюро бугун бизни қаттиқ огоҳлантирди. Чопиқ, суғориш ва тарбиявий ишларда тез ўзгариш ясамасак, аҳвол чатоқ. Мен кечқурун коммунистларни йиғиб гаплашаман:

— Мулла Нусратга осилиб қолдингиз? У сизга нима қилди?

— Қачон у билан суҳбатлашсангиз кўкнор ичган кишидек маст бўласиз,— деди Эргашев.

Машина колхоз идораси олдига келиб тўхтади. Раис эшикни очиб, ундан тушди ва тўғри уйига қараб кетди. У бориб ечиниб, чой ичаётган эди. Қоровул келиб:

— Қишлоқ советининг раиси ўртоқ Саломова идорага дарров келсин деб чақириб юбордилар,— деди.

Жалилов юзини тириштирди:

— Бор, кейинроқ келадилар, дегин.

У, чойни шошиб-пишиб ичди-ю, қишлоқ совети идорасига жўнади. У кабинетга кирганда, Саломова машинкада босилган бир хатга қўл қўяётган эди. У бошини кўтариб Жалиловга: «Марҳамат, ўтиринг» деб жой кўрсатди. Жалилов Саломова столига яқин турган стулга бориб ўтирди ва «хизмат» дегандек унга қаради.

— Район ижроия комитети президиуми,— деди Саломова оқ, йўғон бармоқларини столга қўйиб,— ғўза парваришининг бориши тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Бу ишда энг орқада қолган колхозлар қаторида сизнинг колхозингиз ҳам кўрсатилган. Аҳволни тузатиш ва яхшилаш учун бир ҳафта вақт берилган. Мана, ўзингиз ўқиб кўринг.

Саломова унга машинкада босилган уч-тўрт варақ қоғозни узатди. Раис қарорни ўқиб чиқди-да «уфф...» деб узун нафас олди. Саломова давом қилиб:

— Активларингизга айтинг, қимирлашсин,— деди.— Қарорнинг бажарилишини кузатиб туриш ва ёрдам қилиш бизга топширилган. Беш кундан кейин шу қарорнинг бажарилиши ҳақида қишлоқ совети президиумида докладингизни эшитамиз. Мусобақадош «Октябрь» колхозини ғўза парваришида олдинда. Қанча ерга сув чиқарди. Иш усулини ўшандан ўрганмай-сизми?

Саломова катта гавдали, қирқ ёшлардаги, салобатли хотин эди. У аччиқ-чучук деб ўтирмасдан, одамнинг юзига бўлган гапни очиқдан-очиқ гапирарди. У айтган сўзидан ҳеч қачон қайтмас, ваъдасининг устидан чиқарди. Унинг столи устида битта ҳам ошиқча хат ўралиб юрмас эди.

Хусусан меҳнаткашларнинг аризалари, талаб-шикоятларига эътибор билан қарар, уларни мумкин қадар тез ҳал қилар, одамларни кутдириб қўймас, жавоб-

сиз қолдирмас эди. Шу сабабдан ҳам қишлоқ аҳолиси, колхоз активлари, раҳбарлари орасида эътибори баланд: кексалар ҳам, ёшлар ҳам уни ҳурмат қилишарди. Унинг ҳақида гап чиқса Нур бобо «эслик аёл, ҳақиқатда эслик...» дер эди.

У Жалиловга тикка қараб:

— Хўш, сиз нима дейсиз?— деди. Агар бу сўроқни бошқа бир киши берса, Жалилов «Хўп, бажарамиз» деб кета берарди. Саломовага эса бу муомалани қиллолмайди. Унинг ёнида ўйлаброқ гапириш керак. Шунинг учун Жалилов сўроқни ўзига қайтарди:

— Сиз қандай маслаҳат берасиз?

— Президиум қарорини бажариш учун нима қиласиз? Пухта ўйлаб қўйинг, эрта билан соат олтида мен бораман,— деди Саломова.— Кейин бирга иш бошлаб юборамиз.

Жалилов «хўп» деб ўрнидан қўзғалган эди, Саломова «ўтиринг» деб ишора қилди ва табассум билан:

— Хўш, тўй нима бўлди?— деб сўради.

Жалилов сал қизарди:

— Уйда аёлинг бўлмаса ҳузур-ҳаловотинг ҳам бўлмайди дейишади. Тўй қилиш ниятида эдим, бу ҳам ўнглаймапти.

— Уз тенгингизни топсангиз уйланинг, албатта, оиласиз яшаш тўғри эмас,— деди Саломова ва яна сўзида давом қилди.— Тегирмончингиз қанақа одам?

— Мулла Нусратми?

— Ҳа...

— Бир кекса чол...

Саломова стол яшиги ичидан икки-учта аризани олди:

— Устидан анчагина киши шикоят ёзибди. Бир одамга бугдой ўрнига арпа уни аралаштириб берибди. Текшириб кўрдим. Шикоятлар тўғри чиқди. Кекса бўлса ҳам ниҳоятда инсофсиз одам экан.

— Йўғ-эй... баъзи душманлари туҳмат қилган бўлса керак.

— Узим текширдим, тўғри чиқди дедим-ку! Сиз ҳам текширсангиз, эҳтимол, бундан ҳам хунуқроғини топасиз, яхшиси, дарров бўшатиб юборинг. Ўрнига инсофли, ғайратли кексалардан қўйинг.

Жалилов ўрнидан турди ва хайрлашиб индамай жўнади. «Тавба,— деди у ўз-ўзига,— қадамингни сал

чакки боссанг, тўрт тарафдан ҳужум қилишади-я... Хўш, мулла Нусратни нима қилиш керак? Маслаҳатлашиб кўрармиз, балки кассир қилармиз».

5

Ботир кун чиқмасдан бурун Қарим полвон билан тажриба участкасига келди. Улар дарров ўз ишларини бошлаб юбордилар. Ботир бугунги вазифани Қарим полвонга тушунтирди:

— Шафтоли жуда ширин, лекин жуда нозик мева,— деди унга бир шохини қайириб турган ҳолда,— чидамсиз. Шамол шир этса дарров ўпкасини совуқ уради. Совуққа чидамли янги навлар етиштириш керак. Бугундан бошлаб шу иш билан ҳам шуғулланамиз.

Қарим полвон сўраб ўтирмади, «иш жараёнида маълум бўлиб қолар» деб ўйлади.

Ботир совуққа чидамли янги навлар яратиш учун бир неча хил тажриба ўтказишни планлаштирди. Мева хиллаш станциясида яхши сифатли Эльберта навли шафтоли билан совуққа чидамли оқ шафтоли чанглатилганини билар эди. Янги пайдо бўлган дурагай навда оқ шафтолининг сифатлари устун чиқди. Оқ шафтоли совуққа чидамли бўлса ҳам, лекин меваси кичик, мағзи оқ, ташишга ва консерва қилишга ярамайди. Эльберта эса қанди кўп, сариқ мағиз, қуритиладиган ва консерва қилинадиган яхши навлардан эди. Ботир ўша дурагай шафтоли билан Эльбертани қайтадан чатиштирмоқчи бўлди. У дурагайда оқ шафтолига нисбатан маҳаллийлик хусусияти камроқ. Шу сабабдан бу сафарги чатиштиришда Эльбертанинг кўп сифатлари иккинчи дурагай навида равшан кўринар, деб ўйлади.

Ботир мева хиллаш станциясидан олдирган дурагай шафтоли қаламчасини бир неча анжир шафтоли шохига пайванд қилди:

— Шулардан энди совуққа чидамли нав ўсиб чиқадими?— деб сўради кружкада қаламча тутиб турган Қарим полвон.

— Йўқ,— деди Ботир кулиб,— ана шу пайванд қилинган кўзлардан бутоқ ўсиб чиқади-ю, баҳорда гуллайди, шу вақт ўтган кун пайванд қилинган Эльберта нави билан буни чанглатамиз. Кейин ўша гулдан бўлган

мева уруғини эксак янги дурагай нав пайдо бўлади.

— Уҳ-ҳў, кутавериб тоқатинг тоқ бўлар экан-да..

— Ҳа... Илм-тажриба сабр ва чидамни талаб қилади. Осон эмас, ўртоқ Каримбой.

Ботир билан Карим полвон пайванд қилишни давом этдирдилар. Махсус тайёрланган тахтачага қачон ва қандай нав пайванд қилинганлиги ёзилиб, ўша дарахт шохига осиб қўйилди. Ботир буни ўз дафтарига ҳам ёзиб қўйди.

Улар анчагача шу йўсинда ишладилар. Қуёш тик кўтарилиб, ҳарорат кучайди. Дам олишга чиқиш учун урилган занг товуши эшитилди. Ботир пичоқчасини тозалаб чўнтагига солди:

— Қани энди, полвон, юр овқатланиб, пича дам олайлик,— деди.

Улар ҳовуз лабидаги супада, қизариб пишган ўрик тагида ўтирдилар. Карим полвон дарахт шохига осиб қўйилган дастурхонни олиб берди ва яхна гўшт билан нонни майдалаб қўйди, сўнгра чой дамлаб келиш учун чойнакни олиб, Бўстон звеносига кетди. Қайнаб турган бак ёнида Бўстонни ёлғиз учратди, у билан саломлашиб жўмакни бураркан:

— Сизни Ботиржон сўраб юборди; зарур иш борга ўхшайди...— деди ва ёлғон гапиргани ўзига таъсир қилиб мийиғида кулиб қўйди.

Ботир дастурхонни беркитиб, Карим полвонни кутди. Шу вақт иккита чумчуқ уришиб учиб келди-ю, ўрик шохига қўнганди, битта ўрик узилиб Ботирнинг бошига тушди ва икки бўлиниб кетди. Ботир ўрикни олиб, ҳовуз сувига ювиб еди. Шу вақт эсига эски ўрикзорлар ва уларни парвариш қилиш тушди. Янги боғ билан овора бўлиб эскиларига аҳамият беролмагани учун афсусланди. Шу хаёл ичида ўтирганида фирчиллаб дарвоза очилди. Ботир «Карим полвон бўлса керак» деб эътибор қилмади. Бир вақт катта бир кесак ҳовузга — Ботирга яқин ерга келиб тушиб, унга сув сачратиб юборди. Ботир қайрилиб қараса, орқасида табассум қилиб Бўстон турибди. Кутилмаганда келиб қолганига ҳайрон ва хурсанд бўлиб, дарров ўрнидан туриб, «Келинг, Бўстон» деб жой кўрсатди. Бўстон «қўрқдигизми?» деди Ботир «Ҳа... урушда ҳам бунақа қўрққанним йўқ эди, ҳовуз бомба тушгандай гумбураб кетди» деб жавоб қилди. Бўстон кулди.

— Одамда ҳар хил ҳолат бўлади... Сизга қизиқ воқиани ҳикоя қилиб бераман, яқинроқ ўтиринг,— деди.

Бўстон унга яқин ерда ҳовузга қараб оёғини осилтириб супада ўтирди.

Эғнида майда қизил гулли оқ батис кўйлак, бошида юпқа ипак рўмол эди.

— Қани бошланг, эшитайлик,— деди Бўстон сабрсизланиб.

— Собиқ Кенигсберг — ҳозирги Калининград ўрмонларидан бирида эдик. Дарахтларга тез, усталик билан чиқа билганим учун кўпинча кузатувчи қилиб кўйишарди.

Душман билан орамиздаги масофа жуда яқин. Гоҳ улар, гоҳ бизлар ҳужум қилиб турардик.

Бир куни, тонг энди оқараётган пайтда командир менга дарахтга чиқиб, душманни кузатишни буюрди. Мен баланд бир дарахтнинг уччига тирмашиб чиқдим, тонг ғира-ширасида узоқдан ҳеч нима кўринмасди. Онда-сонда замбарак отилгани, снаряд ёрилгани, қушларнинг овози келади. Мен дарахтни қучоқлаб, учида ўтириб кўзларимни йиртилгудек катта очиб, душман тарафга қарайман, лекин ҳеч нарса кўринмайди.

Бир вақт кўққисдан фашистлар ҳужум қилиб қолди. Командир чекинишга буйруқ берди. Мен дарахтдан тушгунча немислар яқинлашиб қолди. Бизникилар янги позицияга чекинди. Мен дарахтнинг ярим белида тирмашиб қолдим.

Бирпасдан кейин тонг ёришиб кетди. Майда ёмғир савалай бошлади. Атрофга диққат билан қарадим. Мен турган дарахт атрофида ўн икки немис солдати ёнбошлаб ётиб, овқатланмоқда эди. Биттаси кузатувчилик қиларди. Нима қилишимни билмадим. Секин баландроқ кўтарилиб, бизникилар томонга қарадим. Орада икки гектарча очиқ майдон бор эди. Немислар ўша ердан ўтолмай тўхтаган эдилар. Яхши диққат қилсам, ўрмоннинг нари ёғида командир Сергей Петрович дурбин билан дарахтларга қараётир. Хурсанд бўлганимдан қичқириб юборай дедим, кўлларимни тебратиб ишора қилдим. «Нима қилай...» дедим. Сергей Петрович тушуниб, қўлидаги гранатани кўтариб, «ташла деб ишора қилди. Мен «хўп» дедим. Сўнгра белимдаги гранатани олиб, пастроқ тушдим ва фашистлар-

нинг қоқ ўртасига ташлаб юбордим. У гумбурлагач, иккинчисини ташладим, ҳаммаси ер билан яксон бўлди.

Узоқроқда қоровуллик қилаётган немис қўрқиб қочди. Шу пайт бизникилар босиб келиб уни тутиб олишди. Бу — Ватан уруши frontiдаги биринчи муваффақиятим бўлди.

— Бирданига шунча фашистни йўқ этган, қўрқоқ,— деб кулди ва «кетаман» деб ўрнидан турди Бўстон.— Хўш нима ишингиз бор эди, нега чақирдингиз?

Ботир Қарим полвоннинг ҳийласига тушунди ва ўрнидан туриб, уни ўтиришга қистарди. «Ишим ҳозирча шу — бирга овқатланамиз. Э, бу Қарим полвон қани, чойга кетиб нима бўлди экан?» деб дарвоза тарафига қаради. Шу вақт чойнак кўтариб Қарим полвон келиб қолди.

— Кечирасизлар, сўзларинг адо бўлганча халақит бермай деб кутиб чойни совутиб қўйдим,— деди.

Ботир билан Бўстон кўз тагидан бир-бирига қараб кулиб қўйди.

Ботир дастурхонни очиб, овқатга таклиф этди. Учласи овқатлана бошладилар.

Ишга занг урилди. Бўстон туриб, қўлини ювиб, артди. Кейин Ботирнинг ёнига келиб:

— И. В. Мичурин ҳақидаги китобни менга ҳам берсангиз, қизлар билан ўқиб чиқмоқчи эдик,— деди.

— Жоним билан берардим, ҳозир ўртоқ Тошпўлатов ўқияптилар,— унга тикилиб қараб,— яқинда бу китоб магазинларда кўпайса керак...

— Қизлар шу кеча албатта топиб ўқиб бер, дейишган эди.

— Бу кеча бўлмаса ҳам индин Тошпўлатов ўқиб тамом қилар, сўнгра ўқиб берсангиз бўлади.

Бўстон хайрлашиб жўнади. Ботир билан Қарим полвон уни узатиб чиқдилар. Ботир галифе шими чўнтагидан бир хат чиқарди:

— Сизни шеър ва ғазални яхши кўради дейишади. Кеча менинг қўлимга ҳам биттаси тушган эди, ўқиб кўрингчи, маъқул бўлармикин?

Бўстон шимарилган енгини очиб, хатни ўраб қўйди ва тез-тез юриб пахтазор оралаб кетди.

Ботир билан Қарим полвон унинг орқасидан анчагина қараб турдилар. Қарим полвон унинг тўлғаниб бораётган йўғон, узун кокилларига қараб: «Анча ети-

либ қолибди» деди ва Ботирга қараб:— шунча ўтириб ишқ-муҳаббатдан бир оғиз ҳам сўз очмадинг-а? Ажойиб йигитсан-да...— деди.

— Ҳар нарсани вақти бор...

Ботир билан Қарим полвон яна ишга тушди. Улар энди шафтолини олчага пайванд қила бошладилар. Олча совуққа жуда чидамли мева дарахти, ҳамма нарсани совуқ урганида ҳам унга зарар етмайди. Ботир ундан ана шу чидамлилик хусусиятини шафтолига ўтказиш ниятида эди. Бу бир-бирига ўхшамаган турлар орасидаги пайванд эди...

Ботир шаҳарга тушиб, боғда қуриладиган бинолар учун ёғоч материаллар олиш ҳақида гаплашиш ниятида эди. Лекин қачон кетиши номаълум эди. Кечки овқатни егач, идора тарафга қараб жўнади. Бердиқулов кечки ишга соат тўққизда келарди. Ботир соатига қараб, «Ҳали пича бор» деб секин юрди. Гулзорни томоша қилди. Райҳонларни қўли билан қўзғатиб юбориб, ҳидлади. Ниҳоят, соат тўққиз бўлиб, Бердиқулов кабинетни тарафга қаради. «Чироғ ёнган, демак, раис келган» деб ўйлади.

У Бердиқулов билан қисқагина суҳбатлашиб, шаҳарга бориш учун рухсат олди. Шу вақт Бўстон келиб қолди. Ботир тарафга бурилиб:

— Кўчириладиган битта протокол бор, дарров ёзиб келаман,— деди ва жўнади. Ботир «хўп!» деганича кутиб ўтирди. У, янги оқ ипак кўйлак, чуст дўппи кийиб олган эди. Бўстонни кўргач, унга берган шеърни эсига тушди.

Ботир уни қайси бир китобдандир кўчириб олган эди. Бўстонга ўша шеърни бергани учун ҳозир уялди. Унда қандайдир бачкана, юзаки, ортиқча сўзлар ҳам бордай туюлди. Лекин энди фойдаси йўқ. Бўстон аллақачон уни ўқиб чиққан. Яна ўз-ўзига тасалли берди: «Ичида мақтовдан бўлак сўз йўқ эди шекилли, ёмон таъсир қилмаса керак».

Бўстон келди. Улар ёнма-ён юриб, боғнинг хилват жойларига кетдилар. Ботир шеърни Бўстоннинг эсига солди. Бўстон чўнтагидан ғазални олиб ўқий бошлади. Охирига келгач кулиб юборди:

— Куладиган жойи йўқ эди, шекилли?!

— Агар ўзингиз ёзган бўлсангиз, сиздан хафа бўлардим.

— Нега ахир?— деди Ботир ва ҳайрон бўлиб унга қаради.

— Бу мақтов эмас, масхара, ҳажв,— деди Бўстон.

Ботирнинг кўз олди қоронғилашди, юраги шув этиб кетди. Изҳор қилинган муҳаббат унга ҳақоратдай туюлибди. Дарҳақиқат, севмагандан кейин асалдай ширин сўз ҳам, заҳардан аччиқ сезилиши мумкин. «Наҳот шундай бўлса?» деб ўйлади.

— Кечиринг, Бўстон, сизни ҳурмат қилишдан бошқа ниятим йўқ,— деди паст товуш билан ва Бўстонни қўлтиқлаб олди. Улар аста-секин қадам ташлаб бордилар.

— Самарқандга кетяпман. Сизга нима совға олиб келай?— сўради Ботир.

Бўстон жонланиб, унга қайрилиб қаради:

— Қачон?

— Эрта.

Бўстон унга ялина бошлади:

— Ботиржон ака, яна уч кун тулинг, бирга борайлик. Мен ахир имтиҳон беришга бораман. Биринчи йил. Таниш эмасман.

Аввал уни сустроқ тутиб келаётган Ботир энди маҳкам қўлтиқлаб олди. Бўстоннинг гапирган сўзлари Ботирнинг қулоғига худди поэзиядек жаранглаб кирарди. Бўстон тиниқ қора кўзлари билан қийғоч қараб яна бир марта такрор қилди:

— Хўп денг.

Ботирнинг юраги тўлқинланиб кетди; зўрға ўзини босиб олиб, «хўп» деди.

— Бўлмаса менга жавоб беринг, бориб дарс тайёрлай. Имтиҳондан йиқилиб, шарманда бўлмайин яна.

— Сиз ҳамма фандан аъло ўтасиз. Бунга қаттиқ ишонаман.

— Ҳа, сиз бўлса-бўлмаса мақтай берасиз,— Бўстон табассум билан Ботирга қаради. Унинг қизил, юпқа лаблари, қалқиб кўринган юз ёноқлари Ботирга ажойиб кўринди. Уни ўз бағрига тортгиси келар, лекин ўзини зўрдан босиб турарди. Ниҳоят, бир оз қизарган ҳолатда, «унчалик пичинг қилмасангиз ҳам бўлар, биз ҳар қалай Қодирқул бўлолмаймиз-да»,— деди.

Бўстон Ботирга ялт этиб қаради-ю, унинг қўлидан ўзини қутқазиб, тез-тез юриб кетди. Ботир томдан та-

раша тушгандек гапирганига пушаймон бўлиб, унинг кетидан бир неча қадам ташлади:

— Бўстон, Бўстонхон!..— деди.

6

Ботир уйига келиб кроватга чўзилди. Ҳеч ким билан гаплашмади. Шифтга қараб ётди.

У билан яраш йўлини ахтарди. «Киши юборсинми, кетидан борсинми?»— ҳар иккиси ҳам маъқул бўлмади. Чунки ҳали ҳеч кимнинг гапи қулоғига кирмайди деб ўйлади.

Бўстон бир тарафдан шундай қилишим тўғри деб ўйласа, иккинчи томондан Ботирга юраги ачинарди. Билмасдан айтилган гап учун Ботиржон акамни хафа қилиб қўйдим, деб ўйларди. Хусусан Самарқандга бирга кетиш олдидан бундай воқиянинг юз бериши, унинг ўзини ҳам хафа қилиб қўйган эди.

Бу кеча шундай ўтди. Эртасига дам олиш вақтида боққа келар деб кутди. Лекин дарак бўлмади. Ботир энди «Бўстон чинакам хафа бўлган экан-да» деб ўйлади. Қарим полвон Ботирга «хафа бўлма, кечқурун ўзим яраштириб қўяман» деди.

Кечаси Қарим полвон шу мақсадда Бўстоннинг ҳовлисига борганда, «Қарим ака, келганингизга раҳмат, ҳар ким ўз гуноҳини ўзи ювиши керак» дебди. Ниҳоят эртасига Ботирнинг ўзи борди. Унинг товушини эшитиб Бўстон кийиниб чиқди. У Ботирга қарамай, тўғри хиёбон тарафга қараб юрди. Ботир унга яқинлашиб:

— Мунча аччиғингиз тез?..— деди.

— Тез бўлса дарров олдингизга чиқармидим?

Ботир: «Раҳмат-раҳмат» деб уни қўлтиқлаб олди. Улар Самарқандга бирга бориш ва у ерда қилинадиган ишлар ҳақида маслаҳатлашдилар.

Эртасига кун чиқмай Самарқандга жўнадилар.

Ботир Бўстонни институт ётоқхонасига жойлаштирди. Бўстон бир-икки консультация олиб, имтиҳонларни топшира бошлади. Институт катта боғ ичига солинган бир неча икки қаватли катта бино, атрофи дарахтзор эди. Ёзги даврда студентлар ана шу дарахтлар орасидаги скамейкаларда ўтириб дарс тайёрлайдилар.

Ботир келса Бўстон икки қиз билан дарахтзор орасида ўтириб дарс тайёрламоқда. Уларнинг бутун диққати китобда эди.

— Эртага «Основа»дан имтиҳон,— деди Бўстон Ботирга қараб.— Билмадим, қандай бўларкин, жуда оз вақт қолди.

— Дадил бўлинг,— деди Ботир.

Қизлар яна китоб билан банд бўлдилар. Ботир уларга халал беришини фаҳмлаб, эрта келишга ваъда бериб, жўнади.

Қизлар кечаси билан дарс тайёрладилар. Улар ўзларини синаб кўриш учун ўқиган ерларини бир-бирларига айтиб берар, бир-бирларининг сўзларини тўлдирар, нотўғри ибораларни тўғрилар эдилар. Бўстон гоҳ китобдан, гоҳ дафтардан ўқирди.

Эртасига яна апил-тапил ювиниб, китоб ўқишга киришдилар. Ниҳоят, звонок ҳам чалинди. Йигит-қизлар синфларга томон юрдилар. Коридорда чақирилишларини кутдилар. Студентлар тўртта-тўрттадан чақирилдилар. Бўстоннинг юраги дук-дук қилиб урарди. Аудиториядан ким чиқса ёнига бориб:

Қандай савол чиқди?— деб сўрарди.

Бир вақт «Бўстон Салимова» деб чақиришди. Бўстоннинг юраги «шув» этиб кетди, аммо Ботирнинг «дадил бўлинг» деган сўзи эсига тушиб, ўзини босиб олишга уринди. Улар иккита йигит, иккита қиз — тўртов бўлиб имтиҳонга кирдилар.

Кўзойнакли, сочлари оқарган доцент уларга сўроқ билетларидан олишни таклиф этди. Бўстон аста бориб билетни олди ва яна ўрнига келиб ўтирди, саволларга битта-битта кўз югуртирди. Дастлаб унинг боши «ғув» этиб кетиб, ҳеч нарса эсига келмади. Кейин эсига келган фикрларини икки бет оқ қоғозга ёза бошлади.

Анча вақт ўтди. Ҳеч ким биринчи бўлиб гапиришни истамади шекилли, доцент: «Қани, ким гапиради?» деб сўрашга мажбур бўлди. Бўстон бу сўроқни ўзига айтилгандек ҳис қилди. У атрофдагиларга бир қараб олди-да, секин қўлини кўтарди. Доцент «Марҳамат, марҳамат» деди.

Хусусан Улуғ Октябрь социалистик революциясида большевистик партиянинг стратегия ва тактикаси хақидаги жавоби доцентга жуда ёқди.

Ниҳоят, Бўстон ташқари чиқди. Ҳамма уни ўраб олиб қандай сўроқ тушганини, қандай баҳо олганини сўради. Бўстон қисқа-қисқа жавоб қилиб, ташқарига югурди. Кутиб турган Ботирнинг ёнига борди. Ботир

унинг чиройидан имтиҳондан дуруст ўтганини билиб, табриклади ва қандай баҳо олганини сўради. Бўстон кулиб, бармоқларини ёзиб кўрсатди. Ботир қувониб кетди.

— Беш?

— Ҳа.

Ботир дарров ёнбошида қоғозга ўроғлик турган сумкани очиб, Бўстонга узатди: «Ўқишда ғайрат кўрсатганингиз учун кичкина мукофот!»

Бўстон бир минут иккилангандай бўлди, сўнгра унинг қўлидан оқ катта сумкани олиб, «Раҳмат» деди.

— Бу кеча энди дам олинг, театрга олиб борай, эртага кетаман,— деди Ботир.

Улар кечқурун бирга театр кўрдилар, эртасига Ботир жўнади. Бўстон ундан тез-тез хат ёзиб туришини сўради. Уни кузатаркан, аясига, Нор холага, ўртоқларига салом айтишни сўради. Машина юриб кетгач, рўмолчасини силкиб қолди. Шу пайт унинг кўзларига ёш келди. Ботирни севиб қолганини шу маҳал равшан сездди.

Бўстон келиб, кроватга чўзилиб, узоқ вақт хаёл суриб ётди. Ҳеч нима ўқигиси, ҳеч ким билан гаплашгиси келмади. Кўз олдидан тез-тез Ботир ўтиб турди. Энди унга Ботирнинг сўзлари, ҳаракатлари, муомаласи шу қадар иссиқ сезилдики, усиз яшаш оғирдек туюлди.

7

Ботир тажриба участкасида ишлаб турган эди, идора қоровули келиб, бухгалтер чақираётганини айтди. Ботир: «Бир оздан кейин бораман» деди.

Қоровул келиб Равшановга Ботирнинг жавобини айтди. У ойнак устидан унга тикилиб турди-да, «ҳа, майли» деб чўт қоқа бошлади.

Равшанов эллик ёшларга бориб қолган, қорача, катта юзли, лаблари қалин, яси бурун, соч-соқоли чала оқарган бир киши эди. У кам гап, лекин ҳар сўзни билиб гапирарди. Ҳеч кимга ўшқириб гапирмасди.

Хўжалик мудири, омборчи ва бошқа хўжалик ходимлари ундан бемаслаҳат иш қилмас эдилар. Карим полвон уни «Колхознинг қулфкалити» деб атарди. Нариги колхознинг тегирмончиси мулла Нусрат эса ҳасад қилиб: «Шайтон, иблисга дарс беради» дерди. Кейинги

вақтларда бирон чатоқ топмасин, деб ундан шубҳаландиган ҳам бўлиб қолди. Бир куни йўлда тасодифий учрашганда: «Айтдилар, қишлоғингизда анча тишга тегиб қолибсиз» деган эди. «Бугдой унига арпа уни қўшиб берганимни билганмикан? Ҳар қолда гапи бежиз эмас...» деб ўйлади мулла Нусрат.

Равшановнинг бу колхозга келганига уч йил бўлди. У ҳамма хўжалик ишларини аста-аста ўз зиммасига олди. Бошда колхозчилар ундан нолиб юрдилар, ҳатто шикоят қилиб, ариза берувчилар ҳам бўлди. Аммо кейин-кейин тушуниб, ҳурматлайдиган бўлиб қолдилар.

Равшанов ростгўй, ҳисобни яхши кўрадиган одам. Колхознинг даромад ва харажатини жуда қаттиққўллик билан олиб боради. Шунинг учун уни баъзилар расмиятчи деб атайдилар, лекин у эътибор қилмайди, ҳар қандай шароитда ҳам қонундан бир қадам чекинмайди.

Йўл бўйидаги, ариқ лабидаги ўрик ва жийдаларни илгари ҳеч ким ҳисобга олмас, уларнинг меваларини йўловчилар еб кетарди. Равшанов эса ўшаларни ҳам ҳисобга олиб, бир йилнинг ўзида колхозга анча сўм қўшимча даромад келтирди.

Равшанов бир куни дала айланиб чарчади, катта йўл ёқасидаги ариқ лабига келиб ўтирди. Қўлтиғидан рўмолга ўроғлик нонни чиқариб, сувга ботириб еди. Бир вақт кўзи ерда сочилиб ётган тут майизларига тушди. Териб олиб, бир нечасини ювиб еди. Қуёшнинг кучли ҳарорати билан қизариб кетган майизларнинг шираси кам эди. Лекин шунга қарамай, Равшанов бундан фойдаланиш фикрига келди. Ишга яроқсиз чолу кампирларни, болаларни тушунтириш йўли билан тут қоқиб, майиз қилишга сафарбар қилди.

Бу ҳодиса мулла Нусрат ва баъзиларга катта даст-моя бўлди. «Исқирт. Ахир тут майизини бошига урадимми? Колхозимизга иснод келтиради, обрўимизни тўкади. «Октябрь» колхозининг аъзолари тут майиз териб юрибди» деган гапни эшитгандан кўра, ўлган яхши! Бу хасисни йўқ қилиш керак» дея бошладилар.

Аммо бу гаплар Равшановнинг парвойига ҳам келмасди. Бундан колхозга қанча минг сўм «киради» дерди у. Дарҳақиқат колхоз бу йил тут майизидан анчагина даромад кўради.

Равшанов катта дафтарга нималарнидир ёзиб, энди қўлидан речкани қўйган эди. Ботир кириб келди. У қўздан катта оқ ойнагини олиб қўйиб, Ботирга ўтириш учун жой кўрсатди. Ботир унинг сўзларини тик туриб эшитмоқчи бўлди. Лекин Равшанов «Йўқ, бўлмайди, ўтиринг» деди. Ботир унинг яқинига бориб ўтирди. Равшанов кўзларига яна ойнакни қўйиб, бир дафтарни олди ва секин варақлади. Унда бригада ва звеноларга бериладиган йиллик ишлаб чиқариш топшириқлари қайд қилинган эди. Равшанов Ботирга, боғ бригадасига берилган топшириқни қидириб топди ва гоҳ унга, гоҳ дафтарга қараб гапирди:

— Бу йил ўн саккиз гектар ўрикнинг ҳар гектаридан саксон центнердан ҳосил олиш белгиланган эди. Бу ҳосилни олиш учун дарахт атрофларини чопиш, суғориш, гўнглаш, дори сепиш, буташ каби ишларнинг ҳар бирига, ўзингизга маълум, тегишли меҳнат кунлари қўйилган эди. Меҳнат кунларини тўла сарф қилибсиз, балки ошиқроқ ҳам. Лекин ҳар гектар ўрикдан саксон эмас, олтмиш саккиз центнер ҳосил бўлди. Демак парвариш сифатсиз бўлган, меҳнат куни анча исроф қилинган. Шунинг учун СССР Министрлар Советининг 1948 йил 19 апрель қарорига мувофиқ, пландан ошиқ сарф қилган меҳнат кунлари ҳисобдан чиқарилиб, қолганларидан кам олинган ҳар процент ҳосил учун бир процент меҳнат кунингизни кесамиз. Сиз ҳосилни кўрсатилганидан 12 процент кам олдингиз, 12 процент меҳнат кунингиз кесилади.— Равшанов дафтарни беркитиб, яна Ботирга қаради,— сизга шуни билдириш учун чақирган эдим. Лекин бемалол бўлса, яна бир нарсани айтиб қўймоқчиман. Сизда яна битта камчилик бор: Сизда, афтидан, даромад билан харажат ҳақида равшан тушунча йўқ. Қани, ўзингиз айтинг, чўнтагингиздан пул чиқиб турганими, ёки кириб тургани яхшими?

Ботир кулди.

— Албатта, кириб тургани яхши,— деди.

— Ҳа, ана ўлманг, колхоз ҳам шундай. Мен харажат бўлмасин демайман, зарур вақтда тежаб-тергаб сарфлаш керак. Лекин даромад ҳақида ҳам емоқ лозим. Келганингиздан буён фақат сарф-харж, яхши эмас, ука.

Ботир «тўғри, гапга тан бериш керак» деб ўйлади. Дарҳақиқат, бу масала шу вақтга қадар унинг диққат марказида эмас эди.

— Жуда муҳим бир ишни эсга солганингиз учун раҳмат. Бу камчиликни тугатишга ҳаракат қиламан,— деди Ботир ва кетиш учун ўрнидан турди. Бухгалтер унинг қўлини қаттиқ қисиб хайрлашди.

Ботир бухгалтериядан чиққач, ўйлаб кетди: «Дарҳақиқат, анча харажат қилдик, лекин ҳали колхоз кассасига бир тийин киритганимиз йўқ. Бу айб. Бунинг устига ўрик ҳосили плани бажарилмади, эски боғларга ҳам парваришни кучайтириш зарур. Тезроқ даромад берадиган иш қилиш керак. Ботир қизиқ бир нарса эсига тушгандай кулиб қўйди. «Тавба, ажойиб одам, менинг даромадимни — меҳнат кунимни кесди-ю, мени даромад келтириш ҳақида ўйлашга мажбур этди».

8

Бўстон имтиҳонлардан муваффақиятли ўтди. Ботир уни табрик қилиш учун бориб, янги дўппи кийиб қайтди. Шу кеча колхоз правление йиғилишида янги боққа ўтқазиладиган узум навлари рўйхати қаралди.

— Егулик навлар орасида,— деди Ботир рўйхатни ўқиркан,— катта ғужумли ва ғужумларининг ярми пушти тусида бўлган ним ранг диққатга сазовордир. Узуми ширин, салгина қимизак мазали. Гўшти анчагина қаттиқ, еганда оғизни жийдага ўхшаш сал қуруқ қилади. Ғужум бандлари анча қувватли, узумларини яхши тутиб туради. Бошқа навларга қараганда камроқ тўкилади. Салқин бинога осиб қўйилса узоқ сақланиши мумкин. Узоқ жойларга юбориш учун ҳам қулай, ҳосили яхши. Ҳар бир бош узум тўрт килограммча келади. Машҳур узумшунос Ризамат ака бу навнинг ана шу хусусиятларини назарда тутиб, кўпайтиришни тавсия қилади. Планимизда бу хил ток анча ўрин тутади. Пушти-тоифи навли токдан ҳам анча ўтқазилади. Бу — мазаси, ташиш ва қиш учун асрашга қулайлиги жиҳатидан алоҳида ўрин тутади. У ҳозир кам тарқалган бўлса ҳам, катта истиқболга эга. Чарос эрта пишади, мазаси тузук, лекин кам ҳосиллироқ. Бундан озроқ ўтқазамиз. Мускат Венгерский шакари кўп, ширин, ажойиб хушбўй, винобоп, лекин сақлашга чидамсиз. Изо-

белла — мураббо учун жуда боп. Морастель, мурведр, пушти, Тошбуваки каби винобоп навлар оқ, қора, шувулғони, чиллаки, қоражанжал, каттақўрғон каби майизбоп навлар ҳақида ҳам гапирди.

— Жуда сувли, ширин султонийдан ҳам ўтқазिश керак. Қаттиқ иссиқдан чарчаб, чанқаб чиққанда жуда кетади,— деди Мавлон амаки.

— Самарқанд тоқчилик тажриба станциясида каттақўрғони билан паркент навли узум қўшилиб, 1488 номерлик янги сорт яратилган. Чиройли, қорамтир, қизил рангли,— деди блокнотига қараб Бердиқулов,— узум донаси ҳам катта. Текширилганда маълум бўлдики, составида 23 процент қанд бор экан. Дарҳақиқат, карсилламайди, оғиз шира билан тўлиб кетади. Шундан ҳам бўлсин.

Бўстон секин ўрнидан турди. «Қани-қани сендан ҳам эшитайлик»,— деди Тошпўлатов. У очиқ чеҳра билан Ботирга қараб гапирди.

— Ботиржон акам энг яхши майиз бўладиган бир маҳаллий навни унутибдилар. Боғбоннинг бу хатосини ҳеч кечириб бўлмайди. Ахир, рўйхатингизда сершира васарга нега йўқ? Ҳукумат бу йил шунақа токдан кўп қаламча тайёрлаш ҳақида план берибди.

— Тўғри, тўғри, мен бу ҳақда гапиришни унутибман. Раҳмат, Бўстонхон, эсга солдингиз,— деди Ботир. Бу охирги қатъий рўйхат эмас. Яхши навлар топилган сари киритиб бораверамиз. Кузгача анча фурсат бор. Ҳозирданоқ ҳамма колхозчиларга билдириб, илтимос қилиш керак. Улар кузатиб борсинлар. Қаерда антиқароқ, яхши нав олма, ўрик ёки бошқа мева кўрсалар, эшитсалар, дарров бизга хабар қилсинлар. Баъзан алоҳида шароит ва бошқа сабаблар билан мева дарахтлари ва тоқлар орасидан бошқаларига ўхшамаган ажойиб янги хили етишиб чиқиб қолади. Бундайларни дарров олиб кўпайтириш керак.

Ботир тоқнинг эрта пишар навларини озроқ, ўрта ва хусусан кеч пишар навларини кўпроқ ўтқазишни назарда тутилганини айтди. Ўрик, шафтоли каби мевалар тамом бўлай деганида, ўрта ва кечки узум пишса уларнинг ўрнини босади. Кўп колхозларда йўл қўйилган хатодан, эрта пишар навларни кўп экишдан сақланиш лозимлигини кўрсатди. Чунки эрта пишар узумдан майиз ҳам, вино ҳам бўлмайди.

— Саксон гектарлик бу боғ гуллаб кетса, қишлоғимизнинг ҳавоси ҳам ўзгаради,— деди қишлоқ советининг раисаси Саломова.

— Худди қаймоқдай бўлади,— қўшиб қўйди Карим полвон.

Ток ва бошқа мевалар рўйхати кўздан кечирилиб ҳамма бир фикрга келгач, Бердиқулов туриб:

— Эндиги вазифа ана шу навларни топиш, сифатли қилиб ўтқазиш,— деди.

9

Тошпўлатов кабинетга кирганда, Камолов бир қўлида газета, харитадан ниманидир ахтараётган эди. У эшик тарафга сал бурилиб.— Келинг, келинг салом!— деб Тошпўлатов билан кўришди.

Камолов ўз ўрнига ўтди. Тошпўлатов ҳам унга яқин бориб ўтирди. У нимадандир норозидек, табиати анча хира эди.

— Қачон колхозлар билан район идоралари орасида боғланиб иш олиб борилар экан?— деди у, жиддий қиёфада.— Бир ишни планлаштириб, бажараман деб турганингда телефон қилиб қолишади. Шу куни мутлақо кутилмаган бошқа бир иш топширишади. Бугун колхоз правленийеси йиғилишида цитрус масаласини муҳокама қилмоқчи эдик, кутилмаганда: «дарров етиб келинг» деб телефон қилишди.

— Тўғри, бу яхши эмас, бу зарарли ҳодиса кўп такрорланаётир. Ҳамма идоралар ва ҳамма колхозлар аниқ план билан ишламоқлари ва бир-бирларининг планлари билан таниш бўлмоқлари керак. Область билан районлар орасида ҳам худди шундай муносабатни вужудга келтириш зарур. Хўш, цитрус экинлари масаласи коммунистлар орасида муҳокама қилин-дими?

— Йўқ, зарурият бўлмади.

Камолов оқ оралаган сочини қўли билан силаб тўғрилагач, унга норози кайфиятда қаради:

— Чакки қилибсиз, цитрус — янгиллик, уни дурустроқ кутиб олиш, яхшироқ қўллаб-қувватлаш керак эди.

Тошпўлатов гапирмади. Улар бир оз суҳбатлашиб ўтиргач, кенгаш бўладиган жойга жўнадилар

Ботир правление йиғилишида дастлаб цитрус мевалари ўстиришнинг аҳамияти ҳақида гапирди. Кейин амалий вазифаларга ўтди.

— Биз бу йил,— деди у,— минг дона лимон, апельсин қаламча ва кўчатлар ўтқазишимиз керак. Бунинг учун иккита иссиқ сарой парник қуриш зарур. Архитекторлар билан ҳисоблаб, аниқлаб чиқдик. Ҳар бирининг проект баҳоси ўттиз олти минг сўм, демак, етмиш икки минг сўм ажратиш керак. Давлат мева-тажриба станцияси билан ҳам маслаҳатлашилган бу иш.

Юмшоқ диванда қўлини иягига тираб, бепарво ўтирган колхоз бухгалтери Равшанов етмиш икки минг сўмни эшитгач, қуюқ қошларини чимириб Ботирга тикилди. У, «Ботир ҳамма нарсага тушунган йигит бўлса ҳам, лекин маблағ масаласида тажрибасизлик қилади» деб ўйларди. Шунинг учун Ботирнинг бугунги гапини у, ўз фикрининг тўғрилигига янги далил деб ҳисоблади. Равшановнинг ёнида ўтирган кекса боғбон Абдужаббор ота эса пулни эшитгач, қўй кўзларини катта очиб, «ўҳў» деб қўйди. У Ботирга бир оз рашк билан қарар, у билимли бўлса, мен тажрибали деб гердаярдн. Лекин Ботир келганидан кейин боғ ишлари кенгайиб, боғбонларнинг қадр-қиммати ортганидан хурсанд эди. Раиснинг столи ёнбошида ўтирган Салим ака Ботирнинг сўзини эшитгач, сарғимтир калта соқолининг учини ушлаб, чиройли кўзларини кулдириб, дераза олдида ўтирган Риза бобога қаради ва бош чайқаб илжайди. Пахтага бевосита алоқаси бўлмаган ҳамма нарса унинг гашига тегарди. Катта боғ кетидан дарров бу янгиликнинг чиқиши уни чўчитиб юборди.

— Тажриба ҳам эви билан-да,— деди музокара учун биринчи бўлиб сўз олган Абдужаббор ота.— Ҳар ўсимликнинг ўз ватани, ўз иқлим-шароити бор. Балиқ сувдан чиқарилса ўлганидек, у ҳам ўша шароитсиз туролмайди. Лимон 7-8 даражадан ортиқ совуққа чидай олмайди, бизда эса совуқ баъзан 30 даражага етади. Секинроқ юрсак ҳам манзилга етамиз.

— Ҳали Ҳиндистондан хурмо дарахти ҳам келтирамиз денг!— Салим ака қизишиб ўрнидан турди.— Жуда ҳам кўкнори хаёл бўлиб кетаётирмиз. Колхоз тажриба станцияси эмас. Яқиндагина катта пул харжлаб боғ қи-

линди. Бир йил ўтмасдан яна янги мақом. Ахир, инсоф борми? Менингча, ҳали бу ишга шошилмаслик керак.

Ботир Салим акага жавоб бермоқчи бўлиб ўрнидан турган эди, Абдужаббор ота рухсат олмай яна гапира бошлади:

— Бундан анча йиллар бурун Ўзбекистонда лимон ўстириш учун шундай бир ҳаракат қилинган эди, лекин натижа чиқмади. Энди ким кафил бўлади?

Чол одамларга жиддий бир кўз югуртириб, жойига ўтирди. Абдужаббор отадан кейин Бўстон сўз олди. У йиғилишларда сўзлаб ўрганган бўлса ҳам, лекин бу сафар негадир бир оз ўнғайсизланиб, қизариб гапирди:

— Синалмаган нарсаларни ўзимиз синаб кўриб, ишга соламиз. Морган, Менделнинг фанга қарши таълимотлари дастлабки тажрибаларнинг натижасиз чиқишига сабаб бўлган эди. Энди муваффақиятларимизга кафил — улуғ олим Мичурин таълимоти бор, янгиликни дадиллик билан қувватлашимиз лозим.

Салим аканинг аччиғи келиб қизариб кетди. Блокнотига нималарнидир ёзиб чизаётган Равшанов, қалам ушлаган қўлини баланд кўтариб сўз олди. У қил кўприкдан ўтаётган кишидек эҳтиёт билан гапирарди:

— Албатта, янгиликка қаршилиқ қилиш ярамайди. Лимон, апельсиннинг одамзодга фойдали эканини ким билмайди? Агар тажриба ўнгланиб кетса, мевадан ташқари, колхозлар кўчат сотиб ҳам анча даромад қилиши мумкин. Лекин, — одамларга кўз тагидан бир қараб олди у, — лекин Ботир ишни бирданига жуда катта ҳажмда бошлаб юбормоқчи, мен ана шунга қаршиман. Ҳар ҳолда янги нарса, тажрибамиз йўқ. Менингча, дастлабки йилларда қирқ-элликта кўчат билан битта кичкина хона ажратиб берсак, ўтин билан мўл-кўл таъминласак, нима дейсизлар?..

— Бунча назарингиз паст, — деб тескари қаради унга ёнма-ён ўтирган Қумри.

— Яхшиси, бир-икки йил сабр қилсак, — деди Риза бобо паст товуш билан. — Бошқа колхозлар қилиб кўрсин, кейин биз...

Қарим полвон аччиғи билан: «Менга сўз беринг» деб ўрнидан турди. У қошларини чимириб, Риза бобога тикилиб гапирди.

— Гапга тушунапсизми? Бўстонхон ўзимиз тажриба қиламиз, биз эмас, бошқалар бизга эргашсин, деяптилар.

— Нима-нима?— бобо қизишиб ўрнидан турди.— Салимнинг қизи авлиё бўлибдими? Унинг сўзи менга қонун эмас.

— Кечирасиз, бобо,— деди Карим полвон совуққонлик билан,— менинг гапим битта, пахтадан илғормизми, бас, шундай экан, бу ишда ҳам ҳаммадан олдинда бошимиз керак.

— Карим полвоннинг гапи тўғри,— деди Бердиқулов ўрнидан туриб.— Биз илғор колхоз бўлсак янгиликни ҳаммадан бурун қўллаб-қувватлашимиз зарур. Цитруснинг фойдалари ҳақида Ботир дуруст гапирди. Хукуматнинг қарори бежиз эмас. Агар правление узоқни кўролмайдиган, колхоз аравасини орқага тортишга уринаётган баъзи ўртоқларга эргашиб бу проектни қабул қилмаса, айб бўлади. Менимча, масала равшан. Овозга қўяман. Кимда-ким...

Равшанов унинг сўзини бўлиб, «Шошилманг, раис» деб ўрнидан турди:

— Ўртоқ Бердиқулов тўғри гапирдилар. Илғорликни қўлдан бериш ярамайди. Лекин «ур» деганда, кўз чиқариш ҳам яхши эмас. Мен бу йилча иккита эмас, битта парник қуришни, уни ҳам ўз кучларимиз ва материалларимизни кўпроқ ишга солиб, ўн беш минг сўмга туширишни таклиф қиламан. Бу ишда Ботирга ўзим ёрдам бераман.

Бердиқулов билан Ботир бу таклифга қарши гапирдилар. Шундай бўлса ҳам битта ортиқ товуш билан Равшановнинг таклифи ўтди. Бердиқулов дарров ўзини тутиб олиб, оташин бир вазиятда йиғилишни ёпди. Ботирнинг кўнгли хира бўлди. Правлениедан чиқиб, Бўстон билан ёнма-ён кетар экан: «Аттанг, планлар бузилди...» деди.

— Нега умидсизланасиз? Ҳали умумий мажлис бор. Дадил бўлинг,— деди Бўстон.

Орадан икки кун ўтмай, райком бюросининг «Октябрь» колхозини бошланғич партия ташкилотининг хатолари ҳақида махсус қарори чиқди. Бу қарор коммунистлар йиғилишида муҳокама қилинди.

— Хато шундан иборат,— деди Тошпўлатов жиддий равишда,— биз колхозларда цитрус мевалари ўстиришга етарли баҳо беролмаганмиз. Колхоз партия ташкилоти бу янгиликни зарур даражада қўллаб-қувватлай олмаган. Бу масала коммунистлар ва активлар орасида му-

ҳоқама қилинмаган, тайёргарликсиз правление йиғилиши муҳокамасига киритилган. Натижада, катта прогрессив аҳамиятга эга бўлган агроном Мавлонов проекти ўтмай қолган. Кўриниб турибдики, ўзимизга ортиқча ишонганмиз, иш жилувини бўш қўйиб юбориб, бепарволикка берилганимиз учун қолоқ кайфиятлар хуруж қилган Район партия комитети бизнинг хатомизни ўз вақтида жуда тўғри кўрсатди.

Партия йиғилиши хатони тузатиш ва цитрусчиликни ривожлантириш чоралари ҳақида махсус қарор қабул қилди.

Колхозчилар умумий йиғилишида бу масала юзасидан Тошпўлатов доклад қилди. У жануб меваларини дадиллик билан шимолга ва янги районларга суриб бориш вазифаси ҳақида гапирди.

— Революциядан аввал,— деди Тошпўлатов,— бутун Россияда ҳаммаси бўлиб, юз эллик гектар ерда цитрус ўсимлиги бор эди. У ҳам, кўпинча катта помешчик ва бойларнинг дарчаларида зийнат учун ўстирилар эди. Инсон ҳаёти учун фоят фойдали бўлган бу мева совет ҳокимияти йилларида тез ривожлантирилди. Батумидан тортиб то Сочигача, Қора денгиз қирғоқларида, Озарбайжоннинг бир қатор районларида кучли цитрус хўжалиги ташкил қилинди. Аввал у ерларда ҳам йўқ эди. Худди шундай, бу меванинг бизда ҳам ривожланиб кетишига шубҳа йўқ.

Тошпўлатов янгиликдан қўрққан кекса боғбон ҳақидаги ҳикояни китобдан ўқиб берди. Одамлар меҳр қўйиб тингладилар. Тошпўлатов цитруснинг колхозга иқтисодий жиҳатдан келтирадиган фойдаларини ҳам аниқ ҳисоблаб берди. Коммунистлар бирин-кетин сўзга чиқиб, уни қувватладилар. «Бизга қўпол эски бостирма эмас, бутун қондаларга мувофиқ қурилган янги тип парник керак» дедилар.

— Ундай бўлса, иккита эмас, тўртта сарой қурсин,— деди Риза бобо ўрнидан туриб.

— Э... дарров сўзингиздан қайтдингизми?— деди унга пичинг билан Қарим полвон. Одамлар кулишди, бобонинг аччиғи келди. У ҳассасини Қарим полвонга ўқталиб:

— Ўтир, ўтир жойингга. Ювилмаган қошиқдай ҳар нарсага суқилаверма, аввал бунақа пухта тушунтирилмади-да.

Равшанов жим ўтирди. У мажлиснинг боришидан гапи ўтмаслигини билди, иккинчидан, Тошпўлатовнинг далиллари уни анча ўйлантириб қўйди. Салим ака эса, ўз таклифини ҳимоя қилишга ботинмай, Равшановнинг таклифини ёқлади. Лекин унинг сўзи совуқ темирга болға ургандек ҳеч кимга таъсир қилмади. Абдужаббор ота бисотини қанча кавласа ҳам, кучли далиллар топа олмади. Риза бободек ҳақиқатга тан бериб, таслим бўлишга журъат этолмади. «Ўзимники маъқул» деб, қайсарлик қилиб ўтирди. Йиғилиш Ботирнинг проектини кўпчилик овоз билан маъқуллади.

Йиғилишдан кейин Бўстон:

— Ана, кўрдингизми, айтганим келдимиз?— деди хурсандлик билан Ботирга қараб.

— Ҳамма вақт айтганингиз келсин,— деди Ботир ҳам суюниб.

Салим ака, Абдужаббор ота мажлисдан кейин тажанг бўлиб дарҳол уйларига кетдилар. Эртасигаёқ парниклар қуриш учун иш бошланди.

10

Ботир бу районга эрта билан пассажир машинада келди. Тоғдан тушиб, тошдан-тошга урилиб районнинг қоқ ўртасидан оқаётган катта сувда қўл-юзини ювди. Кейин шу ариқ бўйидаги супада ўтириб чой буюрди. Чойхоначи унинг олдига бир лаълида иккита нон, бир бош қора ҳусайни ва кўк чой келтирди. Ботир ноннинг биттасини синдириб, пиёлага чой қуйди. Бир бурда нон еб, иссиқ чойдан хўплади, сўнгра қўлига бир шингил узум олиб, кўзи билан атрофга саёҳат қилди. Тоғ этагидаги бу қишлоқда (ҳозир район маркази) пишқириб оқиб турган ариқнинг икки томонига баланд-паст уйлар, катта мактаб, касалхона, клуб, ҳар хил магазинлар, колхоз қизил чойхонаси солинган; ўртада чиройли, кўк кўприк. Бу бинолар орқасида оқ сочли баланд тоғлар худди салом бергандай бош эгиб турибди. Ҳаво соф, одамга худди қаймоқдек ёқади.

Ботир бу манзарага қараб хаёл суриб кетди. Ўзидан сал нарида бошига кўк салла ўраган бир чол асал билан чой ичмоқда эди. Ҳаво иссиқ бўлса ҳам, кўк телпагини бошидан олмай ўтирган қорача, ориқ, узун шеригини

ҳадеб асалдан олишга қистар, асални ошириб-ошириб мақтарди:

— Ука, асалдан олинг. Бу ернинг арилари тоғда минг хил гиёҳ еб асал қилади. Бу гиёҳлар мингта касалга даво.

Чол Самарқанднинг Ғалаосиё қишлоғида ёпилган машҳур қизил пўрсиллоқ нонга асални кўп-кўп суркаб, «бай-бай» деб емоқда. Шериғи эса, кичик бурдаларга озгина суркаб, эринибгина оззига олиб бормоқда.

— Ута чимхўрсиз, бу ерда тош есангиз ҳам сингади. Тоғ ҳавоси, курорт жой.— У бошларини қимирлатиб, завқ билан гапирмоқда.— Бу ернинг хосияти кўп, мушқ ҳиди келадиган тамаки шу ердан чиқади. Давлатга мингларча пуд майиз шу ердан боради. Бу йил анчагина пахта ҳам экишган. Э, асални айтмайсизми, асални!..

Чол кулиб, завқ билан гапирмоқда ва кўк чойни иссиқ-иссиқ хўпламоқда. Унинг сўзларидан Ботирнинг эсига колхоздаги асаларичилик тушди. Ҳолбуки колхозда ундан кўп даромад олиш мумкин, лекин ташлаб қўйилган. Хусусан мевачиликни юксалтиришда катта фойда си бор.

Ботир чой-ноннинг пулини тўлаб, мева бозорига кетди. У, бозорга бориб, ҳар хил меваларни диққат билан кўздан кечирди. Кўзига яхши кўринганларидан битта-яримта еди. Айланиб юриб, наҳоятда узун бўйли, оппоқ соқолли бир одам ёнида тўхтади. Уни олтамиш беш-етмишга кирган бўлса керак, деб ўйлади. У қоратоифи сотиб ўтирарди. Ботир ундан битта олиб, оззига солди.

— Ота, неча ёшга кирдингиз?

— Шу йил баҳорда тўқсон уч тўлиб ўтди.

Ботир ҳайратда қолди. Ишонгиси келмади. Чунки чол жуда бардам, юзлари қип-қизил, ўзи ҳали жуда тетик кўринарди. Бу районда бундай чоллар кўп эди. Ботир яна сўроқ берди:

— Бу қоратоифининг макони қаер?

— Бу қоратоифи эмас, буни судраббосар дейдилар.

— Ҳа, ҳа, судраббосар ҳам дейдилар, қурвонбоши-Саидғуломий деб ҳам атайдилар.

— Испанза қишлоғида.

— Ота, беш-олтита чивиқ тўғрилаб бермайсизми?

— Боғ қиляпсизми?

— Ҳа.

— Жоним билан, ўғлим. Қанча десанг шунча, бундан тузуклари ҳам бор.

— Бўлмаса, кечқурун бораман.

— Испанза қишлоқ совети идорасига бориб, Шоди бобонинг ҳовлиси қани десанг, мана дейдилар.

— Раҳмат, ота, қуёш ботмай етиб бораман.

Ботир Испанзага қуёш ғарбий уфққа эндигина бош қўйган пайтда келди. Суриштириб, Шоди бобонинг ҳовлисини топди. Бобо ариқча бўйидаги катта ёғоч сўрига жой қилди. Кампир дарров дастурхон ёзди, чой дамлаб келди, Шоди бобо Ботирни узум билан нонга таклиф қиларкан, сўради,

— Уғлим, қаламчаларни колхоз боғи учун оласизми, ёки томорқангиз учунми?

— Колхоз учун ота. Катта боғ қилаётимиз. Энг яхши навларни танлаб ўтқазмоқчимиз.

— Жуда яхши, покиза иш. Халқ ҳам, давлат ҳам, қуш-қумурсқа ҳам манфаат кўради. Бўлмаса, сизга яна бир узумнинг дарагини берай. Шу ерга яқин Ворошилов номли колхозда Шарифжон деган киши бор. Отаси Ғаффор чўлоқ. Колхоз идорасига яқин. Ҳовлисида бир туп токи бор. Ҳар боши ўн килограмм келади. Ўтган йили совуқ таъсир этган бўлмаса, ундан ҳам ошиқ келар эди. Лекин, мени айтди демайсиз. Ўзи кўп бахил одам. Йўлини топиб, қўлга киритсангиз, мақсадга ета-сиз. Мен ҳам хурсанд бўлардим. Меники тайёр, лекин ундан олиш қийинроқ.

Ботир «бўлмаса мен аввал шу томонга борай» деб ўрнидан қўзғалган эди, бирпас ўтиринг деб қўймади. Ботир яна бир пиёла чой ичди. Кенг ва узун қўйлак кийган оқ юзли кампир катта товоқда шавла олиб келди. Семиз ўрдак гўшти солиб пиширилган шавланинг ёғи қип-қизил бўлиб кўриниб турарди.

— Ота, паловга бергисиз шавла бўпти, кампирингиз хийла пазанда экан,— деди Ботир.

— Тилла, баҳоси йўқ,— деди чол.

Ботир овқатни иштаҳа билан еб, кечикмай борай, деб жўнади.

Ботир илдам қадам билан борарди. «Бу ажойиб токни қандай қилиб бўлса ҳам қўлга киритиш керак», дерди ўз-ўзига у.

Колхоз идорасида чироғлар ёнган бўлса ҳам, ҳали ҳеч ким йўқ, одамлар кечки овқат учун тарқалишган

эди. Фақат идора олдидаги сўрида, қоровул — ўттиз беш ёшлар чамасида бир йигит ўтирар эди. Унинг бир кўзи болалигида очилмай қолганидан оти Темир бирён эди. Ботир у билан кўришиб сўрашгач, Шарифжоннинг уйини сўради. У Темир йўлнинг ўртасига келиб, қўли билан ишора қилди:

— Анави эгри тол ёнидаги дарвоза.

Ботир ташаккур билдириб, ўзи жўнади. Ботир бориб ярим очиқ дарвозани тақиллатди. Ичкаридан ўрта бўй-ли, ориқ, сариқ кўзли бир киши чиқди.

— Ассалом, ким керак Сизга?

— Шарифжон ака,— деди Ботир.

— Марҳамат, марҳамат,— деб у Ботирни ичкари бошлади. Катта, бутун айвонни қоплаган узум тагидаги супада ўтирдилар. Ботир бу кишининг Шарифжон эканини пайқади, у чой қуйиб бераркан, Ботирга тикилиб-тикилиб қаради. Қаерда, қачон кўрганини эсламоқчи бўлди. Лекин ҳеч нима ёдига келмади. Ботирнинг ўзидан сўрашга ботинолмади. Ботир унинг ташвишланаётганини сезиб, сўз бошлади:

— Мен «Октябрь» колхозиданман.

— Бердиқулов раис бўлган колхозданми?

— Ҳа... катта боғ қилаётирмиз. Ҳозир энг яхши нав мевалардан кўчат ва қаламчалар тайёрламоқдамиз.

Шарифжоннинг тори сусланди. Ботир бунни дарров пайқади. Бобонинг айтган сўзлари эсига келди. Дилдан «чинакам бахилга ўхшайди», деган фикр ўтди.

«Шарифжон кутилмаган меҳмон қандай янгилик олиб келган экан» деб қизиқсиниб қараган эди, қаламча сўзини эшитгач, бўшашди. Ҳар кун қаламча сўраб келадиганлардан бири деб, эътиборсиз қарай бошлади. Ботир вақтни ўтказмай, мақсадни очишга киришди.

— Сиз жуда ажойиб узум етказибсиз. Ун-ўн беш қаламча кесиб берсангиз. Бу навни яна ҳам яхшилаш ва ривожлантириш, кўпайтириш устида иш олиб бормоқчимиз.

Ботир сўзни тамомлаб, Шарифжонга қаради. Шарифжон қулоғининг орқасига устара теккандек, юзини буриштирди. Узун, совуқ нафас олди ва қизариб, ерга қараб секин-секин гапирди:

— Қаламча сўровчилардан ҳам безор бўлдим. Кечирасиз, меҳмон, исмингизни билмайман. Гапнинг тўғриси айтсам, мен қаламча сотмайман. Ҳатто ўз оғайни-

ларимга ҳам бермайман. Негаки, бирига берсанг, иккинчиси хафа бўлади.

— Мен сизни бу машаққатдан қутқазаман. Менга ўн бешта қаламча беринг. Уч йилдан кейин ким сиздан қаламча сўраса, менинг ёнимга юбораверинг.

— Мен қаламча сотмайман, ҳатто яқин қариндошларга ҳам бермайман дедим-ку?

— Сизга қаламчафурушлик қилинг деяётганим йўқ. Кўпайтириш учун бир неча дона беринг деяпман.

— Пулга сотмай, сизга текин берайми?

— Ё пулга, ё текинга, ихтиёр ўзингизда.

— Ток маники бўладиган бўлса пулга ҳам сотмайман, текинга ҳам бермайман. Агар ҳар қаламчани юз сўм десам ҳам томир-томиригача кавлаб олиб кетишади.

Ботир Шарифжоннинг гапларига ҳайрон қолди.

— Дарёнинг нариги ёғида эмасман. Секин гапираверинг, эшитаман. Қанча жаҳлингиз чиқса ҳам, тўғрисини айтаман,— деди Ботир жиддий.

— Сиз, ўртоқ Шарифжон, халқ манфаатига қарши бораётирсиз. Ўнта қаламча ўнта ток бўлади. Ўнта токдан мингта қаламча чиқади. Ўн-ўн беш йил ичида у бутун республикага тарқалади. Шунга сиз гов бўлаётирсиз. Олдида бор нарсани йўқ қилганларгина эмас, бўлажак нарсани бўлдирмаганлар ҳам жавобгар.

Уларнинг суҳбатига бир чеккада туриб қулоқ солаётган Мухсинга бу гап қаттиқ тегди. У ўрнидан туриб укаси ёнига келди, қўл ҳаракатлари билан ўз сўзларини таъкидлаб гапирди:

— Меҳмон жуда тўғри сўзлади. Бер, яхши эмас, уят бўлади.

— Тавба, шундай экан, нега уят бўлади?

У меҳмонга «чиқиб кет» деб айтмаса ҳам, пешини қоқиб, «Сизлар ҳам жўнанг» дегандек ташқари чиқиб кетди.

Мухсин ака Шарифжон билан бирга туролмай, ажралишиб кетган, бошқа ҳовлида турарди. Бахил, хасис укасидан ҳеч қачон ҳеч нарса сўрамас, биров билан муомала қилганида орага ҳам тушмас эди. Аммо бу сафар Ботирнинг сўзларидан қаттиқ таъсирланиб, унга ёрдамлашмоқчи бўлди. Укаси кетидан «хасис» деди-ю, аччиғи билан пичоқчани олиб, ўрнидан турди:

— Бу токни отам ўтқазганлар, мен ҳам шерикман!

Қоронғи тушиб қолганидан қаердан кесишни билмай қийналди. Бунн сезган Ботир дарров электр фонарини ёқиб, ток новдаларини ёритди. «Олтита эмас, саккиз кўз қолдириб кесинг, эҳтиёт юзасидан иккита ортиқча бўлсин» деб илтимос қилди Ботир.

Кесилган қаламчалар йўлда зарарланмаслиги учун Ботир уларни ўзи келтирган қамишга ўраб, устидан боғлади ва ташаккур билдириб хайрлашди. Мухсин ака кеч бўлиб қолганини айтиб, тунаб қолишини илтимос қилса ҳам, Ботир рози бўлмади.

У қаламчаларни кўтарган ҳолда, қувониб борар, тез-тез қадам ташларди.

Бобонинг ҳовлисига қайтиб келиб эшикни тақиллатганда, соат ўн икки бўлган эди. Чол эшикни очиб, Ботирни кулар юз билан ичкари таклиф қилди:

— Келинг-келинг, уйқу элтмай, кутиб ўтирган эдим.

Шу он ойдинда қаламчага кўзи тушиб, дарров сўради:

— Қандай қилиб олдингиз, ёки бошқа токданми?

— Йўқ, ўша узумдан. Мухсин ака ёрдами билан олдим.

Бобо қувониб кетди.

— Офарин, офарин, мана энди бундан ҳамма манфаат кўради. Менга ҳам битта қаламча қолдирасиз. Пайванд қиламан.

— Жоним билан, ота — деди Ботир.

Бобо унга ётиш учун жой тузатиб қўйган эди. Юмшоқ, янги кўрпага чўзилиши билан чарчаган Ботир уйқуга кетди.

Мажлисида тортишув жанжалга айланиб кетаёзди. Аммо Мавлон ота президиумда жим қулоқ солиб ўтирди. Ахир, бир оғиз сўз тиллами? «Бораман ёки бормайман» деса гап тамом. У кишининг сўзини ҳеч ким қайтармайди. Аммо бунн Мавлон ота ўзига эп кўрмади. «Кўпчилик нима деса, шу» деб ўтираверди. Натижада активлар икки тараф бўлиб тортишди. Бир

тараф: «Мавлон ота борсин, мусобақадош колхознинг камчиликларини кўрсатиб ёрдам берсин, ундан бошқа муносиб киши йўқ, деса, иккинчи тараф: «Ҳозир йиғим-теримнинг қистов пайти. У колхоздан йироқлашса бўлмайди» дейишди.

Ниҳоят, партком секретари Тошпўлатов:

— Бизнинг мусобақамиз оддий мусобақа эмас, социалистик мусобақа,— деди.— Бунинг маъноси — Ватанимиз манфаати учун бир-биримизга мумкин қадар кўпрқ ёрдам этишдир. У киши «Оқ олтин» колхозининг аҳволини яхши билади. Аввал ҳам текширган. Шу сабабдан Мавлон отанинг бориши маъқул. Уртоқ Камоловнинг топшириқлари ҳам худди шундай. Колхозда аҳвол оғир эмиш,— деди.

Секретарь нозик жойидан тутди. Ҳамма унинг фикрини қувватлади. Комиссия «Оқ олтин» колхозига жўнаб кетди.

Жалилов кейинги вақтларда рақамларни ёқтирмайдиган бўлиб қолди. Уларга қараса, қуёшга боққандек, кўзи қамашадиган бўлди. Унингча, дунёда рақам деган нарса бўлмаса, ёки бўлса ҳам ҳеч ким ишлатмаса...

У рақам ишлатмасликка қарор қилди. Чопиқ ҳақида гап кетса, «ёмон эмас» дерди. «Культивация қалай» деб сўралса, «бир нав» деб қўярди. «Пахта йиғим-терими қандай бораётир?» дейилса, «Мақтагудек эмас...» дерди.

Жалилов колхозга келган баъзи вакилларни сўз билан мот қилиб жўнатар, баъзиларининг кетидан эса, «бопладим» деб қўярди.

Жалилов мусобақадош «Октябрь» колхозидан Мавлон ота бошлиқ келган комиссия сўроқ-жавоб қилса керак, деб ўйлаб, «пухта» жавоб тайёрлаб ҳам қўйди. Аммо комиссия аъзоларининг биронтаси ҳам унга савол бермади, бригадалар, звеноларга жўнаб кетди. Мавлон ота Жалиловни ўзи билан бирга олиб юриб далани айланди. Даладан қайтгач, сайлов даврида тузилган рўйхатлардан тортиб табель дафтарларигача эринмай кўздан кечирди. Ҳатто қалин муқовали сводка дафтарларигача текширди. Шундан кейин Жалилов кутмаган ҳодиса рўй берди. Мавлон ота рақамларни ўзи унга айтди:

— Сатторов бошлиқ бригада бугун икки ярим тонна

пахта терган. Бу саксон кишининг иши. Тўрт киши омборда, олти киши аравада, бир киши касал. Қолган саккиз киши (уларнинг номини айтди) қаерда?

Жалилов чўчиб тушди. Кўзларини катта очиб, Мавлон отага бақрайиб қаради. «Тавба»— деди ўз-ўзича ва бир оз ўйлаб тургач, «бригадир билади» деди.

— Раис нега билмайди?

— Гўза очилмаяпти, ер нам, ҳаво совуқ...— деди у нима дейишини билмай.

Мавлон ота бош чайқади:

— Уртоқ Жалилов, яхши эмас.

— Ер зах, пахта очилмаяпти. Шунинг учун одамлар яхши териша олмаяпти.

Мавлон ота бошқа гапирмади.

— Уша бригаданинг энг қолоқ звеноси қайси?— деб сўради Бўстон. Жалилов «Лола звеноси»— деб жавоб қилди.

— Мени биров ўша звенога бошлаб олиб борсин.— деди Бўстон.

— Ўзим бошлаб бораман,— деди Жалилов ва дарров Бўстон билан жўнади.

Жалилов Бўстон ўз қилимишига пушаймон бўлиб, узилган алоқани тиклаш учун келган бўлса керак, деб гумон қилди-ю, лекин бунга кўнгли ишонқирамади.

Дарҳақиқат, Бўстон келишни истамаган эди, аммо ёзда келиб текшириб кетган комиссия составида бўлгани учун уни мажбур қилишган эди.

У қадамини секинлатиб, Бўстонга яқин келди.

— Бўстонхон,— деди кўзларини сузиб,— жуда хурсанд қилдингиз.

Бўстон унга бир қаради-ю, кейин жиддий тусда ерга қаради.

— Гуноҳимни бўйнимга қўйиб, кейин қандай жазо берсангиз, майли эди, армон бўлмас эди.

Бўстон унга ялт этиб қаради.

— Бас қилинг бундай гапларни! Тезроқ қадам ташланг!

Раис «хўп, Бўстонхон» деб, юришини тезлатди. «Сиркаси сув кўтармайдиган бўлиб қолибди» деб ўйлади у.

Бўстон звенога келиши билан ҳеч нарсага қарамай, этак боғлаб, теримга тушди. Бу қартада ундан бўлак яна уч қиз, бир йигит ишламоқда эди. Улар Бўстон билан са-

ломлашиб, яна теришда давом этдилар. Жалилов Бўстонга бирпас қараб турди-да, хайрлашиб жўнади. Колхозчилар олдида унга сўз қотишдан қўрқди. «Хунук жавоб билан обрўимни туширар...» деб ўйлади.

Бўстон этаги қаппайиб кетгач, пахтани хирмонга бўшатиш учун тикланган эди, шу вақт яқинлашиб келаётган қорача бригадир Сатторовга кўзи тушди:

— Салом!

— Келинг, Бўстонхон, омонмисиз?

— Сизга ёрдам берай дедим.

— Раҳмат, миннатдормиз, аммо сиз комиссия аъзосисиз-ку.

— Майли, мен пахта тераман...

— Ихтиёр ўзингизда. Ҳар ҳолда ёрдам. Очилган пахта кам, ер нам бўлса, норма учун мен жавобгарманми?.. Кеча мажлисда роса боладим.

— Ҳа, сизни гапга уста дейишади.

Бўстон теримда давом этди. Унинг тинимсиз ҳаракат қилаётган қўлларига қараб Сатторовнинг кўзлари тинди.

Бўстон қош қорайган вақтда теримдан чиқиб, ишлаган жойига Мавлон ота билан раисни олиб келди. Уларни кўрган бригадир уйига жўнамай, бу томонга қараб юрди. Бўстон терган пахта ёнида раис билан Мавлон ота турганидан ташвишланиб, аъзолардан бирини чақирди:

— Умарқул, ҳо Умарқул!..

Аравага пахта ортаётган Умарқул югуриб келди.

— Дарров анави пахталарни ол!

Мавлон ота «туратурсин, ўлчайликчи, Бўстон қанча ёрдам берибди экан» деди.

— Қизиқсиз, Мавлон ота: Ёрдам бўлгандан кейин юз кило ҳам, бир кило ҳам баравар...

— Ҳисобсиз ишнинг мазаси бўлмайди, ўлчаш керак,— деди Мавлон ота.

Бўстон терган пахта ўлчанди. У нормани 230 процент бажарибди.

— Сизнинг ерингизда ҳам нормани бажарса бўлар экан-ку!— деди Мавлон ота Сатторовга қараб.

Сатторов ингичка мўйловини бураб туриб илжайди:
— Улманг, Мавлон ота! Бизникиларни Бўстонга тенглаштирманг. Машинадай тез ҳаракат қилаётган қўлларига бирпас қараб туриб кўзларим қамашди.

— Бўстон осмондан тушгани йўқ-ку, деди Мавлон ота.

— Дуруст... Лекин.. машқини олган-да,—деди Жалилов.

— Майли, эртага яна кўрамиз,—деди Бўстон.

— Ҳали бу кеча қолмоқчимисиз?—деб сўради Мавлон ота ундан.

— Ҳа, Лола дугонам, уйига чақирди. Эртага кечқурун бораман. Мавлон ота хайрлашиб раис билан жўнади.

Улар кетгач, Бўстон Сатторовдан кечки овқатдан сўнг бригаданинг ҳамма аъзоларини йиғишни сўради.

— Терим иши сизда чувалашиб кетган. Ҳеч нарсанинг аниқ ҳисоби йўқ. Ишни тамоман қайтадан уюштирамиз,—деди у,—то одамлар йиғилгунча, баъзи ишларни аниқлаб олиш керак.

Бригадир «хўп» деди, улар — Лола, Чаман, Бўстон, бригадир билан бирга унинг ҳовлисига келдилар. Сатторов мажлисга хабар қилиш учун одам юборди.

Бўстон ювиниб, икки бурда нон билан бир пиёла чой ичгач, қоғоз-қалам олди.

— Теримни соатлик график асосида ташкил қиламиз,—деди ва бригадирга унинг тартиб қоидасини тусунтирди.

Пахтага ажратилган кишилардан теримдаги ёрдамчи ишлар учун терилган пахталарни ҳар соатда бригада хирмонига олиб келиш, ўлчаб қанорга жойлаш, ҳар кимнинг ҳар соатда терган пахтасининг миқдори ва сифатини дафтарга ёзиб бориш, қанор ташиш, аравакашлик, бригада хирмонида пахтани қуритиш, пунктга жўнатиш ва бошқа ишлар учун тегишли кишилар белгиланди. Сўнгра, этаклар ҳисобга олиб чиқилди. Соатлик график билан ишлаганда ҳар кишига иккита этак зарур эди. Бригадага яна қирқ саккиз этак керак бўлди.

— Мажлисни ўзимиз ўтказамиз. Сиз, ўртоқ Сатторов, ҳозир раисни кўриб, етмаган этакларни топасиз. Соатлик иш унумини ёзиб бориш учун катта тахта ва осма тарози ҳам эсдан чиқмасин,—деди Бўстон.

— Ҳозир раисни топиш, омборчини қидириш, тайёр этак борми, йўқми?.. Шу ишни эртага қилсак бўлмайди-ми?—деди ижирғаниб Сатторов.

— Қизиқ одам экансиз-ку!.. Узингиз бажармайсиз, биров ёрдам бераман деса, ноз қиласиз. Бригадангизда ҳафталаб ётишга вақтим йўқ. Менинг ҳам пахта, планим, мажбуриятим бор. «Раисни топмадим» деган баҳо-

на билан келмайсиз. Анигини айтинг, эплай олмасангиз ўзим бораман.

Сатторов кечки овқатни егач, жўнади. Одамлар ҳам тўпланиб қолди. Бўстон қизил алвон ёпилган стол орқасига ўтди.

— Баъзи муҳим ишларни маслаҳатлашиб олмоқ учун сизларни чақирдик,— деди у юзлари қизариниб. Йиғим-терим кутиб туришни севмайди... Теримда колхозингиз қолоқлардан бири бўлса, сиз энг қолоқ бригадасиз. Шу шармандаликдан чиқишни истайсизми?

Кўпчилик:

— Албатта истаймиз, албатта истаймиз!— деб жавоб қайтарди.

— Истасангиз, эртадан бошлаб соатлик график билан ишлаймиз,— деди Бўстон сўзида давом қилиб,— эрта соат олтида ҳамма ишга тушади, ҳар кимнинг ҳар соатда қанча пахта тергани ўлчаниб, ўзига айтилиб тўрилади.

— Теримчиларнинг ярмиси тарозибон бўлар экан-да, деди пичинг билан қушбурун Чаман.

— Ҳеч ҳам,— деди Бўстон унга томон букилиб,— агар фойдасиз бўлса, илғор колхозлар қўлламас эди. Натижасини эртага биласизлар.

Бўстон эртага далада иссиқ овқат бўлишини, ҳеч кимнинг тушда ҳовлисига кетмаслигини айтди. Сўнгра сортларга ажратиб, озода қилиб, икки қўллаб тез териш техникасини ва соатлик график қондаларини тўшунтирди. Охирида эртага териладиган участкани айтди.

Эртаси тонг юлдузлари кўз юммасдан Бўстон, Лола, Чаман ва Сатторов дала бошида бўлдилар. Фақат номаълум сабаблар билан икки киши ишга чиқмади.

Кимнинг қандай тоза ва чаноқда қолдирмай теришини аниқ билиб олиш учун ғўза қаторларини теримчиларга бўлиб бердилар. Қаторларнинг озми-кўпми очилганига қараб соатлик ва кунлик норма белгиланди.

Янгича усул билан иш бошланди. Бошда одамлар ўзларини ғалати ҳис қилдилар. Чаман ҳеч кимга қарамай, кўрсатилган қатор бўйлаб икки қўллаб териб, илгарилаб кетди. Бўстон айтгандай, у қўлини кўпроқ ҳаракат қилдирар, биринчи тупнинг устидан пастга қараб терган бўлса, иккинчи тупнинг пастидан учига қараб териб чиқарди. Тўлган этакни ечиб, иккинчисини боғлаб олади. Та-

шувчи уни бригада хирмонида ўлчатиб, этакни қайтариб келтиради.

Соат саккиз бўлди деганда ҳар кимнинг терган пахтаси соатлик график кўрсаткичлари тахтасига ёзилди. Шу ўтган бир соат ичида ким илғор, ким қолоқ — маълум бўлди қўйди. Соат саккиздан кейин иш яна қизиди.

— Лола, Лола,— деб қичқирди теримни тўхтатмай Чаман,— судралиб қолган хола, қалайсан!

Лола ишни давом этдириб:

— Соат тўққизда кўрамиз. Сендан ўзиб кетмасам, отимни бошқа қўяман.

— Ўзиб бўлибсан!

Соат тўққизда яна кимнинг қанча пахта тергани эълон қилинди. Лола Чаманга тенглашдими деса, яна бир ярим килограмм орқада қолибди. Аммо биринчи соатдагидан анча ошириб терган эди. У олтинчи соатдагина Чаманга тенглашди, саккизинчи соатда ундан икки ярим килограмм ортиқ терди. Қишилар қизишиб ишлар, худди кўзга кўринмас бир контроль «ҳа, бўл» деётгандек эди.

Бўстон билан Сатторов ҳам пахта тердилар, одамларнинг иш сифатини ҳам текшириб турдилар. Орқада қолаётганларни ғайратга чақирдилар. Кечқурун ҳар кимнинг кун бўйи терган пахтаси ҳисобланиб тахтага ёзилди. Маълум бўлишича, бугун кечагидан икки ярим баравар кўп пахта терилибди Теримчилар Бўстонга ташаккур билдирдилар.

Кечқурун теримчиларнинг умумий йиғилиши чақирилди. Сатторов йиғим-теримнинг бориши ҳақида ҳисоб берди.

— Тўғри, айбимга иқрорман, менинг бригадамда ҳам теримни тезлаштириб юбориш мумкин экан,— деди. Унинг чаккаларидан хижолат тери оқди.— Соатлик графика кўчгач, ишимиз юришиб кетди. Ҳаммага маслаҳат бериш керак — соатлик графикни қўллансин.

Машина чақирилди. Рўмолига тутилган анчагина пахта билан Бўстон машинага чиқди. Уни узатишга чиққанларнинг кўзлари ўша пахтада эди. Бўстон буни сезса ҳам жўрттага гапирмади. Жалилов Бўстон билан учрашмоқ учун қанча ҳаракат қилса ҳам, иложини тополмади. Ахир, тоқат қилолмай, секин машинага яқинлашиб деразасидан бошини энгаштириб, нима дейишини билмай:

— Пахта олиб боряпсизми?— деди.— Энди қачон уч-рашамиз? Бу сафар ҳам газетага ёзасизми?

— Тажриба учун чигитни экиб кўрмоқчиман,— деб қўя қолди Бўстон.

Жалилов ғазабидан ёнди.

Машина ғириллаб жўнади.

— Нима қилмоқчисиз буни? — қизиқсиниб сўради шофер.

— Пахта тераётганимда катта қартанинг ариққа яқин жойида бир туп ғалати ғўзани кўриб қолдим. Сана-сам юзта кўсаги бор экан. Ҳеч кўрилмаган ғўза. Экиб кўпайтираман,— деди Бўстон.

Шофер Бўстонни уйига қўйиб, Бердиқуловни кўриш учун колхоз идорасига жўнади. Уни топиб, райондан келган янги топшириқ — хатни берди.

«Пахта баргини совуқ уриб, ёппасига очилди. Кеча райком бюроси графикни қайта кўриб чиқди. Сизнинг имкониятингиз ҳисобга олиниб, ҳар кун тўрт процент пахта беришингиз белгиланди».

Бердиқуловнинг кўзи хонасидан чиқай деди. Хатни ўқишда давом қилди:

— Тўрт процент?! Бу жуда оғир-ку!

Хат охирида: «Эртага яна иккита терим машинаси боради» дейилган эди.

— Ҳайрият, хайрият,— деб қувонди Бердиқулов ва бригадирларга телефон қила бошлади.— Мавлон ота, сизми? Салом! Салом! Янги график белгиланган. Эртадан бошлаб ҳар куни беш процент пахта беришимиз керак. Исмоил; сенми? Янги топшириқ: эртага беш процент пахта берасан. Ҳаммани далага чиқар. Мурод, ух-лаяпсанми? Эртага сенга терим машинаси боради. Одамларингни ёппасига теримга сол.

Раис ҳамма бригадаларга телефон қилгач, радиоузелга қараб жўнади. Микрофон орқали ҳамма колхозчиларга мурожаат қилди:

— Уртоқлар! Ҳозир янги график белгиланган. Биз ҳар куни беш процент пахта беришимиз керак. Эртага бир соат олдинроқ ишга чиқишингизни сўрайман. Ҳосилни тезроқ йнғиб-териб олайлик. Табелчилар дарров идорага етиб келсинлар.

Бердиқулов эртасига саҳар пайти отланиб, топшириқнинг бажарилишини бир бошдан текширишга киришди.

Сувлар тиниб, барглар сарғая бошлади. Салқин ел тешаси зарбидан учиб кетган сариқ, қизғиш япроқлар ҳовада қанот қоқа-қоқа ер бағирлаб чўзилишади. Боғлар, хиёбонларга кўрпадек ёйилган баргларни шамол тўзғитиб ўйнайди.

Олтин куз етиб келди. Колхоз Октябрь олди социалистик мусобақасига қўшилиб, пахта тайёрлаш планини бажарди. Пахтадан бўшаган ерларни Фозил Иванович шудгор қила бошлади.

Ботир янги боққа кўчат ўтқазмиш учун зарур бўлган тайёрлик ишларини тугатди. Бугун бошқа колхоз раҳбарлари — Тошпўлатов, Бердиқулов ва бошқалар билан бирликда кўп колхозчилар келди. Улар ҳали ишга тушмай, Власов ҳам машина тўлдириб кўчат келтирди. Йиғим-терим охирлаб қолгани учун қўли бўш кишилар ҳаммаси деярли боққа чиққан эди.

Ботир одамларни бир неча гуруҳга бўлиб, кўчат ўтқазмиш тартибини тушунтирди. Шу пайт Камолов, Саломова ва бошқалар ҳам етиб келдилар. Боғда одам тобора кўпайди. Иш қизиди. Сал ўтмай, «ўғлим, шу қутлуғ ишга менинг ҳам қўлим тегсин» деб Нур бобо ҳам келди. Унинг кетидан шошиб-пишиб, ҳассасини таяниб Риза бобо ҳам пайдо бўлди. У дамани ростламай туриб Ботирга «ҳужум» қилди.

— Мен Нурдан камми, нега менга хабар қилмадинг? Умримда юзларча дарахт ўтқаздим, ҳаммаси тутди. Қўлим енгил. Ахир, саксон гектарлик боққа бир дона ҳам кўчат ўтқазмай қолсам нима бўлади яхши ҳам эшитиб қолдим-а!.. Одам деган бунақа бўлмайди!

Ботир узр сўради ва икки чолнинг қўлларига кўчат ўтқазадиган тахтани берди. Шу маҳал Ботирни Камолов чақириб қолди. У кетгач, чоллар бу тахтанинг у ёқ-бу ёғини айлантириб кўриб, бир-бирларига қарашдилар.

— Бу нимаси экан?..

— Билмасам,— деди Риза бобо тахтани яна бир марта айлантириб кўриб.— Ҳеч ақлим етмаяпти. Ёки...— у бир нарса эсига келгандай бошини қашиди.— Ёки... номимизни шу тахтага ёзиб осиб қўярмикан-а?

Нур бобо хохлаб кулди.

Шу пайт чоллар ёнига Власов келди. У очиқ чеҳра билан:

— Хўш, оталар нимага маҳтал бўлиб қолдинглар?— деди.

— Ботирни кутаётирмиз,— деб жавоб қилди Нур бобо.— Мана бу тахтани қўлимизга бериб кетиб қолди. Бу нима ўзи, ўғлим? Тушунтириб берсанг...

Власов тикланиб атрофга қаради. Яқин орада бу тахтани ишлатиб кўчат ўтқазаетганлар кўринмади. Шу сабабдан чолларни дарахт ўтқазадиган қаторга олиб бориб, уларга тахтани қандай қўлланиш кераклигини амалий кўрсата бошлади.

— Тахтасиз ўтқазган дарахтларимиз ҳам тутган эдику?— деди Риза бобо.

— Йўқ,— деди Власов,— биз илмий қондаларга мувофиқ ўтқазишимиз керак. Тутишинигина эмас, тез ўсиб кўп ҳосил беришини ҳам ўйлашимиз зарур. Бу қаторга анови олма кўчатлари ўтқазилади. Навларни аралаштириш ярамайди.

Власов бир кўчатни олиб, қазиб тайёр қилиб қўйилган чуқур олдига келди. Экиш тахтасини текис қилиб чуқур оғзига қўйди ва қоқ ўртадан кесиб очилган ёриққа ниҳол танасини тўғрилади. Кўчатларнинг томирга туташиб кетадиган бўйни тахта устида қолди. Томирларни қўл билан ёзиб тўғрилаб қўйгач, аввал чап томонга уйиб қўйилган тупроқни ва сўнгра ўнг тарафдагисини солишни сўради. Нур бобо белкурак билан Власов айтганидек қилиб тупроқ сола бошлади.

Власов яна тушунтирди:

— Томирлари тўғри турсин, букилиб қолмасин. Томирлар орасида бўш, ҳавол жой бўлмасин. Уларнинг орасини тупроқ билан тўлдириб зичлаш зарур. Кўчат бирон ёққа салгина бўлса ҳам қийшаймасин.

— Чуқурларнинг ҳар икки томонига уйиб қўйилган тупроқларнинг нима ҳикмати бор?— деди Риза бобо.

— Чап ёқдагиси ернинг юзидан олинган ва ўғит аралаштирилган тупроқ. Уни томир яқинига солинади. Унг тарафдаги тагидан олинган тупроқни унинг устига сепилади.

— Дуруст, дуруст,— деди Риза бобо,— энди ўзимиз тўғрилаймиз, раҳмат!

Кўчат ўтқазилгач, Власов тахтани олиб тупроқни босиб-босиб қўйди. Кўчат шамолда қийшаймасин, деб уни эҳтиёт учун қўйилган қозиққа икки еридан боғлаб қўйди.

— Шу қатор экилгач, автомашина сув келтиради. Ҳар қайси ниҳол тагига бир оз-бир оз қўйиб чиқиш зарур. Бу кўчат томирлари тупроққа яхши жойланиб олиши учун керак бўлади,—деди Власов. Кейин кексалар билан хайрлашиб,—энди ана шу хилда қила берасиз,—деб бошқа томонга кетди. Чоллар энг шимариб, қизгин ишга киришдилар. Власов Камоловлар ишлаётган тарафга борди:

— Ҳорманглар, ўртоқ боғбонлар!—деб қичқирди яқинлашиб.

— Бор бўлинг! Янги боғбонларнинг ишини бир кўздан кечирингчи, чатоғи йўқмикин?—деди Камолов, тупроқни чуқурга сураркан.

Чуқур тўлиб, кўчат томири тупроқ билан бекилгач, Бердиқулов ундан қўлини олиб оёғи билан кўчат айланасини маҳкамлаб қўйди. Камолов эса, ниҳол атрофини айланасига кичкина ариқча қилди. Власов кўчатларни бирма-бир текшириб чиқди. Кейин Камолов ёнига келиб:

— Дуруст ўтқазилган, лекин сал баландроқ қўйилсин,—деди.

Тошпўлатов билан Мавлон ота Камоловлардан анча узоқда ишлардилар. Ботир ток қаламчалари ўтқазилётган томонда эди. Авваллари қуш ҳам қўнмаган бу жойда ҳозир ҳаёт қайнамоқда эди. Бу йил пахта терувчи ва кўсак чувувчи машиналар унумли ишлаганидан Ботир қанча ишчи кучи керак бўлса шунча олди. Боғда одамлар беш тўда бўлиб ишламоқдалар. Власов билан Ботир ҳар бир тўда олдига келиб ишни кузатаётир. План равшан. Ҳар бир кўчатнинг экиладиган ўрни аниқ бўлса ҳам, улар хотиржам эмас эдилар. Негаки, ўз-ўзидан чангланадиган, яъни ота-оналик уруғлари бўлган навлар билан бошқадан чангланадиган оталик уруғи бўлмаган навлар ўз ўрнига экилмай тажрибасизлик билан бирон хатога йўл қўйилса, бузилиб кетиши мумкин эди.

Марказий аллеянинг ҳар икки томонига ҳамма навлардан намуналар экилди. Коллекция тузилди. Бу боғда қандай мевалар борлиги марказий аллеядан юриб ўтган одамнинг кўзига дарров ташланадиган бўлди.

Ботирнинг ютуғи шундан иборат эдики, у устоз Ми-чурин кўрсатмасига амал қилиб, чангланувчи навларга энг яхши чанглатувчи навларни топди. Иккисининг

ҳам муҳим хўжалик аҳамиятига эга бўлган сортлардан бўлишини таъмин этди.

Камолов ўз қўли билан уч-тўртта ниҳол ўтқазиб жўнаб кетмоқчи эди, қизиқиб қолиб, ўн иккита кўчат ўтқазди. Кейин соатига қараб:

— Катта боғбон, рухсат қилсалар, жўнасақ,— деб Ботирга мурожаат қилди.

У кетаётиб:

— Ишни бўшаштирманг, қисқа вақт ичида экиб олиш керак. Совуқ ва шамолга қарши девор қилиб экиладиган тут, жийда кўчатларини ҳам эртадан бошлаб келтиришга киришилсин. Уни ҳам дарров ўтқазинглар. Ҳавонинг мулойим вақтидан фойдаланиб қолинглар,— деди.

Ботир унинг сўзларига: «хўп, шундай қиламиз» деб бош қимирлатиб жавоб қилди. У машинага тушаркан:

— Тракторлар қандай ишлаётир?— деб сўради. Бердиқулов худди шу сўроқни кутиб тургандек, дарров жавоб қайтарди:

— Фозил Иванович тузук, анов бирисининг мазаси йўқ. Битта трактор кўрак чувиш машинасида.

— Кўчма устахона келдими?

— Йўқ.

— Қизғин шудгор пайтида тракторларни кўсакка банд қилиб қўйиш дурустми?

— Бошқа иложимиз йўқ, ўртоқ Камолов. Кўсак кўп...

— Ҳмм...— деб ўйлади Камолов, аммо ҳеч нима демади.

Бердиқулов бошидан чуст дўпписини олиб, тоза қирилган бошини қашиди-да, ўзини ўнғайсиз ҳис қилгандек, уялиброқ сўради:

— Кечаги назарий конференция қандай ўтди, ўртоқ Камолов?

— Одам кўп эди. Баъзи докладлар яхши, лекин анча киши пухта тайёрланмаган. Бу ҳақда мен ўртоқ Тошпўлатовга айтган эдим.

Бердиқулов ўзи қилган доклад ҳақида сўрамоқчи эди, лекин нимагадир ўнғайсизлангандек бўлди. Бунни сезган Камолов:

— Сизнинг доклагингиз ҳам дуруст, аввалгига нисбатан ўсиш бор. Фақат кўпроқ ўқиш керак,— деди.— Ботиржон, Фозил Иванович, Бўстон, айниқса яхши доклад қилдилар.

Бундан маълумки.— деди Тошпўлатов,— ўртоқ Бердиқулов уч баҳо олган.

— Тўғри, энди кўпроқ ўтириб тайёрланаман,— деди Бердиқулов, хижолат ичида.

Камолов сийёсий мактаб ҳақида бир-икки сўроқ бериб, Тошпўлатовдан равшан жавоб олгач, хайрлашиб, машинасига тушди. У машинада ўтириб, боққа қаради. Қатор-қатор қилиб ўтқазилган янги кўчатларга кўзи тушди.

— Қаранглар,— деди у завқ билан,— янги ўтқазилган кўчатлар қандай чиройли. Баҳорда гуллаб берса, бутун қишлоқ гулга чўмади.

Камолов Ботирнинг қўлини қаттиқ қисиб хайрлашди, машина жўнади, Ботир машина кетидан узоқ қараб қолди. Секретарнинг сўзлари унинг юрагини тўлқинлатиб юборди. «Бутун қишлоқ гулга чўмади. Бутун мамлакат ҳам...»— деди ўз-ўзига. Шу пайт хаёлига Бўстон келиб ўйланиб қолди.

Ҳамма келди-ю, у нега келмади-а?..

Ботир янги ўтқазилган ниҳолларга қаради. Ҳар бири унга ўз фарзандидек ширин туюлди. Яқин бориб, битта ўрик кўчатини силаб эркалагандай, бутоқларидан ушлаб кўрди. Тагларини оёғи билан босиб-босиб қўйди...

13

Қизик, нега Фозил Иванович?

Бу ном унинг руҳига шунчалик сингишиб кетганки, бирон киши унга юқоридаги сўроқни берса, елкасини қисиб, ҳайрат билан қарайди. Сўроқ ўринсиздек туюлади.

Фозилнинг отаси Ҳаққул билан Иван Кузьмич босмачиларга қарши уруш даврида бир отрядда хизмат қиларди. Иккиси жуда яқин жўра эди.

Босмачилар Ҳаққулнинг уйига ўт қўйиб, хотинини ўлдириб кетдилар. Шундан икки ҳафта кейин Ҳаққул самарқандлик Амирча деган босмачи билан бўлган бир жангда ўқ еб, оғир ярадор бўлди. Беш яшар ўғилчаси— Фозилнинг тарбиясини дўсти Иван Кузьмичга топшириб, вафот этди. Иван Кузьмич Фозилни ўз оиласига олиб ўқитди, ҳунар ўргатди. Мактабда болалар уни «Фозил Иванович» деб атай бошладилар. Паспортига ҳам «Фозил Иванович Ҳаққулов» деб ёздирди.

Иван Кузьмич кейинги вақтда МТСда механик бўлиб ишларди. Фозил ҳам «ота» касбини ўрганиб олди. Кўсак чувиш машинаси унинг диққатини ўзига тортди. «Жуда ажойиб машина!»— деди у.

Бир одам жуда ғайратли бўлса бир сўткада йигирма килограмм кўсак чувиши мумкин, у эса йигирма тўнна кўсак чувийди. Уша машинадан биттасини яқинда «Октябрь» колхозига келтириб, тракторга боғлаб юргизиб юбордилар. У кўсакларни ямлаб юта бошладди. Олти юз колхозчи кўсак териб етказиб бера олмади.

Ҳамма МТСдан хурсанд эди. Фақат Фозил Иванович МТС директори Бобоевдан хафа. Негаки, айти шудгор қилиш вақтида битта тракторни унга биркитиб кетди, кўсак чувиш машинасини колхоз электростанцияси орқали юритишни ўйламади.

Ҳа-да. Тор ўйловчи директор учун тракторнинг далада ишлаганидан, ҳовлида туриб ишлагани «фойдали». Чунки камроқ ғамхўрлик талаб қилиб, кўпроқ даромад келтиради. Тракторчи қийналмайди. Фозил Иванович Бобоевдаги шу нуқсонни кўриб тинчсизланди.

Фозил Иванович эрта билан шошилиб колхоз идорасига келиб ҳеч кимни тополмади, ноилож орқасига бурилаётганида комсомол ташкилоти кабинетидан чиқаётган Бўстонни кўриб қолди:

— Қани булар? — шошиб сўради Фозил Иванович.

— Ҳаммаси боққа кўчат ўтқазиб маросимга кетишган хоҳласангиз бирга борамиз.

— Ҳозир тантана кўнгилга сиғмайди, менга раис керак. Боққа бориб келгунча анча вақт ўтади.

— Хўш нима гап? — сўради Бўстон жиддий тусда.— Нега кўзларингиз бунча қизариб кетибди.

— Синглим, кечаси билан тўрт тарафга ағнаб ухлай олмай чиқдим: кўз олдимга трактор-у кўсак чувийдиган машина келаверди. Ахир, одамлар тургунча пича ер ҳайдай, деб саҳарда тракторга миндим, ҳозир ишдан келяпман.

— Хўш, нега мунча безовтасиз?..

— Шудгор кечикяпти. Ер музлаб қолиши мумкин.

— Тўғри.

— Ундай бўлса, ҳозир кўсак чувийдиган машинадаги тракторни ҳам ер ҳайдашга қўйиш керак.

— Кўсакни нима қиламиз?

— Кўсак чувадиган машинани тракторсиз юритиш йўлини билиб келдим.

— А?..— Бўстон қувониб кетди.

— Ҳа... электр кучи билан ишлатамиз. ГЭС орқали. Раисдан ижозат олмақчиман.

— Бу ишни кечиктириш ярамайди. Раисни топгунча вақт ўтади. Раис қаршилиқ қилмайди. Ўзимиз қиламиз. Тилхат бериб складдан сим олиб, ишга киришамиз. Воқияни тушунтирсак, складчи «йўқ» демайди.

Фозил Иванович Бўстоннинг маслаҳатига кўнди. Улар ишга киришдилар. Кунни билан терлаб-пишиб сим ўтқазиб, машинани мослаб, юритиб юбордилар. Кўсак чувадиган машина электр кучи билан юриб кетгач, Фозил Иванович тракторчи Ўтал олдига яқин келди:

— Қани энди, азамат, ер ҳайдашга чиқа бер!

Чувиб ташланган кўсак хирмонига суяниб ётган Ўтал совуқ жавоб берди:

— Хўжайиндан буйруқ бўлмагунча ҳеч қаёққа қимирламайман.

Бўстон у билан гапиришиб туриш бефойда эканини сезиб МТСга телефон қилди.

— Ким бу? Ҳа... Ўртоқ Бобоев? Бўстон гапиряпти. «Октябрь» колхозидан. Кўсак чувадиган машинани электр кучи билан юритиб юбордик. Тракторчи бу ишдан бўшади. Энди бригада бошлиғига буйруқ берсангиз, трактор ер ҳайдашга чиқса...

Лекин МТС директори Бўстоннинг қанча илтимосига қарамай, «Ўзим бораман,— ҳозирча тура турсин» деди.

Фозил Иванович ишига кетди. Бўстон МТС директорини кутиб, идорада қолди. У зерикканидан гоҳ кўсак чуваётган машина ёнига келар, гоҳ кабинетига кирарди, гоҳ девордаги витриналарни томоша қиларди. Ниҳоят, боққа чиқди. Дарахтлар яп-яланғочланиб қолган, баъзи дарахтлардагина сарғайиб турган япроқлар кўринарди. Ҳовуз атрофлари, хиёбонлар ҳазонлар билан қопланган. Боғнинг ўртасида супурги билан ҳазон супуриб, қопга тикаётган колхоз туячиси кўринадди. Бўстон ҳовуз лабидан юриб келиб, ундаги қорамтир сувга бир-икки қараб қўйди-да, йўғон кўктерак ёнидаги скамейкага ўтирди ва туячи чолнинг ҳаракатини кузатар-

кан, Ботир эсига тушди: «Ҳамма борди, фақат мен бормадим, хафа бўлса керак»— деб ўйлади.

Қанор тўлгач, чол уни тикка қилди-да унга орқа бериб, тиз чўкди ва қанорга ташлаган арқоннинг икки учини икки елкасидан ўтқазиб, аста ўрнидан турди. Хиёбон билан юриб Бўстон тарафга кела бошлади. Яқинлашгач, Бўстон ўрнидан туриб, унга салом берди.

— Салом, ота!

— Ҳа, қизим, омонмисан?— Чол энгашиб турган ҳолда қайрилиб қаради.— Нега ёлғиз ўтирибсан? Боққа нега бормадинг? Ботир билан аразлашдингми? Мен ҳам қопни ташлаб бораман.

— Ота,— деди Бўстон,— МТС директорини кутяпман.

Чол эшикдан кириб, нарёққа ўтган ҳам эди, МТС директорининг машинаси дарвозадан кириб келди. Бўстон Бобоевни кўриши билан ўрнидан туриб, салом берди.

Бобоев буғдой ранг, ўттиз беш яшар одам эди. Ҳаво унчалик совуқ бўлмаса ҳам бошига шерози телпак кийган эди.

Бобоев ҳам «Салом» деб илжайиб, унинг қўлини олди.

— Гуллар чарақлаб очилиб ётган вақтида кутмай, хазонрез вақтида кутганингизга қаранг,— деди у кўзларини сузиб.

Бўстон қрвоғини солиб, жиддий гапирди:

— Тракторчига бир оғиз айтиб қўйинг. Шудгор кечикяпти.

— Хўш, аввал шуни айтинг, ўзбошимчалик қилишга сизга ким ижозат берди?

— Бу ўзбошимчалик эмас, ўртоқ Бобоев! Тўғри иш, фойдали иш.

— Шундай бўлса ҳам рухсат олиш керак эди-да. Директор, раис деган сўзларнинг сиз учун аҳамияти йўқми?

— Кечирасиз, ўртоқ Бобоев, тракторчингизга айтинг, далага чиқсин.— Бўстон қошларини чимириб ерга қараб гапирди.

— Уйлаб кўраман.

— Сиз ўйлагунча трактор бекор турадимиз? Қайсарлик қилманг. Жанжал устига қишлоқ советининг раиси Соломова келиб қолди. У саломлашиб кўришгач;

— Ҳа, нима жанжал?— деди.

Бўстон унга тушунтирди:

Кўсак чувувчи машинани Фозил акам билан эртдан буён уриниб, электр билан юрадиган қилдик. Трактор бўшади. Энди далага чиқиб ер ҳайдасин, шудгор кечикяпти десам, «Ким ижозат берди? Ўзбошимчилик...» деяптилар.

— Тракторни дарров далага чиқариш керак. Бекорга қайсарлик қилманг, ўртоқ Бобоев,— деди Саломова жиддий туриб.

— МТСга қайтиб кетади, бошқа колхозга юборамиз.

— Бўлмайди, ўртоқ Бобоев. Ҳозир шу колхозга жудаям зарур. Шудгор қилинмаган ер жуда ҳам кўп.

— Боғ ҳайдагунча пахта ерини шудгор қилсин эди.

— Боғ саратонда ҳайдалган. Утални чақиринг, буюринг, далага чиқсин. Бўлмаса ижроком раисига телефон қиламан.

— Майли, колхоз раиси райком секретарига ёмонлаган бўлса, қишлоқ советининг раиси райижроком раисига ёмонласин.

— Ўртоқ Бобоев,— деди таъкидлаб Саломова.— Бўстон ҳақ. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ахир Тракторни бошқа колхозга юборгунча қанча ер ҳайдаш мумкин? Барибир бу ерга ҳам яна трактор берасиз.

— Гап битта.

Саломова аччиғи билан телефонга қараб кетди. Бўстон билан Бобоев ўпкалашиб тескари ўгирилиб турганда, Бердиқулов, кириб келди. У Бобоев билан кўришиб:

— Жуда ҳам вақтида келдингиз, яшанг, директор шунақа бўлса?— деди.

У Бобоевнинг характерини биларди. Уни юмшоқ сўз билангина ишга солиш мумкин эди. Аммо, бу сафар раис қанча ширин гапирса ҳам, у қовоғини солиб жавоб берди:

— Ҳа, райкомга ёмонлабсиз...

— Ёмонлаганим йўқ, фақат битта тракторнинг юрмаганини, кўчма устахонанинг келмаганини айтдим. Нима қилай, райкомга ёлғон гапирайми?

Шу вақт Бобоевни телефонга чақирдилар. У истар-истамас раис кабинетига қараб юрди.

Бобоев билан Саломова кабинетдан чиқиб, тракторчи тарафга қараб кетдилар. Қаттиқ кўрсатма бўлди шекилли, директор анча бўшашди, ҳовурдан тушди. У Утал билан кўришгач:

— Ер ҳайдашга чиқадиган бўлдинг. Ҳозир жўнай-версанг ҳам бўлади,— деди.

Утал ўрнидан сакраб сафарга тайёрланди. Бердиқулов кўсак чувадиган машина тракторсиз ишлаганини кўриб қувонди. Ҳали бунга эътибор қилмай ўтиб кетган экан, демак, бу трактор ҳам ишга солинса, учта машина юради. Шудгор тезлашади.

— Хўш, бу ақлни ким ўйлаб топди?— деб сўради у. Бўстон жавоб берди:

— Фозил Иванович.

Раиснинг кўзларида шодлик аломати учқунлади:

— Омон бўл, Фозил Иванович! План тўлди. Мажбурият ҳам бажарилади. Кўсак чувиб яна ўн процент пахта берамиз. Шудгор ҳам тезлашади...

14

Нусрат колхоз бухгалтериясида ёлғиз ўтириб, колхозчиларга аванс бериш учун тузилган рўйхатни кўздан кечирмоқда эди. У рақамларга тикилиб-тикилиб қарар, улар билан гаплашаётгандек пичирларди:

— Ростини айтганда, рақамлар орасида энг гўзали бир — (1), уни ҳар мақомга солиш мумкин. Истасанг бир қалам уриш билан 4, истасанг 8 қиласан.

Нусрат рақамларга қалам уриб, уларни ўзгарта бошлади. Аванс олувчи колхозчилардан 5—10 сўмдан ушлади. Шу пайт бухгалтерияга кириб келган Жалилов Нусратнинг қилиғини кўриб қолиб ғазабланди:

— Ҳай-ҳай икки кунда бўйнингга ип тушади, рақамларга қалам урма.

— Нима қилай, хўжайин, усталар ҳадеб пул сўрайди.

— Да... ҳовлини катта бошлатиб, тоза мени кафангадо қиладиган бўлдинг. Ахир кеча берган эдим-ку!..

— Ажойиб иморат бўляпти-да, бола-чақа билан ўтириш насиб қилсин. Бу бино битса райком ҳам, ишполком ҳам сизнинг доимий меҳмонингиз бўладилар. Шундай бинодан пул аяш тўғри эмас.

— Хайр, кечқурун бир нима қилармиз, ҳозир бу пулни терговчига элт. Ботирни тезроқ ўртадан кўтариш иложини қилмаса Бўстон ҳам, раислик ҳам қўлдан кетади.

Мулла Нусрат икки минг сўмни қўлтиғига тиқиб йўлга чиқди. Аммо, прокуратура идорасига яқинлашган сари, унинг қадами сусая бошлади. Бу бирон нарсадан ҳадиксираганидан эмас, очкўзлигидан эди. У ўша пулдан «пича олайми йўқми?» деб иккиланиб борарди. Олай деса, Жалиловдан ва терговчидан қўрқарди, олмай деса нафси сира қўймасди. Нима қилишини билмай, боши гаранг эди. Нусрат прокуратура йўлагига киргач, тўхталиб қолди, қадам отгиси келмади. Қанча бош қотирса ҳам, шу ергача бир қарорга келолмади. Ахир «санаб ўтирармиди, осмондан тушган пул»... деб ўйлади. Эски касали тутди, тани қизишиб, қўллари қалтирай бошлади, биров қулоғига узлуксиз «ол, олавер» дегандек бўлди.

Нафси ҳамма вақтдагидек бу сафар ҳам зўрлик қилди. У ёқ-бу ёққа қараниб, атрофни кишидан ҳоли кўргач, қўлтиғидан рўмолга ўралган пулни чиқарди, орасидан аввал битта, кейин яна битта юзталикни олди. Шу пайт Риза бобо шошилиб йўлакка кириб келди. У машинадан тушгач бир ошнаси билан гапиришиб Андрей Кузьмичлардан орқада қолган эди. Мулла Нусрат пулни дарров қўлтиғига тиқиб, илжайди:

— Хўш, Риза бобо, нима қилиб юрибсиз бу ерда?

— Ўзингизчи? — деди бобо унга тикилиб.

Нусрат ҳийлакор кўзларини ўйнатиб, жавоб қилди:

— Бир ошнам ичкари кириб кетган эди, кутиб турибман.

Риза бобо прокурор қабулхонасига кириб кетди. Мулла Нусрат терговчи эшигини қия очди ва бошини суқиб;

— Ҳузурларига кирсак мумкинми?— деди.

«Иш» варақлаб ўтирган терговчи:— Ҳа... келинг-келинг,— деди. Нусрат қўл бериб кўришгач, стулда чўнқайиб ўтирди.

— Кам дийдор бўлиб кетдилар?— деди у илжайиб.

— Ҳа, иш кўп. Хўш, Жалилов қалайлар?

— Дуруст, кечаси-кундузи тинмай, пахта деб югуриб юрибдилар.

Терговчи кулди.

— Майшат денг!...

— Дўстларни ҳам эсдан чиқарамаяптилар.

Мулла Нусрат қўлтиғидан рўмолга тугилган пулни чиқариб узатди:

— Мана ҳиссангиз...

Қўрққанидан терговчининг кўзи хонасидан чиқаёзди. У сапчиб ўрнидан туриб қўли билан юзини бекитди. «Дарров, йўқотинг» деб деразадан ташқарига қаради. Эшикка яқин келиб, йўлакка қулоқ солди. Сўнгра мулла Нусратга қараб:

— Тоза аҳмоқ экансиз-ку? Бошим оғирлик қилаётгани йўқ!— деди.

«Туяни шамол қўзғатса, эчкини осмонда кўр» дегандек муллани титроқ босди. У «қўлга тушдим» деб ўйлади. Безгак тутгандек тани қизишиб, қўллари қалтиради. У дир-дир титраб ичидан «Наузанбиллоҳи...»ни такрор қила бошлади. Нусрат, ҳозир кўк шапка кийган, погонли бир йигит келади-ю, наганини яланғочлаб: «Қани, олдимга туш» дейди деб ўйлади. Шу вақт терговчи келиб, унинг елкасига қаттиқ уриб:

— Э эчки соқол, аҳмоқ — деди.

Нусратнинг жони ҳалқумига келди. Кейин унинг терговчи эканини билиб, ёқасига «туф-туф» деб қўйди.

— Дарров жўна, пулни Қарим қассобга обориб бер. Ишдан сўнг бориб оламан. Бу ерда мумкин эмас, тушундингми?

«Ҳа, ҳа...» деди Нусрат ва ўзини бир оз босиб олди. Эшикка яқин боргач, яна кетига бурилди:

— Кечиргайлар, хотиримдан фаромуш қилибман. Шу кунларда қишлоқда хунук бир «миш-миш» тарқалган, гўёки дўстингизни раисликдан бўшатиб, Мавлонқулнинг ўғли Ботирни қўяр эмишлар. Шундан хабарлари борми? Дўстингиз ниҳоятда хафа: «Қўлимдан қаллиғимни тортиб олди, энди мансабимга ҳам кўз олайтираётир. Қандай инсофсизлик?» деяптилар.

— Бу гапдан хабарим йўқ, суриштириб кўрамиз,— деди терговчи ва эшикни очиб, муллани тез чиқиб кетишга қистади.

Дарҳақиқат, Ботирнинг овозаси атроф қишлоқларга ёйилди. Биров «Ажойиб, катта боғ қилибди. Дунёда қандай мева бўлса, ҳаммасидан бор экан, илмнинг кучи билан антиқа меваларни яратар эмиш» деса бошқа биров «ана шундай мутахассис кишилардан уч-тўрттаси

бизнинг колхозга ҳам келса, ишимиз гуллаб кетарди» дерди. Яна биров «Шундай илмли кишилар раис бўлса, яхши бўлар эди» дер эди.

Шундай суҳбатлардан бирида МТС директори «Ботирни «Оқ олтин» колхозига раис қилса бўларди», дебди. Бунақа гаплар хусусан ўша «Оқ олтин» колхозида кўп тарқалди. Чунки бу ерда раисни кўп киши севмас, унинг феъли-атвори кўп кишига ёқмас эди...

Ботир ҳақидаги гаплар Жалиловнинг қулоғига етгач, уни ваҳима босди. Агар райисполком президиумида, ёки райком бюросида бирон танқид эшитса кўз олдига дарров Ботир келарди.

Абдуллаев қанча қистаса ҳам, Нусрат шилқимлик қилиб ёпишиб олди. Гапнинг аниғини билмай силжишни хаёлига ҳам келтирмади.

— Агар Ботирни бир бало қилиб ўртадан кўтармасангиз, дўстингиз эркин нафас ололмайди.

— Э сенда калла борми, мулла? Асос керак, асос.

— Қанақа асос?..

— Бирон баҳона; лекин киши ишонадиган бўлиши керак.

Нусрат эчки соқолининг учини тутиб, бир оз ўйланди.

— Хўш, жигар, буни топишга ҳаракат қилиб кўраман, лекин ёрдам берасиз.

— Биз тайёр...

Нусрат жўнади. У тилининг тагига бир чимдим нос ташлаб, эшакни нихтаб, хаёл билан келарди. Қандай қилиб Ботирни қўлга туширишни ўйлар, йўл тополмай қийналмоқда эди. Нусрат, Ботир ишлаётган боққа яқинлашгач, атрофга диққат билан қараниб эшакни секин ҳайдади. Кун ботди. Ҳали уйгача анча йўл бор эди. У йўнғичқа даласида шом номозини ўқиб ўтмоқчи бўлди. Эшакдан тушиб, ариқчада таҳорат қилди. Ювинаркан қаршисидаги кўм-кўк ўсган гўзага қаради. Бир нима эсига келгандек табассум қилиб қўйди ва ариқча бўйини қўли билан бузиб юборди. Гўзага шилдираб сув оқа бошлади. Биров кўриб қолмасин деб номозни ҳам насия қилиб жўнади. У уйига келгунча хала суқа бериб эшакнинг елкасини қонатиб юборганди.

Боғда сув тутаётган Ботир сув камайиб қолганидан ташвишланиб ариқча ёқалаб келди ва гўзага сув уриб кетган жойни кўриб дарров кетмон билан тупроқ таш-

лаб бекитди. Бу қаттиқ қирғоқни сув бузиб кетганини ўйлаб таажжубланди. Бир неча қатор ғўза сув остида қолган эди. Ботир сувини бошқа тарафга қочиришга киришди.

Эртасига терговчи Абдуллаев юборган кишилар ғўзани сувга бостиргани учун Ботир устидан акт туздилар.

Бу воқиа сал ўтмай бутун қишлоққа ёйилди. «Эр йигитнинг уялгани ўлгани» дегандек, у қаттиқ хижолат тортмоқда эди. Бўстон келиб қолди.

— Қани юринг, ўша ерни кўрайлик...

Ботир уни сув бошган пайкалга олиб борди. Бўстон кўриб, қувониб кетди. Чунки, баъзилар айтганидек, нуқсон унчалик ваҳимали эмас, ғўзани сақлаб қолиш мумкин эди.

— Хафа бўлманг,— деди у табассум билан,— тўғрилаймиз, суви сингай деб қолибди, бир ўғитлаб чопиқ қилсак, авж олиб кетади.

Бўстон Ботирга шундай тасалли берса ҳам, лекин ўзи хотиржам эмас эди. Акт тузилгани уни безовта қилар эди. Бўстон эртасига прокурор ҳузурига борди.

— У киши менга-ку ҳеч ким бўлмайдилар...— деди у ўрта яшар, дўнг пешона прокурорга қараб, бир оз титроқ товуш билан,— лекин шундай ҳалол, ғайратли, билимли кишига ачинасан киши...

— Ким, нима бўлибди?— сўради прокурор.

Бўстон ҳикоя қилиб берди.

— Хотиржам бўлинг,— деди прокурор,— биз қилни қирққа ажратиб текширамиз. Сохтачилик қолдиқларини таг-томири билан тугатамиз. Яқин ўтмишда олган аччиқ сабоқ ҳали эсимиздан чиққани йўқ ва чиқмайди.

Бўстон хурсанд бўлиб колхозга жўнади. Автобусда кетаркан, ўз иши ўзига таъсир қилиб: «Мен нима қилиб юрибман?...» деб ўтказди кўнглидан. Бу сўроқ шу пайтгача унинг эсига бирон марта ҳам келмаган эди...

Власов кечқурун боғдан қайтишда Нур бобо билан Риза бобони машинада ўзи билан бирга олиб келди. Улар йўл-йўлакай гапиришиб келдилар.

— Колхозингиз раҳбарлари бир-бирига жуда муносиб кишилар: Бердиқулов, Тошпўлатов, Ботиржон...

Бўстон... Қолкозда шундай рақбарлар бўлса, иш ўнгидан кела беради,— деди Власов.

— Дарҳақиқат, жуда ҳикматли гапирдингиз, барака топкурлар, бир-биридан қолишмайди, бир-биридан яхши,— деди Нур бобо.

Риза бобо гап навбатини ўтказмай:

— Иш бошида ўшалар тургани учун ҳам колхоз илғор-да!— деди.— Афсуски, Ботиржонни хафа қилиб қўйишган.

— Нега?— сўради ҳайрат билан Власов.

— Бир неча қатор гўзани сув босгани учун терговчи акт туздирибди.

Нур бобо гапнинг давомини олди:

— Аслини айтганда, кимдир душманликдан қўли билан гўзага сув очиб юборган. Ботир вақтида сезиб сувни қочирган, гўзани сақлаб қолган. Лекин, суд бирор жазо бериб қолса, йигитга жабр бўлади-да,— деди Нур бобо.

— Терговчи ҳам оқ-қорани ажратмайдиган феълли бадроқ одамга ўхшайди, судга айтиб жазо бердирса ҳам ажаб эмас,— деди Риза бобо.

Икки кексанинг гапи Власовни жиддий ташвишга солиб қўйди. Чунки, у терговчи Абдуллаев ҳақида аввалдан ҳам анча-мунча совуқ гаплар эшитган эди. «Ботиржон тажрибасизлик қилиб индамас, бу вақтда терговчи (агар нияти ёмон бўлса) сохта ҳужжат ва далиллар билан бирдан кўнгилсиз бир ҳодисани бошлаб юбориши мумкин» деб ўйлади.

— Тўғри айтдингиз,— деди у Риза бобога қараб,— олдини олмаса бўлмайди. Мен сизларни ҳовлиларингизга қўйиб районга жўнайман, бориб суриштириб кўраман.

— Биз ҳам борамиз,— деди Риза бобо.— У ноинсоф терговчига кучимизни кўрсатамиз.

— Майли, лекин, ҳозир бир оз эрта...

Нур бобо Власовга қараб:

— Жуда яхши, машинани бизнинг ҳовли тарафга бурилсин, бир оз дам олиб, кейин жўнаймиз,— деди.

Улар ҳовлига кирганда Бўстон Вера Павловна билан рус тили дарсини тайёрлаб ўтирган эди. Вера Павловна деразадан Власовни кўриб, Бўстонга кўрсатди.

— Бўстон кечирасиз Вера Павловна,— деди-ю, шошиб-пишиб ташқари чиқди ва тез-тез бориб «салом, Андрей Кузьмич» деб кўришди. Кейин уларнинг ювиниши учун умивалникка сув солди.

Андрей Кузьмич ювинаркан, Бўстоннинг соғлиғи, ўқиши, пахтаси ҳақида сўради. Бўстон ўзбекча жавоб беришга тутинган эди, Андрей Кузьмич русча сўзлашни талаб қилди. Шу вақт ичкаридан Вера Павловна сочиқни олиб чиқиб саломлашди. Андрей Кузьмич унинг қўлидан сочиқни оларкан:

— Вера Павловна, сиз ҳам шу ерда экансиз?— деди.

— Ҳа... Бўстонга ёрдам бераётган эдим,— деб жавоб қайтарди у.

Андрей Кузьмич очиқ юз билан:

— Жуда соз, жуда соз,— деди.

Бўстон билан Вера Павловна меҳмонлар учун жой тузатишга уйга кириб кетишди. Андрей Кузьмич ёлғиз қолиб, ҳовли саҳнидаги мева дарахтларини кўздан кечира бошлади.

Шу вақт ичкари уйдан Саодат опа чиқиб келиб, Андрей Кузьмич билан кўришди ва дарров ошхонага кириб овқат тараддудини кўра бошлади. Буни сезган Андрей Кузьмич «Овқатга уринманг, тезда кетамиз» деб қичқирди. Саодат опа ошхона деразасидан бошини чиқариб:

— Бир пиёла чой ичгунча тайёр бўлади,— деди.

Саодат опа уларнинг илтимосига қарамай, овқат тайёрлашга киришди. Андрей Кузьмич бир нашвоти дарахти тагига бориб тўхтади. Дарахт қариб қолган, асосий шохларининг учлари бир метргача қуриган. Майда ёш шохларидагина ҳаёт асари кўринарди. У бош чайқаб гапирди:

— Ҳай-ҳай, яхши қарамабсиз, Нур бобо, нашвотини қуритибсиз.

— Афсус...— деди Нур бобо катта соқолига қўлини юбориб,— кўп ширин нашвоти эди, баайни асал. Ҳар эрта иккита ер эдим. Аттанг, тез ҳосилдан қолди.

— Буни яшартириш керак,— деди Андрей Кузьмич ўйлаб туриб,— танаси ҳали бақувват, жароҳат — яралари йўқ. Ёш ҳосил шохчалари бор. Қани, аррачани келтирингчи.

— Дам олиб овқатланиш, кейин бир гап бўлар,— деди Нур бобо.

— Йўқ-йўқ, — деди Андрей Кузьмич, — аввал иш, кейин ош.

Бўстон Андрей Кузьмичга кичкина аррачани келтириб берди.

Нур бобо нарвонни келтириб, нашвотига суяб қўйди. Андрей Кузьмич аррани олиб, нарвонга чиқди. Қариган шохларни арралаб олиб ташлади. Ҳосилга кирадиган ёш шохларни қолдирди.

— Барракалла, ўлманг, шу вақтгача ҳафсала қилмаган эканмиз, — деди қувониб Нур бобо.

— Бу антиқа иш бўлди-ку! — Чўққи соқолини тиклаб қараб турди Риза бобо.

Улар Бўстоннинг уйига кириб стол атрофида ўтирдилар. Саодат опа гўшт билан картошка қовуриб келди.

— Бобони хурсанд қиламан, деб чарчадингиз. Кошки нашвотига тишлари ўтса. — Саодат опа унинг янги тиш солдирганини эсидан чиқарган эди.

Нур бобо ҳайратланганидан келинига қаради:

— Тишларимга нима дейсан, сеники суякдан бўлса, меники пўлатдан-ку.

— Ўзингизники эмас-да.

— Бўлмаса кимники?

Саодат опа гап тополмай жўнади...

Овқат хушчақчақлик билан ейилди. Кейин бир пиёладан чой ичиб, ўринларидан турдилар. Нур бобо «бирпас турасизлар» деди. Ҳамма жойига ўтирди. Саодат опа пичоқ билан тўрланган, сарғимтир катта қовун келтирди.

— Риза ол, кес, ўша партов ернинг қовунидан. Уруғини Хоразмдан олдирганман, бунга «бешак» дейишаркан, — деди Нур бобо.

Риза бобо қовунни тўрт палла қилиб кесиб, меҳмонлар олдига қўйди.

Вера Павловна бир карч олиб тишлади-ю, «жудаям ширин экан» деди. Риза бобо эса, кичкина бошларини тебратиб «бай-бай, асал-а» деб қўйди.

Бу вақт Нур бобо ташқари чиқиб, келинидан янги, катта мовут камзулини, янги телпак ва маҳси-калишини олиб, ювиниб, кийиниб, ҳовли саҳнида кутиб турди. Меҳмонлар қовунни еб, ташқари чиқдилар. Бўстон бобосини кийинган ҳолда кўриб, «Хўш, қаёққа?» деб сўради. Унинг сўроғига Риза бобо жавоб қайтарди:

— Чироғим, ҳаммамиз сенинг ташвишинг билан юрибмиз.

Бобонинг қочиримига тушунганлар кулдилар, тушунмаганлар, жумладан Бўстон ва Вера Павловна ҳайрат билан қарадилар.

— Менинг нима ташвишим бор экан?— деди Бўстон Риза бобога қараб.

Бобо унинг қулоғига оғзини яқинлаштириб секин гапирди:

— Ботиржоннинг ташвиши сенинг ташвишинг эмасми? Кейин эшитиб биласан.

Улар машинага миниб районга жўнадилар. Бўстон хаёл суриб уйга, Вера Павловна ёнига қайтди. «Ботиржоннинг иши оғирлашганмикан? Нега ҳаммаси бирдан кетишди?» деб ўйлади. Бу ҳақда Вера Павловнага гапирганда, у «менимча ундай эмас, Андрей Кузьмичнинг одатини биласан. Ундан «Дунёда энг завқли иш нима?» деб сўрасалар, «Бировга қонуний яхшилик қилиш», деб жавоб беради. Хусусан ЎзССР Олий Советига депутат бўлганидан бери бунақа ишларни ўзи қидириб юради. Ботиржон устидан акт тузилганини эшитиб қолган бўлса, ўшанга бораётгандир.

— Тўғри...— деди Бўстон хурсанд бўлиб,— у киши қилни қирққа ажратиб, ҳақиқатни очмагунча тинчимайдилар.

Бўстон бирдан қувониб ашула айтгиси, ўйнагиси келди. Лекин ўқитувчиси олдида уялди.

Улар яна дарс тайёрлашга киришдилар.

16

Камолов Бердиқуловга бир тикилиб қаради-ю, индамади. Кўсак чувувчи машинанинг овози келаётган ҳовлига қараб юрди. Бердиқулов, Тошпўлатов Сафоев ҳам у билан бирга бордилар. Камолов машина ҳайдовчи билан гаплашди:

— Қандай ишляпти?

— Ҳар суткада ўн тўрт соат ишляпти. Кўсак етказиб улгуролмаяптилар,— деди у.

Камолов қовоғини солди. У ҳеч кимга қарамай машинадан чиққан ва тоғдек уюлиб ётган ғўза чаноқлари ёнига борди. Улардан ҳовучлаб олиб текширди. Унтага яқин чаноқда қолиб кетган пахталарни йиғди,

бир қисм пахта бўлди. Бердиқуловдан: «Беш грамм келадими?» деб сўради.

— Қамроқ келса керак.

— Хайр, уч грамм дейлик, аммо бу тоғдек уюлиб ётган чаноқларда қолиб кетганини йиғсак қанча бўлади? Ўртоқ Бердиқулов, план бажарилди, деб нобудгарчиликка йўл қўйибсиз. Ахир, бу давлат ва халқ мулкига бепарво қараш эмасми? Қайтадан машинага солинсин.

Қизариб пешонасига совуқ тер келган Бердиқулов машинадан чиққан чаноқларга эътибор бермаганига пушаймон еб, ўз-ўзидан аччиғланди. У Қамоловнинг гапига «Хўп бўлади» деб жавоб берди.

Қамолов омборга ва кўсак чувадиган машина яқинига кўп пахта йиғилиб қолганидан сушилкаларнинг ҳам сусти ишлаётганини тахминлади. Қуритиладиган пахта оз қолди, деб бузилиб қолган газ сушилкасини тuzатдирмай, оддий сушилкалар ишлатилаётган эди. Қамолов улардан иккитасини текшириб кўрди. Ҳар иккитасида ҳам ҳўл ўтин пис-пислаб ёнмоқда эди. Биринчи сушилкада иккита чол пахта устига чўзилиб ухламоқда, иккинчисида эса битта йиғит ёғоч курак билан қизиган пахтани шамоллатмоқда. Қамолов яна ҳам бўғилиб гоҳ Бердиқулов, гоҳ Тошпўлатовга қараб гапирди:

— Сиз Ўртоқ Тошпўлатов, идеологик ишлар билан жиддий шугулланаман, деб хўжалик вазифаларидан ўзингизни четга тортибсиз. Бу ҳам ярамайди. Сиз эса, ўртоқ Бердиқулов, план бажарилди, деб ишни бўшаштириб юборибсиз. Мағрурланиб, у ёқ-бу ёғингизга қарамай қўйибсиз, ахир бу аҳволда пахтани қачон топшириб тамом қиласиз? Дарров газ сушилкасини тuzаттириб ишга солинг. Пахтанинг охири грами учун курашамиз дейсиз-у, амалда ишни издан чиқариб юборибсиз.

— Тўғри, тўғри,— деди Сафоев.

Қамолов унга бир қараб қўйди. Сўнгра Бердиқуловга тикилиб:

— Хўш, эртага неча тонна пахта берасиз?— деб сўради.

Кейинги вақтда колхоз ҳар куни 17—18 тонна пахта топшираётган эди. Бу, ярим процентни ҳам ташкил қилмасди.

Бердиқулов дўсти, биринчи галда район партия комитетининг секретари ҳузурида турганини чуқур ҳис этди. У Камолов айтган гадбирни амалга ошириш билан пахта топшириш қанча ортишини тахминан дарров ҳисоблади.

— Ўртоқ Камолов, эртага 30 тонна топширамиз,— деди у.

— Хўп... кечқурун менга телефон қилинг,— деди Камолов, чунки бу ўша давр учун кўп миқдор эди.

Камолов Бердиқуловга томон бурилди:

— Хўш, янги усулнинг охирги натижаси нима бўлди?

— Натижа жуда катта, ўртоқ Камолов. Биринчидан, ғўза парваришига сарф бўладиган меҳнат 45 процент камайди, иккинчидан, ғўзанинг икки томонидан шабада юргани учун унга ҳашарот тушмади, ғўза тез ривожланди, шоналаш, гуллаш даврлари қисқарди. Кўп кўсак тугди, кўсаклар анча йирик бўлди. Бунини ўзингиз ҳам кўргандингиз. Минерал ва маҳаллий ўғитлар худди ғўза илдизига тушиб, унинг ўсишига яхши таъсир қилди. Пахта ўн кун олдин очилди. Натижаси шу бўлдики, янги усулда экилган ернинг ҳар гектаридан 54,5 центнердан, оддий усулда ишланган ернинг ҳар гектаридан эса 41 центнердан пахта ҳосили олинди.

— Жуда соз,— деди Камолов унга тикилиб туриб,— бу ажойиб натижани бригада аъзолари йиғилишида батафсил эълон қилинг. Диаграмма ишлатиб, ҳамма шийпонлар, қизил чойхона, клубларга остиринг. Аспирант Раҳматжон ҳам тахминан шундай натижага эришган. Ботиржонга айтинг. Уни тўла ёзиб, менга эрта билан етказсин. Биз бу ҳақда плакат ва диаграммалар ишлатиб, кўплаб нашр қилиб тарқатамиз. Янги йилда катта майдонларда янги усулда чигит экишга тайёрланиш учун бу жуда зарур нарса.

Камолов Тошпўлотовни қўлтиқлаб бир чеккага олиб кетди. Улар анча юргач, юзма-юз қараб турдилар.

— Кеча бюро аъзолари йиғилиб,— деди Камолов юмшоқ товуш билан,— сиздан бир нарсани илтимос қилишни менга топширдилар.

Камолов ўзига ёққан яқин кишилар билан шундай назокатли, юмшоқ гаплашишни яхши кўрарди.

— Марҳамат, жоним билан,— деди Тошпўлатов.

— Хабарингиз бор, Райкомнинг МТС зонаси бўйича секретари ўқишга кетди. Бюро аъзоларининг хоҳиши — шу ўринда сиз ишласангиз, нима дейсиз?

Тошпўлатов ўйланиб қолди. «Октябрь» колхози, ундаги коллектив, актив бир-бир кўз ўнгидан ўтди. Узоқ вақт бирга ишлашиб, меҳри синган коллективдан ажралиш туйғуси ташкилотчилик талантини яна равшанроқ кўрсатишга имкон берадиган янги коллективга қўшилиш ҳислари унинг юрагини чулғаб олган эди. Бирпас ўйлаб туриб:

— Мен партиянинг солдатиман,— деди.

Камолов унинг қўлини қаттиқ сиқди.

— Эртагача ҳамма ҳужжатларни тахт қилиб қўйинг, эрта билан обкомга жўнайсиз.

Камолов одамлар билан хайрлашаркан Сафоевга: «Сиз колхоздан-колхозга учиб юрманг, биттасида бир-икки кун туриб, жиддийроқ ёрдам беринг. Ҳали «Оқ олтин»да эдингиз, дарров бу ерга келибсиз», деди.

Сафоев илжайди:

— Менинг ўз бошлиғим бор.

Секретарь жиддий вазият олди:

— Бошлиғингизга айтинг бизга жиддий ёрдам берадиган одамларни юборсин, йўқса ўзим телефон қиламан.

Сафоев жим бўлди. Камолов жўнади. У кетгач, Бердиқулов рўмолчаси билан пешона терини қаттиқ босиб артди-ю, Сафоевга қаради:

— Ана дўстим, танқид деган мана бундақа бўлади. Камчилигингни топиб кўрсатгандан кейин, «Сизники маъқул» деб бош эгиб тураверасан киши...

Бердиқулов жонланиб кетди. У кабинетига кириб, телефонда кўп киши билан гаплашди. Шоферни сушилка тузадиган устага юборди. Иккита аравакашни чақириб қуруқ ўтин келтиришга жўнатди. Сушилкалардаги одамларни кўпайтирди. Кўсак чувувчи машинани икки сменада ишлайдиган қилди.

Партбюро кўсак чувиш машинасига ва сушилкаларга коммунистларни бириктирди. Янги нормалар белгиланди.

Колхозда пахта тайёрлаш янгидан бошлангандек қизишиб кетди. «Мажбуриятни бажардим» деб талтайиб кетган баъзи бригадирлар ҳам анча чаққонла-

шиб қолди. Сафоев бошқа колхозга ўтмай, анча вақт-гача шу колхозда қолиб кетди.

Бердиқулов соат кечки ўнлар чамаси меҳмонлар билан энди овқатланишга ўтирган эди, Ботир келиб қолди.

— Келинг, келинг, Ботиржон,— деди тикланиб Бердиқулов. Ботир узр айтди, ҳар қанча қистасалар ҳам дастурхон ёнига бормади. Унинг табиати суст, нимадандир аччиғи келгандек эди. Бердиқулов буни сезиб:

— Ботиржон, тинчликми?— Паст товуш билан сўради у.

— Тинч қўйишмаяпти,— деди Ботир унга бир қозни узатиб. Бу терговчининг чақирув хати эди.

Уқиб кўргач, Бердиқуловнинг қаттиқ аччиғи келди.

— Узим гаплашаман, сиз ишингизни қилаверинг. Жавобгар қиладиган бўлса аввал мени қилсин кейин сизни — деди у.

17

Ҳаво очиқ, қуёш тик кўтарилган бўлса ҳам унчалик иссиқ эмас, колхозчилар совуқ уриб, қовжираб қолган барглар орасида кўрак термоқдалар. Жалилов кейинги кунларда колхозчилар билан жуда ёқимли муоада қиладиган бўлиб қолди. Бугун тушлик иссиқ овқатга қўй сўйиб беришга буйруқ берди.

Мулла Нусрат қўй сўйилишини эшитгач, ҳар ишни баҳона қилиб, шийпон атрофида айланиб юрди. Бирикки этак кўсак терди, кейин белини ушлаб: «қариб қолибмиз...» деб этагидаги кўракларни ташлаб, шийпонга келди. Чунки қассоб кўриниб қолган эди. У қўйнинг у ёқ-бу ёғини ушлаб, қассобга ёрдам бера бошлади. Нусрат овқат пишгач, ёғлиқ еридан еб ошиқли суяк кемиришига ишонарди, лекин уни бошқа нарса безовта қилмоқда эди. У қўйнинг юмшоқ еридан бирнеча килограмм гўшт олишнинг иложини тополмай гаранг эди. Дастлаб қассобга илтимос қилди. Қассоб унинг илтимосини рад этди. «Кўпнинг ҳақи, беролмайман»— деди. Нусрат дарғазаб бўлди. Қассоб гўштни майдалаб катта тоғарага солди-ю, қўлини ювиш учун ариқ лабига кетди. Нусрат ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, тўрт бўлак гўштни пахса девордан боққа ирғитди. Қассоб келгач, ҳеч нима билмаганга ўхшаб, зарур иши борлигини баҳона қилиб жўнади.

Нусрат гўшти олиш учун айланиб, боққа кирди. «Бопладим, аҳмоқ қассоб, ўзини ҳам билмайди, ўзгани ҳам... Ёғлиқ еридан ярим килосини пиёзни мўл солиб кабоб қиламан, ярим килосини болалар шўрва-пўрва қилар, бир килосини сотаман...» деб гўшт тушган жойга яқинлашган эди, бўйи эшакча келадиган катта бир ола ит унга ўткир тишларини кўрсатиб ириллади. У гўштининг бир бўлагини оёғи билан босиб урмоқда эди. Қолган бўлаklar ҳам яқин ерида эди. Нусрат тош олиб унга ҳамла қилди. Ит ўриндан туриб ириллаб, Нусратга томон икки қадам юрди. У икки қадам орқага чекинди, лекин икки кўзи гўшзда, қандай қилиб итнинг оёғи остидан олишда эди. Ит яна бориб гўштга оғиз солди. Суяксиз яхлит гўшни лақ-лақ чайнаб юта бошлади. Унга қараб туриб, Нусратнинг оғиздан сўлакайи оқа бошлади. «Яхши гўшт эди, ҳаммасини ермикан-а?» деди ўз-ўзига. Олапар вақт-вақт унга қараб ириллаб қўяр ва қизганиб гўшни тез-тез ер эди. Яна бир ёғлиқ бўлагига оғиз урди. Нусрат термулиб қараб, ютиниб-ютиниб қўйди. Аламидан юраги ёнди. «Оҳ... менда шундай ўткир панжа бўлса-ю, ҳамла қилиб гўшни тортиб олсам...» деб ўйлади. Нусрат итнинг орқасида, ундан сал нарида турган бўлак гўшт эҳтимол эсидан чиқиб қолар» деб умид қилиб турди. Лекин, олапар ёғлиқ бўлакни еб бўлгач, тилини чиқариб оғзини ялади-ю, ҳидлаб-ҳидлаб ҳалиги гўшни топди. Нусратнинг жонфиғони чиқди. Аламидан итни тош билан уриб қочмоқчи бўлди. Лекин кетидан етиб олиб сонига оғиз солиши мумкин эди. Шунинг учун қўрқди. Ниҳоят сўкиб аламдан чиқмоқчи бўлди. Олов чатнаб турган кўзлари билан тикилиб: «виждонсиз, текинхўр...» деди. Олапар, уни масхара қилгандек, тишларини кўрсатиб ириллади. Гўё «мен тўрт оёқли қоровулман, колхозни қўриқлайман; сен икки оёқли бўрисан» дегандек бўлди.

Гўшни тамомлагач, олапар секин туриб жўнади. Нусрат ҳам айланиб қозон бошига келди. Жалилов супада чой ичиб ўтирарди. Нусратнинг кайфи бузуқ, табихира эди. Жалилов эса бугун хурсанд. Чунки кеча бюрода унчалик қаттиқ гап эшитмади. Пахта пункти приёмчиси билан келишди, унга олти тонна пахта учун олти минг сўм юборди. Бунинг устига кеча терговчи Абдуллаевдан: «Ботирнинг иши «тахт» бўлди, эрта-индин қамалади» деган гапни эшитган эди, яна Бўстон

хаёли билан маст бўла бошлади. Учиб кетган умид «Ботир қамалади» деган гап билан яна шуълаланади. У гоҳ ошпазга, гоҳ мулла Нусратга қараб аския айтар эди. Лекин бу хурсандлик узоққа чўзилмади. Отлиқ бир киши келди-ю, унинг қулоғига бир нималар деб шивирлади. Дастлаб унинг гапи Жалиловга унчалик қаттиқ таъсир қилмади. «Ҳа... бир йўли топилиб қолар...» деди. Ҳалиги одам яна шивирлаган эди. Жалиловнинг ранги оппоқ оқариб кетди. «Равшанов?!», «Октябрь» колхозининг бухгалтери Шарофжон?! «Ҳалиги одам!» Ҳа, худди ўзи эҳтиёт бўлсинлар деб юборди ўртоқ Абдуллаев» — деди. Жалиловнинг ҳуши бошидан учди, сувга тушган товукдай шалпайиб қолди. Жалилов ҳақида анчагина материал йиғилган эди. Бўстон ва Риза бобо берган маълумотлар эса, ишнинг қўзғалиб кетишига бир туртки бўлди. «Оқ олтин» колхозини чуқур ревизия қилиш учун бухгалтерлар группаси тайин этилди. Равшановнинг номини эшитиб Жалиловнинг юрагига олов тушди, ҳар нафас олганида оғзидан яшил аланга чиқа бошлади. Нусрат эса «ҳужжатларни тўғрилаш» учун оёғи куйган товукдек тўрт тарафга чопди. Равшановни қўлга олиш, алдаш мумкин эмас эди. Нусрат уни «Ер тагида илон қимирласа билади» дер, ундан ўтдан қўрққандек қўрқарди.

Жалилов, ревизиянинг Равшанов томонидан ўтказилишига қарши норозилик билдирмоқчи бўлди, лекин бунинг учун киши ишонарли баҳона тополмади.

18

Салим ака кечаси соат ўнда правление мажлисидан қайтди. Унинг кайфи бузуқ эди, тўғри уйига келди. Дераза олдига чордана қуриб ўтирди, ҳарорати ошгандай қулоқларининг орқасигача қизариб кетган эди. У қўлини пешонасига қўйиб анчагача сукут билан ўтирди. Нозик, сариқ мўйловини бураб, деразадан ҳовли юзига қаради. Шу вақт катта товоқни кўтарган ҳолда Саодат опа кириб келди:

— Ўрдак шавла пиширдим. Қўлингизни ювдирайми?

Саодат опа дастурхан ёзиб, товоқни қўйгач, қумғонни олиб, эрининг қўлини ювдирди. Унинг кайфи хираланганини пайқаб сўради:

— Нима бўлди, нега хафа кўринасиз?

— Ҳеч!.. — зарда билан жавоб қилди Салим ака.
— Бир гап борга ўхшайди. Тўғрисини айтаверинг, биламан.

— Бўлмаса сен ҳам маслаҳатда бор экансан-да?

— Маслаҳатда бўлмасам ҳам биламан.

— Ҳосилотликдан бўшатишди.

— Нима айб қўйишди?

— Ана шуниси алам қилади-да, бирон айбингни бўйнингга қўйиб бўшатса гўрга эди...

— Бирон нарса дейишгандир, ахир?..

— Шунга яқинроқ, «Колхоз каттайди, иш оғирлашди. Энди эплай олмайсиз, уқувингиз етмайди» дейишди.

— Умумий мажлисга солар, ахир.

— Энди бўлмайди, кетамиз...

— Кетамиз, қаёққа?

— Жалилов ёнига, бу бола мени энди тинч қўймайди.

— Қайси бола?

— Ҳамма гап ўшанинг оёғи тагидан чиқяпти, ўртоғи агроном ҳосилот бўлди.

— Бекор овора бўлманг, Жалиловингизнинг ҳам ҳоли оғир кўринади. Ҳар куни устида комиссия, текшириш устига текшириш, дейишади. Шу ерда ўзингизга лойиқ иш топилиб қолар. Мен, Бўстон ишлаб турибмиз...

Шу маҳал Бўстон кириб келди, Саодат опа уни чақириб, «Даданг ёнида ўтира қол, ҳозир овқат келтираман деди. Бўстон қўл ювиб, дастурхон ёнига келди. Салим ака Бўстоннинг кетишга қаршилигини тахминан биларди.

— Эл истаган ерда азиз, кетамиз,— деди у.

Бўстон ялт этиб дадасига қаради:

— Қаёққа кетамиз, дада?

— «Оқ олтин» колхозига.

Бўстон гапирмасдан овқатланди. Салим ака вақт-вақт кўз қирн билан Бўстонга қараб-қараб қўйди. Ундан ҳеч сазо чиқмагач, пиёладаги кўк чойдан бир-икки хўплади-ю, кейин сўради:

— Сен нима дейсан, Бўстон?

— Нима учун кетмоқчисиз, ҳосилот совети раислигидан бўшатганлари учунми? Шунинг учун бўлса кетмай қўя қолинг. Тўғрисини айтсам яхши ишламадингиз, ҳар бир янгиликка халал бердингиз.

— Нимага халал берибман?— Қовоғини солиб сўради Салим ака.

— Аччиғингиз келмаса, гапираман.

— Гапир, гапир.

— ГЭС қураимиз деганда. «Қолхоз камбағаллашади, аҳволимиз оғирлашади, вақти эмас» деб чиқдингиз. ГЭС қурилди. Аҳволимиз аввалгидан бир неча баравар яхшиланди. Устахона кўсак чувадиган машина электр билан ишлаб, колхозга қанчадан-қанча фойда келтирәтир. Ҳар кимнинг уйида электр. Мана электр трактор ҳам юргизадиган бўлдик. Сизнинг гапингизга кириб, колхоз ГЭС қурмаса, нима бўларди? Боғ қуришга қарши турдингиз. «Куч бўлинади, пахтага ўз вақтида ишлов беролмаймиз, ҳосил камаяди» деб туриб олдингиз. Боғ ҳам бўлди. Пахта плани ҳам, ҳатто мажбурият ҳам ошириб бажарилди. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг. Раҳбар ҳадеб хато қилаверса, ишларга тўсқинлик қилса, қандай чора кўриш керак? Колхоз ҳосилоти бўлиш — ота мерос эмас-ку, ахир.

— Гапларинг бир ҳисобдан тўғри, лекин бу колхозда қололмайман.

— Нега?

— Обрўим тушди. Энди ҳеч ким мени писанд қилмайди.

— Агар обрў дейдиган бўлсангиз колхозда йўл очиқ. Қайси ишни партия айтганидек яхши бажарсангиз, обрў ўзи Сизни излаб топади.

Салим ака сариқ мўйловини бураб, деразадан ташқари қаради. Япроқлари тушиб, ярим яланғочланиб қолган нок ва ўрик дарахтларига тикилиб туриб:

— Бажариш қўлимдан келади, лекин бу колхозда эмас. Хотиним, қизим бормаса, ўзим бош олиб кетаман.

Бу гапдан кейин Бўстонни бошқа бир нарса безовта қила бошлади: «Нега «Оқ олтин» колхозига?.. Ҳали ҳам дадам ўша фикрдамикин? Ахир менинг кимга тегишим ўз ишим-ку! Эскилик қолдиғи дадамга елимдек ёпишиб олмай қуриб кетсин!..»

Бўстон отасининг жаҳли авж олаётганини билиб, бошқа гапиради. Салим ака алами зўрлигидан бир ерда ўтиролмай, ташқари чиқиб кетди. Шу замон шошилиб Вера Павловна билан Қодирқул кириб келдилар. Уларнинг хурсандлиги чеҳраларидан сезилиб турарди. Вера Павловна:

— Хушхабар келтирдим, суюнчи берсанг, айтаман,— деди.

— Тез айтинг, нима десангиз бераман,— деди Бўстон унга ёпишиб.

Вера Павловна унинг қулоғи ёнига оғзини келтириб секин: «Ботиржон оқланди» деди. Бўстон «Ростми?» деб уни қучоқлаб айлантириб ўпа кетди. Вера Павловна «Бўлди, бас, Бўстон, деб қичқирди. Бўстон югуриб уйга кирди-ю, битта янги ироқи дўппи олиб чиқиб Вера Павловнага кийгизди. У «ҳожати йўқ...» деса ҳам қўймади.

Бўстоннинг бу ҳаракатларини кўриб турган Қодирқулнинг юраги орқасига тортиб кетди. У рашк оловида ёнарди. Сўнгра, бир оз ўйланиб тургач, ўзини босиб олиб:

— Чинакам севар экан, энди умидингни узавер, орасига гов бўлма,— деди ичида.

19

Ойни этак билан яшириб бўлмайдди. Жалилов қанча ҳаракат қилиб ҳужжатларни «тўғриласа» ҳам сувдан қуруқ чиқишига ақли ишонмади.

Соат кундузи ўн икки бўлиб қолганига қарамай, Жалилов ўрнидан турмади, чунки кечаси билан ухлай олмай тўлғаниб чиққанди. Келган кишиларга «касал» деб юборди. У, «район ташкилотлари бирор ҳужжатни қўлга туширган бўлсалар керак, бу ревизия бежиз эмас» деб ўйларди.

Онаси гўшт қовуриб келиб, «тур, болам» деди. Жалилов хушёқмас ўрнидан туриб ювиниб келди. Гўшт билан яримталиқ ароқни ичди-да, яна кўрпа ичига кирди. Мастлик ва ваҳима хаёли уни ҳар тарафга олиб қочди. Кўп режалар чизди, лекин биттаси ҳам ўзига маъқул бўлмади. «Кўрққанга қўша кўринар» дегандек ваҳимаси тобора ошди. Кўзига суд, милиция, қамоқхона кўринди. Уйлай-уйлай ниҳоят, раисликдан бўшаш фикрига келди. Ревизия бошланмасдан ишни топшириб, узоқ бир жойга жўнаб кетмоқчи бўлди.

Қолхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари қисқа муддатлик ўқишга кетганидан фойдаланиб, бу ма-

салани ўзи ҳал қилмоқчи бўлди. Кечқурун умумий йиғилиш чақиришга буйруқ берди.

Уни қўлтиғидан икки киши суяб, мажлисга келтирди. Раис тўрт қават қилиб солинган кўрпа устида ёстиққа ёнбошлаб ётди. У калта-калта нафас олар, вақт-вақт «уф-уф»...» деб қўярди.

Мажлис очилгач, колхозчилардан бири сўради:

— Раис, нима учун бўшамоқчисиз?

Жалилов ҳарорат халал бераётгандек бўлиб-бўлиб гапирди:

— Кўриб... турибсиз... нима... ҳа... касалим оғир. Докторлар ҳам шундай дейишди, чўзиладиганга ўхшайди. Иш ортда қолмасин. Уф... ҳали... баъзи мажбуриятлар бажарилган эмас.

— Буни район ташкилотлари билан маслаҳатлашмоқ керак,— деди колхозчилардан бири.

— Тўғри-тўғри,— деди сариқ телпакли чол,— ахир райкомимиз, исполкомимиз бор, шулардан бемаслаҳат раисни бўшатсак яхши эмас.

Одамлар «тўғри-тўғри» деб қичқиришдилар. Ҳамма «раиснинг бу ҳаракати бежиз эмас...» деб ўйлаб қолди. Жалилов ҳам буни фаҳмлаганди. У одамларни шубҳалантириб қўйганини сезиб, бошини қуйи солиб, лабини тишлади. Ҳижолатдан терлади, ҳеч кимга бош кўтариб қарамади. «Колхозчилар чиқиб кетишса эди...» деб ўйлади у. Аммо, улар: «Ҳа ҳийлакор тулки, сувдан қуруқ чиқмоқчисан-а!» дегандек тикилиб турардилар. Айниқса, бир жуфт сариқ кўз «ҳамма сиригни биламан, сен колхозчиларнинг кўзига хас солиб, давлатни алдадинг. Лекин жазодан қочиб қутулмайсан» дегандек қарар эди. Кичкина сариқ бошини кўтариб аскиячи Расул бригадир: «Раис, қалайсиз авра-астарингиз сўкиладиганга ўхшайди-ку!» дегандек бўларди.

Жалилов кўзлар ҳужумидан қаёққа қочишини билмай турганда залга Равшанов кириб келди. Жалилов унга бир қаради-ю, ўтга тушган қилдек бир буралиб ёзилди. Мажлис яна қизишиб кетди.

Кўк кител кийган, дўнг пешона, ўрта яшар бир колхозчи ўрнидан туриб пичинг билан Жалиловга:

— Сувдан қуруқ чиқа олмайсиз, раис,— деди.

Жалилов ари чаққандек сесканиб, ялт этиб унга қаради:

— Ҳисоб-китобим ҳамма вақт жойида, қўрқадиган ерим йўқ.

Тўғри, ҳисоб-китобга ишқивозсиз!.. Кўпинча бухгалтериядан чиқмайсиз,— деди ҳалиги колхозчи истехзо билан.

— Яхши баҳо, раҳмат,— раис заҳарханда қилди,— бу гапни тушунадиган киши айтса яхши чиқар эди, сизга ким қўйибди?.. Расул аканинг газаби авж ола бошлади:

— Сизнинг ҳисобингиз кўп қиррали ойнадек биттани тўртта қилиб кўрсатади. Хужжатларингиз қоғоздан ясалган уйдек қулаб кетади.

— Далилингиз?..

— Колхозчилар умумий йиғилишида дўкон қуришни тасдиқлатиб олдингиз...

— Ҳа... уставга мувофиқ.

— Тўртта фанердан қутидек бир уйча ясатиб, «ўттиз минг сўм сарф бўлди», дедингиз. Тегирмон қуришга йигирма минг сўм сарф бўлди дедингиз. Қурдирган тегирмонингиз ҳеч нарсага арзимади.

— Бас!— деди Жалилов чўғдек қизариб,— уччига чиққан маҳмадонасиз.

Звено бошлиғи Лолахон ўрнидан турди:

— Халал берманг, шу вақтгача гапиртирмай келдингиз.

Жалилов «касал»лигини эсидан чиқариб, ўрнидан туриб кетганини ўзи сезмай қолди.

— Ревизия келди деб оғизга келган гапни айтаверасизларми? Мен мажлисни бунинг учун чақирганим йўқ. Йиғилиш тамом, ҳар ким ўз ишига жўнасин...— деди у.

Одамлар жойидан қўзғалмай:

— Пухта текширилсин, ҳеч қаяёқча кетмаймиз,— деб қичқирдилар.

Равшанов ўрнидан туриб, қўл кўтарган эди, ҳамма жим бўлди.

— Уртоқ колхозчилар,— деди у йўғон товуш билан — хотиржам бўлинглар. Биз район партия комитети кўрсатгандек игнасида ипигача текшираемиз. Пешона терингиз билан топилган ҳар бир тийин учун жавобгарлик талаб қиламиз.

«Тўғри-тўғри!» — деган овозлар эшитилди. Мажлис тарқалди. Қўлтиғидан суйайдиган одамлар келавермаганидан кейин Жалилов аста туриб уйига жўнади.

Еш агроном «Тингловчилар бунча кўпайиб кетар» деб ўйламаган эди. Аксинча, «педагогик тажрибам кам, Мичурин ҳаёти ва фаолиятига оид асосий масалаларни тушунтиришда ўзимни ҳам, тингловчиларни ҳам қийнаб кўярман» деб шубҳаланган эди. Лекин у оддий мисоллар билан Мичурин биологиясининг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилди.

Колхозчилар ҳам у нима деса дарров илиб оладиган кишилар эди. Чунки, «Мичуриннинг мероси буюк ва мураккаб бўлиши билан бирга, коммунизм қураётган ҳар бир совет гражданига, ҳар бир колхозчига тушунарлидир».

Ботир колхоз клубининг кичкина хоналаридан биринда боғда ишлаш учун ажратилган ўн саккиз киши билан машғулот бошлаган эди, икки кун ўтмай тингловчилар кўпайиб кетди. Курсни тўрт деразалик катта бинага кўчиришга мажбур бўлдилар. Бугун янги хонада саксон тўрт киши унинг лекциясини тингламоқда. Улар орасида Тошпўлатов, Бердиқулов, Риза бобо, Бўстон, Карим полвонлар ҳам бор.

— Иван Владимирович,— деди у сўзида давом қилиб,— илмий масалаларга ҳамisha ҳаёт ва тажриба, Ватанимиз талаблари асосида яқинлашарди.

Ботир, Ломарк ва Дарвиннинг материалистик табиат фанини ривожлантиришда қилган катта хизматларини мисоллар билан тушунтириб, яна Мичурин устида тўхталди.

— Аммо,— деди у,— устоз Мичурин эса, яна ҳам илгари кетди. Дарвин ўсимлик ва ҳайвонларнинг келиб чиқиш ва ривожланишини изоҳлаган бўлса, Мичурин уларнинг шаклланиш жараёнини очиб берди. Уларнинг ўсиш ва ривожланишини бошқариб бориш учун ажойиб усуллар ишлаб чиқди. Кимки Мичурин биология илмини чинакам эгалласа, унинг усулларини усталик билан қўллана билса, у табиатни ўзгартирувчи ижодкор бўлади, табиатни одамлар манфаатига қараб ўзгартиради.

Олим ҳам, колхозчи ҳам Мичурин таълимотини тажрибада қўлланиш билан амалда унинг буюк ишини давом этдирувчига айланади. «Менинча,— деган Иван Владимирович,— ҳар бир колхозчи тажрибакор бўлиши

керак. Тажрибакор бўлдим — табиатни ўзгартирувчи бўлгани».

Ботир табиатни дадиллик билан ўзгартираётган ва реакцион назарияларга зарба бераётган кўп мичуринчилар фаолиятдан ажойиб мисоллар келтириб сўзини давом қилдирди. Баъзи янги навлар яратиш тарихидан сўзлади.

Нур бобо билан Риза бобо ҳам зўр эътибор билан тингладилар. Тошпўлатов аввалги лекцияларда бўлмаганига пушаймон еди. Тезисларни ёки фойдаланган китобларини Ботирдан сўраб олмоқчи бўлди. Кейин эса, бу лекцияларни колхоз радио станцияси орқали ҳамма колхозчиларга етказиш фикрига келди. Бўстон бугун Ботирда яна бир хусусиятни, — бутун илмини халққа бериш, оммани тарбиялашга ҳавас ва эҳтирос билан интилиш хусусиятини кўрди.

Ботир қўл соатига қараб қўйди-ю, лекцияни якунлаб тўхтади. Қизгин савол-жавоблар бўлди, одамлар хонадан чиқа бошладилар.

Тошпўлатов Ботирга қараб:

— Бугундан бошлаб лекцияларингизни радиога чиқиб ҳам такрорлайсиз. Ҳамма колхозчи тинглаши керак. Еш болали хотинлар, кексалар ва бошқалар бор.

Ботир жавоб беришга улгурмасданоқ Фозил Иванович гапга аралашди:

— Микрофонни мана шу ерга келтириб қўямиз, ҳамма эшитаверади, вассалом, такрор қилишнинг ҳожати йўқ.

— Омон бўл, Фозил Иванович, — деб қичқирди орқанда секин чиқаётган Қарим полвон. — Шунинг учун бунинг оти Фозил мушқули осон-да.

21

Улар хиёбондан ёлғиз гапиришиб кетдилар.

— Йўқ, бу гапдан ҳеч хабарим йўқ. Мен ўринбосарликни эплай олармиканман?

— Эплаганда қандай?

— Турсун акамнинг ўзларичи?

— У киши райкомга ишга ўтадилар.

Бўстон чиройли кўзларини катта очиб Ботирга қаради:

— Партком ким бўлади?

- Бошқа киши сайланади-да.
- Сиз бу гапларни кимдан эшитдингиз?— деди Бўстон Ботирга қараб.
- Тегишли жойлардан.
- Ҳозирча бошқаларга айтиб юрманг. Кўпчиликнинг хоҳиши...
- Ана шу кўпчилик сизни кўрсатяпти-да...
- Бўстон ҳовлисига яқинлашиб қолгани учун хайрлашди.
- Бўстон ичкари кирганида Нур бобо энди бир чойнак кўк чойни олдига қўйган эди.
- Бобо, лекция қандай бўлди?— деб сўради ундан.
- Дарҳақиқат, Фозил Иванович яхши таклиф киргизди. Унинг фикри ҳаммага маъқул тушди.
- Барака топсин, ўзи ҳам илмнинг кони экан-да. Ҳар сўзи мияни тўлдиради-я. Москвада ўқиган-да, қизим! Забардаст Мичурин ҳам Москвада етишган.
- Бобо у ёқ-бу ёққа қараб атрофни одамдан ҳоли кўргач:
- Салимнинг гапига кирма. Уша муносиб сенга...— деди. Бўстон кулганича уйига кириб кетди.

Саодат опа «Оқ олтин» колхозига кўчишга рози бўлмади.

— Дарахт бир ерда камол топади, колхоздан-колхозга кўчиб юриб жинни бўлганим йўқ,— деди у.— Эсингизни еб қўйдингизми? Киши, ахир, шунча меҳнати синган, шундай яхши колхозни ташлаб кетадими? Омборнингиз дондан, дастурхонингиз нондан тўлиқ. Қўлингизни қаёққа узатсангиз етади. Электрни айтмайсизми? Дангиллама уйингиз, бола-чақангиз бўлса, сизга яна нима керак?

— Эси паст хотин,— деди тўнғиллаб Салим ака,— ахир бу гаплар фақат сенинг колхозингда-ю, бошқа ерда йўқ, деб ўйлайсанми? Қишлоғингдан чиройлироқ қишлоқлар, колхозингдан бойроқ колхозлар кўп. Колхозинг эмас, қиладиган ишинг ҳам яхши бўлиши керак.

— Нима, сизни «Оқ олтин»га раис қилишмоқчимиз?

— Раис қилишмаса ҳам, ҳосилот ёки завхоз қилар.

— Ҳай, ҳай, мени ақли паст дейсиз-у, гапингизни тарозуга солиб кўрмайсиз. Бу ерда ҳосилотликни эплолма-

ган кишини, у ерда ҳосилот қилишмайди, бунга кўнглингиз тўқ бўлсин. Завхозлик шунча йил тажрибакор пахтакор бўлиб келган кишига ярашмайди.

— Гапни чўзма. «Оқ олтин»да раис таниш — ўзимиздан. Истаган ишимни беради. Бугун гапиришиб келаман; кейин ариза бериб, бу ердан бўшайман.

Салим ака зарда билан чиқиб кетди. Учоққа ўт ёқаётган Саодат опа унинг кетидан қичқариб қолди: «Бу феълингиздан қайтинг, барибир, пушаймон қиласиз!»

Салим ака хотини томонга қайрилиб ҳам қарамади. Аксинча, қадамини тезлатди. У катта йўлга бурилай деганида, кутилмаганда олдидан мулла Нусрат чиқиб қолди. Улар қадрдон ошналардек сўрашдилар.

— Хўш, йўллари бўлсин,— деди Салим ака кулар юз билан.

— Жанобларини бир зиёрат қилай, анчадан буён кўришмадик деб, йўлга чиққан эдим, буни қаранг-а, ният ҳолис-да, рўбарў келиб қолдик,— деди мулла Нусрат. Унинг чўққи соқолини чанг босган, кўзлари ичига ботиб кетгандек эди, ранги ўчган кўринарди.

Салим ака йўлдан қайтишга мажбур бўлди. Уни бирга олиб уйига келди. Саодат опа ранжиди: «Қозонга ёндошсанг қораси, ёмонга ёндошсанг балоси юқар»— деди ўз-ўзича. Саодат опа дастурхонни узатиб, электр плитага чой қўйди-ю, йўлакда туриб уларнинг суҳбатига қулоқ солди.

— Шу қисқа муддат ичида кўп воқиалар бўлиб ўтди,— деди мулла Нусрат ёғлиқ патирдан бир бурдани оғзига олиб бораркан,— душманлар ҳужум қилди. Ҳозир комиссия ҳисоб-китоб ишларини текшираётир. Қўвингизнинг аҳволи оғир. Бизни кассирликдан бўшатдилар. Қолхоздан ўчирдилар.

«Жуда яхиш бўпти,— деди Саодат опа ўз-ўзича,— бу ҳам оз, сени чўли жазирамага чиқариб ташлаш керак. Қишлоқда бўлсанг, кишиларнинг ширин турмушига заҳар соласан...»

Салим ака кутилмаган бу воқиядан чўчиб тушди. Томирларидан югуриб олов ўтгандай бўлди. Тани қизишди, ранги оқарди. Боши гангиб қолди. Ўзини босиб сир билдирмасликка уринса ҳам, барибир юрагидаги ҳаяжон юзига тепди. Ахир сунъий товуш билан сўради.

— Нимага?

— Қасамёд қиламан, поҳақдан, туҳматдан. Сиздек ошнalar омон бўлса иш топилмай қолмас. У колхоз бўлмаса бу колхоз, лекин судга беришмаса бўлгани. Маккор Равшанов кавлаштираётгандек кўринади. Келишимнинг боиси ҳам шу. Дардимни айтиб, юрагимни бўшатай, даво сўрай, дедим. Кавлай берса ахир, бирон нарса топади-да камчилик, хато кимда йўқ! Беайб, парвардигор..

«Куёвининг» раисликдан бўшаш хавфини эшитгач, Салим аканинг кайфи бузилди. Бунинг устига мулла Нусратнинг гаплари яра устига туз сепгандай бўлди. У аламини қандай қилиб чиқаришни билмади. Қизарди, бўзарди ва шундай бир қараш қилдики, мулла Нусрат кўрқиб кетди. Кўзини олиб қочди.

— Жиноят бўлса, бугун бўлмаса эртага очилади. Бўлмаса, минг кавлаган билан ҳеч нима тополмайди.

— Илоҳи омин, нафасингиздан ўргилай,— деди мулла Нусрат ва Салим аканинг авзойи бузилганини сезиб, безовта бўла бошлади. Воқияни пухта ўйламай айтиб қўйгани, рамузга қараб ҳаракат қилмагани учун ўзидан хафа бўлди. Ҳатто ўз-ўзини койиб ҳам қўйди, лекин бу хатони тузатиш имкони йўқ эди. Мулла Нусрат буни аниқ пайқади. Ўтган ҳар минут Салим аканинг жаҳлини авжга миндираётганини сездди. Шу сабабдан, икки пиёла чой ичгач, уэр сўраб ўрнидан турди. Салим ака ҳам қаршилик кўрсатмади. Мулла кавушини кийиб, қийшайиб эшикдан чиққанича шошилиб, йўртиб жўнади. Салим ака бош бармоғини пешонасига тираганича ўйланиб ўтириб қолди. Унинг планлари бутунлай барбод бўлган эди. Фақат бригадир ёки звено бошлиғи бўлиб, пахта юқори ҳосили учун курашишдан бўлак йўл қолмаган эди. Шу йўл билангина хира юрагини ёритиши мумкин эди.

Тошпўлатов район партия комитетига секретарь бўлганидан кейин, унинг кетиши ишга салбий таъсир этмаслиги учун, колхоз раҳбарлигини мустаҳкамлаш мақсадида баъзи бир ўзгаришлар қилинди. Кўзга кўриниб қолган ёш кучлар правление составига киритилди. Бўстон Салимова колхознинг раис ўринбосари вазифасига, колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари вазифасига эса, Ботир Мавлонов сайландилар. Ботир бу ишларда бошдан актив иштирок қилиб келгани учун қийнал-

май, ғайрат билан ишни давом эттирди. Баъзи кишилар Тошпўлатов кетгач, партия ишлари изидан чиқади ёки тамоман бўшашиб кетади деб ўйлаган эдилар. Аксинча, бюро ва умумий йиғилишлар, сиёсий ўқиш ишлари ўз вақтида давом этиб турди.

Тошпўлатов хайрлашиш кечасида «Менинг кетишим, ишга заррача ҳам таъсир этмаслиги керак, аксинча, ишнинг кучайишига ёрдам этсин. Мен имкониятлардан фойдаланиб Ботиржонга кўмаклашиб тураман, сизлар ҳам ёрдамлашинглар. Қолхоз коммунистларидан менинг талабим шу» деган эди. Коммунистлар унинг талабини бажаришга ҳаракат қилдилар. Ботир илмий-амалий ишлар билан партия ишларини бирга қўшиб олиб борди. У яна ҳам серҳаракат бўлиб қолди.

Дастлаб баъзи коммунистларга унинг сўзлари қўполдек туюлди, у топшириқ берганда баъзилари худди қулоғи орқасига устара теккандай сақраб тушди. Ботир ёнида Тошпўлатовни кўкларга кўтариб мақтовчилар ҳам бўлди. Шунда Ботир: «Тошпўлатов партия ишида менинг устозим» дер ва шу билан уларнинг ҳовурини босарди. Лекин коммунистлар орасида Ботирнинг обрўи кундан-кунга орта боргани равшан сезилиб турарди. Тошпўлатов эса тез-тез келиб ёрдамлашиб турди. Ботирнинг ишлари юришиб кетди.

Аммо, дастлабки кунларда Бўстон ишга унчалик қовушавермади. Ишни қаердан бошлашни билмай, тўғри келган ишга аралашди. Ўз ишидан қаноатланмади. Ниҳоят Бердиқулов ҳузурига кириб: «Ё мени эски ишимга қайтаринг, ёки вазифамни аниқлаб беринг» — деди.

— Ҳа... катталик зериктирдими? — деди ҳазиллашиб Бердиқулов унга.

— Қиладиган ишнинг аниқ бўлмаса, киши ўз-ўзингга ҳам хунук кўринар экансан...

Бердиқулов Бўстонни зериктирмаслик учун бир-икки кун ўз ихтиёрига қўйиб берган эди. Худди шу гапни кутиб тургандек, Бўстонга дарҳол конкрет вазифалар ланини чизиб берди.

Правление йиғилишида унга маълум вақтгача чорвачилик ва боғдорчиликка раҳбарлик қилиш вазифаси юклатилди.

— Ем-хашак тайёрлаш плани бажарилгани йўқ. Бу йил ёмғир кам ёққани учун ўт яхши бўлмади,— деди Бердиқулов.— Ферма мудирини ва тажрибали кексалардан

чақириб, қаердан, қандай ўт тайёрлаш ҳақида маслаҳатлашинг ва асосий кучни ўт ўриш, ҳашак тайёрлашга ташланг.

Бердиқулов ёнидан чиқиши билан Бўстон ферма мудирини чақириб, у билан маслаҳатлашди.

Ферма мудирини унга колхоз доираси ва ундан ташқаридаги ўт-ҳашаклар ўриб-йиғиб олинганини, қолганлари эса, ниҳоят даражада бўйи паст ва сийрак бўлгани учун меҳнатга арзимаслигини айтди.

Ферма мудирини юзи анордек қип-қизил, эллик ёшлардаги семиз бир киши эди. У Бўстонни менсимагандек илжайиб ўтириб гапирмоқда эди.

— Менга кўпдан маълум бўлган сўзларни такрорладингиз,— деди жиддий қилиб Бўстон.— Нима қилсак тез кунда ем-ҳашак тайёрлаш планини бажарамиз? Сизга эртагача муҳлат, эрта билан планингизни чизиб келасиз.

Ферма мудирини айтган фикрларини таъкидлаш ва планини бажаришининг иложи йўқлигига Бўстонни ишонтирмоқ учун эсига келган далилларни айтмоқчи эди, Бўстон бунини сезиб қолиб, олдини олди ва ем-ҳашак тайёрлаш планини бажармаслик асло мумкин эмас деб ферма мудирини уқдирди.

— Бажармай ҳақимиз йўқ. Ўт бор, имконият бор,— деди Бўстон.

— Ферма мудирини ҳозир далада ўт қоптими?— деб тўнғиллаб жўнади.

Бўстон кабинетидея ёлғиз қолди. Жимлик, фақат деворий соатнинг «чиқ-чиқ»и эшитилади холос. Бўстон газеталарни варақлай бошлади. «Ленинский путь» номли область газетасида босилиб чиққан бир мақола унинг диққатини тортди. Чанқаган одам сувга қандай интилса, у ҳам бу мақолага худди шундай интилди. Шошилиб ўқиди. Бирданига чеҳраси очилиб кетди.

«Чорвачиликнинг озуқа баъзасини кенгайтириш учун муҳим резерв» сарлавҳали бу мақолада янтоқ ундан мол овқати учун фойдаланиш тавсия қилинган эди. Бўстон газетани кўтариб, Бердиқулов кабинетига кирди:

— Ферма мудирини билан гаплашдим. У «Барини ўриб олдик, энди далада ўт қолмади» — деди. Бўстон Бердиқуловга бир қараб олди-ю, сўзида давом этди.— Агар ўт қолмаган бўлса, янтоқ ўрдирсакчи?

— Туямиз йўқ-ку, ахир?

— Қишлоқ хўжалик институтининг илмий ходими ўз мақоласида янтоқ унини ҳамма ҳайвон севиб ейди, жуда яхши озуқа, деб мақтабди.

— Қанақа ун?— Бердиқулов диққат билан сўради.

— Янтоқни тегирмонга солиб ун қилинади, вассалом. «Ударник» совхози шундай қилиб жуда яхши натижага эришган. Янтоқни МДУ-4 деган тегирмонда тортиб ун қилинса тикани қолмас экан. Мана мақола.

Бўстон газетани Бердиқуловга узатди. Ана бу ишингиз соз бўлди» деб Бердиқулов қўлига қизил қалам ушлаб ўқий бошлади. «Ҳар соатда 100 кг ун чиқаради», «ҳар килограмм янтоқ уни харажатлари билан 15 ти-йиндан тушади». «Молга бу унни бир оз намлаб бериш керак, йўқса нафас олганда, бурнига кириши мумкин» деган гапларнинг тагини чизиб қўйди. У газетадан бош кўтариб Бўстонга қаради:

— Жуда яхши. Дарров ташкил қилиш керак. Ҳамма одамингизни янтоқ чопишга юборинг. Бухгалтерга айтинг, тегирмон учун пул ўтказсин.

Бўстон «хўп» деб кабинетдан чиқиб кетди. Дарров ферма мудирини чақириб, воқияни унга тушунтирди. Янтоқ кўп жойлар ҳисобга олиниб, машина билан одам юборилди.

Бўстон ўз кабинетида ким биландир телефонда гаплашаётган эди, Нор хола кириб келди. Бўстон уни кўриб уялиб кетди, кейин стул қўйиб, ўтиришга таклиф этди. Узи эса ундан пастроққа ўтирди.

Нор хола унга очиқ юз билан қараб:

— Тур жойингга ўтиб ўтир, келиним бўлсанг ҳам муовинсан,— деди.

Бўстон узр сўраса ҳам Нор хола ҳеч қўймади. Уни стол орқасига ўтқазди, кейин нима учун келганини унга айтди:

— Мен кўсак теришдан қайтаётиб, янтоқ чопишга кетаётган кишиларни учратдим. «Янги муовин молларни янтоқ билан боқар «эмиш» деб кулишиб кетяптилар. Нима гап, қизим?

— Янтоқ билан эмас, янтоқ уни билан боқамиз. Бир хил янги тегирмон чиққан, яқинда бизга ҳам келади, ўшанда янтоқни тортиб ун қиламиз.

— Янтоқ йиғдиргунча, каррак йиғдир. Мол шундай яхши ер эканки, асти қўявер. Мен тандир учун бир арава келтиртирган эдим, сигирим еб қўйди. Афти хунук

бўлгани учун тикани заҳарли деб ўйлашарди. Заҳар-пахари йўқ экан. Колхоз ем-ҳашак деб қийналаётганини эшитиб, шунни айтгани келдим. Эртага Мавлон отанг бир аравасини келтиради, бориб кўр, мол қандай ер экан? Тиканини эзиб берса, яна яхши.

— Раҳмат, раҳмат,— деди сал қизариб Бўстон,— ҳали жуда кўп ўт керак, бундан ҳам фойдаланамиз. Албатта, эртага бориб кўраман.

Нор хола хайрлашиб жўнаркан:

— Бориб тур, қизим, ўз уйинг,— деди.

Бўстон ўрнидан туриб уни узатди ва кетидан унга қараб:

— Жуда ақлли кампир-да,— деди.— Янтоқ кам. Каррак ҳамма ерда бор.

Шу пайт унинг кўз олдига учинчи бригадага борадиган йўл чеккаларида ўсган, ҳар бири одам бўйи келадиган, бошида дўппидек қизил гулли, қалин япроқли ўсимлик келди.

Бўстон Бердиқулов қабулхонасига кириб, колхоз секретари Қодирқулга:

— Қодирқул ака, сигир соғувчиларга хабар қилдинг, кечқурун ишлари тамом бўлгач, менинг кабинетимга келишсин. Сут камайиб кетяпти. Бир гаплашиб олмақчиман,— деди.

Қодирқул бошда бир оз ғижинса ҳам, лекин сездирмаслик учун: «Есть, ўртоқ начальник!» деб кулди. Бўстон янтоқ уни тортиладиган тегирмон қуриладиган ва сақланадиган жойларни тайёрлатиш учун отланиб жўнади. У хурсанд эди.

Нор хола ҳам қувониб ҳовлисига келди. Йўлакда Мавлон отани учратиб:

— Келинимни кўрдим, бирам одобли, бирам ширин сухан, катталикни ҳеч ҳам билмайди. Тезроқ тўй қилиб, келтира қолсам...— деди.

24

Абдуллаев энди кабинетига кирган эди, уни прокурор чақирди.

— Олинг,— деди прокурор Ботирнинг «иши»ни унга узатиб,— қайтадан текширасиз. Раис, партком бир ёқда қолиб кетиб, актга ким, қанақа кишилар қўл қўйган.

— Ахир, улар жиноятчига ён босадилар,— деди Абдуллаев қизариб-бўзариб.

— Қишлоқ хўжалик бошқармасидан бир кишини олиб боринг. Партком, раис ва правление аъзолари билан бирга текширинг. Ботир бригадир бўлмасдан олдин тоқларнинг аҳволи қандай эди, ҳозир қанақа? Пухта текширинг. Хом ишингиз билан мени хижолатда қолдирдингиз. Сизга ишониб, мен ҳам бу ишга юзаки қарабман. Тез жўнанг.

Абдуллаевнинг тарвузи қўлтиғидан тушди. У, иш прокурорнинг кўрсатмаси асосида чуқур текширилса Ботир Мавлонов шубҳасиз оқланишини билар эди. Шунинг учун ҳам бунга тўсқинлик қилишга уриниб кўрди. Лекин, барибир мақсадига етолмади. Прокурор бу ишни кечиктиришга ҳам рози бўлмади.

Абдуллаев жўнаб кетди. У Ботир устидан қўшимча материал тўплашга уриниб кўрди, аммо натижа чиқмади. Аксинча, уни оқлайдиган ҳужжатлар кўпайди. Шулларга асосланиб прокурор бу «иш»ни тўхтатди.

Жалилов буни эшитиб, тажанг бўлди.

— Ўзи қоралаган кишини яна ўзи келиб оқлаб кетибдида, қизиқ?!

Нусрат изоҳат берди:

— Терговчи илон ёғи еган одам,— деди Нусрат илжайиб.— Сиздан бир нарса ундириш учун душманингиз устидан иш очди. Истаган нарсасини олгандан кейин, ишни ёпди. Эҳтимол, шундай қилиб, улардан ҳам бир нима олгандир. Бундан ташқари, бошингизга иш тушиб сиз тарафда туриш ҳавфлироқ бўлиб қолди. Шунинг учун у тарафга ўтди. Биздек дўстларингизгина сизга охиригача содиқ бўлиб қоладилар.

— Менга бир бало бўлса,— деди Жалилов, дўнғиллаб,— уни омон қолдирмайман. Мен ҳам анойи одам эмас.

Жалилов ётган ерида Нусратга бир кўз олайтириб қаради ва ичида «Сен ҳам содда эмассан, пулим кўплигини биласан, шунинг учун итпашшадек ёнимдан ажралмайсан» деди.

Кўпчиликнинг «нафаси» таъсир этдими, ҳайтовур, мажлис эртасига Жалилов тузалди ва шундай «иштаҳага» кирдики, кўрганлар ҳайратда қолиб, эшитганлар ваҳимага тушди. Колхознинг уч тонналик юк машинаси ярим кечада фермадан ҳисобга кирмаган беш қўйни, бир юз эллик килограмм майизни учириб олиб кетди. Сотиш учун ҳўкизни бир бозорга юборди. Хуллас, нимани

олишнинг иложи бўлса, сира қолдирмасликка уринди. Ревизорлар текшириш билан банд, Жалилов эса ўз иш-ни қила бошлади. «Устида шундай қаттиқ текшириш кет-тётган вақтда наҳотки ўғирликка журъат этса...» дер эдилар колхозчилар.

Ревизорлар дафтарлардаги жиноятларни очиш билан банд бўлиб, ташқарида бўлаётган жиноятларга қарамадилар. Жалилов пул йиғиб қочишга тайёрланди.

Текшириш охирига яқинлашганда, Жалилов ҳам тахт бўлди. У билан Нусрат ва бухгалтери ҳам бирга кетадиган бўлди. Улар ўзлари учун командировка қоғози ва бошқа ҳужжатларни тўғриладилар. Бир чамадонга юз-талиқ пулдан тахлаб босилди. Ҳамма нарса тайёр бўлишига ва йўлдошларининг қистовига қарамай, Жалилов йўлга чиқмади. «Мен кетолмайман...» дейди.

— Нега? Қолсангиз, барибир, қамайдилар. Вақт борида жўнаш керак,— деди Нусрат.

— Уларни қолдириб кетолмайман,— кескин гапирди яна Жалилов.

— Кимларни?

— Ботир билан Бўстонни.

У Ботир билан Бўстоннинг бахтига қаттиқ ҳасад билан қарарди.

— Хўш, нима қилмоқчисиз бўлмаса?— сўради Нусрат яна.

— Бўстонни ё олиб кетаман, ё... аммо, Ботирга қолдириб кета олмайман.

— Ё раббим,— деди Нусрат, кўзлари хонасидан чиқиб кетаёзди.— Ахир, бу имкондан хориж, даҳшатли иш-ку! Хусусан шундай бир пайтда.

— Хусусан шундай бир пайтда,— деди Жалилов кескин қилиб,— шу ишни қилиш керак. Барибир, қочамиз-ку!

— Йўқ, бунга ҳеч рози бўлолмайман,— деб ваҳима билан орқага тисарилди Нусрат.

Жалилов даҳшатли тус олди:

— Рози бўлмасанг бор, йўқол! Сен қўрқоқ барибир бизга халал берасан!

Жалилов тескари қаради. Нусрат дарров ўзгарди. Ҳийлакор кўзларини яна ўйнатиб, унга яқинлашди:

— Хўжайин, кечиринг, мен сизни ташлаб ҳеч гўрга кетмайман.

Улар эрта кечаси жўнайдиган бўлдилар. Нусрат ҳовлисига кетди. Бухгалтер ревизорлар ёнига келди. Жалилов бир оздан кейин ҳассага суяниб, кўчага чиқди. У калта-калта нафас олиб, идора тарафга қараб юрди. Колхоз парранда фермасига яқинлашганида, икки товуқ олдидан қақиллаб югуриб ўтди. Жалилов товуқ боқувчини чақириб, «Саккизтасини сўйиб, тузлаб уйга олиб бор, эртага меҳмон келади» — деди.

— Кичкинагина хат берсалар... — деди чол. — Бўлма-са мудир бўйнимга ёзади.

Жалилов кулди, яна бирдан жиддий тус олди.

— Мен ўлганим йўқ-ку, колхозга хўжайин ҳозир мен, ўзим жавобгар. — Жалилов яна кулди. — «Хат» дедингми?

У, чўнтагидан блокнотини чиқариб, хат ёзди: «Ма, ўн беш товуқ» деб ёздим, ўнтасини дарров тузлаб олиб бор, қолгани сеники.

Чол ҳайрон бўлиб унга қараб қолди...

Ревизорлар ёнига келиб, «касал» бўлгани учун келолмаганини айтиб, узр сўради, кейин секин ҳассасига суяниб жўнади.

Улар кечқурун соат ўн бирларда «Победа»да жўнадилар. Лекин Бўстонни тополмай, қайтиб келдилар. Эрта кечаси ошни еб яна бордилар. Машинани Жалиловнинг ўзи ҳайдади. Улар «Победа» чироғини ўчириб, катта йўлда пойлаб турдилар. Бўстон уйига ўтмади. Ниҳоят, бухгалтерни юбордилар. У Бўстоннинг кабинетда ўтирганини, ёнида иккита одам борлигини кўриб келиб айтди. Жалилов уни қайтариб юборди.

«Бердиқулов ёки Бўстон дарров келсин деяптилар ўртоқ Камолов. Ўзлари катта йўлда кутаётирлар» деб айт деди. Бухгалтер кабинет деразасидан Бўстонга шонилгансимон гапирди. Бўстон Бердиқулов йўқлиги учун дарров бухгалтернинг олдига тушиб, катта йўлга қараб кела бошлади. Йўл ёқасидаги ариқдан ўтиб, қоронғида «Победа»ни кўрди, унга яқинлашган эди, Нусрат эшикни очиб, «Мининг» деди. Бўстон «Кимсиз?» деган эди, орқа тарафдан Жалилов келиб, уни бўйнидан қучоқлаб, оғзини беркитди ва куч билан машина ичкарисига итарди. Бўстон бир мартагина «вой дод» деб қичқира олди. Жалиловга Нусрат ёрдам этди. Бухгалтер қоровуллик қилди. Бўстон машина ичкарисига киритилгач, Нусрат билан бухгалтер уни икки тараф-

дан қичқиртирмай ушлаб ўтирдилар. Жалилов рулга ўтди. Улар қушдай учиб кетдилар.

Нусрат Бўстоннинг оғзини беркитиб, қўлидан ушлаб ўтираркан, иситма тутгандек «дир-дир» қалтирар эди. Улар катта йўлга чиқиб олганларидан кейин, Бўстоннинг оғзини рўмол билан боғладилар. Бир қўли бўшаган Нусрат титроқ қўли билан мўйловини силаркан, «Силлиқ ов қилинди-ю, оқибати хайрли бўлсин» деди.

— Зоримиз ҳам бор, зўримиз ҳам,— деди кетига бурилмай, машина ҳайдаётган Жалилов,— шунча зорлашиб ялиндик, бўлмади. Ниҳоят, зўримизни ишга солишга мажбур бўлдик.

— Муҳаббат шунчалик-да,— деди Нусрат,— ахир муҳаббат учун одамлар ўлимдан, ўлдиришдан ҳам қайтмайдилар.

Улар янги, асфальт йўлдан соатига олтмиш-етмиш километр тезликда кетдилар. Нусратнинг титроғи босилди. У «Жиддий хавфдан қутулдик, район чегарасидан чиқдик» деб ўйлади-да, эркин нафас ола бошлади.

Шу вақт ўз-ўзича «Нусрат, ана шундоқ кунларни ҳам кўрар экансан. Лочин билан йўлдош бўлсанг, ҳунаринг ов бўлади. Хайр, майли-да, нима ҳам қиласан...» Бир чамадон пул эсига тушди. «Пул бўлса чангалда шўрва»— деди ўз-ўзига,— пул — учсанг қанот, ётсанг ёстиқ, бекинсанг ниқоб».

Хавф-хатар шарпаси бўлмагач, Жалилов машинани секинроқ ҳайдади. Нусрат бундан фойдаланиб, бошини тиклаб, баланд овоз билан гапирди:

— Қайғурманг, йигитлар, таваккал қилинг.

Қўрқманг, пешонада ёзилгани бўлади.

«Тақдир азалга чора йўқдир,

Хақ ёзганидан канора йўқдир».

«Таниш элда тинч юролмадик. Энди нотаниш элни ҳам кўрайлик, нима бўлар экан?»

Улар Каттақўрғон чўлининг нари ёғида — тоғ орасидаги қишлоққа, Жалиловнинг қариндошлариникига бориш ниятида эдилар.

Анча ёшга кирган бўлса ҳам Нусратнинг бузуқ кўнгли ўзига тинчлик бермади. Бўстоннинг гоҳ қоши кўзи, гоҳ узун йўғон сочи унинг эсига келди.

«Гўзаллар сочидан мушк анбар ҳиди келади дейишарди, ростмикан?» деб Бўстонга сездирмай кокилининг учини ҳидлаб ўпмоқчи бўлди. Секин топиб аста

оғзи ёнига келтирган эди, «Победа»нинг орқасидан худди чақмоқ чаққандек ёруғлик тушди. «Ё тавба»,— деди Нусрат ичида.— Шоирлар айтган зулф ёруғлиги шундай бўлармикан?» Кўп ўтмай машина ичи яна ярқираб кетди. Жалилов юришни тезлатди. Нусрат қайрилиб йўлга қараган эди, машъалдек ёниб келаётган иккита олов кўзни кўрди.

Уни яна титроқ боса бошлади. Нусрат кейинга қараб-қараб борарди. Жалилов тезликни қанча оширса, олов кўзлар шунча яқинлашарди.

Бухгалтер Нусратнинг аҳволини кўриб далда берди.

— Нега бунча титрайсиз, балки йўловчи машина-дир,— деди.

Жалилов тезликни яна оширди.

— ГАЗ-151» кетимиздан қувяпти шекилли, йўқса, бунча тез ҳайдамас эди,— деди.

Нусратнинг жони ҳалқумига келди. У қалтираб: «Худоё тушим бўлсин, худоё тушим бўлсин...» дер эди.

Узоқдан Каттақўрғон чироғлари кўринди. Олов кўзлар яна ҳам яқинлашди. Жалилов «ўтиб, кетармикин» деб машинани чапга бурди. «Победа» паст-баланд йўлдан уриниб кета бошлади. Жалилов ўқ синиб қолишидан қўрқиб, тезликни бир оз пасайтирди. ГАЗ эса, олов кўзларини порлатиб кела берди.

Ора беш юз метрча қолганда милтиқ отилди. «Победа» Норпай ариғи лабига келиб қолди. Бурилиб кетишга тўғри келадиган йўл бўлса ҳам, бу йўлда ГАЗни тез қувиб етиши аниқ эди. Улар машинани ташлаб, ўзлари ариқдан ўтиб кетмоқчи бўлишди.

Жалиловдан:

— Сувда суза оласизми?— деб сўради бухгалтер. Жалилов «билмайман» дейиш ўрнига «ҳа» деб жавоб қилди.

«Победа» тўхташи билан дастлаб Нусрат ўзини чамадон билан сувга ташлади, қийналиб сув ютса ҳам, чамадонни қўйиб юбормади. Жалилов оғзи ва қўллари боғланган Бўстонни типирчилатиб кўтариб сувга кирди ва ариқнинг чуқур жойига келтириб ташлаб юборди. «Менга бўлмаса бошқага ҳам насиб қилмасин» деди. Ўзи эса сузишни билган кишидек қулоч ёзиб ваҳима билан илгари ташланди-ю, оқиб кета бошлади. Лекин бухгалтер уни қутқариб қолди. Шу пайт «ГАЗ-151» қир-

гоққа келиб, олов кўзларини сувга қаратиб тўхтади. Бухгалтер диққатни чалғитиш учун «Бўстон оқиб кетаётир...» деб бақирди. Шу он Ботир билан тўрт киши ўзларини сувга ташладилар. Ботир Бўстонни елкасида қиргоққа олиб чиқди. Бўстон ҳушдан кетган эди. Оғзи, қўллари боғланган рўмоллар ечиб ташланди, уни сув қустирдилар, Ботир уни кўтариб яқин бир колхозчининг уйига олиб борди. Мош-гуруч соқолли колхозчи ҳайрат билан туриб чироғ ёқди, унинг хотини ва катта қизи Бўстонга қараша бошлади. Бўстон анчадан кейин ҳушига келди. Унга янги кийим кийдирдилар.

Ўрта яшар, бақувват бухгалтер, ҳамма Бўстон билан банд бўлганидан фойдаланиб, Жалиловни судраб қиргоқ яқинидаги жўхори ичига олиб кирди ва оёғини осмонга қилиб сув қайтартирди. Жалилов бир саотдан кейин ҳушига келди.

— Суза оламан деган эдингиз-ку?!— деди бухгалтер унга.

Жалилов чўзилиб сув қайтариб ётар, «вой-вой»ларди. У ўзини сал тиклаб жавоб қилди:

— Нима қилай, ув... нима қилай... ахир оёғим ерга тегмаса?..

Пайт нозик бўлса ҳам бухгалтер унинг сўзидан кулишга мажбур бўлди.

Қоронғи... Осмонда юлдузлар порлар, жўхорининг қуриган баргларини шитирлатиб, салқин шабада эсарди. Жалилов чамадонни сўради. Бухгалтер «чамадон Нусратда, аммо у қаерда, маълум эмас» деб жавоб берди. Жалиловни ваҳима боса бошлади. «Айёр тулки, олиб қочган бўлмасин-а» деб ўйлади. Бунини бухгалтерга айтган эди у:

— Йўғ-е... Бирон бурчакда бизга ўхшаб ётган бўлса керак, тонг отса, топамиз — деди. «Илоҳим шундай бўлсин» деди Жалилов калта нафас олиб. Аввал қўрқиб қалтираган бўлсалар, энди ҳўл кийимда салқин шабададан «дир-дир» титрадилар.

Шарқий уфқ аввал кўкимтир, кейин оқиш тусга кириб тонг оқара бошлади. Еруғлик кучайган сари Жалиловни ваҳима боса бошлади. «Кийимларимиз қуримаган, бу ҳолда учратган киши «қочқинчи» деб тутиб бериши мумкин» деб ўйлади. «Жўхориюя ичидан чиқмай қараймиз, биронта чол-пол кўринса, кийимимизни қуришиб келишни илтимос қиламиз. Қўлига пича пул бера-

миз» деди бухгалтер. Жалилов пулни эшитиб, кўзини йиртиб, Нусратни қарай бошлади. У ҳеч ерда кўринмасди. Жалилов пешонасига уриб йиғлади:

— Жоним ўша чамадонда эди, кетди. Энди нима қиламан!

— Ваҳима қилманг,— деди бухгалтер,— ҳеч гўрга кетмайди. Қўрқоқ одам, бир бурчакда яшириниб ўтирган бўлса керак.

— Сиз уни яхши билмайсиз,— деди кўз ёшини артиб Жалилов.— У разил, аблаҳ одам, айёр тулки.

Тонг ёриша бошлади, дала сутдек оппоқ тусга кирди. Жалилов Нусратни қарай-қарай, ариқ бошида чўнқайиб ўтирган бир кишини узоқдан кўриб қолди. Унинг қораси кўринса ҳам, таниб олиш қийин эди. Жалилов қувониб кетди. «Нусратдан бошқа ким бўларди?» деб ўйлади. Жўхори ичи билан унга томон юрди. Ёқимли хаёллар кўнглини ёритди. Пул кучи билан бўладиган, кўнгли ўрганиб қолган маишатлар эсига тушди. Шу пайт совқотиб, қаттиқ оч қолганини сизди. «Юз грамм билан бир бурда нон бўлса эди...» деб ўйлади. Шу хаёллар ичида шитир-шитир қилиб ариқ бўйига яқинлашиб қолганини билмади.

Ов милтиғи билан пойлаб турган Ботир қўштиғнинг овзини унга қаратди-ю баланд овоз билан бақирди:

— Стой!

Пастда катта кесакка суяниб мудраб ўтирган Қодирқул Ботирнинг товушидан уйғониб кетиб, шошилганидан милтиғини гумбурлатиб отиб юборди. Бухгалтер жўхори ичидан чиқиб қочди. Қодирқул уни қувлади. «Отаман» деб қичқирган эди, у қўлларини кўтариб тўхтади. Ботир жўхори ичида Жалиловни қува бошлади. У, «отиб ташлайман, итдек ўласан, тўхта!» деб қичқирар эди.

Жалилов жўхори ичида дам у ёққа, дам бу ёққа қочди, охири Ботир милтиқни гумбурлатиб отган эди, у қўлларини кўтариб таслим бўлди.

Икки ўқ овозидан далага анча киши йиғилиб қолди. Қочқинчиларнинг қўлларини орқасига қилиб боғлаб бердилар. Ботир, Қодирқул уларни олдиларига солиб Бўстонлар жўнаган ҳовлига олиб келдилар. Бўстонлар ҳовлидаги супада чой ичиб ўтирар эдилар. У ҳовли эгаси қизининг узун кўйлагини, беқасам камзулини кийган, шу содда қишлоқ кийимида ҳам чиройли, жозибат

ли кўринарди. Унинг олмадай қизил юзлари анча оқарган эди.

Ботир Жалиловни олдига солиб ичкари кирди. Ҳамма кўриб, ҳайрат билан ўрнидан турди. Ботир билан Қодирқул супага — дастурхон ёнига чиқдилар. Қўллари боғланган, кийимлари ҳўл Жалилов билан унинг бухгалтери бошларини қуйи солиб пастда тик турардилар. «Юзлари қурсин» деб Бўстон уларга орқа ўгириб ўтирди.

Ботир чойдан ҳўплаб туриб:

— Ота, нимангиз бор, қорин очиқиб кетди?— деб ҳовли эгасига қаради.

У «Ҳозир-ҳозир» деб, пиширилган ўттиз-қирқта тухумни дастурхонга тўкди. Кейин Ботир билан Қодирқулга кийим келтириб берди. Улар битта-битта ичкари қилиб, кийим алиштириб чиқдилар.

Меҳмонлар қоринларини тўйғазиб, кийимларини қуритиб олгач, мезбонга миннатдорчилик билдириб, қочқинларни машинага солиб жўнадилар. Уч кундан кейин терговчи Абдуллаев қамалди. Нусратни бир ойдан кейин Ашхободдан тутиб келдилар.

25

Мартнинг ёмғирли кунлари бошланди. Баҳор яқинлашиб қолди. Ботир боғнинг кузда очиқ қолган ерларига ток, олма, ўрик, нок ва бошқа мева кўчатлари ўтқазिश учун тайёргарлик кўра бошлади. Калинин номли колхозга кўчат олиш учун ҳаммадан бурун узумчилик илмий-текшириш институтига пул ўтказиш керак эди. Шу муносабат билан Ботир бухгалтерияга — Равшанов ҳузурига кирди.

Равшанов катта-кичик беш-олти қоғоз бир қилиб тикилган, устига кўк ва қизил сиёҳлар билан резолюциялар қўйилган ҳужжатни синчиклаб текширмоқда эди. У ишлаб ўтирган вақтида келган-кетган билан ҳол-аҳвол сўрашмайди, ҳатто бухгалтерияга биров кирганини сезиб турса ҳам бош кўтариб қарамайди. Ким қўл чўзиб саломлашсагина, у билан тўрт оғизгина гаплашади. Кейин гапни қисқартиш учун ойнаги устидан унга қараб: «Хўш, хизмат?»,— дейди. У, Ботирга ҳам худди шундай муомала қилди. Ботирга бу бир оз қаттиқроқ туюлса

ҳам, Равшановнинг одатини билганидан кўнгли ранжи-
мади, парво ҳам қилмади.

Равшанов: «Хўш, хизмат?» деганида, Ботир унинг
қўлига кўчатга пул ўтказиш учун берилган қоғозларни
узатди. Равшанов қоғозларни олиб, шошилмай битта-
битта ўқиб чиқди. Қалин лабларининг пир-пир учиши-
дан ичида нималарнидир ҳисоблаётгани сезиларди. У
кўзидан ойнагини олиб, дастрўмолчасига арта бошлади
ва Ботирга қарамай гапирди.

— Институтга пул ўтказамиз.

— Колхозга-чи?

— Ҳозирча ўтказолмаймиз.

— Нега?

— Кўчат нархини бошқа колхозларга нисбатан қим-
мат қўйган.

— Қанча фарқ қилади?

— Ун тийин.

— Сал гап экан-ку, шунга ҳам ишни чўзиб ўтира-
сизми?

— Сал гап эмас,— деди у Ботир тарафга бурилиб,—
ҳар кўчат бошига ўн тийин.

— Хўш, нима қил дейсиз энди?

— Бошқа колхоздан олинг.

— Бошқасида менга керакли кўчат йўқ.

— Бу гапингиз заруриятдан айтилаётир.

— Суриштирганман, ўртоқ бухгалтер.

— Суриштирган бўлсангиз, битта-иккитасидан су-
риштиргансиз. Ҳолбуки, улар анча, ҳаммасини кўриш
керак.

Ботир унга гап таъсир этмаслигини кўриб ташқари
чиқди. Раиснинг кабинетини қаради. У йўқ эди. Келгун-
ча гулзор ёнида кутиб туриш учун орқасига бурилди.
Гулзор ҳали яланғоч, фақат чеккаларида яшил ўтлар
кўринади. У «Бунчалик хасислик ҳам яхши эмас», деб
ўйлади, аччиғланди. «Юз сўм фойда деб, минг сўмлик
ишни кечиктиради».

У акациянинг кичкина бир бутоғини узиб олиб, ҳид-
лаб кўрди. Сўнгра тишлаб, аччиқлигидан туфлаб таш-
лади.

Шу вақт комсомол комитетининг деразасидан Бо-
тирнинг ҳаракатларини кузатиб турган Бўстон, «Нима
бўлди экан, кайфи жойида эмасга ўхшайди» деб таш-
вишланди ва унинг ёнига — ташқарига чиқди. Ботир

гулзорга қараб, ҳаёл суриб турарди. Бўстон унинг орқасидан оёқ учи билан келиб, елкаси оша қулоғига:

— Салом, Ботиржон ака,— деди.

Ботир унинг иссиқ нафасини биринчи марта шунча яқин сезди, ҳатто беғубор, оппоқ ияги ҳам Ботирнинг елкасига тегиб кетди. Ботир қайрилиб қаради. Бўстон кулиб қараб турарди. Шу пайт Ботир уни қучоқлаб олгиси келди.

— Келинг, Бўстон,— деди у мулоийм товуш билан.

— Нима ташвиш билан юрибсиз!— деб сўради Бўстон.

— Ташвишларимнинг каттаси сизсиз!

— Нима-нима!.. Келиб-келиб энди сизга ташвиш бўлиб қолдимми?— Бўстон қош-қовоқларини чимириб бурилиб кетаётган эди, Ботир тезлик билан бориб, қўлтигидан ушлаб олди. Улар гулзор бўйида аста айландилар. Ботир унга Равшанов билан ораларида бўлиб ўтган воқияни айтиб берди.

— Ҳамма уни яхши дейди-ю, шунақа касали борлигини билмайди,— деди Бўстон.

У дарров бориб Равшанов билан гапиришмоқчи бўлди-ю, лекин бу ҳаракат Ботир олдида катталик қилганга ўхшаб кетар, «Сенинг гапингга қулоқ солмаган бухгалтер менинг гапимга қулоқ солади», дегандек бўлар деб тортинди, бормади. Гулзорни бир-икки айлангач, Бўстон комсомол комитетида ёзадиган ишлари борлигини айтиб, кетишга ижозат сўради.

— Раис келгунча кетмай турсангиз, бир нафас гаплашсак,— деди Ботир, секин.

Бўстон табассум билан қайрилиб боқди. Унинг ана шу қараши Ботирга ажойиб таъсир қилди, юрагини тўлқинлантириб юборди.

— Сиз менинг қувончим, бахтим...— деб гап бошлаган эди, «Ана, Мавлон амаким келяптилар» деб Бўстон ўзини Ботирнинг қўлидан олиб қочди. Мавлон ота яқинлашгач «хўш, ишлар қалай, Ботир?» деб сўради.

— Ёмон эмас, лекин Равшанов билан орамизда сал гап қочди,— деди Ботир.

— Нега?

— Кўчатга пул ўтказиш керак эди, «ўн тийин қиммат, арзонидан топинг», деяпти. Энди ишдан қолиб «қарерда арзон кўчат бор?» деб колхозма-колхоз юрсам керак.

— Хафа бўлма, ўғлим, унинг феъли шунақа. Ута хасис. Ҳозир бориб гаплашамиз.

— Бекорга овора бўлманг, раисга айтамиз.

— Хасислик қилиб, яхши ишни кечиктириши дуруст эмас-да. Раиссиз ҳам тўғриласа бўлар, кўп йиллик ош-насимиз, наҳотки арзимаган нарса учун сўзимизни қайтарса, сен нима, савдогарга бераётганинг йўқ-ку. Бу ҳам колхоз, у ҳам «Қўйнидан тушса қўнжига».

Мавлон ота гулхонага бориб уч-тўртта гул узиб. уларни икки бойлам қилди. Сўнгра бухгалтерия тарафга қараб юрди. Мавлон ота остонадан ўтиши билан Равшанов ўрнидан туриб, эски қадронлардек очиқ чеҳра билан кутиб олди.

— Келинг, келинг, Мавлон ака,— деди-да кўздан ойнагини олиб столга қўйди ва бир неча қадам отиб, Мавлон амакига юмшоқ креслони тўғрилаб қўйди. Мавлон ака дастлаб сариқ ипак сочли ҳисобчи қиз ёнига яқинлашиб, гуллардан бир бойламини унга узатди: «Ма, Мария, бу сенга». Қиз одоб билан ўрнидан турди-да, гулни олиб, «Раҳмат амаки» деди. Сўнгра Мавлон амаки катта хонанинг бир чеккасида катта столда чўт қоқаётган иккинчи ҳисобчига яқинлашди. «Ма, Ойниса, бу сенга» деди. У қиз ҳам ўрнидан туриб, гулни олди. «Раҳмат!» деди. Унинг ҳаракатини кузатиб ўтирган юзлари бурушиқ, сочининг ярми оқариб кетган кассир хотин кичкина тахта будка тешигидан қараб: «Гулни ҳар сафар қизларга беради-я, қурмагур чол» деди. Унинг сўзига ҳамма кулди. Мавлон амаки унга томон бурилиб табассум билан:

— Э-ҳа, омонмисан Анфиса, болаларинг соғми? Сенинг ўзинг бир гулсан, ахир.

Яна ҳаммалари кулишдилар. Мавлон амаки бориб. креслога ўтирди:

— Хўш, мулла Шароф, ишларингиз дурустми?

Равшанов унга томон бурилиб:

— Дуруст, ёмон эмас, ўзингиздан сўрасак,— деди.

— Мақсадни айтиб қўя қолай, ишдан қўймай.

— Марҳамат, икки қулоғим сизда.

— Дўст ачитиб гапиради, дейдилар. Сиз мулла Шароф одамнинг жонисиз, колхознинг қулф-калити, лекин битта ёмон одатингиз бор.

— Хўш, хўш?..— равшанов кўзларини катта очиб унга қаради,

— Табиатингизда ўзингизга ярашмаган хасислик бор. Кўп фойдали ишларни сал нарса учун кечиктирасиз.

— Масалан?!

Қизғин гапираётган Мавлон амаки кўчат масаласига келганда, нимагадир сал ўнғайсизлангандай бўлди, «ўғлини ҳимоя қилаётир» деб ўйлар деди шекилли, бир оз тортиниброқ турди. Кейин ўз-ўзига: «Гапинг ҳақми? Дангал айтавер» деб дадилланди.

— Масалан, янги боққа кўчат олиш учун пул ўткашиш масаласи.

— Мавлон ака, жуда қиммат. Улар ўзбошимча баҳо қўйишган.

— Фарқи ўн тийин экан-ку!..

— Ҳар кўчатга ўн тийин, фақат ўн тийин бўлса, гўра эди.

— Барибир от билан туя бўлмас...

— Қўлимдан келмайди, Мавлон ака, арзонидан топиш керак.

— Кўп деганда икки-уч юз сўм ошиқ бўлар, наҳот шунинг учун ишни кечиктирсангиз.

— Ҳаракат қилса дарров топади.

— Наҳотки, сал нарса учун йигирма йиллик дўстни хафа қилсангиз?!

Равшанов ўрнидан туриб, Мавлон акага қаради:

— Дўстга жон фидо, лекин колхоз пули, бу билан ҳазиллашиб бўлмайди.

Мавлон ака ҳеч нима демай, ўрнидан туриб, ташқари чиқиб кетди. Бухгалтериядагилар бир-бирларига қарашдилар. Равшанов ўрнида ўтиролмай, қўлини орқасига қилиб, у ёқ-бу ёққа юрди. «Буларга икки юз-уч юз сўм писанд эмас. Лекин билмайдики, колхоз пулининг бир тийини ҳам ҳисоблик».

У қилган ишининг тўғрилигига ишонса ҳам, лекин кўнгли тинч эмас эди. Мавлон амакини яхши кўрар, у билан аразлашишга тоқати йўқ эди. Равшанов кечаси билан ҳам ўйланиб чиқди. Яқин дўстини хафа қилганига ачинди.

Равшанов ўзига ҳар қанча тасалли берса ҳам, барибир, кўнгли тинчимади. У мана шу хунук ҳолга сабаб «Қалинин номли колхоз правлениесининг ўзбошимчалик билан ошириб баҳо қўйиши» деб ўйладди.

У эрта билан мотоциклда районга жўнади. Район ижроия комитетининг қишлоқ хўжалик бўлимида бўлди.

— Ахир, бу қандай гап, ҳар ким ўзбошимчалик билан баҳони ошираверадими? Калинин номли колхоз кўчатларига ҳар ҳафта янги баҳо қўяди. Бошқа колхозларникидан ҳеч фарқи бўлмаган кўчатларни ошиқ баҳо билан сотаётир. Назорат қиласизларми ёки колхозлар савдогарлик йўлига кириб кетаверсинми? Уни кўриб эртага бошқа колхозлар ҳам нарҳини парвоз қилдириб юборса, нима бўлади?

Равшанов райондан қайтгач, уйдан иккита дафтар олиб идорага келди. Энди ўтириб ишлаётган эди, раис кабинетидан берилган звонок сигнални эшитди. Урнидан туриб, унинг кабинетига кирди. Бердиқулов Ботир билан суҳбатлашиб ўтирар эди. Равшанов Ботирни кўриб, нима учун чақирилганини фаҳмлади. Яқин бориб, улар билан кўришиди-ю, «Хизмат» дегандек раисга тикилди.

Бердиқулов бухгалтерга очиқ чеҳра билан қаради:

— Хўш, нима гап?

— Тинчлик, соғ-саломатлик.

— Кўчат масаласи нима бўлди?

— Ҳал қилинди.

Ботир ҳам, раис ҳам унга қарадилар.

— Қандай ҳал бўлди?— сўради раис.

— Мен айтган баҳога берадиган бўлишди.

Кўклам кечикди. Чигит, маккажўхори экиш, боғ ишлари тикилишиб келди. Ҳар қачонгидан ҳам ғайратли бўлиш зарур бўлиб қолди. Ботир, Қарим полвон, Сатторовлар билан боққа кирганда Абдужаббор ота ВУМ-60 маркали токзор универсалини синчиклаб кўздан кечирмоқда эди. Қарим полвон салом бериб, унга яқинлашди:

— Қалай, дурустми?

— Ишига қараб баҳо берамиз-да...

— Қани бўлмаса ишни бошлайлик,— деди Ботир.

Қарим полвон машинанинг катта карнайга ўхшаш яшигига ўғит солиб тўлдирди. Сатторов ток қаторлари

оралаб ҳайдаб кетди. Ўғит яшиқдан сепувчи аппаратга, ундан махсус труба орқали эгат тубига туша бошлади. Машина бир неча қадам узоқлашгач, Ботир ўғит қандай тушаётганини текшириб кўрди. Абдужаббор ота, Карим полвон унга ёрдамлашдилар.

— Офарин,— деди кулиб Абдужаббор ота,— ўғитни салкам ярим метр чуқурга, худди ток томирлари озуқа шимийдиган жойга сочибди-я. Ерни ҳам юмшатиб кетар экан.

— Ҳа, бу машина культивация қилиш, ток кўмиш, кўчат кўчириш каби ишларни ҳам бажарди,— деди Ботир.

Карим полвон бошларини чайқаб илжайди:

— Ун бармоғида ўн ҳунар бор денг.

Ботир Абдужаббор отага ўғитланадиган ерларни кўрсатиб, ўзи жўнаб кетди. У квадрат уялаб чигит экишда қатнашмоқчи эди.

Бўстон бошлиқ звенода дастлаб қилинган тажриба чигитни тор қаторлаб экиш, ғўзага икки тарафлама ишлов беришнинг афзаллигини кўрсатган эди. Бунинг устига колхоз партия ташкилоти янги прогрессив усул ҳақида қиш бўйи кенг тушунтириш ўтказди. Бердиқулов бир группа пахтакорлар билан Тожикистонга бориб, илғор колхозлар ишини кўриб келди. Кўрган-билганларини колхозчиларга гапириб берди. Шу масалага бағишланган район, область кенгашлари бўлиб ўтди. Шундай вазият вужудга келдики, бу усулга очиқдан-очиқ қаршилиқ кўрсатиш маҳол бўлиб қолди. Эндиги асосий қийинчилик — янги прогрессив усулни пухта эгаллаш, чигит экишни сифатли ўтказиш эди.

Фозил Иванович машиналарни янги усулга мослаштиришни қиш бошиданоқ тугаллаб, янгича чигит экишни машқ қилишга киришган эди. Январнинг қуёшли илиқ кунларида, эрта баҳорда унинг машқлари тинимсиз давом этди. Бултур чигит янгича экилган кўп колхозларда квадратларнинг учдан икки қисми тўғри чиқмагани ҳаммани ташвишлантирган эди. Шунинг учун ҳам кўз-қулоқ бўлиб туриш мақсадида ҳаммалари бу ерга йиғилгандилар.

Ун икки гектар ер кафтдек текис қилиб қўйилган. Фозил Иванович унинг ҳамма бурчагигача диққат билан разм солди. Кейин қаноат билан «дуруст» деб қўйди. Контроль чизиқ тортилди. Агрегат дастлаб юради-

ган йўл аниқланиб, қозиқлар қоқилди. Даланинг бир томонига лебётка, иккинчи томонига фиксатор ўрнатилди. Мавлон ака «Сал чапга, бир оз ўнгга» деб симнинг тўғри тортилишини кузатиб турди. Ниҳоят, сеялка тиркалган универсални Фозил Иванович биринчи йўлга келтирди. Ҳамма нарса тахт. Контролёвр ва лебёткачилар экишни бошлаш ҳақида байроқчалар билан команда бердилар.

Ҳамманинг юраги дук-дук ура бошлади. Ҳамма «чигит қандай тушаётган экан?» деб экипаж кетидан қараб турди. Ун метрча юргач, Фозил Иванович универсални тўхтатиб, устидан тушди, тупроқни кавлай бошлади. Ҳамма шу ерга йиғилди. Икки қаторда чигит тўғри тушган, бир қаторда эса кам тушган. Фозил Иванович терлаб-пишиб сеялкани тузата бошлади. Винтларни бураркан, «Тавба, кеча синаб кўрганда туппа-тузук эди-ю, дарров нима бало бўлди?» дерди.

Агрегат яна иш бошлади. Биринчи кун анча машаққат билан ўтди. Зўрға беш гектарга чигит экилди. Эртасига иш бир мунча юришиб кетди. Қиши билан машқ қилган Фозил Иванович ишни тез йўлга қўйиб, суръатни кундан-кун ошира бошлади.

Бир неча кундан кейин Ботир квадрат уялаб чигит экилган майдонга келди. Фозил Иванович бошлиқ экипаж юриб ўтган кенг далада яшил квадратлар мавжланиб турар, ғўзаларни бир универсал узунасига, иккинчиси кўндалангига культивация қилмоқда эди. Колхозчилар культиватор тиши тегмай ўтган ерларни кетмон билан юмшатиб, ғўза томоғига тупроқ тортиб борардилар, қаторларнинг эгри-бугри жойларини тўғрилар эдилар. Ботир ғўза қаторларига ҳар тарафдан кўз югуртириб завқланди.

— Бир диққат қилиб қаранг,— деди у Бўстонга очиқ чехра билан — кетмончилар қандай тез илгари силжияптилар, чунки культиваторнинг тиши тегмаган ер жуда кам қолган. Қисқаси, эллик процент меҳнат тежалади, ҳосил кўпаяди. Колхозда янги катта ишлар бошлаб юбориш учун имконият очилади.

Бўстон индамай табассум қилиб турар, қуёшдек равшан ҳақиқатни яна таъкидлаш унга ортиқчадек туюларди.

Баҳор ерни қизитди. Дарахтларнинг томирларига иссиқлик тегиб, қишки уйқудан ўйғонди ва турли озуқалар аралашган ширани ердан шима бошлади. Бу ширалар дарахт танасидан шохлар, бутуқларга қараб оқди. Куртаклар шишиб бўрта бошладилар.

Дарахтлар етилгунча ерни бўш қолдирмаслик учун боққа пахта, қовун, тарвуз, бодринг, помидор, картошка каби экинлар экилган эди. Ботир шу йўл билан колхозга даромад келтирмоқчи бўлди. Провлениенинг қарорига мувофиқ, Чиннихон звеноси ҳам боққа кўчирилди ва ҳаммадан бурун чигит экишни бошлаб юборди.

Ботир ишга шўнғиб кетди: эски токларни очиш, янги боғнинг қолган ерларига ток қўчатлари ва бошқа ниҳоллар ўтқазиш, мева дарахтларини баҳорги парвариш қилиш, тажриба ишларини олиб бориш ва бошқалар билан банд бўлди. Янги кадрлар Давлат боғдорчилик мактабини битириб келгунча Мавлон ота, Нур бобо, Карим полвон ва бошқалар унга яқин ёрдамчи бўлдилар. Бердиқулов ҳам кўпинча бу ишга аралашадиган, ёрдам берадиган бўлиб қолди.

Ботир мева дарахтларининг парваришини кучайтириш, улардан мўл ҳосил олиш учун илмий-тажриба ишларини бирга қўшиб олиб борарди. У ҳамма ишга улгуришга ҳаракат қиларди.

Ботир бугун тонг пайти, уруғдан шафтоли ниҳолчалари кўкартирилган саккизта тувакни кўтартириб, боққа келди. Улар шу вақтгача қоронғи ва салқин ертўлада сақланмоқда, шу сабабдан ҳали ўйғониш бошланмаган эди. Аммо, бундан кейин уларни ертўлада сақлаш мумкин эмас эди, негаки, ҳавоси энди қизий бошлаб ниҳоллар ўйғониб қолиши мумкин эди. Шунинг учун Ботир уларга махсус уй ясади. Бу уйчанинг чуқурлиги икки метр, кенлиги бир квадрат метрча келарди. Унинг бир тарафига ёнган анча кавланиб, катта муз тахталар қўйилган. Шунинг учун ҳавонинг иссиқлиги уч даражадан ошмайди. Бу ҳарорат эса ўсимликнинг ўйғонишига имкон бермайди. Бунинг устига уйчанинг усти бостирилган, қоронғи эди.

Ниҳоллар уруғдан чиққанидан бошлаб шу шароитга ўргатмоқ ниятида апрель охиригача улар шу совуқ ва қоронғи хонада сақланади, шундай қилиб, ўйғонишига

йўл қўйилмайди. Фақат давомли иссиқ бошланиб кетгач, апрель охирларида туваклар ташқари чиқарилади. Натижада улар одатдагидан икки-уч ҳафта кейин уйғонадилар. Бу вақтда энди совуқ уриш хавфи тамоман йўқолган бўлади.

Шу йўл билан Ботир одатдагидан укки-уч ҳафта кейин уйғонадиган янги нав мева дарахтлари яратмоқчи эди. Уруғдан янги кўкарган бу ниҳоллар то ҳосилга киргунча шу тартибни қўлланади. Ботирнинг тахминича, агар уларда кеч уйғониш хусусияти пайдо бўлмаса, уларнинг уруғидан кўкарадиган янги ўсимликларда бу хусусият албатта вужудга келиши керак.

Ботир ертўланинг эшикларини беркитиб, қўли бўшлигидан фойдаланиб, нариги қартада чопиқ қилаётган Бўстон тарафга борди. Яқинлашиб, «Ҳорманглар!» деб қичқирди. Қизлар пастроқ, Саодат опа эса баландроқ товуш билан «Бор бўлинг, Ботиржон, омон-эсонмисиз?» деб у билан сўраша кетди. У кейинги вақтларда Ботирга жудаям меҳр қўйган, уни аллақачон ўғли, куёви деб санар эди. Энди ниш уриб чиқаётган ғўзанинг атрофини кетмон билан аста-аста юмшатаётган Бўстон эътиборсиз қараётгандай кўринса ҳам, аслида Ботирнинг ҳам, онасининг ҳам ҳар бир сўзига диққат қилмоқда эди. «Жудаям яхши кўради-я», худди ўз ўғлидек. Ҳа...» деб қўйди Бўстон ўз-ўзига.

Саодат шу ерда бўлгани учун Ботир Бўстон билан ҳазил қила олмади. Улар фақат кўз тагидан бир-бирларига қарашдилар. Ботир шу ерда қолиб ишлашни ҳам, нари ёққа ўтиб кетишини ҳам билмасди. Ниҳоят, у Бўстон ёнига бориб, «ғўза ҳали ёш, мана бундай кетмон уринг, мана бундай қилиб тупроқни юмшатиш» деб ўзи ундан яхши билмаса ҳам маслаҳат бера бошлади. Бўстон унга қараб, табассум билан «хўп, хўп бўлади» дер эди. Ботир анча ишлагач, кетмонни Бўстонга узатаркан, секин: «Меҳнат ҳақини қачон тўлайсиз?» деди. Бўстон чиройли қилиб кулиб қўйди.

Ботир ишчилари кундузги ишни тамомлаб уйларига тарқалдилар. Ботир билан полвон ҳам ювениб, кечки овқатга тайёрланаётган пайтларида Нор хола катта дастурхонга тугилган товоқда ош келтирди. «Сизларга ҳормасин айтиб келдим»,— деди у.

— Раҳмат, раҳмат,— деб дастурхонни Нор хола қўлидан олди, Карим ва Ботирни ошга таклиф этди. Ош

устига бостирилган товоқни оларкан, буг кўтарилиб, паловнинг хушбўй ҳиди димоққа урилди.

— Бай-бай, кампир, ажойиб пазандасиз-да, паловни роса қотирибсиз.

— Емай туриб гапирма,— деди кулиб Нор хола.

— Емасам ҳам биламан. Гуручларни ҳар қайсиси бир қулоч чўзилиб кетган.— Улар ошдан иштаҳа билан ола бошладилар.

— Гапларинг аломат. Қани ишларинг қанақа экан,— деди кулиб Нор хола. Кейин марказий аллея томонга қараб юрди. Қуёш ботган бўлса ҳам, ҳали қоронғилик тушмаган эди. У гоҳ ўннга, гоҳ чапга қараб, диққат қилиб борди. Тартиб билан ўтқазилган ва кўз илғамас дарахт қаторларига қараб қувонди. Бу ишлар ўғлининг бошчилигида бўлаётганини эслаб фахрланди. «Одам оёғи босмаган адирда яшнаб турган боғ яратиш қандай яхши, қандай кўркам иш» деб қўйди. «Бу дарахтлар ҳосилга кирса ҳамма ёқ шира-шарбатга тўлади. Эл-юрт хурсанд бўлади. Ҳамма «Раҳмат Нор хола, яхши ўғил ўстирибсиз» дейди.

Нор хола хурсандлик ҳислари билан юраги тўлгани ҳолда, боғни айланиб келди. Ботир билан Қарим полвон ошни еб, устидан кўк чой ичиб ўтирдилар. Қарим полвон Нор холага бир пиёла чой узатиб сўради:

— Хўш, ишларимиз маъқулми?

— Дуруст, барака топинглар. Тоғни боғ қиласизлар, ҳар кимни қувонтирадиган иш.

— Бўлмаса,— деди ҳазил билан Қарим полвон,— тез-тез ош пишириб келаверинг.

— Сизларни ош билан эмас, асал билан боқса ҳам арзийди,— деди у.

— Раҳмат, раҳмат,— деди полвон.— Жуда мақтаб юбордингиз, келаси сафар келганингизда камчиликларимизни ҳам кўрсатарсиз.

— Хўп бўлади,— деди Нор холз ва бир оз ўйланиб қолди.

— Нега ўйланиб қолдингиз?— деб сўради Ботир.

— Кечаси-кундузи боғ билан андармон бўлиб, тўй эсингдан чиқмасин, болам. Бизларнинг ҳам орзумиз ушалсин. Кўзим очиқ вақтда бола-чақали бўлганингни кўрай. Ҳамма нарсам тахт, хўп десанг, эртагаёқ бошлаб юбораман.

— Шошилманг, ойи,— деди Ботир,— мева-чева пиш-син...

— Уҳ-хў...— деб юборди Нор хола,— бу йил ўтқазган мева дарахтларинг уч йилда ҳосилга киради. Яна уч йил кутайми?

Ботир кулди.

— Бу йил ҳосил берадиган катта мевалар ҳам бор.

— Яхши ишни кечиктириш дуруст эмас. Тилинг бор-маса, Бўстонга ўзим айта қолай.

— Йўқ, йўқ,— деб кулди Ботир.

Нор хола бўшаган товоқни яна ўраб олиб кетди.

Ботир анчагача электр ёруғида китоб ўқиди. Нималарнидир ёзди. Қарим полвон янги газеталарни бир кўздан кечириб, кроватга чўзилди. Соат кечаси ўн бир-лар чамаси бўлди. Ботир ҳам кроватга чиқиб ётди. Ҳали сув қўйилмаган янги ҳовуз лабига ёнма-ён қўйилган икки кроватда ётганлар Ботир билан Қарим эди. Ҳаво очиқ, юлдузлар ярқирайди. Илк баҳор туни анчагина салқин. Иккаласи ҳам кўрпага бурканиб олганлар.

— Ҳаволар кундуз иссиқ, кечаси анча совуқ бўлаётир,— деди Қарим полвон секин гапириб.— Уч-тўрт кунда баъзи дарахтлар гулга кирса ҳам керак. Совуқ ялаб кетмасмикан?

— Тайёрлигимиз бор, зарар қилмас.

— Қанақа тайёрлик?

— Дарахтларга тутун бериш.

— Тутун ёрдам қилармикан, ҳавони илита оладими?

— Совуқ кўпроқ кун чиқиш пайтида таъсир қилади,— деди Ботир, Қарим полвон тарафга сал ўгирилиб,— куртак ва гунчалар шабнам билан ҳўл бўлган эрталабки салқинда қуёш кўринади-ю, ҳарорат бирдан ўзгариб кетади. Ана шу пайт айниқса хавфли. Дарров тутун юборилса, у қуёш шуълаларини тўсадию, ҳароратнинг бирдан ўзгаришига йўл қўймайди.

Қарим полвон бир тўлганиб олди:

— Ҳа Ботиржон бир ишни чатоқ қилибмиз-да.

— Нимани?

— Дарахтларнинг шохларини кўпроқ кесиб юбориб-миз. Бугун диққат билан қарасам, бўйига қараганда, боши кичик кўринади. Кўписи қўли тирсагидан кесик кишилардек бўлиб қолган.

— Шохлар кўчатнинг бўйига эмас, томирига қараб қирқилади. Кўчатни ўз ўрнидан олиб бошқа жойга ўтқазилганда, ҳар қандай эҳтиёт қилинса ҳам, томирлари анчагина зарарланади. Агар шохлар ишдан чиққан томирлар нисбатида қирқилмаса, қолган томирлар уларни озуқа билан таъмин қила олмайди. Натижада барглари сўлиб, дарахтнинг ўсуви сусаяди. Баъзан қуриб ҳам қолади. Лекцияга диққат қилмабсан-да, полвон.

— Сен лекция қилганда хаёлимга катта боғ, шовиллаб турган хиёбонлар, чиройли ишкомлар, гуллаган олма, ўрик; шафтоли, яна алланималар кўринаверди. Мен ўзимни Қумри билан ҳар қайсига бир назар ташлаб ёнма-ён кетаётгандек ҳис қилдим. Гапларинг қулоғимга худди алла айтгандек урилиб турди. Лекин, маъносини чақа олмадим. Ҳадеб хаёл олиб қочаверди.

Қумрини эслаганда Карим полвоннинг юраги аллақандай бўлиб жизиллаб кетди.

У думалоқ юзли, ювош, семизгина қиз ҳозир бир йиллик боғбонлар курсида ўқияпти. Карим полвон унга ҳар ҳафта ажойиб хатлар ёзиб туради.

«Қора кўз, ғунча лаб, асалдан ширин, жондан азиз...» сўзлари ҳар хатларда кўп такрорланди. Сўнги хатида ҳаддан ошиб кетибди шекилли. Қумри: «Мунча алжирайсиз, ҳушингиз жойидами?» деб ёзибди. Дастлаб Карим Полвон бу сўзни ҳазил деб ўйлаб, мўйловини бураб, табассум қилиб қўйди: «Ақл-ҳушимиз жойида эмас, сиз ёқда» деди у ўз-ўзича. Аммо, кейин ўйлаб кўрса, бу анчагина қаттиқ гап...

— Тавба,— деди Карим полвон,— Қумридек ювош қиз ҳам ўқиб маҳмадона бўлиб кетибди. Боғ ишлари қандай боряпти, кўпроқ шу ҳақда ёзинг, дебди. Нима, ишқ-муҳаббат қулоғига ёқмайдими? Ё бошқа бировга кўнгил бериб қўйганмикан? Кўнглига шундай сўроқлар келса ҳам, унчалик хавотирланмади. Чунки унинг хатида дўстлик, самимият равшан акс этиб турарди.

Кутилмаганда хаёлини бўлиб Ботир сўроқ бериб қолди:

— Қумридан аниқ ваъда олганмисан ўзинг?

— Бўлмасачи, сенга ўхшаб юрармидим, у бошидан ёстиқни олиб, тирсагига суяди.— Шартнома тузиб ҳам қўйганмиз. Келиши билан тўйни гумбурлатиб бошлаб юбораман.

— Бахтиёрсан,— деди Ботир аста.

— Сенга ҳайронман, Ботир, ишда ўта пухтасан-у, муҳаббатда мазанг йўқ. Ахир юрагингни ёриб, дардингни айт-да.

— Сен уни Қумрига ўхшатма. Қумри ювош, ўз сўз-ли. Уйламай қаттиқроқ гапириб қўйсанг, қош-қовоғини солиб, шартга бир нарса айтади, кейин пушаймон бўласан. Чидадим, тоқат қилдим, мана энди айтса бўлади.

Бу мавзуда суҳбатни давом қилдиришга Ботирнинг майли йўқлигини сезган Карим полвон бошқа мавзу қидирди. Чунки уйқуси келмас, нима тўғрисида бўлса ҳам Ботир билан гаплашгиси келарди. Аввал эсига Бўстон келди... Сўнгра кўз ўнгида колхоз бухгалтери гавдаланди. У кўзини олайтириб: «Мен тийинлаб йиғсам, сен, сўмлаб сарфлайсан. У ёққа пул ўтказ, бу ёққа пул ўтказ, фақат сарф-харж: бир тийинлик даромад йўқ...» деб гапириб турган ҳолатда кўринди. Кейин Ботир боғнинг бўш жойларига полиз экинлари экиш қандай бораётганлигини ўйлади. Хоразмдан келтирилган қовун уруғини экишда ўзи қатнашишга ният қилди.

Карим полвон икки-уч марта ағанаб, кейин осмонга қараб ётди. Жой ўзгартгани учунми, негадир уйқуси келмасди.

Улар анча гаплашиб ётиб ухлаб қолдилар. Боғ тинч, янги кўкатлар ва гуллаётган дарахтларга тегиб ўтган шабада хуш ҳидлар келтиради. Узоқдан шалоланинг шовиллаши эшитилади. Ҳовузга яқин ерда қандайдир бир ҳашарот чирилламоқда.

Тонг ёришди. Улар ювиниб, нонушта қилиб, ишга жўнадилар. Дастлаб ўрик дарахтлари ўтқазилган қартага юрдилар. Самарқанд маҳтобиси, аҳрори, арзоми каби эрта пишар навларнинг баъзилари гунча очай-очай деб қолибди. Қишда шамол ва бошқа сабаблар билан кўп зарарланган дарахтлар ўрнига янги кўчатлар ўтқазилган эди. Ботир билан полвон уларнинг таналарини оқладилар:

— Бу гадбир дарахтни баҳорда офтоб уришдан, қишда эса ҳароратнинг кеча-кундуз тез ўзгариб туришидан сақлаш учун қилинади,— деди Ботир.

— Ҳа... ҳа, лекин курсда бунга айтмаган эдинг-ку.

— Айтганман, эсингдан чиқибди.

— Тўғри, ўша вақтда эсимнинг ўзи ҳам жойида эмас эди...— деди полвон мийиғида қулиб.

Боғ ишчилари ҳам етиб келдилар. Улар дарахт тагларини юмшатиш ва ўғит солиш ишлари билан банд бўлдилар. Боғда қизгин ҳаёт жонланди.

— Биласизми, бугун мен соат нечада туриб кетдим?— деди портфелини қўйиб, Тошпўлатовнинг ўнинчи классда ўқийдиган ўғли Эркин.

— Йўқ,— деди Тошпўлатов.

— Соат бешда.

— Қаёққа бординг, нима қилдинг?

Оппоқ каламинкадан китель ва шим кийган, тўқ қизил юзли йигитча диванда ўтираркан, қора, чиройли кўзларини кулдириб гапира кетди:

— Бир тўда ўртоқларим билан Ботиржон акамнинг боғига экскурсияга бордик. Хиёбонлар, қатор-қатор кетган янги дарахтлар, кўрсангиз, бирам чиройли...

— Кўрганман. Хўш, кейин?— деди Тошпўлатов.

— Шошилтирманг ҳаммасини гапириб бераман. Аста-аста юриб дарахтларни кўздан кечирдик. Қарим полвон, Абдужаббор отам, биз — ўқувчилар...

— «Унчалик таниш бўлмаган ер,— деди Ботир акам.— Тез-тез текшириб туриш керак бўлади. Бирор зараркунанда пайдо бўлиб қолмасин. Айниқса қуён билан каламуш боғнинг энг кушандаси. Агар пайдо бўлиб қолса борми, ишимиз жуда оғирлашади. Негаки, дарахтларнинг танасини қамиш билан ўраб олишга, дори ва бошқа йўллар билан уларга қарши курашишга тўғри келади. Қанча вақт, қанча куч сарф бўлади». «Рост гапирасан,— деди Қарим полвон.— Лаънати қуён дарахтни кемириб, пўстлоғини шилиб олади».

Кейин Ботир акам битта ёш ниҳолча ёнига бориб тўхтади-да, бошдан-оёқ диққат билан кузатиб чиқди. «Биласизларми,— деди у бизларга қараб,— мана бу ёш дарахтни Қўнғироқ деган қишлоқдан олиб келганман». «Олмаку»— деди Қарим полвон. «Ҳа, олма,— деди Ботир акам.— Бошқалардан фарқи шуки, меваси катта, ҳосили кўп, совуққа чидамли, тез бузилмайди. Ёзгача сақласанг ҳам туради. Диққат билан қараб юрсанг баъзан қизиқ, бошқа ерда кўринмаган бир хил мева учраб қолади. Шунда бепарво ўтиб кетмасдан,

дарров кўчатидан ёки уруғидан олиш ва кўпайтириш керак». «Яхши олма,— деди Абдужаббор ота.— Бундан кўпроқ пайванд қилиш керак». «Хўп, бўлади,— деди Ботир акам,— лекин камчилиги бор, шираси камроқ». «Эй, аттанг,— деди Карим,— ана шуниси чатоқ экан-да!» «— Зарари йўқ, бу камчилигини тузатамиз»,— деди Ботир акам. «Қандай тузатасан, азали камчилик бўлса?»— деди Карим полвон. «Сунъий чанглатиш йўли билан,— деди Абдужаббор ота мош-гуруч мўйловига қўлини олиб бориб,— отаси ва онасидаги хусусиятлар бирикиб, дурагай янги дарахт пайдо бўлади». «Ота-онасида бўлмаган хусусиятга ҳам эга қилиш мумкин,— деди Ботир акам. «Қандай? Усимликдаги ҳар қандай хусусият, наслдан мерос бўлиб ўтган, бу табиат қонуни. Ота-онасида бўлмаган хусусиятни қандай ҳосил қилади?» «Ташқи шароит таъсири билан»— деди Ботир акам. «Бўлмаган гап!»— деди Абдужаббор ота.

«Мунозарага ўрин йўқ»,— деди Ботир акам,— бу аллақачон ҳал қилинган. Афсуски, сиз беҳабар экансиз...

Ботир акам кўп мисоллар келтирди, ҳаммаси эсимда қолмади.

«Буғдойни яровизация қилиш, ғўзани чеканка қилиш — бу экинларнинг тез етилиши ва яхши ҳосил беришга кўп таъсир қилди. Халқ хўжалигига кўп фойда етказди»— деди яна Ботир акам.

Сибирялик мичуринчи боғбон профессор Кизюрин ер бағирлаб ётиб ўсадиган олма дарахти яратди. Бу қишда қор тагида қолиб худди кўрпада ётгандай ётади. Уларга Сибирнинг қаттиқ совуғи ҳам таъсир қилмайди. Ана шундан кейин Сибирда ётиқ ўсадиган катта олмазор боғлар майдонга келди. Уларнинг мевалари тез етилади, катта ва ширин бўлади.

Устоз Иван Владимирович айтди: «Ер шари ўсимлик учун оталик ролини ўйнаса, ташқи шароит оналик ролини ўйнайди. Чинакам тарбияловчи, вояга етказувчи она!»

«Яна янги далиллар керак бўлса,— деди Ботир акам,— мен шу ерда ўз қўлим билан яратиб бераман».

«Кўрамиз»,— деди Абдужаббор ота, писанда қилиб.

Кейин мактаб вақти бўлиб, бизлар қайтдик.

— Жуда яхши саёҳат бўлибди. Ботир аканг ёнига тез-тез бориб тур. Боғбонликни ҳам ўрганасан.

— Ургатаман деб айтдилар. Албатта, бориб тураман. Баҳор кундан-кун ясанмоқда. Дала-адирларни кўм-кўк майсалар қоплаб олди. Боғлар ранг-баранг гуллардан янги кўйлак кийди. Қушларнинг хушчақчақлиги авжга минди. Шу пайтларда эрталабки дала шабадаси қандай оромбахш, хушбўй!

Тонг кумушдай ипак пардага ўралиб, аста юриб кела бошлади. Ботир билан Бўстон ҳам у билан бирга йўлга чиқдилар. Улар кўм-кўк майсалар, лолалар орасидан аста юриб келдилар.

Улар кичик боғнинг дарвозаси олдига келиб қолдилар, дарвозани очиб ичкари кирдилар. Ботир билан Бўстон ҳовуз лабидан ўтиб дарахтлар орасига киришлари билан яқин бир гулда ўтирган булбул сайраб юборди. Бўстон қайрилиб қаради-ю, Ботирга «Тўхтаган» деди. Ботир тўхтади. Булбул нола қиларди. Унга боғнинг нариги бурчагида ўтирган бошқа бир булбул ҳам қўшилди.

— Булбуллар доим шундайми?— деб сўради Бўстон.

— Ҳа, хусусан бугун кайфлари чоғ.

— Нега?

— Бугун боғда булбулни яхши кўрадиган бир ажойиб гул пайдо бўлган.

— Булбулни ёмон кўрадиган гул ҳам бўладими?

— Бўлади...

Бўстон бирпас ўйланиб туриб Ботирга кулиб қаради:

— Унақа гапни айланторманг, бўлмаса кетаман.

— Ҳали эрта, бир оз ёрдам беринг, кейин жўнай-сиз,— деди Ботир.

Бўстон рози бўлди. Ботир уни тажриба ўтказиладиган дарахтлар тарафга бошлади. Улар баланд олча дарахти тагида тўхтадилар. Ботир нозик бир шохни секин қайирди. Бўстон ундаги бир бутоқни кўриб, завқланди. Дарахтнинг бошқа бутоқлари оппоқ гуллаган бўлса, у қип-қизил гуллаган эди.

Шу вақт дарвоза очилиб, Қарим полвон кириб келди. «Қарим ака, Қарим ака, мана буни кўринг»,— деб чақирди Бўстон. Қарим полвон келиб, ҳайратда қолди.

— Бу қизил гулли бутоқ ўтган йил июнда олчага пайванд қилинган шафтоли.

Ботир бутоқдаги ўсиш куртаги, барглари узиб ташлай бошлаган эди, Қарим полвон яна сўроқ берди:

— Нега узиб ташладинг, Ботиржон?

Ботир «ҳозир, ҳозир» деб, чўнтагидан боғ пичоқчасини олиб, ўша булоқнинг учини ясси текис қилиб кесди, сўнгра унинг устида ўсган битта олча булоғининг пўстлогини озгина ёриб, ўшанга шафтоли булоғининг учини тиқиб қўйди ва устидан ип билан бир-икки марта айлантриб боғлади.

Диққат билан кузатаётган Қарим полвон:

— Бу нима қилганинг?— деб сўради яна.

— Шафтолидан кесиб олинган кўз олчага пайванд қилинган эди. Шу кўздан бу булоқ ўсиб чиққан. Ҳозирча у олча томиридан келган ва ўзининг япроқчалари ишлаган озуқа билан овқатланади. Мен унинг япроқчаларини узиб ташладим ва учини олча булоғига туташтириб қўйдим. Энди у ҳам олча томиридан, ҳам туташтирилган булоқча орқали олча япроғидан овқатланади. Унга энди олча икки тарафлама таъсир қилади.

— Бундан мақсад нима?

— Мақсад равшан: олча шафтолига қараганда кўп умр кўради, совуққа чидамли. Мен ундаги шу хусусиятларни шафтолига ҳам ўтказмоқчиман.

— Утармикан?

— Кўп бўлмаса ҳам маълум даражада ўтади. Ҳозирданоқ баъзи белгилар кўринмоқда. Мана бунга қаранг.

У битта шафтоли шохини қайириб, ундаги гуллар билан пайванд қилинган булоқдаги гул, гунчаларни солиштириб кўрсатди.

— Мана бунда,— деди у,— куртак бўртиброқ чиқиб қизариб турибди. Мана бунда ундай эмас. Бу олчага мойил бўлаётганини кўрсатади.

— Тўғри, тўғри,— деди иккиси ҳам,— олчадан ҳарқандай совуққа чидайдиган шафтоли нави яратилса, ажойиб иш бўларди.

— Яратамиз,— деди Ботир.

Улар бир неча қадам босиб, яна бир олча ёнида тўхтадилар. Бўстоннинг кўзи пахта боғланган бир булоққа тушди. Ботирнинг жаҳли чиқди: «Яна тутмабди, тоза жонга тегди». У пахтани олиб ташлади.

— Бу нима ўзи?— деб сўради Бўстон.

Ботир «ҳозир-ҳозир» деди-ю, Бўстонни қўлтиқлаб бир чеккага олиб кетди. Мевазордан чиқиб, бир жўяк ёнида ўтирди. Бўстон унинг яқинига эгилиб турди, Ботир пичоқчаси билан ерни кавлаб битта шафтоли уруғини ол-

ди, унинг учи ёрилган бўлиб, юқорига қараб эндигина оппоқ куртак ниш ураётир, пастга эса, нозик томир ёйган. Ботир ўша оқ куртакни кесиб олди. Сўнгра олча шохига яқин келиб, ўтган йилги бир шох пўстлогини тилиб ҳалиги куртакни ўша тилинган пўстлоқ ичига тикиб, устидан ҳўл пахта қўйиб боғлади. Сўнгра пахтаси ташланган бутоқ ёнига келиб унинг сирини гапирди:

— Бу ҳам худди ўшанақа пайванд қилинган. Устоз Мичурин айтадилар: «Ўсимлик қанча ёш бўлса, янги шароитга шунча тез ва яхши мослашади. Ўз хусусиятларини ўзгартиради. Ушанга асосан мен шафтолини энг ёш, энди чиқаётган вақтида олиб олчага пайванд қилдим. Олча хусусиятини яхшироқ қабул қилсин, дедим. Лекин иш ўнгидан келмаяпти.

— Нега?— деди Бўстон унга тикилиб.

— Ёш нарса, ҳароратга бардош беролмай, қуриб қол-
япти. Ҳар куни пайванд қиламан, эртасига келсам, қу-
риб қолган бўлади.

— Намлаб турса бўлмасмикан?

— Қўриб турибсиз-ку, ҳўл пахта билан боғлаб қў-
йибмиз. Барибир тутмайди. Пахта қуриши билан у ҳам
қуриб қолади. Жуда ҳам жонга тегди. Муҳим тажриба
бўлмаганда, баҳридан кечардим.

— Намлик сақланса, тутармикан?— сўради Бўстон.

— Тутар деб ўйлайман.

Бўстон оқ шойи костюмининг қўлтиқ чўнтагидан кичкина одеколон шишасини олди. Қолган озроқ одеко-
лонни Ботирнинг сочиға ва оқ каламинка кителиға сеп-
ди. Ботир: «Э... э... бу нима қилганингиз?!» деб ҳайрат
билан қаради. «Жим туринг, иш бор»— деди Бўстон.
Шу пайт Қарим полвон ҳам югуриб келди: «Бўстонхон,
биз ҳам қуруқ қолмайлик»,— деди. Бўстон унга ҳам
сепди. Ариқча лабига бориб, бир неча марта чайқаб
ташлаб, бўшаган шишаға сув тўлдириб келди. Сўнгра
янги пайванд қилинган бутоққа — ўша пайванд ёнига
уни ип билан боғлаб қўйди. Пайванд устидаги ҳўл пах-
тани пилта қилди-ю, бир учини сувли шиша ичига со-
либ, иккинчи учи билан пайвандни айлантириб боғлади.
Ботир қизнинг ҳийласига тушуниб: «шунча вақтдан
буён шу эсимизга келмабди-я, буни қаранг»,— деди.
Қарим полвон эса завқланиб:

— Ана буни ақл-фаросат, дейдилар. Офарин, қо-
йил, Бўстонхон, Энди пахта қуримайди, намни аста ши-

миб тураверади, ундан пайванд баҳра олади. Сизнинг қўлингиз тегди, энди албатта тутади.

(Ботир эртасига худди шу тартибда ўн иккита пайванд қилди, тўрттаси тутди).

Баланд дарахтлар учида шафақ қизара бошлади. Боққа Қумри билан Норбиби келиб кирди. Карим полвон: «Ана бизнинг жонона ҳам келдилар», деб қўйди. Ботир билан Бўстон кулдилар. Яқинлашиб қолган Қумри: «Карим ака менинг ҳақимда бирон нарса айтдилар шекилли» деб гумонсиради ва Карим полвонга қараб «Жим» дегандек ўсиқ қошларини чимриб, лабини тишлаб қўйди.

Бўстон: «Мен энди кетай, кеч бўлди» деган эди, Қумри дарров унга қайрилиб қаради:

— Биз келганда сиз кетар экансиз-да!..

— Ахир, ўртоқ, ишга кечикаман.

Ботир «ҳозир-ҳозир, бир иш бор, шундан кейин жўнаймиз. Қани, бу ёққа...» деб уларни шафтоли дарахтлари ёнига олиб борди ва қизларга қараб: «Мана бу гулларни худди мен кўрсатгандай қилиб чанглатасизлар» деди. Сўнгра мўйчинак билан бир гунчанинг оғзини сал очиб, ундаги оталик уруғини — чангни олиб, Бўстон ушлаб турган шишага солди. Шу тариқа уч-тўрт гунчанинг чангини олгач, иккинчи туп шафтолига яқин борди, битта бутоқни ушлаб ҳалигидай қилиб бир гунчанинг аста оғзини очди, ундан оталик уруғини олиб, шишадаги чангдан бир оз қўйди. Сўнгра бошқа гунчага ўтди. Ўша шохдаги бир неча гулни чанглатгач, уларга ари ва бошқа ҳашаротлар таъсир қилмаслиги учун докадан тикилган халтача кийгизиб қўйди.

— Қандай навлар чатиштирилди?— деб сўради Қумри.

— Арманистондан келтирилган кечки Наринжи нави билан Эльберта нави. Боғдорчилик мактабини битириб келдинг, ўзинг ҳам биласан-ку. Биз энди катта боққа жўнаймиз, сизлар бу ерда чанглатишни давом этдириңлар.

Ботир билан Бўстон ёнма-ён юриб кетдилар. Ботир Бўстонга қараб-қараб борарди. Қараган сари қарагиси келарди. Ниҳоят Бўстон бунга тоқат этолмади:

— Нега бунча қарайсиз?— деди у.

— Қараб тўйиб бўлмайдим, нега бунча ёқимлисиз!..— деди Ботир. Бўстон «яна мақташ...» деди-ю,

тез чолиб кетди. Ботир «сизни ушлаб олмаган номард» деб унинг кетидан югурди. Яқинлашай-яқинлашай деганда, у чап бериб югурди. Ниҳоят, ҳансираб тўхтади, Ботир тутиб олди.

Қизариб кетган ва ҳансираб нафас олаётган Бўстон чуст дўпписини кияркан, «ҳисоб эмас, ҳисоб эмас» дерди.

Улар яна секин ёнма-ён юриб бордилар. Эрталабки салқин шабада уларни силаб-сийпаб, танларига ором бера бошлади. Рўбарў келган ариқчадан қўл-юзларини ювиб, енгил тортидилар.

Боққа киргач, Бўстон тўғри «ўз» звеносига қараб кетди, Ботир парниклар тарафга бурилди. Саодат опа Бўстонни кўриб:

Сен жуда эрта кетган эдинг, қаёқда қолдинг?»— деди.

— Нариги боғда, Ботиржон акам ёнида эдим,— деди.

29

Катта тўрткунж бу хонани чиройли абажурли уч лампочка ёритиб туради. Бўстон креслода сарбаст ўтириб, кўк муқовали қалин китобни ўқимоқда. Қатор қўйилган кичкина стулларда китоб ўқиб, ёзиб-чизиб тайёрланаётган, диван ва креслоларда ўтириб газета, журнал кўраётган одамлар кўп бўлса ҳам, пашша учса сезиларди.

Китоб содда ва таъсирли қилиб рус тилида ёзилган. Уқиган сари Бўстоннинг кўз ўнгида ажойиб манзаралар жонланди. Улар хаёлни узоқларга бирга олиб кетди. Мана, Пронск қишлоқлари аро кўм-кўк лентадек чўзилиб кетган Проня дарёси. Уни ёқалаб борсангиз, кўп ўтмай, кўз олдингизда Пронси шаҳри жилваланади. Рус ерини ажнабий босқинчилардан мудофаа қилишда зўр роль ўйнаган бу тарихий шаҳардан беш километрча жанубда олма боғлари билан қопланган Юмашовка қишлоғи — устоз Мичурин тугилган жой кўринади. Ўткир ақл, қудратли ирода ва билим кучи билан табиатни ўз ҳукмига бўйсундирган бу буюк киши ҳаётига алоқадор ҳамма нарса Бўстонни қизиқтиради. Баъзан у китобни беркитиб, узоқ-узоқ ўйланади. Келган ерини адаштирмаслик учун бармоғини варақлар орасига су-

қиб, хаёл билан йироқ ерларни саёҳат қилади. Олий мақсад сари қадам ташлаб борган илм паҳлавони, забардаст Мичурин кўз олдига келади. «Мен табиатдан яхшироқ дарахт яратаман. Табиатдан раҳмдиллик кутманг, уни мажбур қилинг» деган сўзлар китоб варақлари орасидан жаранглаб, эшитилиб тургандек бўлади.

Эшикдан Ботир кириб келди. У оёқ учи билан юриб, атрофга бир неча юмшоқ стул қўйилган катта юмалоқ стол ёнига бориб ўтирди ва газета-журнал кўра бошлади. Бўстон китобдан кўз узмагани учун унинг келганини сезмади ҳам. Ботир варақлаётган «Крокодил»ни беркитиб, одамларга бир назар ташлади ва Бўстонни кўриб қолди. «Қанақа китоб ўқиётган экан?» деб муқовасини кўриш учун ўтирган ерида сал эгилиб қаради. Кўк муқова устига катта қора доира чизилиб, ичига йирик ҳарфлар билан «Мичурин» деб ёзилган эди. Ундан сал пастроқда 1855-1935 йиллари кўрсатилган бўлиб, улуғ олимнинг туғилган ҳамда вафот этган вақтини билдирарди. «Янги китобни дарров топибди-я, деб ўйлади Ботир. Сўнгра туриб кутубхоначидан ўшанақа китоб топиб беришини сўради. Китобни олгач, диванга ўтириб, варақлай бошлади. Бу улуғ устознинг таржимаи ҳоли ва фаолияти ҳақида ёзилган очерклар китоби эди. Ботир бир неча варақ ўқигач, қизиқарли ва мазмундор асар, деб ўйлади. Бўстоннинг улуғ олимнинг тажрибалари билан чуқурроқ танишишга, унга оид ҳар қандай асар босилиб чиқса дарров ўқишга интилиши Ботирни қувонтирди.

Ботир қўл соатига қаради ва ўрнидан туриб секин юриб келиб Бўстон ёнига ўтирди. Бўстон ёнига ким келганини билгиси келса ҳам, лекин китобдан кўз узмасди. Ботир энгашиб, унинг қулоғига секин шивирлади:

— Бир оз дам олишни истамайсизми?

Бўстон ялт этиб унга қаради ва лабларига дарров табассум югурди. У қора ипак гулли яшил крепдешин кўйлагининг этагини тиззасидан пастга тортиб тузатиб қўяркан, «майли» деди.

Улар оёқ учидан юриб секин чиқиб кетдилар. Нариги хонада Фозил Иванович билан шахмат ўйнаётган Карим полвон кўз остидан қараб, «жўнадилар» деб кулиб қўйди. Пиёдани филга босаркан, Фозил Иванович «ким?» деб сўради. Карим полвон, филни икки хона

тортиб қўйғач, қироат билан «Ботир билан Бўстон» деди. Унинг талаффузида бу сўзлар худди «Фарҳод ва Ширин» дегандек муҳаббат оҳанги билан жаранглаб кетди.

Ташқари чиқиб хиёбон билан бир оз юргач, Ботир Бўстонни ўз ҳовлисига таклиф этди.

— Кампирга ваъда бериб келдим, шу сафар сўзимни қайтармайсиз,— деди.

— Уяламан, шу ерда айлансакчи?

— Йўқ, бўлмайди. Бормасангиз ёлғиз ўзимни уйга киритмайдилар.

— Киритмасалар, бизнинг ҳовлига юраверинг,— деди кулиб Бўстон. Шу вақт унинг оппоқ ияклари ойдинлашди.

— Ҳовлингизга кўп борганман, яна боравераман. Энди сизнинг навбатингиз...

— Нор холадан уяламан, дедим-ку?

— У шундай хотинки, сизни уялишга қўймайди.

Ботир Бўстонни қўлтиқлаб шахдам қадам босди.

Эшикдан уларнинг оёқ товуши эшитилиши билан Нор хола ошхонадан илдамлик билан чиқиб, Бўстонни қучоқлаб олди.

— Бўйларингдан айланай, кел, ҳовлига қандай ярашасан-а... Нега келиб-кетиб турмайсан? Ўз уйинг. Аянг билан опа-сингилман.

Нор хола сўрашгач, Бўстонни ичкари уйга киргизди ва безатилган столга яқин ўтирғизди. Сўнгра чой келтириш учун ташқари чиқди. Шинам, ёруғ бу хонанинг ҳамма тарафига Бўстон кўз югуртириб чиқди. Портретлар, шкаф ва девордаги йирик нақшларгача кўздан кечирди. Ҳаммаси ўз ўрнида эди. Бўстон авваллари ташқари уйларни кўрган бўлса ҳам, хонага кириб кўрмаган эди. Нор хола буни Бўстон учун безаб, шу дамгача, ҳеч кимни киргизмай қўйган эди. Бугун мақсадига етди. Бўстон ўз жамоли билан бу уйнигина эмас, балки Нор хола ва Ботирнинг юрагини ҳам равшан қилиб юборди. Улар қувончдан ҳар тарафга югуришар, Бўстонни нима билан хурсанд қилишни билмас эдилар. Нор хола бор нарсасини олиб столга қўйди. Стол атрофида парвона бўлиб, «айланай, ана унисидан, мана бунисидан е» деб Бўстонга тиним бермади. «Бас, ўзингиз ҳам ўтиринг» деб ёлворишига қарамай, столга янгидан-янги нарсаларни келтираверди. Ниҳоят, столда

жой ҳам қолмади. Нор хола Бўстонни ейишга қистаб туришни Ботирга топшириб, ўзи ошдан хабар олгани ошхонага чиқиб кетди.

Ботир ҳам ўрнидан туриб шкафни очди-ю, худди янги узилгандек бир чинни олма олиб қўйди. «Кечирасиз, ҳали узумимиз пишган йўқ», деди ва биттасини олиб арча бошлади.

— Боши саккиз-ўн килограмм келадиган узум ҳақида гапирган эдингиз. У қачон пишади?

— Келтирилган қаламчаларни маскага пайванд қилдим, келаси йилдан ҳосил бера бошлайди. Мисли кўрилмаган мўл ҳосил қилади. Лекин бир камчилиги бор. «Тавба, табиат ҳеч нуқсонсиз нарса яратмас экан» деб қўйди. Лекин, ўша замон «кечиринг, хато қилибман, ҳа, ҳосили мўл, донаси кичкина бўлса ҳам, лекин узоқ сақлашга ярамайди, тез бузилади. Столовий сортлари учун бу жиддий нуқсон. Бу камчилигини тuzатсак жаҳонда биринчи ток бўлади. Рекорд ҳосил беради.»

Ботирнинг сўзига қулоқ солиб турган Бўстон у гапини тамом қилгач, «Нега сўз орасида кечирим сўрадингиз?» деди.

— Ҳа, йўл усти хатомни тўғрилаб кетдим.

— Қандай хатони?

— Табиатга тухмат қилдим. Ахир, унинг бенуқсон иши ҳам бор-ку!

— Масалан?

— Масалан, сиз!

— Яна каттароқ хато қилдингиз,— деди Бўстон.

— Йўқ, энди хатомни бўйнимга олмайман.

— Оласиз, негаки, бу жуда катта хато. Ҳеч кечириб бўлмайдиган, хусусан сиз учун кечириш мумкин бўлмаган хато.

Ботир ҳайрат билан унга тикилиб қолди.

— Хўш, далилингиз?

— Менда, эҳтимол, сизга ёқадиган сифатлар кўпдир, эҳтимол, ўшалар нуқсонларимни яшириб тургандир...

Ботир унинг сўзини бўлди:

— Йўқ, Бўстон, мен табиат олими сифатида сизга тикилиб турибман. Сиз табиатнинг энг гўзал классик асарсиз.

— У... раҳмат!.. лекин катта хато қилаётганингизга ачинаман.

— Қанақа хато?..

— Хатонгиз шуки, мендаги яхши сифатларнинг кам деганда ўндан тўққизини совет муҳити, совет тарбияси берган, табиат эмас. Ахир устоз Минчурин: «Ўсимликлардаги хусусият ва сифатларнинг ўндан тўққизи ташқи шароит таъсири билан вужудга келади» демаганмидилар? Одамлар ҳам шундай-да, нима дейсиз, хатонгизни топдимми?

— Топдингиз, тўғри-тўғри,— у ўрнидан туриб Бўстонга яқинлаша бошлади.—Қойил қилдингиз, доно қиз.

Бўстон унинг жуда ҳам яқинлашиб келаётганидан хавотирланиб, секин ўрнидан турди, юзлари қизариб, юраги дук-дук ура бошлади. Орқасига тисарилмоқчи бўлди. Лекин у тараф девор... Бошқа қочадиган жой йўқ. Стулга суяниб тураркан, таналари титраётгандай сезилди, фақат ялиниб: «Ботиржон ака, яхши эмас, яхши эмас» деди-ю, қучоғига кириб кетганини ўзи сезмай қолди. Ботир йигитлик ҳарорати билан уни қучоқлаб, лабидан ўпди. Фақат Нор холанинг оёқ товуши эшитилгачгина қучоғидан чиқарди. Бу биринчи ўпиш, ажралмас оила аҳдномасига босилган муҳр эди.

Нор хола ошни келтириб стол устига қўйди. У икки ёшда шу пайт юз берган ўзгаришни сезган бўлса ҳам билмаганга солиниб чиқиб кетди.

30

Қўллари тирсагигача шимарилган Карим полвон баланд тепа этагида қулоч ёзиб кетмон ураётир. У ҳар зарбада бир пудча тупроқни ўпириб олиб ташламоқда. У асрлардан буён ҳеч ким томонидан қўзғатилмаган бу баланд тепани кўчиришга қасд қилган.

Ахир, бу тепа нега паҳлавоннинг бунчалик ғазабига учради?

У бир вақтлар қишлоқда «табаррук» чўққи эди. Одамлар унинг тупроғини «табаррук» ва «тўтиё» деб кўзларига суртар, кечалари чироғ ёқиб, ундан тилак тилар эдилар. Кўп эмас, бундан ўттиз-қирқ йил бурун Карим полвоннинг отаси ҳам шу тупроқ тепага икки букилиб таъзим қилар, салом берар эди. Ҳатто отлиқлар унга яқинлашганда, отдан тушиб ўтар эдилар.

Фалакнинг гардишига қаранг, асрлар бўйи табар-рук чўққи бўлган бу тепа, бугун Карим полвон оёғи остида чангга айланиб кетаётир. Сабаб?

— Кўп замонлардан буён ҳаммани «кароматлар» билан алдаб келган бу тепа,— деди Карим полвон;— кейинги даврда томошабиндек қаққайиб қараб турарди. У ҳеч кимга ҳеч қандай фойда берган эмас. Эҳтимол, одамлар қилич ва қалқон билан уришадиган даврда кимларнидир ҳимоя қилган бўлса ажаб эмас. Лекин энди ўша хизмати эвазига мағрур гердаиб туришга унинг нима ҳақи бор? Мен унинг тупроғини ўғит қилиб, ўрнига кўчат экаман. Боғда етиштирилган энг яхши сорт мева ниҳолларини шу ерда кўпайтириб, колхозларга тарқатаман. Бу ер «Октябрь» колхозининг кўчатхонаси бўлади.

Карим полвон яна зарб билан кетмон ура бошлади. Қумри эса, ўпирилиб тушган тупроқларни ғалтакка солиб, ернинг чуқур жойларига олиб бориб тўкиб турди. Мирзатераклар учига алвон шафақ тушди. Риза бобо келиб кетмонни олиб, Қумри тўккан тупроқларни ёзиб, ерни текислай бошлади. Чол вақт-вақт Карим полвон билан Қумрига кўз тагидан разм ташлаб қўярди. Уларнинг ғайрат билан ишлашлари чолнинг ҳавасини келтирар, завқлантирар эди. «Юлдузи ярашган жуфт» деб кўнглидан ўтқазди.

Дарҳақиқат, улар бир ҳафта бурун ЗАГСдан ўтган бўлсалар ҳам, қадрдонлардек бир-бирига жуда яқин эдилар. Чунки улар кўзи боғлиқ ҳолда чимилдиққа келтириб ташланган бўлмасдан, тўйгача икки-уч йил олдин танишиб синашган эдилар.

Кўп ўтмай Нур бобо ҳам келиб ишга тушди. Қуёш тик кўтарилганда, бир ярим тонналик машина билан Бўстон келиб қолди. У машинани тепага яқинлаштириб унга тупроқ солишни илтимос қилди. У ўринбосар бўлиб сайланганидан кейин ҳам звено ишида иштирок қилишга вақт топарди.

Карим полвон:

— Ҳа.. бунга ҳам кўз тикдингизми?— деди ва машинага тупроқ ота бошлади.

— Минерал ўғит, гўнг етарли, энди мана шу тупроқдан ҳам пича солинса гўзага қаймоқдай ёқади, бу йил мажбуриятимиз ҳам озмунча эмас. Етмиш центнердан.

— Уша чигитдан экдингизми?

— Қайсидан?

— «Оқ олтин»дан келтирган эдингиз-ку! Агар ўшандан эккан бўлсангиз, ҳосилни юздан ҳам оширасиз.

— Бир туп ғўзанинг чигити нима бўларди? Келгуси йил албатта, кўпроқ жойга экиш мумкин. Бу йил уни ипак пахта билан чанглатиб, янги сорт чигит олмоқчиман.

— Хўш, тўй қачон?— деб сўради Карим ундан.

— Уялмайсиз ҳам, келаси ҳафта...— деди Бўстон кулиб.

Машинага кўплашиб тупроқ солиб жўнатдилар. Бўстон тупроқни звено ерига тўкиб, машинани идора олдига келтириб қўйди.

— Камол топсин, бир минут тинч турмайди, ҳамма ишга аралашади,— деди.

Бухгалтер ёнидан ҳисоб-китобини тугатиб чиққан шофер кабинкадан тушаётган Бўстонни кўриб қолди.

— Яхши эмас, машинани сўрамасдан олиб кетиш, Бўстонхон.

— Кечирасиз, ўртоқ шофер! Бекор турган машинангиздан фойдаландик. Бошқа вақт ўзингиздан сўраймиз. Бу сафар кечиринг.

Шофер бошини чайқаб, кабинкага чиқиб жўнади. Бўстон ҳам идорага кетди.

Тўйга келган меҳмонлар боғ билан таниша бошладилар. Улар дастлаб лимон ва апельсинлар ўстирилатган иссиқ хонага бордилар. Бир ярим минг кубометрча келадиган бу бинонинг усти ойна билан қопланган. Унинг кира беришидаги деворига кўк, қизил, пистоқи бўлиб очилган печак чирмашиб кетган. Икки ён томонда одам бўйи келадиган супурги ўсимлиги чўзилиб кетган. Ойна том устига бир қатор қамиш ёйиб қўйилган. Бу билан цитруслар қуёшнинг ўткир ҳароратидан сақланади.

Ботир ланг очиқ катта эшикдан меҳмонларни бошлаб кирди.

— Мана колхозимизнинг лимон, апельсин фабрика-

си,— деди уста Давронга қараб,— қуёшли Грузиядан келтирган азиз меҳмонларимиз.

Қатор-қатор катта-кичик тувакли уруғ ва қаламчалардан кўкартирилган, бўйи икки-икки ярим метрча келадиган лимон, апельсинлар кўм-кўк баргларини ёзиб, тинч турмоқдалар.

Ботир сўзида давом этди:

— Нозик, инжиқ ўсимлик. Яхши парвариш туфайли катта дарахтга айланди,— у катта лимон шохчасини тиклаб, етилиб қолган меваларни кўрсатди.— Бизнинг биринчи маҳсулимиз. Грузиядан келтирилган ўсимликнинг бизнинг шароитга мослашуви қийин. Уларнинг ҳосили, албатта, кам бўлади. Лекин мана булар,— бошқа тувакларда кўкартирилган лимон ва апельсинларни кўрсатди,— булар бизнинг шароитимизда, Ўзбекистон қуёши остида томир олган, агар иссиқ жойларда яхши парвариш қилинса, ҳар бир дарахти беш юзтагача лимон қилиши мумкин.

— У!..— деди Риза бобо, беихтиёр.

— Ҳа... бемалол беш юзта:— Ботир икки-уч қадам юриб, яна бир дарахтни кўрсатди. Мана бу «Ўзбекистон» номли маҳаллий сорт. Утган йил кузда ўтқазган эдик. Ун ойда бир ярим метр ўсди. Қора денгиз бўйида ҳам лимон бундан ортиқ ўсмайди. Ҳозир олти юздан ошиқроқ ниҳолимиз бор. Лекин жуда тез кўпайтираётирмиз. Ўзимиздан ортганини бошқаларга ҳам берамиз. Ҳозир бунга талаб катта. У республикамизнинг ҳамма ерида жуда азиз. Ҳамма унинг Ўзбекистонда ерлашиб қолишини истайди.

Пиллакашлик фабрикасининг техноруги, узун бўйли, буғдой юзли Ҳалимахон сумкасини нимагадир очиб беркитди-да, оқ шляпасини тўғрилаб қўйиб, Ботирга сўроқ берди:

— Ботиржон, бу азиз меҳмон энди ҳамма вақт иссиқхонада умр кечирадими?

— «...Биз энди табиатнинг ҳаракатига аралаша биламиз,— деган устоз Иван Владимирович Мичурин,— донолик билан унга аралашув натижасида янги навларнинг шаклланишини ва одамга кўпроқ фойдали томонга қараб ўсувини муваффақиятли равишда тезлаштира оламиз».

— Демак, цитрус ўсимликларини ҳам Ўзбекистон шароитига мослаш мумкин.

— Ҳа... чидам билан илмий-текшириш ва тажриба ишларини кучайтириш натижасида.

— Лимон беш даража, апельсин олти-етти даража, мандарин эса саккиз-ўн даража совуққа чидайди. Ҳозир олдимиздаги илмий ва хўжалик вазифа: уларни йигирма-йигирма икки даража совуққа чидайдиган қилиш. Агар кузда япроқларини тўкадиган навларини яратсак, қишда узум-анжир сингари кўмиб қўйиш ҳам мумкин.

— Ана унда сўз бўларди,— деди уста Даврон.

— Бўлади. Ҳозир цитрусга олим ҳам, колхозчи ҳам бениҳоя қизиқаётир. Республикамизда цитрус хўжалиги тезлик билан кенгайиб бормоқда. Йигирма йил илгари у Ўзбекистонда биринчи марта тажриба қилинган эди. Ўша вақтда ҳукмрон бўлган морганизм, весманизм унинг ривожланиб кетишига тўсқинлик қилди. Биринчи тажриба муваффақиятсизликка учради. Ҳозир эса бу йўлдаги ҳамма говлар олиб ташланди. Лимон ва апельсинларнинг кенгайиб кетиши учун ҳамма шароит бор. Ҳукуматимиз инсонга жуда фойдали бу ўсимликлардан Ўрта Осиё меҳнаткашларини ҳам мўл таъминлаш учун ғамхўрлик қилмоқдалар.

— Инқилобдан тўрт йил бурун,— деди Нур бобо,— қўшнимиз Сирож бойвачча Москвадан келтирган экан, бир донасини кўрсатган эди. Ҳидлаб, кўзимга суртиб, қайтариб берганим ёдимда. Ана энди, қаранг, ўзимизда лимон фабрикаси очилди.

— Ажнабий бошқинчилар билан гражданлар уруши даврида Ўрта Осиёга келиб кетган бир инглиз биологн «Ўрта Осиёни мен кўрганман, иқлимини яхши биламан, у ерда цитрус ўсмайди. Большевиклар бекорга уринадилар», деган. «Большевик қўли билан ерга суқилган косов ҳам кўкаради», деди Ботир. Саройдан чиққач, Ботир меҳмонларни марказий аллея бўйлаб олиб кетди. Ҳар квартал устида алоҳида тўхталди. Ундаги мева турлари ва истиқболи ҳақида изоҳ берди. Кейин тоқзорга ўтдилар. «Мана бу қаторлар,— деди Ботир қўли билан кўрсатиб,— майиз бўладиган машҳур учқора узумлари. Биз унинг сифатини яна ҳам яхшилаёмиз. Бу ерда у яхши ўсаётир. Афтидан, учқора билан буларнинг табиий шароитларида фарқ кам бўлса керак.

— Ҳа... Учқора ҳам тоғ этаги — баландлик жой,— деди Мавлон ака.

— Мана бу қатор пансари. Бунинг хусусияти шуки, бошқа токларнинг ҳар тупи эллик-олтмиш килограмм узум қилса, бу тўрт юз килограммгача ҳосил қилади. Мана,— яна бир неча қадам юргач Ботир қўли билан қаторни кўрсатди,— бу 1488 номерли узум, катта қўрғон билан паркент узуми қўшилишидан пайдо бўлган. Узумчилик институтидан келтирдим. Ғужумлари йирик-йирик ранги қизғиш, қанди кўп, есангиз карсиллайди.

У ҳали яхши пишмаган бир бош узумни олиб меҳмонларга бўлишдирди.

Улар яна бир неча қадам юрдилар. Ботир янги қаторга рўбарў келиб тўхтади ва олча шохидаги битта бутоқни кўрсатди, унда шафтолидан кичик, олчадан каттароқ мева осилиб турарди.

— Бу нима?— деди ҳайрат билан уста Даврон.— Нега бошқа бутоқлардаги меваларга ўхшамайди?

— Олча билан шафтолидан яратилган дурагай,— деб жавоб қилди Ботир.

— Ажойиб...— деб қўйди уста.

— Ана бу узум буларнинг ҳеч бирига ўхшамайди,— деди у завқ билан,— балки дунёда унинг умуман ўхшаши йўқдир. Биласизми, бу ҳеч қачон эшитилмаган юқори ҳосил беради. Ҳар бош узумнинг оғирлиги ўн килограммгача келади. Икки йил бурун пайванд қилган эдик, бу йил ҳосилга кирди.

Ҳамма кўм-кўк яппроқлар орасида сарғайиб, пишай деб қолган катта-катта бошларга қаради.

Уста Даврон завқ билан кулиб бош чайқади.

— Э, офарин, офарин, отанга раҳмат! Ток мана бунақа бўлади. Бир туп токдан бир тонна узум олаверасиз.

— Бир тонна эмас, эски эгаси Шарифжон бир ярим тонна олган. Биз ундан ҳам кўпроқ оламыз,— деди Ботир.

Боққа яқин катта йўлдан «Победа» сигнали эшитилди. «Келишдилар» деб ҳамма боғ дарвозаси томон юрди. Дарҳақиқат, Камолов, Бердиқулов, Тошпўлатов машинадан тушиб, уст-бошларини қоқиб, ҳовуз лабига қараб юрдилар. Нор хола билан Мавлон ака уч-тўртта столни бир қилиб, меҳмонлар учун жой тузатиб қўйган эди. Мавлон ака уларни столга таклиф қилди. Улар ювғинишиб келиб ўтирдилар.

Кўп ўтмай, боғни томоша қилиб чиққан меҳмонлар ҳам келиб стол атрофидан жой олдилар.

Столнинг бир бошида келин билан куёв учун иккита стул қўйилган. Улар ҳозирча бўш эди.

Камолов меҳмонларни нон-чойга таклиф қилиб, Мавлон отани ҳузурига чақирди. Мавлон ота «Лаббай!» деб югуриб келди.

— Қани, келинга кимни юборамиз,— деди унга томон бурилиб Камолов.

— Ихтиёр сизда.

— Менимча, Ботирнинг ўзи боргани маъқул. Иккита машина билан жўнасин. Саодат опа билан Салим ака эсдан чиқмасин. У Ботирга қараб: «Қани, куёв, жўнанг. Келинни дарров олиб келинг» деди. Ботир илжайиб, «хўп-хўп» деб ўрнидан турди ва иккита «Победа»ни олиб жўнади.

Стол устига ҳар хил овқатлар, ширинликлар, лимон; апельсинлар билан бирга чинни товоқда тўрт катта бош узум ҳам қўйилган эди. Ҳамманинг кўзи шу вақтгача кўрилмаган ўша узумда эди. Меҳмонларни диққат билан кузатиб ўтирган Қумри буни пайқади. Шу пайт унинг эсига устоз Мичуриннинг «Одамлар янги ўйлаб чиқилган паровоз, мукаммаллаштирилган трактор, кўрилмаган комбайн, янги тип самолётга қандай қизиқиш билан қарасалар, янги яратилган ўсимликларга ҳам шундай завқ-шавқ билан қарасинлар» деган сўзлари келди. «Бу ҳали бошланғичи, бундан ҳам ажойиброқ узумлар яратамиз» деди у ўз-ўзича.

Нур бобо узумга қўли билан ишора қилди:

— Марҳамат, биринчи маҳсулимиз олсинлар.

Одамлар қўл чўздилар. «Ажойиб узум,— деди уста Даврон икки дона узумни оғзига олиб бораркан,— ярим килодан берганда, бунинг бир боши йигирма кишига етади»

— Яхши узум, лекин камчиликлари ҳам бор,— деди Карим полвон гапга аралашиб.

— Қандай камчиликлар?

— Мўл ҳосил берса ҳам, болдоқлари оғирлигига чидамли эмас. Қишга сақлаб бўлмайди. Тез бузилади. Шираси ҳам камроқ, биз унинг ана шу камчиликларини йўқотмоқ учун жуда ширин, узоқ вақт бузилмайдиган, чиройли нав билан чанглатдик.

— Қачон?— деб сўради уста Даврон.

— Шу йил, гуллаш вақтида.

— Лекин узуми ҳам ажойиб бўлади-да,— деди Бердиқулов.

— Бу узумнинг оти нима экан?— сўради уста Даврон.

— Ҳозирча,— деди Карим полвон,— испанза деб қўямиз, чунки ўша ердан топиб келтирдик. Унинг устида ишни давом этдирамиз. Ундан яратилаётган яна ҳам мукамал сортнинг отини бутун халқимизнинг ирода-стагини ифодалаб, «Тинчлик» деб қўймоқчимиз.

— Жуда яхши ном топгансиз. Дарҳақиқат, бу,— тинчлик меваси. Худди тинчлик, осойишталик, хотир-жамлик каби ширин ва ёқимли,— деди уста Даврон.

— Худди тинчлик каби мўл ҳосилли,— деб қўшиб қўйди Нур бобо.— Мана шу боғ ўрни ҳам чўли жазира эди. Қаранг, тинч меҳнат туфайли бирпасда қандай эбод, гўзал бўлди.

— «Менинг ёш дўстларим,— деб ёзган устоз Мичурин ёшларга юборган мактубларидан бирида деди Тошпўлатов,— биз шундай даврда яшаймизки, бу даврда инсоннинг энг олий шиори фақат дунёни изоҳлашгина эмас, шу билан бирга, уни ўзгартириш ҳам, уни яна ҳам яхшироқ, қизиқроқ ва ҳаёт талабларига тўла жавоб берадиган қилиш, мен ўсимликларни яхшилаш устида олтмиш йилдан буён ишлайман. «Жуда кўп иш қилди» деб айтадилар. Мен айтардимки, унчалик эмас, ҳар ҳолда, яна қилиш ва яна ишлаш керак».

— «Ҳатто энг олдин қишлоқ хўжалик ўсимлигини ҳам,— дерди Иван Владимирович,— яна яхшилаш мумкин ва яхшилаш керак», деди Камолов. Бу васиятни биз амалга оширамиз.

— Мен лимон дарахти чинорга ўхшаса керак деб ўйлардим. Мана энди кўриб билдим,— деди Нур бобо.— Ҳикмат ва иродани томоша қилингики, ота-боболаримизнинг етти ухлаб тушига кирмаган, сира қиш бўлмайдиган денгиз бўйида, йилнинг тўрт фаслида ҳам кўм-кўк бўлиб ўсадиган мева ўз қишлоғимизда етиლაётир.

— Албатта,— деди Мавлон ота.— Миллион гектарлаб янги ерлар очилаётир, каналлар қазилаётир. Бу ҳам шундай ишларнинг бири...

Шу пайт икки «Победа» бирин-кетин сигнал бериб, гуриллаб боққа кириб келди. Уларнинг кетидан тўртта

янги «ЗИС» ва «ГАЗ» юк машиналарида хотин-қизлар, ёш-яланглар кириб келди.

Боғдагилар уларнинг истиқболига чиқдилар.

Келин билан куёв келиб ўтиргач, бошқалар ҳам жойларини олдилар. Биринчи қадаҳ совет халқларининг бахтиёрлиги ва дўстлиги учун кўтарилди.

Музыка чалинди. Унинг нафис оҳанглари тунги салқинда ипакдай қанот ёзиб, боғу бўстонларга ёйилиб кетди.

32

Буюк қувонч билан тонг ёришди. Бўстон уйғонди. Ботирнинг уйқусига халал бермаслик учун кўрпани унинг устига тортиб қўйди, кейин апил-тапил кийиниб, ювиниб, «Победа» машинада «Оқ олтин» колхозига жўнади.

Қишлоқ энди уйғона бошлаган. Баъзи уйларнинг мўрисидан тутун буруқсиб турарди. Деворлари оппоқ икки қаватли бинодан йиғлаётгандек гўдак товуши эшитиларди, бу товуш Бўстонга қандайдир ёқимли таъсир этди, унинг лабларига табассум югурди. Аввал беланчакда ётган кичкина гўдак, кейин эса моряк формаси кийган чиройли ўғилча кўзига кўринди...

Анча юргач Бўстоннинг хаёлини электр сушилка товуши бузиб юборди. «Октябрь» колхози боплади...» деб ўйлади. «Қанча ҳўл пахта бўлса, бирпасда қуритади...»

Кеча Бўстоннинг ҳаётида қувончли ҳодиса юз берди. Уни Тинчлик тарафдорлари Бутуниттифоқ конференциясига вакил қилиб сайладилар.

Бўстон идорага келиши билан ўринбосарига одам юборди. У келганча кабинетида у ёқ-бу ёққа юриб ўйланди. У кўкси бурмали оқ шойи кўйлак устидан ҳаво ранг шивёт костюм кийган эди. Ўзи анчагина семирган. Ҳомиладорлиги эса ҳали сезилмас эди.

— Тезда қайтсам керак,— деди у ўринбосари билан саломлашгач.

— Москва оз йўлми? Бир ой деяверинг!..— деди мош-гуруч соқолли чол.

— Кўп деганда йигирма кунда келаман. Сиз шунга эҳтиёт бўлинг: пахта топшириш бир грамм ҳам камаймасин. Машиналар кундузи пахта таҳисин. Бундан кейин кечаси бир йўл-бир йўл минерал ўғит ҳам келтир-

син. Баргларни тушириш учун самолёт билан дори се-пилган бешинчи, саккизинчи бригадаларнинг гўзалари тайёр бўлиб қолибди. Терим машиналарини бугун ўшаларга юборинг. Бошқа ишлар бу блокнотга ёзилган.

Бўстон кичкина кўк блокнотни Райимберди отага узатди.

— Хотиржам бўлинг, топшириқларингиз кўнгилдагидек бажарилади,— деди чол.

Бўстон ферма мудири, агроном, бригадирлар билан ҳам алоҳида-алоҳида суҳбатлашди.

Бўстон билан бирга кетиш учун Ботир ҳам илмий командировкани тезлатишни правлениедан сўради. Правление унинг илтимосини қондирди.

Кечқурун колхоз активлари Ботир билан Бўстонни Москвага узатиб қўйдилар.

Москвага биринчи марта келган Бўстон эса қушдек талпинар, ҳамма нарсага қарар, ҳамма нарса унга жозибали, гўзал бўлиб кўринар.

Шу кунлари Москвада ўзбек артистларининг концерти давом қиларди.

Ботир билан Бўстон Большой театрга кирдилар. Деворлари олтин билан ҳалланган, саноқсиз тилла қандиллар билан ёритилган беш ошёналик бу улуғ зал ажойиб эди. Бўстон ҳайрат билан ҳар тарафга кўз югуртирар, тез-тез саҳна томонга қараб қўярди. Мана, Ҳалима Носированинг тиниқ, ёқимли овози залда жаранглади. Ҳамманинг юзида табассум жилоси кўринди. Кучли музика садоси остида қорақалпоқларнинг «Тўй» ўйини бошланди. Саҳнанинг бир томонидан юздан ортиқ қиз билан келин, иккинчи томонидан шунча йигит билан куёв қувноқ, шўх ашула айтиб саҳнага кириб келдилар. Саҳна тўлиб жонланиб кетди.

Саҳнада ихчам кийинган раққоса пайдо бўлди. У жозибали музика садолари остида Ўзбекистонда баҳор бошланганини, республика ғайрат билан чигит экишга киришганини акс этдирди. Чилдирмалар «гум-так, гум-так» қила бошлади. Артистка ўйин билан саратоннинг жазиллама иссиқ пайти келганини, қуёш ўз нурини аямай ерга тўкаётганини, колхозчиларнинг эса, мардонавор кетмон уриб, жўяклар орасидан илгари сил-ляригганини кўрсатди. Ниҳоят, пахтазорнинг тонг юлдузларидек чарақлаб, чаман-чаман очилганини, колхозчи қиз-йигитларнинг энг шимариб, ғайрат билан теримга

тушганларини гавдалантирди, ўйин охирида у бир этак пахтани хирмонга тўкди-ю, лиқ тўла залга қараб таъзим этди ва югуриб ичкарига кириб кетди. Шу пайт қудратли қарсақлар жаранглади. Бу ҳурмат ўзбек совет пахтакорига қилинаётганини Ботир ҳам, Бўстон ҳам юраклари билан ҳис этдилар, қувондилар, уларнинг кўзларига севинч ёшлари келди. Улар ўз ишлари билан мамлакатимиз қудратини оширишда муҳим роль ўйнаётганликларини чуқур ҳис этдилар. Зар-зеварлар билан ярқираган Бухоро рақси, шўх Хоразм халқ ўйини, Андижон ёшлар рақси томошабинлар кўз олдидан рангбаранг бўлиб ўта бошлади ва ҳаммада кучли таъсир қолдирди. Шу орада парда очилиб пахтазорлари, боғ-бўстонлари, фабрика-заводлари ва азамат ГЭСлари билан гуллаб яшнаётган Совет Ўзбекистони кўринди. Зал ларзага келди, ҳамма ўрnidан турди.

Концерт юксак руҳ, қувноқлик билан ўтди. Ботир билан Бўстон театрдан чиқиб, гостинцага кетдилар. Улардаги ҳаяжон, завқ-шавқ ҳали ҳам босилмаган эди. Ҳар қайсиси ўз хотираси билан банд бўлиб анчагача жим бордилар.

Тун яримдан ошган бўлса ҳам кўзларига уйқу келмади, узоқ вақтгача суҳбатлашиб ўтирдилар.

28 ноябрда Ботир Мичуринск шаҳрига жўнади. Бундан мақсад мевачилик соҳасидаги сўнгги янгиликлар билан танишиш ва ўз тажрибалари, эришган натижаларни ҳақида у ердаги илмий ходимлар билан фикр олишиш, ўртоқлашиш эди.

Бўстон уни вокзалга узатиб чиқди. Бўстон хомуш турарди. У ўйчан кўзлари билан Ботирга боқиб, табассум қилди ва вагон деразаси ёнига келди-да, қора қошларини чимириб, секин: «Тезда келинг» деди.

Поезд қўзғалди, вагонлар аста-секин силжиб минут сайин суръатини тезлатди. Ботиржон вагон деразасидан қўлларини силкитиб узоқлашмоқда эди. Бўстон рўмолчасини бир неча марта силкитиб қўйди. Қора кўзлар бир-бирига ҳарорат билан тикилиб турган ҳолда узоқлашдилар. Ботиржон кўздан ғойиб бўлди. Охирги вагон ҳам кўринмай қолди. Шу пайт Бўстоннинг кўзидан икки томчи ёш оқиб тушди. Вокзал унга тамоман бўшаб қол-

гандек туюлди. Одамларниг говур-ғувурлари, паровозларнинг вишиллаши, гудоклари, ҳеч нарса қулоғига кирмади. Бўстон анча вақтгача поезд кетган томонга қараб тургач, бир сесканиб, ҳушига келган кишидек кетига бурилди. Тетиклашиб, кўзини рўмолча билан артиб, тез-тез жўнади.

У номерга келиб юраги сиқилди, тезроқ конференция бошланса эди, деб ўйлади. У турмушга чиққандан буён биринчи марта Ботирдан ажралиб ёлғиз қолаётган эди.

Номерини беркитиб, пастга тушди. Шовқин-суронли катта кўчадан юриб Қизил Майдон тарафга қараб кетди. Қор учқунлаб турар, кеча совуқ эди. У В. И. Ленин мавзолейи олдидан аста-секин юриб ўтди. Бўстон унга қараб-қараб борди, ҳамма ёқ қор билан қоплангач. Кремль деворлари ёнидаги арчалар ҳам оқариб турарди.

Кеч ҳам тушиб қолди. Бўстон гостинцага келиб овқатланди-ю, бир тўда вакиллар билан бирга Союзлар уйининг Колонна залига қараб кетди. Шу пайт Советлар Иттифоқининг ҳамма ўлкаларидан юборилган халқ вакиллари бу тарихий бинога оқиб келмоқда эдилар. Юзларча тилла қандиллар билан ёритилган ҳашаматли зал одам билан лиқ тўлди.

Конференция очилди. Ғоят эътибор билан алангали нутқлар тингланди. Ҳар хил касб, ҳар хил табақа вакиллари сўзга чиқдилар. Ҳамма жаҳонда тинчлик сақлаш, халқаро тинчлик лагерининг етакчи кучи бўлган Совет Иттифоқини ҳар тарафлама мустаҳкамлаш ҳақида гапирди...

Конференция тугаб, тўрт кун ўтгач, Ботир қайтиб келди.

Бўстон овқатланиб келиб, кроватда чўзилиб ухламоқда эди. Ботир қўлида катта чамадон билан эшикни чертди.

Бўстон уйғониб кетди. Ўрнидан турган эди, дераза олдида сочини тараб турган Ботирни кўриб қолди, кучли бир ҳарорат билан унинг қучоғига отилди.

— Нега бунча кечикдингиз?— сўради Ботирнинг кўкрагига бошини қўйиб турар экан, Бўстон.

— Узоқлаб кетганим учун кўп совға олиб келдим,— деди Ботир.

Ботир чамадонни очди. Унда лойи билан олиниб, совуқдан зарарланмаслиги учун пахта ва латтага ўроғлиқ

ҳар хил мева кўчатлари бор эди. Бўстон табассум қилиб: «Жуда яхши совға» деди.

Ниҳоят, улар Москвадан жўнадилар, вагон деразасидан қараб секин куйлардилар:

«Шонли тарихимиз буюк истиқбол,
Ҳаммаси юзингда равшан — намоён.
Ақл-идрок бердинг ва баланд иқбол,
Юксал, э забардаст шаҳар, жонажон!»

Улар ватанпарварлик бурчларини бажариш учун кўтаринки руҳ ва жўшқин илҳом билан кетарканлар, юраклари Кремль ёқут юлдузлари нури билан равшан эди.



Тузатиш

Бет	Сатр		Хатоси	Туғриси
	юқоридан	пастдан		
58	—	5	кочқомоллар	комсомоллар
74	14	—	Ўқидингиз	Ўқилдингиз
92	3	—	маҳкамдонасиз	маҳмадонасиз
121	2	—	мақоли	мақола

170-заказга.